


Хожа Самандар Термизий

ДАСТУР УЛ-МУЛУК

*Еафур Еулом номидаги Адабиёт
ва санъат нашириёти*




Хожа Самандар Термизий

ДАСТУР УЛ-МУЛУК

Подшоҳларга қўлланма

Форс-тожик тилидан эркин таржима,
сўзбоши, изоҳлар муаллифи
ЖАББОР ЭСОНОВ

86/8



Тошкент

Faafur Fulom nomidagi Adabiyet va san'yat nashriyoti
1997

63.3(5У)
Т 41

Уибу китобни мустақил
Ўзбекистон Республикасининг
олти йиллигига ва қадимий,
ҳамиша нағқирон Термиз
шахрининг 2500 йиллигига
бағишлайман.

Таржимон

ТАҚРИЗЧИЛАР:

филология фанлари доктори, профессор АҲМАД АБДУЛЛАЕВ;
филология фанлари доктори Сайдбек ҲАСАНОВ;
филология фанлари доктори, профессор ҚУДРАТ ЖҮРАЕВ

Мазкур асарнинг нашр этилишида молиявий ва маънавий жиҳатдан
ёрдам берган Сурхондарё вилоят ҳокими Жўра Норалиевга, вилоят дон
комбинатининг бошлиги Пиримқул Алиёровга, Аҳмадхон Абдураҳмон
ўғлига, китобнинг ёзилиши учун шарт-шароит яратиб берган Термиз
Давлат университетининг ректори, профессор Назар Тўраевга ҳамда рек-
торнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, профессор Шукур Хуррамовга
таржимон ўз миннатдорчилигини билдиради.

Термизий,Хожа Самандар.

Дастур ул-мулук: Подшоҳларга қўлланма /Форс-тожик
тилидан эркин таржима, сўзбоши, изоҳлар муаллифи: Ж.
Эсонов.— Т.: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашри-
ёти, 1997.— 2726.

Шарқ мумтоз педагогикаси ва жангномасининг ажойиб намунаси
булган Хожа Самандар Термизийнинг "Дастур ул-мулук" асари Жаббор
Эсонов томонидан биринчи марта эркин таржима қилинди. Унинг бу
таржимаси сўзбоши, изоҳлар билан китобхонларга тақдим этилмоқда.

Тарихимизни, анъанавий этикамизни янада чукурроқ ўрганишда, дав-
лат юритиши тамойилларининг шарқона моҳиятини англаб етишда бу китоб
тоят муҳим аҳамият касб этади.

ББК 63.3 (5У)+63.2

Т 4702620101 — 29
М 352 (04) — 97 қатъий буюртма, 97 © Жаббор Эсонов, 1997
(тарж.)

ISBN№ 5-635-01607-3

*Барча ватандошларимизга мурожаат
қиламан: бугун ҳаёт қанчалик оғир
бўлмасин, маънавиятимиз ва мадани-
ятимизни унутмайлик!*

Ислом Каримов


СЎЗБОШИ

ХОЖА САМАНДАР ТЕРМИЗИЙ

XVII асрнинг 30-йилларида туғилиб, XVIII асрнинг 30-йилларигача яшаб, 100 йилдан ортиқроқ умр кўрган, замондошлари Мирзо Юсуф ва Малеҳо Самарқандий томонидан оловқалб, ўткир тишли адаб деб таърифланган Хожа Самандар Муҳаммад ибн Бақо Термизий ўз замонасида маънавият дастурини тарғиб этган таниқли алломаларидан бири бўлган. Зотан унинг тахаллуси бўлган Самандар тушунчаси ҳам унинг руҳиятига монанд эканлигидан даголат беради. Унинг замондошлари адабни афсоналарда олов ичида туғилиб, олов ичида яшаган самандарга ўхшатадилар. Ҳақиқатдан адабнинг "Дастур-ул-мулук"/"Подшоҳларга қўлланма"/ асарини ўқир эканмиз, унинг оловмонанд руҳият соҳиби, маънавият тарғиботчиси эканлигига ишонч ҳосил қиласми.

У ҳижрий 1107, мелодий 1695 йилда ёзилган "Дастур-ул-мулук" асарининг хотимасида шундай деб ёзган эди: "Илтимосим шуки, агар ўзининг гўзал, дилбар мазмуни билан ҳамманинг назарида жилва қила олса, бунинг шоҳиди бўлган одам бутун жони-дили билан уни кўришга ва ўқишга ҳавас қиласа, уни ўқишга рағбат уйғота олса, асар муаллифини "Қуръон"нинг онаси — ёқимли "Фотиҳа" сурасини ўқиб ёд этинглар".

Шу боис Малеҳо Самарқандий томонидан "Шариф зот" деб таърифланган Хожа Самандар Термизий, унинг асл Ватани, авлодларининг шажараси, ўзбек адабиётида жуда кам ўрганилган "Дастур ул-мулук" асари билан китобхонларни ошно қилишни лозим топдик.



17457

ХОЖА САМАНДАР ТЕРМИЗИЙ ТУГИЛГАН ЖОЙ

Хожа Самандар Термизийнинг асл Ватани хусусидаги масала ҳозиргача мунозарага сабаб булиб келмоқда. Мұхаммад Бадеъ ибн Мұхаммад Шариф Малеҳо ўзининг "Музаккирул-асҳоб" тазкирасида ҳижрий 1100, (мелодий 1688 — 1689) йилда: "Самандар Хожа раис Насаф шаҳридан булиб, исми Бақодир¹", — деб ёзади. Малеҳонинг мазкур тазкирасини шу сатрлар битилган саҳифасининг ҳошиясида ҳозиргача топилмаган "Анисул-фуқаро" ("Фуқаролар дўсти") номли асарни Самандар Хожага нисбат берган номаълум бир киши: "1147 ҳижрий (мелодий 1734) йилда Хожа Мулло Бақои Самандари Насафийнинг ўз хати билан "Анисул-фуқаро"ни ёзганлигини курғанлар, мазкур санадан маълум бўладики, у шу пайтларда ҳам ҳаёт бўлган ва узоқ умр курған", — деб ёзади.

Биринчидан, Самандар Хожа юқорида қайд этилган сана (1688 — 1689) дан олти йил кейин (1695 — 1696) ўз асарини ёзиб тугаллаб, уни "Дастур ул-мулук" деб номлаганидан ва асарнинг 22-фасли хотимасида адаб ўзининг асл Ватани Термиз эканлигини муайян этганидан бехабар бўлган Малеҳо шу пайтларда Хожанинг дин раиси лавозимида Насафда истиқомат қилаётганлиги ва адаб асарининг олдинроқ Насафда ёзилган айрим фаслларида баён этилган воқеаларига асосланиб, уни насафлик деб фараз қилганлиги равшанлашади. Иккинчидан, номаълум киши Малеҳонинг ўз тазкирасида Самандар Хожани насафлик деган фикрига эргашиб, айнан мазкур сатрлар ёзилган саҳифанинг ҳошиясида Хожа Самандарни насафлик деган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

1971 йилда Самандар Термизийнинг "Дастур ул-мулук" асарининг Ленинград ва Тошкентда сақланаётган

¹ Мұхаммад Бадеъ ибн Мұхаммад Шариф Малеҳо, Музаккирул-асҳоб, қўлёзма рақами Д — 710, 33ОБ-бет. (Таржима муаллифи — Ж.Э.)

² Мұхаммад Бадеъ ибн Мұхаммад Шариф Малеҳо, Музаккирул-асҳоб тазкираси, қўлёзма рақами 2613, 70-саҳифа. (Таржима муаллифи Ж.Э.)

құләзмалари асосида форс-тожик тилидан рус тилига таржима қылған ва фотонусхаси билан Москвада нашр эттириб, адіб ҳақида биринчи бұлиб дікқатға сазовор фикрларни баён этганды М. А. Салохитдинова¹ аввали Хожа Самандарнинг термизлик эканлиги ҳақида мулоҳаза юритади, кейин адібнинг замондоши шоир Маҳжур Тошкандининг "Мен бу шеърни муборак раислик лавозимида ишлаётган Мұхаммад Хонақоҳийга ёздім",— деган жумласига таяниб², адібни Ҳисори Шодмон (Тожикистан Республикаси) ҳудудининг Хонақоҳ қишлоғидан бұлса керак, деган мужмал фикрни баён этади. Шу боис 1990 йилда Хожа Самандар Термизийнинг "Дастур-ул-мулук"³ асарининг қисқартма нашрини 657 сұзнинг шархи билан нашрга тайёрлаб, Душанбенинг "Адіб" нашриётида бостирган С. Ҳалимов томонидан ҳам, "Намунаҳои насри форсу тожик асрҳои XV то аввали асри XVIII" /учинчи жилд/ номли китобининг 419-саҳифасида ҳам "Хожа Самандарнинг асл Ватани Ҳисори Шодмоннинг Хонақоҳ қишлоғидир, у ёшлик йилларини шу қишлоқда үтказған",— деган фикр тақрорланади.

Хожа Самандар Термизий "Дастур-ул-мулук" асарининг муқаддимасида"... яна менга Оллоҳнинг жамолига эришмоқ учун бутун күч-құвватимни жадал ва шиддат билан шу йүлда сарфлаш ва унга етишиш каби бир хислат ҳам насиб этганды",— деган сұзларига зәтибор жалб этилса, уннинг ҳам Хожа Ҳаким Ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбандий сингари башарий сифатлардан үзини тиийб, худо сифатларига, маърифатта, тариқат машойихлари, улуғларига эришмоқ учун жуда күп йиллар дарвиш сифатида хонақоҳларни үзига ватан қылғанлиги, Термизда яшаган пайтида ҳам, Насафда дин раиси лавозимида ишлаган йилларида ҳам, ҳатто умрининг сұнгти йилларида, Қоптүқай қишлоғида яшаб турғанида ҳам хонақоҳлардан қадам узмагани боис Хожани "Мұхаммад Хонақоҳий"— деб атаган бұлишлари әхтимолдан узоқ әмаслиги муайянлашади. Уннинг оқ жулдур-йиртиқ түн кийиб, жуда юпун,

Хожа Самандар Термези. "Дастур-ул-мулук" /Назидание государям/ факсимеле старейшей рукописи, перевод с персидского, предисловие, примечания и указатели М. А. Салахиддиновой. Издательство "Наука", Главная редакция Восточной литературы, Москва, 1971г.

² Хожа Самандар Термези. Дастур ул-мулук, Москва, 1971, фото факсимеле нусхаси, 372-бет, форсча матнинг таржимаси Ж. Эсоновники.

³ Убайди Зоконӣ, Ҳикоёти лотиф; Самандари Термизий, Дастур-ул-мулук, Душанбе, 1990.

фақирона ҳаёт кечирғанлиги асарнинг кириш, 20-22-фаслларида баён этилган дарвишлик ҳаёт тарзи, ишқ /Худонинг ишқи/ ва дунёning бевафолиги хусусидаги тасаввуфга доир фикрлари ҳам шундан далолат беради. Шоир Маҳжур Хожанинг ана шундай руҳиятини, одатини назарда тутиб, уни Хонақоҳий деб атаган бўлиши мумкин.

ЕТТИ АВЛОДИНИ БИЛГАН КИШИГА САВОБ ЁГИЛАДИ

(“Ҳадис”дан)

Пайғамбаримиз ҳадисларида башорат этилган шу муборак сўзлар туфайли 1994 йилда Хожанинг асл Ватани Термиз эканлигини муайян этувчи янги саҳифа очилди. Шу сатрлар муаллифи 1994 йил апрель ойида университетнинг анъанавий илмий-назарий анжуманида “Дастур ул-мулук” — дидактик асар¹ мавзусида маъруза қилди. Шу маърузадан бир неча кун кейин термизлик қишлоқ ҳужалиги фанлари номзоди Омон Жамолов ўзбек ва тожик адабиёти кафедрасига келди. Мен Омонжонни олдиндан танир эдим, у билан саломлашдим. Саломдан кейин у адабиёт кафедрасига келиши сабабини баён этди: “Жаббор aka, яқинда университетнинг илмий анжуманида бизнинг бобомиз Хожа Самандар Мұхаммад Бақо Термизий ҳақида маъруза қилингандигини эшитдим. Шу сабаб сизнинг ҳузурингизга келдим, Хожа Самандар менинг бош бобом бўладилар, мен у кишининг еттинчи авлоди бўламан. Мен ва менинг болаларимдан бошқа Термиз, Жарқўргон, Қумқўргон, Қизириқ туманларида бобокалонимизнинг юздан ортиқ олтинчи, еттинчи авлодлари яшайди”.

Суҳбатимиз узоқ чўзилмади. Чунки Омонжон бобокалони ҳақида билганларини, эшитганларини хатта тушириб келган экан, хатни менга қолдириб, матбуотга эълон қилишимни сўраб, хайрлашиб чиқиб кетди. Хатда шундай деб ёзилган: “Хожа Самандар Мұхаммад Бақоий Термизий менинг бобокалоним бўладилар, мен у кишининг еттинчи авлоди бўламан. Отам Сайд Жамолхон 1906 йилда туғилган булиб, бобокалонимнинг олтинчи авлоди, Мулла Абдухолиқхўжа, мулла Мирзабоқихўжа бешинчи авлодлари, мулла Орифхон иккинчи авлодидир. У киши аслида

¹ Шу сатрлар муаллифи Ж. Эсонов томонидан Хўжа Самандар Термизийнинг ҳаёти, фаолияти ҳақида “Сурхон тонги” газетасининг 1996 йил 16 апрель сонида мақола эълон қилинди. Шу мақоладан кейин Хожанинг авлодлари йигилиб, Аҳмаджон Қаюмов бошчилигида Қоптўқай қишлоғида ҳароб булиб ётган қабри устига ихчам мақбара қурдилар.

термизлик сайидлардан бўлганлар. Бобокалонимиз ўткир сўз устаси, шоир, донишманд, пир, катта мулла бўлганлар. Шу боис халқ бобокалонимизни ниҳоятда ҳурмат қилган. У кишини фуқароларнинг дўсти деб аташганлар. Ёшлигимда, 1940 — 50-йилларда бобокалонимиз авлодларига мансуб бўлган кишилар уйимизга жам бўлишиб, у кишининг авлодлари ҳақида, ўзлари тўғрисида ҳикоя қилиб, шेърларидан, асарларидан ўқиб доно фикрларига қойил қолар эдилар".

Шуниси диққатга лойиқки, Омон Жамоловнинг хатидағи кўп маълумотлар бобокалонининг "Дастур-ул-мулук" асарида ва юқорида қайд этилган манбаларда баён этилган фикрларга деярли мос келади. Хатда Хожа дастлабки маълумотни Термизда олганлиги, кейин Бухорода, Балхда ўқиши давом эттирганлиги, дарвиш сифатида жуда кўп йиллар жаҳон кезганлиги, ҳатто Ҳиндистонда ҳам бўлганлиги, ниҳоят Бухорога қайтиб, Абдулазизхон ва Субҳонқулихонларнинг эътиборини ўзига жалб этганлиги, элчи, жангчи, тарихчи, олим сифатида уларнинг юришларida иштироқ этганлиги, камтарона, юпун ҳаёт кечирганлиги, хонақоҳларни ўзига манзил қилиб олиб, аксарият вақтини Оллоҳга тиловат қилишга бағишлаганлиги, Насаф (Қарши)да икки марта дин раиси вазифасига тайинланганлиги батафсил ёзилган.

Омон Жамоловнинг қўлёзмасидаги қуйидаги маълумотлар, ривоятлар бобокалонининг ҳаёт йўлини янада ойдинлаштириб, янги саҳифа очди. Хатда ёзилишича, XVIII асрнинг бошларида, Убайдуллохон тахтга ўтиргандан сўнг, Бухорода, Насафда, Термизда яна кетма-кет исёнларнинг кўтарилиши, ўзаро урушлар бошланганлиги сабабли Хожа Самандар Термизий Насафдан ўз кишилари билан биргаликда уша пайтларда бир қадар тинчроқ бўлган Ҳисори Шодмонга кўчиб, шу ҳудуднинг Хонақоҳ деган қишлоғида яшай бошлаган. Манбаларда ва муаллифнинг "Дастур-ул-мулук" асарида ҳам Хожанинг Ҳисори Шодмонга кўчиши хусусида маълумот йўқ. Бироқ М. А. Салоҳиддинованинг 1971 йилда Москвада босилган рус тилидаги таржимасининг сўзбошисида Насаф шаҳри жамоатчилиги орасида катта обру-эътиборга молик бўлган Хожа Аваз деган бир шахс бошчилигида Хожа Самандарга қарши туҳмат, ифво уюштирилганлиги, бу туҳмат, иғволарга ишонган Хожанинг яқин одамлари ҳам ундан юз ўғиргани боис, у хилватга чекинганлиги ҳақидаги фикр баён этилган. Тўғри, "Дастур ул-мулук" асарида муаллифнинг ўзи: "Қарши кафасида яшаган пайтларимда иккинчи марта дин

раислиги лавозимига сайлатмаслик учун ярамас **Хожа Аваз** бошчилигига жуда катта туҳматлар, иғволар тарқатилди.—**Бу қабиҳ иғволар дин раислиги лавозимига тайинлангунимча давом этди**,— деб жуда катта ачиниш ва дард билан ҳикоя килади. Бинобарин, у шу иғволар боис хилватга чекинмаган, Қаршини тарк этмаган, кўчиб кетмаган, балки яна Қаршида дин раиси бўлиб ишлашни давом эттирган. Шу боис Омон Жамоловнинг ўз бобокалони XVIII асрнинг бошида Бухорода, Қаршида, жумладан, Термиизда ҳам нотинчлик кучайгани учун Ҳисори Шодмонга кучганлиги ҳақидаги фикрига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Чунки XVIII аср бошида, Убайдуллахон тахтга ўтиргандан сўнг, Бухорода, Балҳда, Қаршида, айниқса, Термиизда ўзаро қабилавий урушлар янада кучайган.

Хожанинг олтинчи авлоди Ҳошимхон Камоловнинг ҳикоя қилишича (Қизириқ тумани) Самандар Термизий Ҳисори Шодмоннинг Хонақоҳ қишлоғига яшаган пайтида дастлаб Ҳисор беги билан жуда яхши муносабатда бўлган. Лекин бу муносабат узоққа ҷузайлмайди. Ҳисор беги Хожа Самандарнинг кенжা қизи Бибиширинга ошиқ булиб совчи юборади, Хожа Самандар оқсуяқлар /сайдилар/ авлодидан бўлганлиги боис, бек совчиларига рад жавобини беради. Бек билан келишмовчилик бошланади. Бек, агар Хожа эшонлар авлодидан бўлса, кароматини кўрсатсан, деб ғазаб қиласди. Шу боис Хожа, ривоятларга кўра, қор устига ҳандалак тухумини қадаб, қишда ҳандалак етиштириб бекка юборади. Лекин бу билан бекнинг кўнгли таскин топмайди. Шу воқеа сабаб хожа бир кечаси ўз уруглари ва муридлари билан кўчиб кетишга қарор қиласди. Жуда кўп мамлакатларда, шаҳарларда бўлиб, мусофиричилик қийинчилкларини бошидан ўтказган Хожа Самандар энди ўз юрти Сурхон воҳаси томон юзланади. Йўлда кечаси ваҳшиб оқаётган Кофирнигоҳ /Кофарниҳон/ дарёсидан ўтишга тўғри келади. Ривоят қилишларича, Хожа ўзлари билан келганларга: "Кўзларингни юмид, бисмиллоҳир раҳмонир раҳим деб менинг орқамдан сувга тушинглар", дейдилар. У кишининг орқасидан сувга тушган ҳалойиқ бирор жойи ҳул бўлмасдан дарёнинг бериги бетига эсономон ўтиб олади. Муридларидан бири кечикиб қолган экан: "Пирим, мени қолдирманг",— деб дарёнинг нариги қирғоғидан қичқиради. Пир унга: "Кўзингни юмид,

Қаранг: Ўзбекистон тарихи, тўрт томлик, биринчи том, Тошкент, 1970, 568 — 572-бетлар.



Хожа Самандар Термизийнинг бугунги авлодлари. Чапдан ўнгта:
ўтирганлар: Абдураҳмонхон Абдуқаюмхон ўғли, Самандархон Тўрахон
ўғли, мазкур асар таржимони, олим Жаббор Эсонов, Аҳмаджоҳи Абду-
холиқхон ўғли; тик турганлар: Абдуллоҳимхон Аҳмадхон ўғли,
Аҳмадхон Абдураҳмонхон ўғли, Тўрахон Бўрикон ўғли.

бисмиллоҳир раҳмонир раҳим, деб дарёга тушгин", — деб
буюрадилар. Унинг ҳам бирор жойи ҳўл бўлмасдан дарёдан
эсон-омон ўтиб олади ва гуруҳига қўшилади.

Хожа ўз карвони ва одамлари билан, ўша вақтда ҳали
Термизда нотинчлик давом этаётганлиги учун, бир жойга
келиб тушади. Шундан бери бу жой ҳозирга қадар ҳам
Карвонтушди номи билан аталади. Ушбу жойни Хожа
ўзига маскан қилиб олади. Қамишларни ўрдириб, тўқайдаги
сувларни қуритиб, анча-мунча суғориладиган ер очади.
Чорвачилик ва деҳқончилик ишларини ривожлантиради. У
киши деҳқончилик қилган жой ҳозирги Қоптўқай,
Тоқтўқай, Бедовтўқай, Жалойир ва Карвонтушди қишлоқлари
ҳудудига тўғри келади. Бек одамлари келиб,
Хожадан ер, сув учун бож тўлашни талаб қилганларида,
Хожа Самандар пайғамбар авлодидан бўлганлиги учун ҳар
қандай тўловдан озод этилсин, деб ёзилган Бухоро хони
томонидан берилган васиқани кўрсатиб, солиқ
тўламайдилар. Омон Жамолов, Ҳошимхон Камоловларнинг
айтишларича, бу воқеалар тахминан 1705 — 1715 йилларга
тўғри келади.

Юқорида номлари эслатилган қишлоқларда яшовчи
қариялар ва Хожанинг авлодлари билан бўлган

суҳбатларда унинг руҳияти билан бөглиқ бўлган масалалар ойдинлашади. У катта ер-сув соҳиби булишига қарамасдан, қўл остидаги деҳқонлари билан баб-баравар ишлаган, олинган ҳосилни тенг бўлган, ўз одамлари, деҳқонлардан ортиб қолган дон ва бошқа нарсаларни бева-бечораларга, етимларга, сағирларга эҳсон қилиб берган. Аммо ўзи бир дарвиш сифатида, Малеҳо Самарқандийнинг берган маълумотига кўра, бошида жун қалпоқ, йиртиқ оқ салла, эгнида оқ жулдуру либосда жуда юпун яшаган. Бойликка ҳирс қўйишни гуноҳи азим деб ҳисоблаган.

Хожа Самандар Термизийнинг вафот йили ҳозирча маълум эмас. Малеҳонинг "Музаккирул-асҳоб" тазкираси ҳошиясидаги "Хожа Мулло Бақои Самандари Насафий" "Анисул-фуқаро"ни 1147 (1734) йилда ўз қўллари билан ёзганлар",— деган фикр эътиборга олинса, у киши 1734 йилда ҳам ҳаёт бўлган. Хожа Самандар вафот этгач, дастлаб дарё бўйига дафи этилган, лекин аллома дафи қилинган жойни аста-секин дарё ола бошлайди. Ривоят қилишларича, иттифоқо, у кишининг қабридан: "Мени дарё олиб кетяпти, суякларимни йиғиб, юқорига чиқариб дафи этинглар",— деган овоз чиқибди. Шу боис Хожа Самандарнинг қариндошлари, муридлари у кишининг суякларини йиғиб, юқорига чиқариб дафи этадилар. Тепаликда дафи этилган Хожа Самандар Термизийнинг қабри ҳозир Қумқўрғон туман Қоптўқай қишлоғининг бош мозоридадир. Демак, оловқалб, уткир сўзли адабнинг жисми ҳам ўз Ватанида дафи этилган экан.

Шу сатрлар муаллифи 1995 йилнинг апрель ойида шифохонада 70 ёшлиар чамасидаги Қобилов Нурхон деган барваста, нуроний мўйсафид билан учрашиб қолди. У Хожа Самандар Термизийнинг "Дастур ул-мулук" асарининг таржимасини "Сурхон тонги"¹ газетасида ўқиб хурсанд бўлганлигини айтиб, бир ҳайратомуз воқеани ҳикоя қилди: "1960 — 1965 йилларда Жарқўрғон район партия комитетининг иккинчи секретари бўлиб ишлардим. Ўша пайтларда биз идорада жуда кам бўлардик, тоҳ у жамоа хўжалигига, тоҳ бу жамоа хўжалигига вакил бўлиб юрар эдик. Бир гал мен "Октябрь 50 йиллиги" (ҳозирги Нурма-

¹ "Дастур ул-мулук" таржимасининг кириш қисми ва 9-фасли "Сурхон тонги" газетасининг 1994 й. IX, X, XI ойларида; "Жасорат" номли 2-фасли "Ватанпарвар" газетасининг май ойида босилган.

мат Мирзаев) номли жамоа хўжалигига вакил бўлиб бордим. Жамоа хўжалигининг раиси Нурмамат Мирзаев билан бир мактабда ўқиганимиз боис, бир-бири мизни ниҳоятда ҳурмат қиласадик. Чамаси, май ойларининг боши эди, иккаламиз от миниб, дарё ёқалаб кетаётган эдик, бирдан тоғ томонни қоп-қора булат қоплади ва зум ўтмай, қалдир-қуллур бошланиб, ёмғир шиддат билан ёға бошлади. Биз ўзимизни дала шийпонининг тагига олдик. Нурмамат; "Сел келиб қолмаса эди",— деб ташвишлана бошлади. Айтганидек, ярим соат ўтмасдан шундай кучли сел кела бошладики, дарё қирғозларини юваб, қовлаб, жар қилиб, қулатиб, энди гина икки-уч қулоқ бўлиб кўкариб чиқсан гўзаларни, шоли экиш учун тайёрланадиган пайкалларни юваб кета бошлади. Нурмамат Мирзаев колхозчиларнинг меҳнатини сел оқизиб кетаётганидан ўзини қўярга жой тополмасдан типирчилаб қолди. Ниҳоят, у ўзини қўлга олиб: "Нурхон, тез фермага бориб, ферма мудирига айтинг, иккита семиз бўрдоқи қўйни сўйиб, пирамиз Хожа Самандар руҳига бағишлиб, колхозчиларга хомталош қилиб берсин, мен одамларни йиғиб шоҳ-шабба билан сел йўлини тўсишга ҳаракат қиласман",— деди. Отни миниб тез ферма томон чоптириб бордим, ва Нурмамат Мирзаевнинг топширигини ферма мудирига етказдим, У ҳам худди шундай топшириқни кутиб тургандек, шошилинч равишда икки семиз қўйни сўйдириб, халқقا хомталош қилиб берди. Яна отни елдириб дарё бўйига бордим. Сел ўз йўналишини аста-секин ўзгартириб қамишзор томонга бурила бошлади. Кучли тошқин пахта экилган далаларнинг озроқ кисмини юваб кетган бўлса ҳам, бироқ асосий қисми сув оғатидан омон қолди. Албатта, бу бир ривоятга уҳшаган воқеа, ҳикоя деб тушунинг. Шу-шу бўлди, Хожа Самандарга нисбатан ҳурматим ошди, ҳар гал шу жамоа хўжалигига йўлим тушганда, Қоптуқай қишлоғига бориб, у кишининг қабрини зиёрат қиласадиган бўлдим. Ўғилларимдан бирининг исмини Самандар қўйдим, ҳозир шу ўғлим вилоят ички ишлар жиноят қидирув бўлимида ишлайди".

Биз Қоптуқай қишлоғига бориб, адабнинг мозорини зиёрат қилдик. Омон Жамоловнинг хатида ёзилган маълумотларни ва бошқаларнинг фикрларини қай даражада тўғри эканлигини ойдинлаштириш учун Хожанинг 6 — 7-авлодларидан бўлган Мулла Аҳмад Ҳожи, Ҳошимхон Камолов, Аҳмадхон Қаюмов ва бошқалар билан

суҳбатлашдик. Суҳбат жараёнида юқорида айтилган фикрлар тӯғри эканлиги ойдинлашди.

Хожа Самандар Мұҳаммад Бақо Термизийнинг бобокалонлари: Имом Ҳусайн /Пайғамбарнинг набираси/ Зайнулобиддин (имом Ҳусайннинг ўғли); Султон Содот¹ — сайидлар султони — Амир Сайд Али Акбари Термизий; Шоҳ Мирзо Гадой Сайидхожа; Сайд Мирзо Лапасхожа; Сайд Бақо Эшон (Хожа Самандар Мұҳаммад Бақо Термизийнинг отаси) ва унинг Пошшакожа, Ўзбекхожа, Пошшойимхожа ва Абдукаримхожа номли тўртта ўғли борлиги, уларнинг кейинги шажаралари аниқланди. Бинобарин, адабнинг тўла номи Хожа Самандар Мұҳаммад ибн Бақо Термизий бўлиб, Мұҳаммад ўзининг номи, Самандар унинг тахаллуси. Малеҳо ва номаълум кишининг айтгандаридек, Бақо адабнинг исми эмас, балки отасининг исми эканлиги ойдинлашди.

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон, Қумқўрғон ва Қизириқ туманларида Хожа Самандар Мұҳаммад ибн Бақо ҳақида гап очилса, у кишини ҳамма жуда катта ҳурмат билан "пир" деб тилга олади. Балки пирлар шажарасига киритилган Ҳазрати Мұҳаммад Боқий Хожа Самандар Мұҳаммад ибн Бақо Термизий бўлиши мумкин. Бинобарин, Хожанинг ҳаёт тарзи ҳам ўзи ва Малеҳо таъриф-тавсиф этганидек, пирларнинг руҳиятига монандdir.

Хожа "Дастур ул-мулук" асарининг муқаддимасида ўзининг ҳаёт тарзи хусусида қўйидагича ёзган эди: оташпаастлик ибодатхонасини тарқ этиб, қаландарлик мамлакатида мустақил истиқомат қилувчи (З-изоҳга қаранг) Самандар ҳикоя қиласи: аввалида мен ҳам қаландарлик ҳаёт тарзи зинапояларидан юқори кўтарилиб, камол топдим ва дарвиш-қаландар сифатида шуҳрат қозониб, ҳаммага танилдим... менга Оллоҳнинг жамолига эришмоқ учун, бутун куч-қувватимни жадал ва шиддат билан шу

¹

Бир қатор адабиётларда, жумладан, В. В. Бартолдда ҳам/Собр.соч.Т. III с. 507/ А. А. Семеновда ҳам /Происхождение Термезских сайидов и древняя усыпальница Султан Садат" Т. 1914 с. 16 /ҳам ҳалқ этимологиясига асосланиб Султон Саодат хотин кишининг номи булса керак деб гумон қилинади. Аслида Саодат эмас, Содот дейиш керак. Содот арабча бўлиб, бирлиги сайид, кўплиги сайидлар демакдир, Яъни сайидлар султони маъносини англатади. XV асрнинг машҳур шоири, музикашуноси, тил ва бошқа фанлар олими Соҳиб Балхий Шарифий тахаллуси билан Термиз сайидлари тўғрисида яхши қасидалар ёзган. Мана шу қасидаларидан бири Султон Содот /сайидлар султони/ Амир Сайд Али Акбари Термизийнинг мадҳи билан бошланади. Бинобарин, Султон Содот — Сайидлар султони Амир Сайд Али Акбари Термизийдир./ Дурданоҳи наср, Душанбе, "Адаб", 1985, 375-бет).

йўлда сарфлаш ва унга етишиш каби бир хислат ҳам насиб этган эди".

Малеҳо Самарқандий Хожа Самандар Муҳаммад ибн Бақо (Боқий)нинг дарвишлиқ ҳаёт тарзини тубандагича муайянлаштиради: "У бир муддат Наҳрпай (Самарқанд вилоят Нарпай тумани) да истиқомат қилди. Бошида жун қалпоқ, эгнида оқ жулдуру жанда, белида ваҳдат каманди (бўғов, чилвир)ни боғлаб, дарвишга ўхшаб, Оллоҳ таоло йўлига кириб, ўзини ҳаммадан четга олиб, бутун дунё лаззатларидан воз кечиб, кўпчилик ҳангомасидан бебаҳра булиб, аҳли оила ва бола-чақасидан юз ўтириб, ҳақиқат оламининг баҳру борини чизиб, машриқ ва мағриб мулкини кезиб, бутун жаҳоннинг иссиқ-совугини, аччиқ-чучугини тотиб кўриб, дил заминида пишиклиқни ҳосил этиб, бир тола соч каби хомлиги қолмаган, ваҳдад йўлида бутун борлиги билан ҳазм булиб мутасаввуф намояндасига айланниб қолган бир шариф зотдир. Кейинроҳ у ўзининг юрти Насафда сокин булиб, ҳеч ёққа чиқмасдан, мазкур тарзда ҳаёт кечирди. Ҳамиша икки қўлини Оллоҳ таолонинг дуоси учун кутарган бир муборак инсон эди!"¹

Хожа Самандарнинг термизлик эканлиги унинг кейинги авлодлари ва шажараси тақдирида ҳам яқъол куринади. Айниқса Хожанинг олтинчи авлоди бўлган Ҳошимхон Камолов ва мулла Аҳмад Ҳожининг суҳбатлари бизда жуда катта таассурот қолдирди. Уларнинг гувоҳлик беришича, 1937 йилда Хожа Самандар Термизий авлодларидан 13 мулла қамоқча олинган. Иккитаси Жарқўрғон район НКВДсининг бошлиғи Далцман томонидан сўроқ пайтида отиб ўлдирилган. Фақат мулла Абдухолиқ (мулла Аҳмад Ҳожининг отаси) қочиб, узоқ вақтлар яшириниб юрган ва 1979 йилда вафот этган. Ўнта мулла Сибирь қилинган ва дом-дараксиз йўқолган. Балки улар ҳам Петропавловскда Комсомольск шаҳрининг совуқ зиндонларида жон таслим қилгандирлар.

Хожанинг тўртингчи ўғли Абдукаримхожа шажарасидан бўлган мулла Мирзобоқихўжа 1935 йилда Афғонистонга утган, 1938 йилда Абдуллахон деган ўғил кўрган. 1979 йилда Афғонистонда нотинчлик бошлангач, Абдуллахон ўзининг қари отаси билан бирга Покистонга утади ва у ерда Афғонистонда олган билимини яна чуқурлаштириш учун бир олим қўлида б йил таълим олади.

Муҳаммад Бадеъ ибн Муҳаммад Шариф Малеҳо. Музаккирул-асҳоб, қўлёзма рақами 710,330,Б-бет.

1985 йилда Покистон ҳукумати томонидан Маккаи мукаррамадаги Покистонга қарашли масжидга имом — мутавалли этиб тайинланади. 1990 йилда ҳажга борган амакиси мулла Аҳмад ҳожини уйида бир неча кун меҳмон қилиб, ўз саргузаштларини айтиб беради ва отаси ўлими олдидан: "Қишлоғинг Қоптўқай, катта бозоринг Какайди, бобокалонинг Хожа Самандар Муҳаммад ибн Бақойи Термизий, авлодларимиз Султон Содот — Амир Сайид Али Акбарий Термизий билан боғланади, бориб сўроқлассанг топасан", — деб васият қилганлигини сўзлайди.

1992 йилда ҳажга борган Алиёров ҳожи Маҳмашариф ҳўжа — Самандар Термизийнинг кенжা ўғлининг авлодидан бўлган мулла Мирзобоқихожа ҳақида қўйидаги фикрларни баён этди. "Марҳум отамнинг айтишларича, менинг номимни Маҳмашариф деб мулла Мирзобоқихожа қўйган эканлар. У киши аслида қоптўқайлик бўлиб, бизнинг қишлоғимиз — Жарқўргон туманининг Қаришоҳ даҳаси мачитида имом — мутавалли вазифасида ишлаган эканлар. Лақаблари Мирзоқанд экан. Жамоа бўлиб намоз ўқиш ман этилиб, мачит бузиб ташлангандан сўнг ўз Ватанларини тарк этиб Афғонистонга ўтиб кетган эканлар. 1990 йилда ҳажга борган мулла Аҳмад ҳожидан мулла Мирзобоқихожанинг ўғли Абдуллахон Маккаю мукаррама Покистонга қарашли мачитда имом — мутавалли бўлиб ишлаётганларини эшитганим боис, ҳажга борганимда, у кишининг уйини сўроқлаб топдим, жуда курсанд булиб, меҳмон қилдилар. Ҳаж зиёрати охирлашгач, яна ўзлари келиб мени уйларига олиб бориб, иккинчи марта меҳмон қилдилар. Суҳбат жараёнида ота Ватани ҳали-ҳали қалблари тўрини тарк этмаганлиги яққол сезилиб турарди. Мен билан хайрлашар эканлар, чуқур бир меҳр билан ватандошларимга саломимини етказинг", деб қолдилар.

Хожа авлодлари томонидан қайд этилган бу маълумотлар унинг Термиз шаҳри фарзанди бўлганлигини ҳеч шубҳасиз тасдиқлади. Ниҳоят, Хожанинг "Дастур ул-мулук" асарининг 22-fasli хотимасида: "Азизим, бу ожиз, нотавон, мусоғир Хожа Самандар Термизий ақл олмосида суфталанган гавҳар, ҳикмат маҳакида синалган зар билан, донишмандлик жавоҳирлари билан тўлғизилган тарқоқ вароқларни жамлаб, "Дастур ул-мулук" деб номланган асар яратди. Умидим шуки, ҳаёт ва давр ҳақида тоза, оппоқ саҳифаларига битилган бу қимматбаҳо гавҳарга ўхшаш панд насиҳатларимнинг қадр-қимматига етиб, иззат-ҳурмат ила шарафлаб қабул қилгайсизлар", — деб ёзади. Унинг термизлик эканлигини тайин этувчи бу сўзлари

Насаф ёки Ҳисори Шодмон ҳудудидаги Хонақоҳдан эмас, балки асл термизлик эканлиги ҳақидаги юқоридаги маълумотни яна бир бор ойдинлаштиради ва адабнинг Ватани хусусидаги мунозараларга якун ясайди.

Бинобарин, Ҳожа таҳминан 1630 йилларнинг охирида Термизда туғилган. Бошланғич маълумотни ўз шаҳрида олган. Кейин Бухоро мадрасасида ўқиган. Юксак қобилият соҳиби бўлган ҳожа 20 ёшларда мадрасани тугатган ва авлодларининг хабар беришича, маълум муддат Нарпайда қозилик вазифасида ёки қози маҳкамасида ишлаган. Кейинроқ қандайдир сабаб боис, қозилик маҳкамасини тарк этиб, жуда узоқ йиллар дарвиш сифатида Шарқ ва Гарб ўлкаларини кезиб юрган, ҳатто Ҳиндистонда ҳам маълум муддат яшаган. 1670 йилларда яна Бухорога қайтиб, Абдулазизхон саройида воқеанавис вазифасида ишлаган. 1679 — 1680 йилларда Бухоройи шариф кӯчаларида Хоразм хони Анушахон қўшини билан бўлган қонли, даҳшатли жангларда фаол иштирок этганлиги боис, подшоҳ Абдулазизхон томонидан қалмоқ совути, ҳинд қалқони билан мукофотланади. Бухоро хонлиги таҳтига Субҳонқулихон эгалик қилгандан сўнг, унинг ҳам эътиборини қозонади. Хоннинг Хоразм подшоҳи Анушахон ҳамда маҳаллий исёнчиларга қарши олиб борган муҳорабаларида жангчи, элчи, тарихнавис олим сифатида бевосита иштирок этади. Шу йилларда 2 марта Насаф шаҳрига дин раиси вазифасига сайланади. Ўз юртдоши Маъсум Мирохур Сарой Термизий 1694 — 95-йилларда — Қарши вилоятига ҳоким қилиб тайинланган даврда "Дастур ул-мулук" асарига тартиб бериб, ёзиб тугатади. Бироқ, афсуски, бутун асари давомида шоир Турди Фарғийни, машҳур шоир ва тасаввуф намоёндаси, таниқли олим Сўфи Оллоёрни эсламайди. Балки Турдининг Субҳонқулихонга қарши исёнчилар билан бирга бўлганлиги, Сўфи Оллоёрнинг қўзғолончиларни саркардаси Ҳожа Қўлли ўтарчи уруғидан эканлиги уларнинг номини тилга олмасликка сабаб бўлгандир. "Дастур ул-мулук" асарининг таржимасини диққат билан ўқисак, адабнинг ҳаёт йўли, унинг юксак руҳияти ва юз йилдан ортиқроқ умр кўрганлиги аён бўлади.

ҲОЖА САМАНДАР ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИ

Ҳожа Самандарнинг бадиий ижод соҳасидаги юксак истеъоди билан қизиқиш ва уни таъриф-тавсиф этиш "Дастур ул-мулук" асаридаги айрим фасллар дунё юзини кўриши биланоқ бошланган эди. Чунончи, ўз даврининг

таниқли адиби ва шоири Мирза Юсуф Хожа Самандарнинг сухандонлик борасидаги улкан маҳоратини қуидаги рамзий тимсоллар воситасида тасвирлайди: "Гузал сўзлар мамлакатининг сайёхи, пурнур маънолар баҳрининг маллоҳи, билим ёқутининг ял-ял товлангувчи чироги, оғариниш муҳитининг мавжи беадоги, сўз майхонасининг сархуш бандаси, оташкадалар эҳромининг мушаклар сочгувчи шуъласи Хожа Самандар тахайюл ёғдусининг қанотлари ила, жўшқин, оташнок тили ила сухан қуши уясида чақмоқ сингари чақнаб, маъно хилватхонасида шаъм каби ёниб, назокат нурлари ила товланиб, порлаб турибдирким, ондин бир байт:

Сўз баҳрида шаъмдек ёқиб ўзимни,
Куйиб айтдим мудом фикру сўзимни.¹

У ҳамиша қаламининг учини қалб дарахтига пайванд этиб турадир ва бирор кимсадан қандайдир воқеани эшитса, ани дарҳол таҳрир этиб, битиб юрадир".

Хожа Самандар Мұхаммад ибн Бақонинг юксак маҳорат соҳиби эканлигини, унинг ўткир зеҳни, ижодий баркамоллигини таъриф-тавсиф этган адиблардан яна бири, унинг замондоши Малеҳо Самарқандийдир, у ўзининг "Музаккирул-асҳоб" асарида Хожанинг ижодий камолотини, юксак ижодини тубандагича таърифлайди: "У ёшлик айёмидан бошлаб балофат ёшигача ой каби тўлиб, юлдузлар сингари жилваланиб, камол топа борди. Ҳозир тарихким бир минг юздир /1688 — 1689/, шул қадар камол топдиким, камолот даражасига эришган хирадманлар ва энг закий кишилар ҳам унинг фазлу фаросатидан ҳайратда қолмоқдалар; ҳар қандай теран ақл ҳар қанча ҳаракат қилмасин, унинг чуқур бўлими ва донолигининг поёнига ета олмай, канорада қоладир. Хожанинг ўткир зеҳни, ҳайратомуз хотираси андоқ теран, бетимсол эдиким, тасаввур этмак мушкул эрди. Унинг дил саҳифаси файбий нукталар, каломлардан башорат бериб турарди, айниқса, латофатли сўзлари, хуш каломлари маънолар махзани эрди. Ул шариф зотга дарё янглиғ билимлар насиб этган бўлиб, талаб этилган ҳар бир билимдан хабардор эрдилар. Алалхусус, ҳукмнома /васиқа/, ҳужжат ва мактублар битмакда беназир эрди. Унинг

¹ Асардаги шеърий парчаларни форс-тожик тилидан Жаббор Эсонов таржима қилган.

² Дастан ул-мулук. Мактублар/мулоқотлар/ қисмига қаранг.


битиклари ва тил фасоҳати шул қадар гўзал ва ёқимли эдиким, инсон идроки ани қамраб ола билмагай, зотан Хожанинг соҳир услубини англаб олиш ва поёнига етиш ғоят душвор эди. У агар бирон-бир воқеани ёзишга саъ этса, бул воқеа ҳар қанча узун, турфа мазмунли бўлса ҳамки, Хожа уни муҳтасар, аммо юксак маҳорат ила, наққош каби идрокда нақш эта олар, ҳар қандай мажхул ва мавҳум маъниларни тўлин ойдек нурлантириб бера олар эди. Унинг бул ишидан фасоҳатли билимдонлар, камолот касб этган донишманлар ҳайратга тушиб, тиллари лол бўлиб қолур эди.

Бинобарин, Анушаҳон Урганжийнинг юриш қилиши ва Самарқандни истило этиши, мағлуб бўлганидан сўнг эса қайтиб кетиб Хоразмда қарор топиши каби воқеаларни ул шариф зот андоқ батафсил тасвир этганким, бу куллиёт шарофати ила ул воқеалар миридан-сиригача сақланиб келинмақдадир¹.

1890 йилда Россия Фанлар Академияси Осиё музейида А. Л. Куннинг коллекцияси таркибида Хожа Самандар Термизий асарининг қўлёзмаси ҳам рўйхатга олинган. Ушбу коллекция асосида К. Г. Залеман, бошқа асарлар рўйхати билан бир қаторда, ушбу асарни ҳам биринчи марта рўйхатга киритиб, нашр эттириди. У қўлёзманинг рўйхатга олиниш вақтини, муаллиф ва асар номини ҳам қайд этди.

Тожик олимаси М. А. Салоҳиддинова СССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида форс ва тожик тилидаги қўлёзмалар каталогини тузиш пайтида Кун коллекцияси асосида рўйхатга киритилган Хожа Самандар Термизийнинг қўлёзмаси унинг эътиборини жалб этади. Қўлёзманинг учдан икки қисми соф тарихий воқеаларга бағишлангани учун 1960 йилда ўtkazilgan sharqshuno slarning XXV Xalqaro anjumaniida olima biringchi bўlib /ҳаммуаллифликда/ ушбу қўлёзмада баён этилган тарихий воқеалар ҳақида ахборот беради. 1964 йилда Эрон филологияси бўйича ўtkazilgan IV Butunittifoқ ilmij anjumaniida M. A. Salohiddinova "Ўрта Осиё тарихига oid янги манба" мавзусида иккинчи марта маъруза қиласи. Бу маърузада "Дастур-ул-мулук" асари хусусида қисқача маълумот берилиши билан бирга, унинг ўзига хос тарихий манба эканлигини ёритишга ҳаракат қилинган.

1 Малеҳо Самарқандий. Музаккирул-асҳоб, қўлёзма рақами Д-710, 320 бет. /Форсчадан таржима муаллифи Ж.С.



Таниқли олма ўз илмий ишлари доирасини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган, 1107 /1695 — 1696/ йилда — Хожа Самандарнинг ўзи тириклик пайтида кўчирилган 1468 рақамли энг қадимги, 1245 /1829/ йилда кўчирилган 4468 рақамли ҳамда СССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган, 1242 /1827/ йилда кўчирилган қўлъёзмаларни қиёсий ўрганиб, улар асосида матнлардаги хатоларни тузатиб, асарнинг факсимилесини тузди ва уни рус китобхонлари дидига мослаб русчага таржима қилди ва сўзбоши, изоҳлар билан /масъул муҳаррир — Миклухо-Маклай/ Москвада нашр эттириди. Таржима, изоҳлар ва сўзбошидаги айрим камчиликлардан қатъи назар, шарқшунос олма М. А. Салоҳиддинова Хожа Самандар Термизий ҳаёти ҳамда унинг "Дастур-ул-мулук" асарини ўрганиш эшигини очиб берди.

Хожа Самандар Термизийнинг ҳаёти тарзи ва унинг "Дастур-ул-мулук" асари академик А. Мирзаевни ҳам қизиқтирган. У Тошкентда ўтказилган Шарқшуносларнинг Биринчи Бутуниттифоқ анжуманида Хожа Самандар Термизийнинг "Дастур-ул-мулук" асари ҳақида маълумот берган. Тожикистанлик таниқли олим С. Ҳалимов институтда таълим олиб юрган талабалик йилларида устози Абдулгани Мирзаев ўз маъruzаларидан бирини Хожа Самандар Термизий ва унинг "Дастур-ул-мулук" асарига бағишлаганини, асардан парчалар ўқиб, шарҳлаб берганини, асарнинг бадиий хусусиятлари, тилини таҳлил этганингини ҳавас билан сўзлади.

Хожанинг "Дастур-ул-мулук" асари хорижий шарқшуносларнинг ҳам тадқиқ этиш, ўрганиш мавзусига айланган. Чунончи машҳур чех шарқшунос олимаси Ирти Бечка: "XVII аср Ўрта Осиё тарихини ўрганишда Хожа Самандар Термизийнинг "Дастур-ул-мулук" асари муҳим тарихий манба ҳисобланади", — деб ёзган эди.

"Дастур-ул-мулук" асари тарихчи олим, академик Б. А. Аҳмедовнинг ҳам эътиборини жалб этган. Бинобарин, олим Субҳонқулихон ўз ўғли, Балх ҳокими Сиддиқмуҳаммадхонни қатл этиши хусусидаги ҳодисани

Убайди Зоконий. Ҳикоёти латиф, Самандари Термизий, "Дастур-ул-мулук", Душанбе, "Адиб" нашриёти, 1990, 76-бет.

² Ирти Бечка. Адабиёти форсӣ дар Тожикистан, Маркази муттолиот /иттилот/ ва таҳқиқоти фарҳангӣ байналмилали, Техрон, 1372 ҳижр., /1952 милодий/, 32-бет.

чуқурроқ ёритиши мақсадида аввал "Тарихи Муқимхоний" асарида баён этилган маълумотларни келтиради, сунг эса бу воқеалардан янада кўпроқ хабардор бўлган, уларни яхши билган киши Хожа Самандар Термизий эканлигини эслатиб, "Дастур-ул-мулук" асарида батафсил тасвиранган воқеаларни келтириш билан китобхон кўз ўнгидаги отанинг ўз ўғли ва унинг тарафдорларини сўйдиришидан иборат манзаралар даҳшатини яққол гавдалантириб беради.

"XVI — XIX ва XX аср бошларида тоҷик адабиёти" дарслигида таъкидланишича, Мовароуннаҳрда насрнависликнинг ривожланишига Фаттоҳ Нишопурнийнинг /XV аср/ "Шабистони хаёл" /"Хаёл кечаси"/ номли насррий асарнинг шуҳрати ва ундан кейин ёзилган Амир Ҳусайн Содотнинг "Нузҳатул-арвоҳ" /"Пок рӯҳлар"/ асарининг муваффақияти сабаб бўлган. Малеҳо Самарқандийнинг айтишича, шу асарларга эргашиб яна икки асар: Хожа Самеъ Содотнинг "Авранги ҳикмат" /"Ҳикматлар таҳти"/ ва Амир Ҳусайннинг "Ранг бў" /"Хўшбўй феъллар"/ насррий асарларини ёзганлар. Бу икки асарнинг мавзуси ҳам, юқорида эслатилган "Нузҳат ул-арвоҳ" асари каби, панд, ҳикматлардан иборат.

Юқоридаги дарсликда Хожа Самандарнинг "Дастур ул-мулук" асари мазкур асарлар билан қиёсланиб, адабнинг насрнавислик маҳоратига юксак баҳо берилган: "Хожа Самандарнинг жозиоали, сухандонлик билан мусажаъ /саъж/ усулида ёзилган"¹ "Дастур ул-мулук" асарида даврнинг ижтимоий-сиёсий, ахлокий-таълимий ва тарихий воқеалари тасвиранган булиб, бу асар насрнинг кўзга яққол ташланниб турган энг баркамол, тўлақонли тимсолидир². Бу фикрлар Хожа Самандар Термизийнинг юксак маҳорат соҳиби, истеъододли адиб ва шоир бўлганлигидан далолат баради.

"ДАСТУР УЛ-МУЛУК" АСАРИНИНГ МОҲИЯТИ

Хожа Самандар Муҳаммад ибн Баҳо Термизий ўзининг жўшқин руҳият соҳиби эканлигини, узоқ йиллар дарвиш сифатида машриқу мағрибни кезиб чиқиб, жуда катта тажриба ҳосил қилганидан кейин, ниҳоят, "Дастур ул-мулук" асарини ёзишга киришганлигини сухандонлик билан қўйида-гича ифодалайди: "Менинг руҳиятимда ўзига хос, худди

¹ Муҳаммад Фиёсiddиннинг "Фиёсул-лугат" асарида "ранг" сўзининг ўттиз бир маъноси берилган.

² Р. Ҳодизода, У. Каримов, С. Саъдиев. XVI — XVII ва XX аср бошларида тоҷик адабиёти, Душанбе, "Маориф" нашриёти, 1988, 145-бет.

ошиқ-маъшуқлар оловли эҳтирос ила бир-бирларини севгандарилик, жўшқинликни, серғайратликни севиш, унга интилиш одатим бор эди. Шу боис менинг нигоҳимни, қаттиқ шамол сомон парчасини чирпирак қилиб учиргани каби, турфа нарсалар ҳар томонга ўқдек шиддатли, муттасил ва тез-тез кўчириб юрар эди. Ниҳоят, менинг толеи паст юлдузим учар қанотларимни синдириб, турмуш лаш-лушларининг тор дарасига итқитди. Энди мен мақсадим майдонига ўз хоҳишим уруғини сепмоқдаман. Агар беназир Оллоҳ раҳмдиллик қилиб, ёмғир ёғдириб турса, бу қора ерга ташланган уруғим кўкариб, униб, ўз ҳосилини беради".

Ҳа, турмуш лаш-лушларининг тор дараси ичига тушиб қолиб, ғоят ранж чеккан Хожа Самандар Термизийнинг хоҳиши мустажоб бўлиб, умрининг, сарфлаган кўз нурларининг ҳосили сифатида "Дастур ул-мулук" асари дунё юзини кўрди. Самандар бутун асари давомида ўзига насиб этган ҳар бир янгиликка, ҳар бир муваффақиятга Оллоҳнинг лутфи, марҳамати сабаб булғанлигини эҳтирос билан баён этади:

БАЙТ

Бир қўбиз савти билан кўнглимга мужда ёғилур —
Аҳли ранж сўрса најжот Оллоҳдан имдодлар келур.

Оллоҳ унга насиб этган бундай муждалардан бири "Дастур ул-мулук" асарининг ёзилиши бўлди. Хожа ўз асарининг ёзилиш сабабини қўйидагича ҳикоя қиласди: "Бу варақларининг муаллифи айтадики, вужудимнинг қайиғи табиат лангари билан гўдаклик дарёсидан балофат соҳилига етган вақтдан бошлаб, ақлимнинг қўли ижоднинг бўйнидан тушган эмас, ақлим сайёҳи эса доим одамларни таърифтавсиф этиш боғида саир қилиб юрди. Шундай бир пайтда у фақирнинг олдига, ўзининг оқ, гузал юзи, жингалак қора соchlари билан мисрлик юз Юсуфни ҳайрон қолдирадиган, пок юзини, вужудини кўриш орзусида йиғлай бериб, Яъқубдек кишининг кўзини кўр қилган, Зулайҳодек мингта бадеъулжамолсифатлар уни кўриш ва у билан юзма-юз бўлиш ҳавасида ўз либосларини, яқоларини йиртиб ташлашга сабаб бўладирган бир барно кириб келди. Унинг нур таратиб, порлаб турган юзи хўблар кўзини очиб мунаvvар қилди, қора қошлари эса мажлис аҳлига баҳт ато этди... Йигитлик боғининг ёсуман гули, тириклик баҳорининг доимий тимсоли, чамани бўлган у ширин сўзлар, рангли иборалар билан бу фақирга деди: "Эй яхши фазилатлар соҳиби, донишмандлик бустонининг очилган гули ва ибрат гулистонининг янги майсаси, эндинина гуллаган чаманзо-

ри, ёлғизлик ва абадийлик қуввати ила назму наср мулкіда сайр қилишни лозим топсанг, уддасидан чиқсанг, фусунгарлик таъбинг ва афсунгарлик идрокинг натижаси сифатида бир китоб тасніф қылғинки, ғаріб, бенаволар әшитиш, үқиши билан ғурбат ғуборини ўз бошларидан артиб ташласынлар. Улар бу китобни үқіганларидан сұнг, қувонғанлари боис, жаҳаннамнинг бир бұлаги бұлған ҳижрон саҳросини эслаб юришдан қутулиб, үзларини Эрам богини соқибидек ҳис этсиналар". Мен банда бу фармонга албатта итоат қилишни вожиб ва лозим топиб, ҳеч иккіланмай, бу мадхиялар, мақтovларни ҳамда ҳажвдан иборат бұлған бу ҳикояларни, давр воқеаларини ёритиб, замон ахли анжуманларини ранг-барап қандиллар ила мунаvvар қылдым ҳамда шу ишим билан мастлар ва ҳушёрлар мажлисими пайванд қилиб дедим:

Бор тилим учинда оғу бирла бол,
Бири душман, бири дұст учун, филқол.

Дарҳақиқат, Хожа ўз асарида яхши одамларни таърифлайди, ёмон одамларни ҳажв қамчиси билан савалайди.

Хожа Самандар Мұхаммад Бақо Термизийнинг 1695/1696 йилларда тартиб берилген "Дастур ул-мулук" асары 22 фаслдан иборат булып, ахлоқий-таълимий ва жаңғнома жаңрида ёзилған бадий-тариҳий анъанавий асардир. Бу асарни ўқыр эканмиз, давлатни бошқариш нұқтаи назаридан 1082 — 83 йилларда ёзилған Кайковуснинг "Қобуснома"си. 1091 — 92 йилларда битилған Низомулмұлк Тусийнинг "Сиёсатнома"си. XI аср үзбек мұмтоз адабиётининг мажмуда бұлған Юсуф хос Ҳожибнинг "Құтадғу-билиг"ида, ахлоқий-таълимий жиҳатдан XI аср форс-тожик адабиётининг буюк алломаларидан бири бұлған Носир Хисравнинг "Рұшноинома", "Сафарнома", Зақирий ас-Самарқандийнинг 1160 йилларда қайта ишлалған "Синдбоднома", 1257 — 1258 йилларда ёзилған Саъдий Шерозийнинг "Бүстон" ва "Гулистан", XV асрнинг атоқли олими, адеби Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Калила ва Димна" (Анвар Сұхайлий), — "Ахлоқи мұхсиний", Абдураҳмон Жомийнинг, "Баҳористон", Алишер Навоийнинг "Маҳбубул-құлуб", Зақириддин Мұхаммад Бобурнинг "Бобурнома"си, Мұхаммад Солиқнинг "Шайбонийнома"сида баён этилған анъаналарнинг, айниқса "Темур тузуклари"да

¹ Фаслларнинг номланиши нисбий булып, бир фаслнинг ичидә иккінчи бир фаслнинг номи билан боелиқ бұлған қықматларни учратыш мүмкін.

давлатни идора қилиш учун 12 нарса, 12 хил конун ва қоидалар ва 12 хил тоифадаги одамлар билан қандай муомалада булиш мезони хусусидаги йўлланмаларнинг юксак маҳорат билан, гузал образли ифодалар воситасида баён этилганлигининг гувоҳи бўламиз, зеро, адибнинг ўзи асарининг кириш қисмида: "Сухандонлик денгизининг гаввоси, сўз диёрининг сайёхи шайх Саъдий, Оллоҳ уни раҳмат қилсин, сўз ила ўз табиатининг "Гулистон"ига киритди, худонинг марҳамати, мадади туфайли у нафис ва нозик фикрларини ифодаловчи жуда кўп атиргуллар, гуллолаларни териб, дўстлар учун "Бўстон"да жамлаб, уларнинг бошига соғди. Шу боис, бу соҳада янги ва тажрибасиз бўлган камина /Самандар/ сўз диёрида саёҳат қилган бундай кишиларнинг тоза гавҳардан иборат чуқур маъноли ибораларини, ҳикматли гапларини унутмаслик ва доим эсда сақлаш учун бу рангин, хилма-хил ҳикматларнинг мазмунига мос ва мувофиқ бўлган ҳис-туйгуларим, орзуистакларимни уларнинг шеърлари билан безаб, қофоз саҳифаларига жойлаштиридим ва /асарга/ "Дастур ул-мулук" деб ном қўйдим", — дейди.

Шу боис адиб салафларининг анъаналарига амал қилиб, асар давомида ҳикматларида баён этилган ўз орзу-истаклари, қарашларига китобхонларнинг эътиборини жалб этиш, уларнинг қизиқиши, рағбатини кучайтириш ниятида ўз асарини Саъдий Шерозий, Ҳусайн Вонз Кошифий, Ҳожи Юсуф, Жалолиддин Румий, машҳур шайх Абусайд ибн Абдулхайр, Низомий Ганжавий, Абдулло Хобушоний, Жомий-Хотифий, Муҳаммад ибн Сулаймон Фузулий, ўз замондошларидан Нозим Ховарий, Муҳаммад Али Табризий, Соиб Исфаҳоний, Миробид Сайд Насафий, Фазили Валий, Ҳасанбек Рофеъ, Муҳаммад Шавкат Бухорийларнинг шеърлари, асарларидаги насрый парчалари билан безаганини (баъзан баён услуби талаб этган пайтлардагина) ўзи эслатиб ўтади. Баъзан Ҳожа ҳам салафларининг ахлоқий-таълимий асарларида қўлланган баён услуби анъаналарини давом эттирганилиги учун, ўз ҳикматларидаги фикрларини нурлантириб турган шеърий ва насрый парчаларнинг барчасини ҳам кимларнинг асаридан ўзлаштирганилигини, кимнинг шеъри эканлигини эслатиб ўтирумайди. Зеро, лидактик асарнинг баён услуби шуни тақозо этади.

Бироқ Ҳожа Самандар Термизийнинг "Дастур ул-мулук" асарини форс-тоҷик тилидан рус тилига таржима қилиб, адиб ва унинг асари ҳақида биринчи бор диққатга лойиқ фикрларни баён этган М. А. Салоҳиддинова асар

ҳақида ёзган сўзбошида "Дастур ул-мулук" асарининг ахлоқий-таълимий қисмида муаллиф уз салафларининг асарларидан кенг ўзлаштирган ҳолда, кимларнинг шеърларидан, насрый парчаларидан фойдаланганлигини аниқ рўйхатини қайд этмаганлиги ва Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Анвари Сухайлий" ("Калила ва Димна"нинг Амир Шайх Сухайлийга бағишлаб қайта ишланган варианти) ва Ҳожи Юсуфнинг "Илм-ул-ахлоқ" асаридан қай даражада ўзлаштирганлиги доирасини аниқ ёритмаганлиги сабаб асарнинг ахлоқий-таълимий қисмида адебнинг ўзига хос бўлган ҳиссасини, улушкини аниқлаб бўлмади, деган фикрнн баён этади.

Бизнингча, М. А. Салоҳиддинова адаб асарини тарихий нуқтаи назаридан тадқиқ этганлиги боис, у ахлоқий-таълимий асарларда юз берадиган ўзига хос баён услубини эътиборга олмаган бўлиши мумкин.

Ахлоқий-таълимий мавзуда ёзилган асарларда муаллифлар китобхон эътиборини жалб этиш, улар шу асарни қизиқиб ўқишлиари учун, ўқувчиларнинг ҳиссиётига таъсир этиши учун ўзларининг ҳис-туйғуларига мос бўлган ҳалқ қўшиқлари, эртаклар, минг йиллаб буюк алломаларнинг асарларини безаб турган сайёр ҳикоялар, буюк шоирларнинг асардан-асарга, оғиздан-оғизга ўтиб ҳалқ мулкига айланиб қолган ибратли шеърларидан фойдаланиб, ўз асарларининг бадиий таъсирини кучайтиришга эришадилар. Бироқ ижодий ўзлаштириш натижасида шу ахлоқий-таълимий асарнинг ажralmas қисмига айланиб қолган, ҳалқ донолиги билан боғлиқ бўлган, асардан асарга ўтиб сайқалланган сайёр ҳикоятлар ва ибратли шеърий парчаларнинг асл манбани деярли эслатмайдилар. Чунки "Қобуснома"дан "Синбаднома"га, "Синбаднома"дан "Сиёсатнома"га ўтиб ҳикоятлар хирмонини ташкил этган Муҳаммад Авфий Бухорийнинг "Жавомиул ҳикоёт" /"Нодир ҳикоятлар"/ тўпламига, ундан Саъдийнинг "Гулистон" ва "Бўстон" асарларига, ундан ~~ахлоқ олими~~ Ҳуейн Воиз Кошифийнинг ахлоқий-таълимий асарларига, ундан Пошшохожанинг "Мифтохул-адл" ва "Гулзор" ҳикоятлар тўпламига нур бўлиб тушаверган сайёр ҳикоятларнинг ва буюк алломаларнинг бир дидактик асардан иккинчи дидактик асарга кўчиб юрган ахлоқий-таълимий шеърий парчаларининг асл манбаси "рўйхати"ни бериш, муаллиф кимлигини таъкидлаб бориш зийрак китобхон диққатини тас-

Хожа Самандар Термизи. "Дастур ул-мулук", Москва, 1971, 6 — 8-бетлар.

вирланаётган асосий масаладан узоқлаштиради ва асарга нисбатан қизиқишини сундиради.

Бинобарин, Саъдийнинг "Гулистан" ва "Бўстон" асарларида ҳам, XV асрда яшаган атоқли олим ва адаб Ҳусайн Воиз Кошифийнинг асарларида ҳам ҳикоятлар ва ибратли шеърлар кимнинг ва қайси асаридан ижодий ўзлаштирилганлиги айрим ҳоллардагина, баён услубига мос келган пайтдагина эслаб ўтилади, холос. Масалан, Саъдий Шерозийadolat хусусидаги ўз фикрини безаш учун Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асаридан қўйидаги шеърий парчани келтиради:

Жаҳондан кетар пайтда Нўширавон
Бу сўзларни Хурмузга этмиш баён:
"Ҳамиша гариблар дилин овлагил,
Сен ўз роҳатини кузлаган бўлмагил".
Агар роҳатингни қиласан ҳавас,
Кўл остингдагилар сира тинчимас.
Бил, ўглим, томирла дараҳт улгаяр,
Қурур илдизинг ранжиса эл агар,
Элнинг қалбини оғритма, берма зарар!"¹

Аммо бу шеър "Шоҳнома"дан ижодий ўзлаштирилганини эслатиб ўтмайди. Зийрак ўқувчининг ўзи Саъдий ўз орзу-истакларини "Шоҳнома"дан ўзлаштирилган шу шеърий парча билан безаётгандигини ҳис этади.

М. А. Салоҳиддинова Ҳожа Самандар Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Анвари Сухайлий" /"Калила ва Димна"/, Ҳожи Юсуфнинг "Илм-ул-ахлоқ" асаридан қай даражада ўзлаштирганлиги доирасини кўрсатмаган, дея ахлоқий-таълимий асарнинг руҳиятига зид бўлган фикри таъкидлайди. Биз қўйида Воиз Кошифийнинг ўзи ҳам салафлари асарларидан қай даражада ўзлаштирганлигини бир нечта мисоллар воситасида аниқлаб, ахлоқий-таълимий асарнинг ўзига хос баён услубига эга эканлигини муайянлаштиришга ҳаракат қиласиз. Ахлоқ олими Воиз Кошифий дидактик асарларнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур анлаган ҳолда, айрим ҳолларда ўзининг ахлоқий-таълимий асарларининг мазмунини кучайтириш учун ўз хоҳишига мос ўзлаштирган шеърий парчалар кимнинг асарига тааллуқли эканлигини эслатади, баъзан эса бутун асар давомида салафларидан ўзлаштирган ибратли шеърий ва насрый парчалар, ҳикояларнинг асл манбани мутлақо ошкор эт-

Қаранг: Саъдий, "Бўстон", форсчадан Чустий таржимаси, Тошкент, 1960, 8-бет.

майди. У "Калила ва Димна"нинг қайта ишланган вариантини /Анвар Сухайлий/ 529 та ибратли шеърий парчалар билан гўзаллаштиради, бироқ бу шеърларнинг муаллифи, салафларининг ёки замондошларининг қайси асаридан ўзлаштирганинг мутлақо эслатмайди. Фаҳми ўткир, билимдон китобхон асарни қизиқиб ўқиш жараёнида бу 529 шеърий дурдона қайси алломага тегишли эканлигини англаб олишга ҳаракат қилади. Мисолларга мурожаат қиласиз. Масалан, Саъдийнинг "Гулистан" асарида фарангнинг асирилиги-кишанидан қутилиб, ёмон хотин домига тушган бир фақир ҳақидаги ҳикоя қўйидаги ибратли шеър билан якунланади:

Шунидам, гусфандеро бузурге
Раҳонид аз даҳону чангি турге.
Шабонгож корд бар ҳалқаш бимонид,
Равони гусфанд аз вай биномид:
"Ки аз чангали тургам даррабуди
Чу дидам, оқибат тургам ту буди".

МАЗМУНИ

Эшиждим бир киши қўйни кушод,
Этибдур бўрининг оғзидан озод.
Кечқурун бўйнига қадаркан пичоқ,
Қўй руқи дод солиб, сўзламиш шундоқ:
"Бўридан қутқардинг десам ўшандা,
Ўзинг экансан-ку менинг кушандам"².

Ҳусайн Воиз Кошифий "Калила ва Димна"³ ("Анвари Сухайлий") асарида Қурбақа, Қисқичбақа ва Росу ҳикоясида Қурбақа ва болаларини илон домидан қутқарган Росу охири Қурбақа ва унинг болаларини ҳам Росунинг ўзи еганини баён этгач, юқоридаги шеърдан фақат ўз қарашига тўғри келган қўйидаги икки мисрани Саъдийнинг "Гулистан"дан ўзлаштириб Қурбақа ва унинг болалари бошига тушган фожиа таъсирини кучайтиришга эришади:

¹ Саъдий Шерозий. "Гулистан", нашриёти "Дониш", Душанбе, 1988, 85 — 86-бетлар /нашрга тайёрловчи, муқаддима ва лугат шарҳловчи муаллиф С. Сиддиқов.

² Қаранг. Саъдий Шерозий шеъриятидан, Тошкент, 1976, 96-бет. (Форсийдан ҳалқаро Фирдавсий мукофоти лауреати Ш. Шомуҳаммедов таржимаси/.

³ Ҳусайн Воиз Кошифий. "Калила ва Димна", Душанбе, "Адиб", 1989 78 — 79-бетлар.

⁴ Росу-сусарлар оиласидан бўлиб, кўк сарғиш рангдаги йиртқич ҳайвон, илон, уй сичқони, каптар, товуқ, қурбақани сайди.

Ту аз чангали тургам даррабудай
Чу дидам оқибат худ тург будай¹.

ТАРЖИМАСИ

Бўрининг оғиздан этдию халос,
Ўзи бури бўлиб туширди паққос

Аммо, Воиз Кошифий бу шеърий парча Саъдийдан ўзлаштирилганлигини эслатмайди.

Саъдий Шерозийнинг "Гулистон" асарининг 47-саҳифасида дўстликнинг моҳияти таъриф-тавсиф этилгач, шоир дўстлик хусусидаги қитъаси билан ўз қарашларини ойдинлаштиради.

Дўст машмор он, ки қар неъмат занад,
Лофи ёрию бародархондаги.
Дўст он донам, ки гирад дасти дўст,
Дар парешонҳолию дармондаги.

МАЗМУНИ:

Дўст дема гар нозу неъмат устида
Урса лоф: "дўстимсан азиз, меҳрибон".
Дўст удир дўстига чўзади қўлин —
Дўсти бўлганда nocte, нотавон.³

"Калила ва Димна" асаридаги Димнанинг барча айблари очилиб, шоҳ томонидан зиндонга ташлангандан сунг, "ночор, нотавон" аҳволга тушиб қолган пайтида, дусти Рузбек уни кўргани борганлиги ҳақидаги ҳикояда дўстлик шартларидан бирини муайянлаштириш учун адаб Саъдийнинг юқорида эслатилган шеъридан фақат "донам" сўзини ўз хоҳишига мос тушган "бошад" сўзига бадал қилиб қуйидаги икки мисрани ўзлаштириш билан ҳикояни гўзаллаштиради:

Дўст он башад, ки гирад дасти дўст,
Дар паришонҳолию дармондаги.⁴

¹ Ҳусайн Воиз Кошифий. "Калила ва Димна", Душанбе, "Адиб", 1989, 79-бет.

² Саъдий Шерозий, шу асар, 47-бет.

³ Саъдий Шерозий шеъриятидан, Тошкент. 1976, 94-бет /Шоислом Шомуҳамедов таржимаси/.

⁴ Ҳусайн Воиз Кошифий. "Калила ва Димна", /Анварий Сухайлий/, Душанбе, "Адиб", 1989, 110 — 119-бетлар.

Бироқ адид юқоридаги ҳар икки шеърий парчанинг муаллифини, асарининг номини мутлақо эсламайди. "Калила ва Димна" даги:

Бас осон менамуд аввал гами дарё ба бӯи суд,
Falat kardam, ki in tӯfon ba sad gavxar namearzod.

МАЗМУНИ:

Бас, осон кўринди аввал нафъ учун дарёдин ўтмоқ гами,
Falat қилдимки чун мен бу тӯфон юз гавҳарга арзимас,—

байтидаги фақат бир сўзни — "чи" сўзини "бас" сўзига бадал қилиш билан Ҳофиз Шерозийнинг қўйидаги икки мисрасини қўллаш воситасида Воиз Кошифий ўз ниятини нурлантириб кўрсатишга эришган:

Чи осон менамуд аввал, гами дарё ба бӯи суд,
Falat kardam, ki in tӯfon ba sad gavxar nomearzod².

Бироқ адид шу шеърий парча Ҳофиз Шерозийга таалуқли эканлигини қайд этмайди.

Ёки "Калила ва Димна"ни безатиб турган³ қўйидаги шеърий мисралар Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асаридан олинган:

Дарахте ки талх аст ўро сиришт,
Гараш дарнишини ба боғи биҳишт.
В-ар аз жӯи ҳўлдаш ба ҳангоми об,
Ба беҳ ангубин резиву шаҳди ноб.
Саранжом гавҳар ба кор овард,
Ҳамон мевави талх бор овард!

ТАРЖИМАСИ:

Дарахтнинг асли аччиқдур агарчи,
Биҳишт богига ўтқазсанг-да гарчи,
Сугорсанг кавсарий сувдан-да алҳол,
Қўйиб турсанг-да остига асал-бол,

¹ Шу асар. 108-бет.

² Ҳофиз Шерозий. "Ғазалҳои мунтаҳаб", Душанбе, "Ирфон", 1967, 116-саҳифа.

³ "Калила ва Димна", 174-саҳифа.

⁴ Х. Мирзозода. Таърихи адабиёти тоҷик, мажмуя 2, 304-саҳифати.

Гүҳарга менгзагай ҳосили, басе,
Даги аччиқ бўлур онинг меваси.

Аммо Воиз Кошифийнинг "Калила ва Димна" асарида бу шеърий парчанинг асл муаллифи ёки асарнинг номи ҳақида бирор-бир ишора йўқ. Ҳусайн Воиз Кошифий "Ахлоқи Муҳсиний" асарида ўз орзу-истакларини янада чуқурроқ муайянлашириш учун 384 ибратли шеърий парчадан фойдалангани ҳолда, фақат олтитасидан: Шайх Саъдий /149-б./, Ҳаким Фирдавсий /150-б./, Хоқоний /152-б./, "Рушноиннома" /Носири Хисрав асари, 188-б./ Низоми Арузий /223-б./, Ҳаким Фирдавсий /254-б./, Низомий /257-б/ дан фойдаланганлиги хусусида ишора бор. Қолган шеърий парчалар қайси шоирники эканлиги хусусида адаб эслатиб ўтмайди. Бинобарин, дидактик асарларнинг ўзига хос хусусияти, баён услуби ҳам муаллифдан ўз фикрларини асослаш учун келтирилган ҳар бир шеърни кимга, қайси шоирга тааллуқли эканлигини эслатишни тақозо этмас экан. Воиз Кошифийга нисбат берилган ва Ҳожа Самандар ижодий ўзлаштирган ахлоқ-одоб мавзусидаги ҳикоялар хусусида ҳам худди шундай фикр юритиш мумкин. Ҳалқ мулкига айланиб қолган сайёр ҳикоялар адаблар тасвиrlаётган мавзунинг хусусияти, муаллифларнинг орзу-истакларига уйғун, мос эканлиги учун ҳам у асардан бу асарга ўтаберади. Бу ҳолат жаҳон адабиётида ҳам, Шарқ адабиётида ҳам бир анъанага айланганлиги адабиёт-шуносларга маълум. Айниқса, бу анъана ахлоқий-таълимий мавзуда ёзилган асарларга сингиб кетган. Шу боис бу анъанадан илҳомланиб, "Дастур ул-мулук" асарини ёзган Ҳожа Самандар бу мавзуда ўзидан олдин ҳам асарлар яратилганлигини, бироқ салафларининг эътиборидан четда қолган баъзи бир масалаларни ёзишга интилганини, камтарлик билан, қуйидагича баён этади: "Бизгача қудратли чавгон таёқласининг эгри уни билан тутқич бермас суз коптогини қўлга киритиб, мақтовга сазовор бўлган мўмин-мусулмонларнинг яхши томонларини, худди ёруғ кундек нурлантириб, бадхулқ, бадхоҳ, жирканч ва нобоп кишилар руҳиятини, зим-зиё кечадек, қоронfilaштириб тасвиrlаган одамлар ҳам бўлган. Бу ёш тўти /асар муаллифи — Ж.Э./ бошқалар суз гулхонасидаги ҳосилни йигиб олгандан сўнг, уларнинг назарига тушмай қолган бошоқларни териб, жамлаб, булбулга ўхшаб, жуда кўп машқ қилди ва ниҳоят давр кўзгуси сифатида, одамларнинг иш фаолияти, хатти-ҳаракатлари ҳамда шу замонда юз берган воқеалар хусусида, худди сибизгага ўхшаб "Мухаллис" оҳангига куйлаш имкониятига эга бўлди".

Бинобарин, муаллиф салафларининг, жумладан, ахлоқ, адолат, давлатни бошқариш ҳақида шоҳ асарлар яратган Кайковус, Низомулмулк, Саъдий Шерозий, Ҳусайн Воиз Кошифий каби алломаларнинг анъаналарини давом эттирган, бу шарафли ишни ихчам, лўнда қилиб баён этишда "Темур тузуклари" асарининг ҳар бир банди унга бир йўлланма вазифасини ўтаган. Буюк алломалар ўз асарларида салафлари қўллаган сайёр ҳикоялар, ибратли шеърий парчаларни ўзлари яшаган даврга мослаб ижодий ўзлаштирганлариdek, Хожа ҳам шу йўлдан бориб, ахлоқий-таълимий мавзуда ёзилган асарларнинг баён услубидан фойдаланган, минг йиллар давомида дидактик асарларни безаб келган сайёр ҳикояларни, буюк шоирлар томонидан ёзилган ибратли шеърий парчаларни ижодий равишда ўзлаштириб, ўз даври ва кейинги авлодларга ибрат бўладиган, асрларга татиидиган оригинал, янги асар яратишга эришган. Айниқса, Хожа Самандар Термизийнинг "Дастур ул-мулук" асарининг оригинал, янги бир асар эканлиги унинг ўзига хос баён услубида, тасвирланаётган воқеаларга нисбатан аниқ ёндашганлигида яққол кўзга ташланиб туради. У ҳам воқеалар баёни давомида китобхонлар эътиборини, ҳиссиёти ва туйгусини тасвирланаётган асосий масалалардан узоқлаштирмаслик учун, қайси ҳикояларни, қайси шоирларнинг ибратли шеърий парчаларини хоҳишига мос ижодий ўзлаштирганлигининг "руйхати"ни бермайди. Бизнингча, бунинг сабаби ахлоқий-таълимий асар ёзиш билан машғул бўлган муаллифнинг хотира қуввати ниҳоятда кучли ва баланд бўлганлиги боис, буюк ахлоқ олими машҳур адаб Воиз Кошифийдек, улар минглаб ҳикояларни, ибраторумуз шеърларни ёд билган бўладилар. Шунинг учун бўлса керак, асар ёзиш жараёнида фикрлар дунёсига шўнгигиб кетган бир пайтда, салафлари асарларини варақлаб, уларнинг қайси шеъри ёки ҳикояси ўз хоҳишлирага мос тушишининг "руйхати"ни тузмай, хотираларида михланиб қолган шеърий парчаларни мутлақо ўзгаришсиз ёки бирор-бир сўзни ўзгартириб, оғзаки ёки ёзма баён қилиш қувватига, маҳоратига эга бўладилар. Шунинг учун улар асарларида ижодий ўзлаштирилган ҳамма ҳикояларни, шеърларни қайси шоир ёки адигба тааллуқли эканлигини таъкидлаб ўтмайдилар. Шу боис Заҳирий ас-Самарқандийнинг "Синбоднома", Кайковуснинг "Кобуснома" асарларига киришсузи ёзган И. С. Брагинский¹, "Қобуснома"нинг ўзбекча таржимасига

¹ Энциклопедия персидско-таджикской прозы. Душанбе, 1990, 3 — 9-бетлар.

муқаддима ёзган С. Долимов¹, Низомулмұлкнинг "Сиёсатнома"²сига сұзбоши ёзган А. Девонқұлов, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг қайта ишланған "Қалила ва Димна", асарига сұзбоши ёзган Расул Ҳодизода, "Футувватномаи Султоний", "Ахлоқи Мұҳсиний", "Рисолаи Хотамия" асарларига сұзбоши ёзган Құрбон Восеъ, "Футувватномаи Султоний", асарларини форс-тожик тилидан үзбек тилига таржима қылған Нажмиддин Комилов үз сұзбошисида ва асарлар муаллифларининг минг йиллик мұмтоз адабиётдан үзлаштирган сайёр ҳикоя ва ибратомуз шеърий парчаларнинг қайси асар ва қайси шоирнинг шеърларидан ижодий үзлаштирганларининг "рўйхати" ва ахлоқий-таълимий асар ёзган адебнинг үз ҳиссасини аниқлашга ҳаракат қылмасдан, фақат шу дидактик асарнинг моҳияти хусусида одиллик билан фикр юритгандар.

М. А. Салоқиддинова Ҳожа ижодий үзлаштирган ибратомуз шеърлар кимнинг шеъри эканлигини аниқлашда қийналған айрим назмий парчалар балки адебнинг үзининг шеърларидир. "Ансул-ул-фуқаро" шеърий тұпламини мулло Самандар Ҳожага нисбат берилиши унинг истеъдодли шоир бұлғанлигидан ҳам далолат беради.

Адебнинг дүсті, замондоши Мирзо Юсуфнинг Самандар Ҳожанинг поэтик маҳорати хусусидағи қуйидаги таърифтавсифига эътибор жалб этилса, унинг таниқли шоир бұлғанлиги яна ойдиналашади.

БАЙТ

Кам эрур бундоқ ғұзал сұзлар соқиби, жуда кам,
Таъриф этмиш жағым құлиб лутф ила маңони ҳам.
Нур сочур сұз машъали ҳар назмининг матлаъсида,
Дарәдек илми аән ҳар шеърининг мақтаснда.
Юз очур ҳар лавҳида юз қитъа маъно мисли дур.
Офтоб тожига ул эхсон этодур тоза нур.
Битмиш ул андоқ рубонйларки — пурмаъно, басе,
Осмон устунидир гүё аниңг ҳар мисраси.

Ҳожа Самандарнинг истеъдодли шоир бұлғанлигини "Дастур ул-мулук" асарининг 21-фаслида тарихий

¹ "Қобуснома" Т., 1986, 3 — 26-бетлар.

² Ҳусайн Воиз Кошифий. "Қалила ва Димна", Душанбе, 1989, 5 — 18-бетлар.

³ Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний. Ахлоқи Мұҳсиний. Рисолаи Хотамия. Душанбе, 1991, 5 — 24-бетлар.

⁴ Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний ёки жавонмардлық тариқати (Панднома), Т., 1994, 3 — 5, 104 — 106-бетлар.

воқеаларга, даҳшатли жанг эпизодларига бўлган муносабатлари, ҳис-туйгуларини шеър билан ифода этганилиги ҳам тасдиқлади.

М. А. Салоҳиддинова ўз изоҳларида Хожа Самандар "Дастур ул-мулук" асарида ижодий ўзлаштирган 40 дан ортиқроқ шеърий парчаларни Воиз Кошифий билан Ҳожи Юсуфга нисбат бериши мақбул эмас. Чунки бу ибраторумуз шеърий парчалар форс-тожик мумтоз адабиётининг минг йиллик маҳсулидир. "Синбоднома" ва "Қобуснома"ларни рус тилига таржима қилган М. Н. Осмонов, Е. Э. Бертельслар Заҳирий ас-Самарқандий ва Кайковуслар ўз асарларини безаш, таъсирини кучайтириш учун ўзлаштирган шеърий ва насрый парчаларни қайси буюк аллома ижодининг маҳсули эканлигини, яъни манбаларни ўз изоҳларида аниқ қайд этадилар². Ҳожанинг ижодий ўзлаштирган шеърларининг асл манбани М. Н. Салоҳиддинованинг изоҳларида аниқ кўрсатмаган. Юқорида қайд этилганидек, шеърларни фақат Воиз Кошифий ва Ҳожи Юсуфга нисбат бериш билан кифояланган. Форс-тожик мумтоз адабиётига чуқур назар ташланса, Хожа Самандар "Дастур ул-мулук" асарида ижодий ўзлаштирилган ва М. А. Салоҳиддинова ўз изоҳларида Ҳусайн Воиз Кошифий ва Ҳожи Юсуфга нисбат берилган назмий парчалар ўзларидан олдин ўтган салафлари ва замондошларининг шеърлари эканлиги равшаналашади.

МИСОЛЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛАЙЛИК:

Дахул дар фигон аст доим, vale,
Чи ҳосил, чу андар миён ҳеч нест?
Агар донише хаст маъни талаб
Ба сурат машав гарра, ки он ҳеч нест!³

(A. Жомий шеъри.)

Ходими подшоҳ амин бояд,
Ки аз ў мулк равноқ афзояд.
Гар кунад чониби хиёнат рӯ,
Мулк вайрон шавад зи шуми ў.

(Саъдий шеъри)

1

Қаранг: Ходжа Самандар Термезий. Дастур ул-мулук (Назидание государям), Москва, 1971, 189 — 193-бетлар.

2

Қаранг: Энциклопедия персидско-таджикской прозы. Қобуснома, Синбоднома, Сказки, Душанбе — 1990, 481 — 502-бетлар.

3

Бу шеърларнинг таржимаси "Дастур ул-мулук"нинг асосий матнида берилгани боис такрор ёзишни лозим топмадик.

Аз тарбият аст, хок гавҳар гардад,
Хун дар таҳи нофа мушки асфар гардад.
Он оҳани тираву бекимматро
Иксир (кимё) чу тарбият кунад зар гардад.

(Ж. Румий шеъри)

Салотин ҳар киро аз пеш ронданд,
Зи авчи чарх бар хонаш нишонданд.
Чу чашми субҳ бар ҳар кас ки диданд,
Палоси зулматаш аз бар кашданд.

(XI аср шоури
Абусаид Абулхайрнинг шеъри)

Чи зебо гуфтаст он марди ҳушёр,
Агар сар боядат, сирро нигоҳ дор.

(Рӯдакий шеъри).

М. А. Салоҳиддинованинг изоҳларида Воиз Кошифий ва Ҳожи Юсуфга нисбат берилган, Ҳожа Самандар томонидан ижодий ўзлаштирган қолган 35 та назмий парча ҳам Абулқосим Фирдавсий, Низомий, Рӯдакий, Ҳоқоний, Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий (Ҳожа Самандар кўпроқ Саъдий шеъларидан фойдаланган), Абдураҳмон Жомий ва бошқа шоирларнинг шеълариdir. Ҳожа Самандар Термизийнинг форс-тоҷик адабиёти намояндадарининг ибраторумуз назмий парчаларини кенг ўзлаштирганлигига сабаб, Малеҳо Самарқандийнинг таърифлаганидек, унинг бақувват билими, хотирасининг ниҳоятда ўткирлиги ва замондошларини ҳайратда қолдирган зийрак қобилият эгаси бўлганлиги билан боғлиқdir. М. А. Салоҳиддина Ҳожанинг салафлари ва ўз замондошларидан ижодий ўзлаштирган назмий парчаларни, ҳикояларни фақат Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Анвари Сухайлий" ва Ҳожи Юсуфнинг "Илм-ул-ахлоқ" асарларидан олганлигини қайд этиш билан чекланиб қолмай, адабнинг ахлоқий-таълимий адабиётнинг минг йиллик маҳсулидан, анъаналаридан кенг баҳраманд бўлганлигини муайянлаштирганида, рус тилига таржима қилинган "Дастур ул-мулук" асарининг қиммати янада ошган бўлур эди. Биз юқорида Ҳожа Самандарнинг ахлоқий-таълимий асар яратиш хусусидаги маҳоратини тўлароқ очиш учун М. А. Салоҳиддинованинг "Дастур ул-мулук" таржимасининг сўзбошиси ва баъзи бир изоҳларидаги айrim камчиликлар ҳақида ўз муносабатларимизни билдиришга ҳаракат қилдик. Аммо инсоф билан шуни қайд этиш жоизки, бу асарни биринчи булиб форс тилидан рус тилига таржима қилган форс-тоҷик тилининг

билимдони, мухтарама олиманинг диққатга лойиқ ишидир; камчиликларидан қатъи назар, асар қайси тилда таржима қилинмасин, у шу таржиманинг калиди вазифасини бажаради. Шу сабаб М. А. Салоҳиддинованинг рус китобхонларига манзур бўлган таржимаси жуда катта қимматга молик деб ҳисоблаймиз.

Биз Ўзбекистон Республикаси ФАси Шарқшунослик институтида сақланаётган 1437 ва 1468-рақамли қўлёзманинг фотонусхалари асосида "Дастур ул-мулук"ни форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилаётганимизда, М. А. Салоҳиддинованинг рус тилидаги таржимаси ва у нашр эттирган "Дастур ул-мулук"нинг факсимиле матнини назаримиздан соқит қилмадик, унинг таржимасидан муқояса сифатида фойдаландик. Бундан ташқари, Душанбеда "Адіб" нашриётида чоп этилган (нашрга тайёрловчи С. Ҳалимов) "Дастур ул-мулук"нинг сайланма матни ҳам муқояса тарзида ишга жалб этилди. М. А. Салоҳиддинова изоҳларини ва баъзи бир воқеаларни янада чуқурроқ ойдинлаштириш мақсадида тарихий-адабий манбалардан, айниқса Б. А. Аҳмедовнинг "История Балха" (Т., 1982 й.) китобидан баҳраманд бўлдик. Шу боис таниқли олима М. А. Салоҳиддинова, форс-тожик тилининг билимдони С. Ҳалимов, академик Б. А. Аҳмедовларга миннатдорчиллик изҳор этамиз.

Хожа Самандарнинг салафлари бирор масала юзасидан фикр юритмоқчи бўлсалар, шу масаланинг моҳиятини қисқача таърифлаб бўлгач, ундан кейин ўзларининг ғоявий ниятларини, истакларини бир ёки бир неча ҳикоя заминида асослаш орқали баён этадилар. Масалан, Низомулмулкнинг "Сиёсанома" асарида подшоҳнинг ўз мулоzимларига бўлган муносабатлари низоми, тартиби — шоҳнинг ҳафтада икки кун ўз мулоzимлари ишини, уларнинг ҳалқ арз-додини қай тарзда эшитаётганилигини тафтиш қилиниши баён этилгач, "Ҳар бир кишининг арзини тинглаш", "Қулоғи эшитмайдиган адолатли подшонинг арз тинглаши" ва Сомонийлар сулоласига мансуб бўлган одил амир Исмоил ибн Аҳмаднинг ўз мулоzимлари билан бўлган муносабатининг натижаси хусусидаги ҳикоя, яъни учта ҳикоянинг баёни орқали ўз ниятларини муайянлаштиради. Дарбор вазирларининг сифатлари хусусидаги низом, тартиб-қоида қисқача

Низомулмулк. Сиёсанома, Душанбе, "Адіб", 1989, 3-фасл, 17-бет.

ёритилгач, "Одил вазирнинг сифатлари", Баҳром Гўрнинг хоин вазири Ростравшан (Бу ҳикоя Пошшоҳада ҳам бор), Искандар Доронинг хоин вазири билан тил бириктириб. Дорони ўлдириш тўғрисидаги учта жуда катта ҳикоя заминида ўзиңнинг мақсадини ойдинлаштиради.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг "Анвари Сухайлий" ("Калила ва Димна"нинг қайта ишланган варианти) асаридаadolat ҳақидаги қарашларини ёрқин ифодалаш учун, аввало "Калила ва Димна" олдинги вариантларида, жумладан, Абулмаолий Насрулло қайта ишлаган нусхасида бўлмаганadolatli подшоҳ ҳақидаги ҳинд Ройи Добшилим ва Барахман Бидпойнинг ҳикояти,adolatparvarligi билан шуҳрат қозонган Чин шоҳи Ҳумоюнфол ҳикояти, мамлакатни идора қилишда подшоҳларга ибрат бўладиган "Аслари" ҳикояти, Добшилимнинг халқпарварлиги, саховатлилиги ва унинг туши тўғрисидаги ҳикоят, горда жуда катта хазина билан бирга топилган мозийда ўтган подшоҳ Ҳушанинг буюк подшоҳ Добшилимга айтиб ёзиб қолдирганadolatli подшоҳларнинг бутун хусусиятари жамланган 13 та васияти батафсил баён этилгач, шу бешта ҳикоя ва 13 васият устига 14 бобдан иборат бўлган "Калила ва Димна"нинг қайта ишланган гўзал варианти баён этиладики, улар бир-бири билан омухталашиб кетган.

Воиз Кошифийнинг "Ахлоқи Мұҳсиний" асаридаги "Адолат" бобидаadolatnинг гўзал сифатлари қисқача таърифлангач, "Бир соатлик адолатнинг қиммати" (Бу ҳикоя Пошшоҳожада ҳам бор) "Абдуллоҳ Тоҳир", "Одил шоҳ", "Нушеравони Одил", "Чин подшоҳи", "Салжуқий", "Маликшоҳ", "Халифа Маъмун", "Амру Лайс", "Подшоҳ Қубод", "Баҳром Гўр", "Хушанг Сиёмак", "Султон Маҳмуд" ва "Самарқандлик бир золим" номли 14 та мустақил ҳикоятлар воситасидаadolatli ҳукмдор образини нурлантириб беради.

Саъдий Шерозийнинг "Гулистон" асарида подшоҳларнинг сифатлари ва уларнинг ўз мулоzимлари, халқ билан бўлган муносабатлари 42 ҳикоя воситасида очиб берган.

¹ Низомулмулк, шу асар, 4-фасл, 24 — 34-бетлар.

² Қаранг: Ҳусайн Воиз Кошифий, Калила ва Димна, Душанбе, "Адиб", 10 — 16-бетлар.

³ Ҳушанг — "Авесто"да Ҳушанг Пешдод номи билан девларга қарши курашган, етти иқлиминг биринчи шоҳи; Фирдавсий "Шоҳнома"си ва қадимги эрон ривоятларидағи бадний тимсол. (Энциклопедияи Совети тоҷик жилди 8, Душанбе 1988, 426-бет).

Хожа Самандар Термизий ўз салафларидан фарқли ўлароқ фикрнинг ихчам, лўнда ва аниқ бўлишига интилади. Катта ҳикоятлардан зарур бўлгандағина, онда-сонда фойдаланади. Салафлари бир неча ҳикояда баён этган орзу-истакларини ижодий ўзлаштириб, бир асар ёхуд бир неча ҳикоядаги ният, муддаони бир кичик, сермаъно ҳикматга жамлаб, ўз орзуларини аниқ, ихчам, китобхон диққатини жалб этадиган даражада таъсирчан қилиб ёритишга эришган. Бинобарин, таниқли олим М. А. Салоҳиддинова айтганидек: "...материални танлаш, ўзлаштирилган қисмларни бир-бири билан боғлаб бир гўзал, кичик ҳикматга сифдириш борасида муаллифнинг маҳорати сабаб, асар бадиий жиҳатдан ажойиб, худди серҳашам бир гўзал бино сингари жозиба касб этган ва Хожанинг ўз замондошларинигина эмас, балки ундан кейинги давр китобхонларини ҳам қизиқтириб, эътиборини ўзига жалб этган". Шу боис 130 йилдан кўпроқ вақт ўтгандан кейин ёзилган "Гулшан-ул-мулук" номли тарихий асарнинг муаллифи Муҳаммад Ёқуб Мирзо ибн Муҳаммад Дониёлбий оталиқ мазкур асарининг охирида Хожа Самандарнинг "Дастур ул-мулук" асарининг ахлоқий таълимий қисмини жойлаштирган.

Хожа Самандар Термизий ўз асарини ҳамиша маоний аҳли қўлида бўлишини орзу қилиб:

БАЙТ

Бу маҳзаннинг манга гар етмаса ҳамки дуойи,
Мудом бўлсин маоний аҳлининг илкинда жойи,—

деб истак билдирган эди. Бинобарин, бу асар ўз даврида ва ундан кейин ҳам "Маоний аҳли қўлидан жой олиб", жуда катта шуҳрат қозонди.

Юқорида қайд этилган Хожа Самандар Термизийнинг "...замон аҳли мажлисларини ранг-баранг қандиллар ила мунаввар қилган "Дастур ул-мулук" асари 22-фаслдан иборат. Асар 1680 — 1702 йилларда Бухорога подшоҳлик қилган Субҳонқули Муҳаммад Баҳодирхонга бағишлиланган бўлиб, қисқача кириш қисмидан сўнг, адолатни таърифтавсиф этиш билан бошлиланади. Чунки адолат бор жода мамлакат обод бўлади, ҳалқ фаровон яшайди, тинчлик барқарор бўлади. Шу сабаб Оллоҳ таоло ҳам бандаларига: "Эй мўминлар, Оллоҳнинг ўзи учун ҳақ йўлни тутгувчи, адолат билан Шаҳодат — гувоҳлик бергувчи бўлингиз! Бирон қавмни ёмон куришингиз сизларни адолат қилмаслик-

ка тортмасин!.. Оллоҳдан қўрқингиз! Албатта Оллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир",— дейди (Қуръон, 5-сурा, 8-оят).

Ривоятларда одиллик ҳақида гап кетар экан, "адолатли султон ўлгандан кейин ҳам, унинг жисмини тупроқ ўз тасарруфига олмайди",— деб ҳикоя қилинади. Халифа Маъмуннинг мажлисида ҳозир бўлган уламолардан бири: "Одил подшоҳ шахсининг ўзига хос хусусияти шуки, уларнинг жисми қабрда ҳам бир-биридан ажралиб, сочилиб кетмайди",— деб ҳикоя қиласиди. Шунда Маъмун: "Мен пайғамбарнинг мұжизакор, чуқур маъно билан айтилган бу ҳадисларининг тұғрилигини синамоқчи эмасман. Бу ҳадисларнинг тұғрилиги, ҳақлигига тұла ишонаман. Бироқ пайғамбаримиздан олдин, мен ҳали дүнёга келмаган бир пайтда адолат тимсоли бўлган Нұширвони одилни кўрмоқчиман",— деб Мадоин шаҳрига йўл олади. Мадоинга етиб боргач, Нұширвон даҳмасини очишни буюради ва даҳма ичига киради. Нұширвон худди қаттик уйқу элтган кишидек сокин, тинч ухлаб ётганини кўради. Унинг қўлида учта узуги бор эди. "Биринчисида "Дўст ва душман билан чиқишигин"; иккинчисида: "Бирор иш қилмоқчи бўлсанг, донишмандларнинг кенгашисиз, маслаҳатисиз ҳаракат қилма"; учинчисида: "Қўл остингдаги ҳалқнинг орзу-истакларини эътиборингдан соқит қилма"; унинг боши устида осилган зарлавҳада "Ҳар кимки ўз мулкини жуда улуғвор қилишини ва мол-давлатини кўпайтиришни истаса, айтгин, ўз адолатини оширсин",— деган пандлар нақш этилган эди. Маъмун бу пандномаларни ёзиб олишни буюради ва тупроқни атир билан қоришириб, даҳманинг устини ёптиради. У адолатли подшоҳнинг ҳамиша тирик булишига, унинг жисми титилиб, тупроққа аралашиб кетмаслигига ишонч ҳосил қиласиди.

Адолат хусусидаги юқорида эслатылган Қуръон ояллари, Нұширвони одилга үхшаган одил подшолар ҳақида ҳикояларнинг мазмуни Хожа ҳикматларини нурлантириб турибди. Хожа қуйидаги ҳикматларида одил подшоҳларни Нұширвонга монанд этади:

ҲИКМАТ

Азизим,— деб мурожаат қиласиди Хожа,— агар подшоҳ, ўз мансабини суиистеъмол қилган, ҳалқ, мамлакат мулки ризқу рўзи ҳисобига бойишга интилган нафси ўпқонларга Нұширвони одилга үхшаб жазо чорасини қўлламаса, юргароб бўлади, фуқаронинг подшоҳга бўлган ишончи-умиди зулмат шабистонига-қоронги кечага айланади.

БАЙТ

Сиёсатда адолат қилмаса гар шоҳ,
Фуқаро, айт-чи, кимдан топгуси паноҳ?

ҲИКМАТ

Азизим, бир тола хасга арзимайдиган махлуқсифатлар ҳамиша ўз бошларини зулм ва ситам охуридан кутармайдилар. Подшоҳнинг асов оти каби бевақт, ўринсиз ўжарлик, итоатсизлик қиласидилар. Бундайларни тил қамчиси билан жазола, токи уларнинг зарари бошқаларга тегмасин. Чунки давлат сардорининг сиёсат низоми шундай бўлади. Раҳбар рўй берастган бедодликни қаҳр болтаси билан чопиб, ер билан яксон қилмаса, замон боғидаги тилаклар, орзулар ниҳоли хазон бўлади. Бинобарин, айтадилар:

БАЙТ

Сиёсат тарзига дарз тушса гар қай кун,
Бўл огоҳким, қулар тинчлик деган устун.

Хожа мазкур ҳикматларида "Темур тузуклари" асарида Соҳибқирон тили билан баён этилган ибратли талабларни ҳам ижодий ўзлаштирганлигини эслатмайди. Бироқ "Темур тузуклари"нинг олтинчи бандининг мазмуни бу ҳикматларда нур бўлиб тушганлигини яққол англаш мумкин. "Темур тузуклари"нинг б-бандида шундай деб ёзилган: "Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим... Золимлардан мазлумлар ҳақини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар орасида муҳокама қилдим..."¹

Бинобарин, ҳалқа зарар етказган золимларни жазолаш "Темур тузуклари"да ҳам, Хожанинг барча ҳикматларида ҳам давлат сиёсатининг бош мезони эканлиги ойдинлаштирилган.

ҲИКМАТ

Азизим, ҳаммавақт мамлакат аҳволи ва ҳалқ фаровонлиги учун зарур бўлган нарсаларни бунёд этиш йўлида

Темур тузуклари. Форсчадан Алихон Согуний ва Ҳабибулло Караматов таржимаси. Т., 1991, 54-бет

саъй-ҳаракат қылган, тиниб-тинчимаган ва бундай одатни ҳамиша ўз хотири саҳифаларига нақш этиб, марҳамат майдонида халқ бошига шафқат ва меҳрибонлик байробини жилвалантириб, баланд күтарған подшоҳгина ўз вазифаси-ни адо этган бұлади,— деб, ўз истагини янада чуқурроқ муайянлаштириш учун Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сидан қуйидаги байтни келтиради:

БАЙТ

Гүзәл сўзлар соҳиби — бир марди мұтабар,
Эронзамин шоҳлари ҳақида қилди хабар.
Хурмуз вақтеки қарийб узмоқда эди жон
Дедиким Хусравға, эй навжувон ўғлон,
Жаҳоннинг равнақи сенинг зотиніта боғлиқ,
Чун фармонинга оқлу ҳукминнітта боғлиқ.
Faфлат уйқусини тарқ эт, бұл бедор,
Мамлакат аҳволидан бұл доим хабардор.
Сен жавобгар бұларсан, гар олам бўлса тамом,
Гофил бўлмай ишингни билиб қилгин, вассалом.

"Темур тузуклари"да ҳамиша халқ ва юрт дарди билан ёнган подшоҳнинг руҳияти, ҳаракатлари тасвириланади: "Салтанат түнин кийгач, тинчлигу соғлигим кетди. Ўз түшагимда роҳатда ухлаш ҳузур-ҳаловатидан воз кечдим (бешинчи банд, 57-бет). Ҳар бир диёр аҳолисининг аҳволидан огоҳ бўлиб турдим. Ҳар бир мамлакатнинг аҳволи, сипоҳи ва раият кайфиятини, туриш-турмушларини, қилмиш-қидирмишларини, булар ўртасидаги алоқаларини ёзиб, менга билдириб туриш учун диёнатли, түғри қаламли кишилардан воқеанавислар (ахборотчилар) белгиладим (9-банд, 55-56-бетлар) ва яна буюрдимки, ҳеч бир шаҳар ва қишлоқда одамлардан сари шумор (жон бошидан олинадиган солиқ) ва хона шумор (ҳар бир хонадондан олинадиган солиқ) олмасинлар. Сипоҳлардан бирон киши раиятининг хонадонига зўрлик билан келиб тушмасин, раиятнинг от-уловини тортиб олмасин" (Салтанатни идора этиш тузуги, 95-бет). Амир Темур салтанат түнини кийгач, Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома"сида таърифланган Хурмуз, Хусравдек, faфлат уйқусини тарқ этганлиги, мамлакат аҳволи ва халқ фаровонлиги учун зарур бўлган нарсаларни бунёд этиш йўлида саъй-ҳаракат қилишни ўз хотири саҳифаларига нақш этиш мақсадида барча ҳузур-ҳаловатдан воз кечганлиги Хожа ҳикматларида баён этилган гоя билан шу қадар уйғунлашганлигидан ихтиёrsиз равишда адид "Дастур ул-мулк" асарини ёзиш жараёнда кўз ўнгига доим "Темур тузуклари" шуъла сочиб турган-

лигининг гувоҳи бўламиз. Шуни қайд этиш жоизки, "Дастур ул-мулук"нинг жангнома қисми (21-фасл)да даҳшатли жанглар манзарасини тасвирлашда Хожа Самандар "Темур тузуклари" асарида баён этилган тартиб-қоидалардан бир ибрат сифатида фойдаланган.

"Дастур ул-мулук" асарининг асл мавзуси давлатни идора қилиш ва ёшларни тарбиялашда подшоҳлар учун бир дастурдир. Асардаги ранг-баранг ҳикматлар ва жанг воқеа-ҳодисаларда ҳаммадан олдин инсонга хос бўлган энг яхши ахлоқий-таълимий хислатлар тарғиб этилади. Муаллиф асаридаги ҳикматлар орқали инсон руҳиятидаги энг яхши сифатлар, хислатларни таърифлаш билан бирга, ҳар бир мамлакат подшоҳи, амири, ҳокими шундай сифатлар, хусусиятларга эга бўлиши ва улар давлатнинг пойдеворини шу тарзда қуриши, мустаҳкамлаши лозимлигини қайта-қайта таъкидлайди. Шу сабаб асарнинг, гарчи у асосан подшоҳларга атаб ёзилган бўлса ҳам, мамлакат ёшларини маънавий ҳалол, пок, иродаси мустаҳкам, сабр-тоқатли, Ватанга содиқ кишилар руҳида тарбиялаш хусусидаги аҳамияти ниҳоятда каттадир. Хожанинг мамлакатни бошқариш ҳақидаги ҳар бир ҳикмати худди бир давлат низомидек эътиборини ўзига жалб этади. Шу сабаб адаб Оллоҳ томонидан насиб этган мансабнинг соҳиби бўлган подшоҳлар, ҳокимларнинг вазифаларини давлат низомида-гидек нурлантириб таърифлайди.

"Азизим,—дейди Хожа,— Оллоҳ амалдорларга давлатни бошқариш учун қулай вазиятни яратди, тақдир чангали — панжалари улар учун улуғлик чодирини, бахт кошонасини қурди. Шундай қулай бир пайтда барча амалдорлар шундай улуғ, азим ишлар қилишлари керакки, у халқа осойишталиқ, фаровонлик, дину иймонга шон-шараф келтирсин, маънавиятни тарғиб этишга хизмат этсин. Уларнинг тирикликда амалга оширган ажойиб ишлари ўлгандан кейин ҳам гуноҳларини ювишга хизмат қилсин"...

Асарнинг иккинчи фасли жасорат деб номланган. Бино-барин, Қуръони каримда ҳам Оллоҳ жасоратли кишиларни ўзига яқин тутган. Шу боис Амир Темур ҳам "Жангларда жонини фидо қилган" жасоратли, марди майдонларга таяниб, шамшир зарби билан йигирма етти подшоҳликнинг таҳтини эгаллаганини фарҳ билан сўзлайди¹. Умуман, жасорат, ватанпарварлик хусусида мумтоз адабиётида ҳам,

¹ 9-фасл, 8-ҳикмат.

² Темур тузуклари, 54-бет.

ХХ аср адабиётида ҳам жуда күп асарлар яратилган. Бироқ жасорат, ватанпарварлик, Ватанни ҳимоя қилиш ҳақидағи ҳикматларида Хожа үзига ҳос тасвир услубини құллайды. У мардлик, жасорат билан боғлиқ бўлган муаммоларни, баҳодир йигитларнинг ички кечинмаларини, руҳиятини, яъни Ватан қизларига нисбатан муҳаббати, Ватан маликалари, келинлари фақат жасоратли, довюрак йигитларни севиш мумкинлигини муайянлаштириш билан тасвир таъсирчанлигини кучайтиради.

"Азизим,—дейди Хожа жасоратли йигитларга қарата,— зудлик билан жангга кириб, оловкор шамширнинг суви билан ёмон ниятли рақибнинг номини ҳаёт лавҳасидан ювиб ташлаган, душманнинг олазарак кўзларини зафар тоши билан ўйиб (кўр қилиб), мурод пиёласи лабидан май ичган, даврнинг номдор, шижоатли баҳодирларигина мамлакат келинчагини ўз бағрига босишига ҳақлидир. Бинобарин, айтадилар:

БАЙТ

Қайси дам кўрсанг ёвингни тинч-фарог,
Тунда маҳв эт — қабрига ёққин чирог".

Хожа Самандар Термизий Ватаннинг бошига бирор кулфат тушганда, зудлик билан қатъий қарорга келиб, ҳаётини хавф остида қолдириб, қулини ажал суви билан ювиб, тириклилигидан тамом умидини узиб, ўз мақсадига эришмоқ учун мурод майдонига, яъни ҳарб майдонга қадам қўйган, ҳар қандай азоб-уқубатга бардош берган, ўз давлати манфаати, тинчлиги учун жонини фидо қилган кишиларни, "Жондан кечиб, жон олиб-жон бериб жангта кирган паҳлавонлар" нигина жасур, довюрак одамлар сирасига қўшади.

Хожа мамлакати, ҳалқи ор-номуси учун кураш кетаётган бир вақтда мард йигит асло ўз хаёlinи бекорчи нарсалар билан банд қилмаслиги, фақат жанг ташвиши, галабани ўйлаши зарурлигини уқтиради.

"Азизим,— дейди Хожа,— уруш пайтида, жанг майдонида ор-номус учун кураш кетаётган бир вақтда, мард киши шуҳрат ҳақида, жону мол тўгрисида ўйламаслиги керак. Уларни кераксиз, беқадр бир нарса деб билиб, астойдил жанг қилмоғи лозим. Чунки уруш кунида шуҳрат, мол орттириш йўлида безовта бўлишдан кўра жанг ташвиши, кулфати тўгрисида ўйлаш минг карра афзалдир. Бинобарин, айтадилар:

БАЙТ

Ору номусдан кўра афзал билурсан гар бошинг,
Ёп паранжи бошингта, бўлсин аёллар йўлдошинг".

Шуни қайд этиш жоизки, Хожа Самандарнинг жасорат хусусидаги ҳикматлари бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ. Улар истиқолол йўлидан бораётган Ўзбекистон Республикаси ёшларини, жангчиларини ватан-парварлик, довюраклик, мардлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг қайта ишланган "Калила ва Димна" асарида ҳинд эртакларида баён этилган анъаналар давом эттирилиб, унда асосан ҳайвонлар, жониворларнинг мажозий тимсоли воситасида адаб ўз ниятларини, орзу-истакларини ойдинлаштирган. Хожа Самандар Термизийнинг "Дастур ул-мулук" асарида Воиз Кошифийнинг анъаналари янги тимсоллар, асосан инсон тимсоли воситасида, сultonлар, амирлар, ҳакимлар ва шахналар¹нинг амалий фаолиятлари, бир-бири билан бўлган муносабатлар мисолида сермазмун, ғоят таъсирчан ҳикматлар заминида китобхоннинг эътиборини ўзида жалб этадиган даражада ажойиб ёритиб берилган.

Асарнинг адолат фаслидаги биринчи ҳикмат подшоҳ томонидан тайинланган одил шахнанинг иш фаолияти, уларнинг ҳалқа ғамхўрлик қилиш даражасини ва аҳамиятини ойдинлаштириш билан бошланади.

— Азизим, — дейди Хожа ўз суҳбатдошига мурожаат қилиб,— адолатли шахна, амалдор ҳалқнинг тинчлиги, осоиишталигини таъминлаш учун ғамхўрлик қилмас экан, фитнанинг қўли азоб-уқубатни, адолатсизликни кучайтиришга кўмаклашади. Агар адолат шаъмининг нури билан бечора ҳалқнинг уйи ёритилмас экан, ситамдийдаларнинг дили каби мамлакат ҳавзаси ғам билан тўлади.

БАЙТ

Адолат дастини тутгайки яхши шоҳ,
Анга пушту паноҳ бўлгай ўзи Оллоҳ.
Адолатдан қўлин тортса агар сultonон,
Ситамндан вилоятлар бўлур вайрон.

Шахна — мамлакатда тартиб-интизомни назорат қилувчи, подшоҳ томонидан тайинланган соқчилар, посбонлар бошлиги ёки шаҳар ҳокими.

Халқ азалдан подшоҳлар томонидан тайинланган мамлакат, шаҳар вилоят ҳокимлари ва назоратчилар, посбонлар сардорининг одил бўлишларини орзу қилган. Одамларнинг тинч-фароғатда ҳаёт кечиришлариadolатли назоратчилар, ҳокимларнинг фаолияти билан боғлиқ эканлигини яхши англаған Xожанинг қадимий бу орзу-истаклари 300 йилдан буён ўз моҳиятини йўқотган эмас.

Хожа "Дастур ул-мулук" асаридаги ҳикматларда, салафлари сингари, ҳаммавақт мамлакат равнақи ва халқ фаровонлиги учун саъй-ҳаракат қилган, "Қуръон" да баён этилганидек, мулозимларининг "кичик гуноҳларини ўчириб"¹, авф этадиган, иғво-бўхтонларга ишонмайдиган одил, иродаси мустаҳкам подшоҳларни таъриф-тавсиф этади:

"Азизим, — дейди Хожа Самандар, — подшоҳлар орасида, руҳияти жиҳатидан мавж уриб турган денгизга монанд шаҳриёрлар бор. Унинг ақлини шағал-тошлар, ҳар қандай супуринди, хасу кашакларга ўхшаган аччиқ тил, гийбат ва бўхтон билан лойқалатиб бўлмайди. У ўзининг ғоятда мустаҳкам иродаси билан кучли, бақувват тоқقا ўхшайди. Бундай подшоҳни ҳар қандай ғазаб бўрони ҳам ўрнидан силжита олмайди..."

МАСНАВИЙ

Тушса бошга минг хатар, билгил, фақат —
Мақсадингта элтгуси сабру тоқат.
Шошмагилким, оқибат бўлгай ёмон,
От жиловин торт қолай десанг омон".

Буюқ ахлоқ олими Ҳусайн Воиз Кошифий "Калила ва Димна" асарининг пойдеворини ташкил этган ва подшоҳ Хушанг тимсолидаadolатли шоҳларнинг асосий хусусиятлари жам қилинган улуғ ҳинд Ройи Добшилимга ёзib қолдирган қуйидаги 13 та васияти ахлоқий-таълимий асарларнинг барчасини безаб турганидек, Xожанинг "Дастур ул-мулук" асарида ҳам кўзга яққол ташланиб туради.

Бу васиятлар қуйидагилардан иборат.

Биринчи васият. Подшоҳ агар бирор мулозимини ўзига яқин тутса, ҳаргиз бошқаларнинг шу мулозим ҳақидаги иғво-туҳматларини қабул қилмаслиги лозим. Зоро, кимики подшоҳга яқин бўлса, унинг ҳамкорлари, албатта, бирла-

¹ Қуръон, 4-сурә, 31-оят.

шиб, подшоҳ ўзига яқин тутган кишининг оёғидан тортиб йиқитмагунча, ҳасад, иғвони давом эттира борадилар.

Иккинчи васият. Подшоҳ ўз мажлисига сир ташувчи, гаддор, хиёнаткорларнинг иштирок этишларига йўл қўймаслиги лозим. Агар бирор кишида бундай одатлар борлигидан хабардор бўлиб қолса, тезлик билан унинг етказадиган зарарининг олдини олиши зарур.

Учинчи васият. Ўз давлат арбоблари билан ҳамиша етарли даражада яхши муносабатда бўлиши лозим. Зоро, дўстларнинг ҳамкорлиги, яқдиллигида бошлаган иши ҳамиша олдинга силжийди.

Тўртинчи васият. Душманнинг лутфи, марҳаматига ҳеч вақт ишонмаслиги лозим. Чунки душман ҳаргиз, ҳеч вақт дўст бўлмайди.

Бешинчи васият. Мурод гавҳарини (давлатни — Ж-Э) қўлга киритганидан кейин, уни муҳофаза қилишда гафлатда қолмаслиги керак. Чунки унинг бу мурод гавҳари — мақсади қўлдан кетса, уни қўлга киритиш ниҳоятда қийин бўлади ва бунда пушаймон фойда бермайди.

Олтинчи васият. Ҳар бир ишни енгилтаклик билан, жадал амалга оширишга шошилма, уни пухта ўйлаб, аста-секинлик билан амалга ошир. Чунки ошиқнинг зарари, сабр-тоқат билан бажариладиган ишнинг фойдаси чексиздир.

Еттинчи васият. Ҳеч вақт тадбирни эсдан чиқармаслик керак. Кўрсангки, жами душманлар иттифоқ бўлиб, сенга қарши курашмоқчи бўлсалар, сен яхшилик йўлини ахтариб, уларнинг биронтаси билан холисона дўстлик, меҳрибонлик иттифоқини тузишинг лозим. Шу йўл билан бошқаларни ҳам ўз томонингга ўтказиб олишинг мумкин.

Саккизинчи васият. Ҳасадгўй ва гинакор кишилардан ҳазар қилиш керак. Уларнинг ширинзабонлигига маҳлиё бўлмаслик лозим. Чунки гинанинг ниҳоли сийна заминига ўтказилади, унинг ҳосили фақат зарар, озор, ҳасаддан иборат бўлади.

Тўққизинчи васият. Гуноҳларни авф этиш ва кечиришини ўз шиорингга айлантироминг лозим ва ўз мулозимларнингни озгина гуноҳлари учун азоб-уқубат исканжасига ташламаслигинг керак.

Ўнинчи васият. Бирорга озор беришни шоҳ ўзига касб қилмаслиги лозим, токи у озор ўзига мукофот бўлиб қайтмасин.

Ўн биринчи васият. Ўз ҳолатига мувофиқ келмайдиган ишга майл қилмаслиги керак.

Ўн иккинчи васият. Ишларни бажаришда ҳамиша юмшоқ, вазмин ва субутли бўлиши лозим.

Ўн учинчи васият. Қўл остида яхши, ишончли мулошимларини кўпайтириб, хоин, золим кимсалардан узоқлашиши зарур.

Подшоҳ Хушангнинг мазкур васиятлари, юқорида эслатганимиздек, Хожанинг салафлари томонидан бир қатор сайёр ҳикоялар мисолида ойдинлаштирилган булса, "Темур тузуклари" асарида соҳибқирон Амир Темур тилидан айтилган ибраторумуз ихчам жумлалар воситасида ўз ифодасини топган. Адибнинг "Дастур ул-мулук" асарида эса гўзал, таъсирчан, ихчам ҳикматлар орқали янада аниқроқ ойдинлаштирилган.

Бинобарин, Хожанинг "Дастур ул-мулук" асарининг биринчи фасли иккинчи ҳикматида иғволарларнинг нопок ҳаракатлари фош этилади; 5-фасл 7-ҳикматда иғво, бўхтонга ишонмаган ҳукмдорлар таъриф-тавсиф этилади.

Саккизинчи фасл биринчи ҳикматда маслаҳатнинг фойдаси, моҳияти ҳақида Хожа шундай дейди:

"Азизим, маслаҳат — бу ақлли одамларнинг мажлиси-дир. Ҳар доим бирон-бир мусибатнинг хавфи пайдо бўлганда, агар оқиллар йигилиб, бу муҳим ишни ҳал қилишга киришсалар, албатта, хатарнинг йўли тусилади ва оқиллар анжуманининг натижаси хайрли бўлади.

БАЙТ:

Мушкулот бошига тушгай кимса оқил бўлса ҳам,
Кетибон ортга иши чеккай ано, ранжу алам.
Чора излаб ўзгага то дардини изҳор этур,
Икки бош, икки ақлдин унга имдодлар етур.
Бигта шаъм ёғдусида мушкул юритмак хомани,
Икки шаъм шуъласи боз равshan айлар хонани.
Яхши билгай ушбу ҳикматни мудом дониш эли,
Мажлиси кенгаш билан равshan эрур алар дили.
Жаҳлу ҳийла аҳли ўлтираса агар мажлис қуриб,
Икки бор ошгай аларнинг суҳбатидан макру фирб.

Кенгаш маслаҳатнинг аҳамиятини таъриф-тавсиф этган адаб, подшоҳ ўз мажлислари, кенгашлари жараёнида давлат сирини ошкор этмаслик учун, хусусан дўстларидан, ваҳимачи, гап ташувчи душманлардан ҳам жуда ҳушёр бўлишини уқтиради. Ўз сири, давлат сирини ошкор этган

подшоқ оқибатда аянчли, мудҳиши ақволга тушиб қолиши мүмкінлігіни баён этади.

Хожа ёзади:

"Азизим, мамлакатни бошқариш ва унинг сирини сақлаш оддий таомил ёки одамлар билан расмий мұомала әмаски, сен у ҳақда ҳар қандай одам билан маслағатлаша берсанг. Ўз орзу-истакларини, сирини бошқа одамларға ошкор этган подшоқлар ҳокимият тепасидан қулаб таназ-зул ўпқонига тушиб кетадилар.

Чунончи, айтадиларки:

БАЙТ

Деди бир ақлу ҳүшәрки, ҳар касни ёр айлама,
Тиіларсан гар омонлық сирру асфор ошкор айлама".

Умуман, асарни ўқыр эканмиз, Хожа Самандар одамлар тинчини бузган, давлатта заарар келтирадиган ҳамма иғвогарларни давлат низоми ила жизолаш тарафдори экан-лигини күз олдимизга келтирамиз.

Асарнинг еттинчи фаслида мурод гавҳарини (давлатни) құлға киритганидан кейин подшоқ асло ғафлатда қолмас-лиги, доим ҳүшёр бўлиши, душман сўзига асло ишонмас-лиги жуда гўзал ва сермазмун, таъсирчан ҳикматлар во-ситасида ойдинлаштирилган.

Хожа ёзади:

Азизим, душманнинг узргоҳлик қилиб берган сохта ваъдалари, айтган сўзларига мағрур бўлмаса, унинг яли-ниши, ёлвориши, тавба-тазарруси макр-ҳийладан холи бўлмайди. Чунки унинг кўқсида кина ва адоват ниҳоли кўкарган бўладики, у фақат заарар келтиради, халос!

Яна бир мисол:

Азизим, душманнинг макр-ҳийласи билан қизартирилган матога ўхшаш гапларига ишониб, унга харидор бўлма, чунки сенга зид кўнглидаги ҳамма яширин нарсаларини амалга ошириш учун ширин ва мулойим сұхбатларини тўлиқ ва етарли даражада безаб зийнатлайди. У сенинг ғафлатда қолган пайтингни аниқ билгач, шундан кейинги на тадбир ўқини нишонга тўғрилайди. Бундай вақтда қилган ҳаракатларинг ўринсиз, чорасиз қолиб, ҳасрат ва надомат ўтида қовурилиб қоласан.

Хожа Самандар Термизийнинг душман хусусидаги бу фикрлари, ўз даврида, ҳукмдорлар учун бир дастур вази-фасини ўтаган.

Подшоҳ үзининг давлат арбоблари билан ҳамиша етарли даражада яхши муносабатда бўлиши лозимлиги, ҳамжиҳатлик, яқдиллик билан бошланган иш ҳар доим олдинга силжиши мумкинлиги хусусидаги Ҳожанинг ғоявий ниятлари, орзулари элчи (6-фасл) ва вазир (10-фасл) ҳақидаги таъриф-тавсифларида ёрқин ифодаланади. Ҳожа элчи таърифида у икки масалада ҳаммавақт ҳушёр бўлиши зарурлигини уқтиради. Биринчидан, ўз подшоҳига содиқ бўлиб, мамлакат номуси, шон-шуҳрати, салтанат улуғворлигини эҳтиёт қилиш, иккинчидан, душман билан муносабатда унинг макр-ҳийласидан ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлиш. Вазир тавсифида эса подшоҳ билан вазир душманнинг қўли ҳокимиятга ва яхши, ростгўй, мард одамларнинг, дўстларнинг этагига етмаслиги учун, бир гиламда ўтириб, ҳамжиҳат, яқдил бўлиб, мухолифларига қарши курашмоғи лозимлигига эътиборни жалб этади.

Шарқ мумтоз адабиётида, жумладан, "Темур тузуклари"да ҳам "ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмаслик", ҳамиша юмшоқ табиатли бўлиш, ўз дилини майинлик, сабр-тоқат ва мулоийм сузлар билан безаш энг олижаноб инсоний фазилатлардан бири деб ҳисобланган. Ҳожа ҳам ўз ҳикматларида юмшоқ табиатли бўлишнинг афзалиги, ғазабланишнинг чексиз зарарини гўзал, образли тимсоллар воситасида ёрқин ифодалашга эришган.

Ҳожа ёзади:

"Азизим, ғазаб шайтон оловининг куйдирадиган шуъласидир, унинг насл-насабининг самараси — меваси пушаймонликдир. Шу боис ақлли одамлар ғазабининг бир луқмасини ютишни ўzlари учун ҳалол деб ҳисоблайдилар..."

Ҳожа жаҳл устида, ҳеч нарсани суриштирмай, гуноҳларни аниқламай туриб одамларни жазолашга шошилишнинг ва кейин пушаймон бўлиб ўқиниб юришнинг фойдасиз эканлигини қўйидаги ҳикматли ифодалар ёрдамида кўрсатиб беради.

"Азизим,— дейди Ҳожа,— надомат ва пушаймонлик тузофига тушмай десанг, жаҳлнинг асов оти жиловини сабр билан тортиб тўхтат. Ўжар шубҳа дарахтининг соясида, қоронгиликда қолиб, оқибатда ўксимаслигинг учун ақл нури билан уни ёрит",— дейди ва Шарқ фалсафаси билан йўғрилган қўйидаги гўзал образли ифодалар мисолида ўз қарашларини нурлантириб кўрсатади:

"Темур тузуклари", 55-бет.

Ким гуноқ этса ғазаблар қилмагил,
Берілі унга жазо шошилмагил.
Дур ушатмак күп осон машгүл эрур.
Қайта бутлаш они, ох, мушкул эрур.
Үйламасдан жаҳду жавлон этмагил,
Қылмишингдан сұнг пушаймон этмагил".

Хожанинг юмшоқ табиатли ва сабр-тоқатли булиш хусусидаги ҳикматларида ҳадисларда баён этилган "Эң кучли одам ғазабини ютган кишидір"— деган ифода жо этилғанлиғи яққол күзға ташланиб турибди.

Шарқ мұмтоз адабиётида сұзниң құдрати, унинг моҳиятини таърифлаш бир анъанага айланған. Бирор буюк мутафаккир ійүқки, сұзни васф этмаган бұлса; жумладан, Алишер Навоий ҳам деярлик барча асарларини сұзни васф қилиш билан бошлайди.

Сұзға юксак әльтібор албатта, Хожа Самандар Термизийнинг ҳам әльтіборини ўзига жалб этғанлиғи шубҳасиздір. Шу сабаб Хожанинг "Дастур үл-мулук" асари жуда күп фаслларыда сұзниң құдрати, унинг кишилиқ жамиятидаги моҳияти, бадий-эстетик таъсири юксак баҳоланади.

Хожа сұзниң, нотиқликтің инсон фаолиятидаги эстетик аҳамиятини қуйидагича таърифлайди:

— Элчи үткір, ялтироқ шамширга монанд тилдан чаққонлик ва моҳирлик билан фойдаланиши лозим. Аммо унинг очиқ юзлилиги, хушмуомалалиғи бирор-бир муросага келиши ёки сулқ түзиш пайтида мулойим, ёқимли нұтқидан таралиб турған сұз жавҳарларидан билиниб түрсін.

— Вазир ўзининг тиниқ, ёрқин ақлининг шами билан, мулойим, ёқимли сұzlари билан мамлакат күлбаларини ёритиши ... мингта тугунни (муаммони) осонлик билан ечиши лозим.

— Азизим, ўз дилингни юмшоқлик, сабр ва тоқат билан безагин. Чунки хүшхүлқ, мулойим кишининг сұzlари сермаған болади.

— Азизим, үйламасдан, андишасизлик билан айттылған сұз синалмаган зар-олтиндір. Айтмоқчи бұлған сұзингни аввал ўзинг үйлаб, маҳак тоши имтиҳонидан үтказ, тайёр бўлгач, хаёлингга нимаики келса, юзага чиқар.

БЛЙТ

Этмаса фикрингни сұз равшан аән,
Битмагил ул сұзни, боз этма баён.

Хожанинг таъкидлашича, Оллоҳ ҳам сўзга уста бўлган одамларнинг илтижосини тез қабул қилас экан. Сўзга тўн кийгизадиган бир дарвиш Каъбага бориб, Оллоҳнинг хоҳиши "ҳаж" сўзининг уч хил маънода шарҳлангани боис ҳудо ундан ниҳоят курсанд булиб, ҳамма илтижоларини қабул қиласди.

Айниқса, Хожа Самандар билан дўсти Мирзо Юсуфнинг бир-бирларига ёзган номалари латиф сўзларнинг мусобақа майдони даражасига кўтарилиган. Малеҳо Самарқандий ҳам, Мирзо Юсуф ҳам ва адиднинг бошқа замондошлари ҳам Хожанинг сўз бобидаги маҳоратига қойил қолишгандар.

Хожа асарнинг асосий мавзуларидан яна бири билим, тажриба соҳиби булиш, яхши, доно одамлар суҳбати билан ақлни бойитиш, баджаҳл, ёмон одамлардан узоқлашиш, нодонларнинг бемаъни, беҳуда сафсалардан иборат нопок сўзларини эшлиши билан ўзни азобламаслик, айниқса, дўст билан душманни фарқлай билиш, яхши дўст учун жонни фидо қилишни гўзал образли ифодалар воситасида тарғиб қилишдан иборатдир. Унинг дўстликнинг асосий шартлари хусусидаги қўйидаги байти руҳияти пок ҳар бир кишининг қалбини тўлқинлантириши шубҳасиздир.

БАЙТ

Дўст учун ҳамиша жонингни қилгин фидо,
Бироқ дўстни душмандан фарқла, қилгин жудо.
Дўст агар худо билан бўлса, фидойи ёр,
Дили равшандир, дўст нури ила у бедор.
Ноҳуш кунларнингда у бўлса сенга пайваст,
Насиҳат суви ила дил ўтини қылса паст,
Шундай дўстлар топсанг, хоки пойи бўл, басир бўл,
Эгарин қўш тасма ҳалқасига асир бўл.

Ҳаётда шундай нопок кимсалар ҳам борки, уларнинг қалбидан фақат ҳасад, рашк, фийбатнинг тиканли ниҳоли ўсиб чиққан булади. Улар пок одамлар ҳақида ҳасад, рашк, фийбат қилмасалар роҳатланмайдилар. Шу сабаб Хожа насиҳат қилиб ёзади:

"Азизим, баҳиллик, фийбат ва ҳасаднинг қалбингга кириб боришига йўл қўйма. Чунки баҳиллик, фийбат, ҳасад баҳтнинг эговидир. Булар давлатни ҳам, иззат-ҳурмат, шуҳрат чаманини ҳам нобуд қиласди. Бинобарин, айтадилар:

БАЙТ

Ўт ёқиши бирлан ҳасадгўйким мудом машгул бўлур,
Ушбу ўтда аввало ул ўзи ёниб кул бўлур.

Хожа ақл масаласига жуда катта эътибор беради. У кишининг ақлини, одоби, заковатини унинг лаёкати ва қобилиятининг мезони деб билади. Адиб одам табиати бошқа тирик мавжудотлардан фақат ақли билан фарқ қилишини, агар унинг равшан ақли, фикрлаш қобилияти юксак бўлса, "у энг паст мансабдан энг юқори, шарафли мансаб супачасига кўтарилиши"ни, оламни безатувчи ўткир ақл ҳаммавақт, ҳар қандай ҳолатда "одил қози" вазифасини ўташини катта эҳтирос билан тасвиirlайди.

Хожа Самандар Термизий дарвиш сифатида ўн йилдан ортиқроқ Шарқ ва Фарб мамлакатларини кезиб, сафар қилиб, тасаввуф сулукида кўрсатилган сафар белгиларининг ҳамма босқичларини бошидан кечирган. Шу сабаб "Сафар натижаси" номли 17-фаслда дунё кезишнинг моҳиятини, сафар инсон ҳаёти ва онги камолоти учун катта аҳамиятга молик эканлигини гузал, образли тимсоллар воситасида ёритиб берган. Бинобарин, сафар жараёнида одамнинг ҳар жиҳатдан камолотини, унинг фикри, онгининг ўсишини писданинг шахмат тахтасида олти катак масофани босиб ўтиб, катта ютуққа эришгани боис, фарзин ўрнини эгаллаши, ой ҳам тез ҳаракат қилганлиги сабаб ўн тўртинчи кун ҳилоллик даражасидан тўлин ойга айланиши билан қиёслайди. "Азизим,— дейди Хожа,— сафарда жуда кўп тажриба ортиурсанг, чексиз фойда кўрасан. Англаким, осмон доим баландда, ҳамиша ҳаракатда булғанлиги учун ҳамма нарсадан устун туради. еб эса пастда. ҳамиша тинч тургани учун нокасларнинг оёғи остида топталади". Бу гузал, образли ифодалар сафар қилишнинг моҳиятини яна-да чуқурроқ ойдинлаштиради.

Хожа Самандар Термизий жуда кўп йиллик сафари пайтида катта азоб-уқубатларни бошдан кечириб, Ватан ва дўстларидан узоқда яшаб, соғинч дардига гирифтор бўлгани учунми, асарнинг "Сафарни маън этмоқ" фаслида "Сафар натижаси" фаслида баён этган фикрларидан тўсатдан қайтади. У ёзади: "... Сафар бир дарахтдурким, унинг фироқ, айрилиқдан бошқа юки бўлмайди. Фурбат, мусофирик бир булатдирким, ундан фақат хорлик, хўрлик ёмғири ёғади. Сафар дўзахнинг бир қисмидир". Адиб Ватандан, дўстларидан жудо бўлган кишини, жумладан ўзини баргидан жудо бўлиб, мевасиз қолган дарахтга монанд этади.

Хожанинг қуйидаги ҳикматларида Ватан иштиёқи, Ватанни тарқ этган кишининг оғир азоб-уқубатларга гирифтор бўлиб, кўзидан ёш қуримаслиги, адабнинг ўзи ҳам

шундай аҳволга тушганлигини ҳазин бир ҳиссиёт, оғир бир дард билан тасвирлайди:

"Азизим, омилкор, ақлли одамлар ҳамиша ўз уйини, Ватанин тарк этиб кетмайдилар. Кимки, ўз ҳужрасини, Ватанин тарк этган бўлса, кўзидан ёш қуrimайди. Улар ўзларининг туғилиб-усган жойларини, уйларини эслаб, қолган умрларини кўз ёшларини тўкиш билан ўтказадилар.

Ҳар мусофирга бу панд огоҳ эрур—
Ким, гадо ўз кулбасинда шоҳ эрур".

"Азизим, сафарда жуда катта тажриба орттириб, наф кўрдилар, деган кишиларни эшидим. Мен шундай тажриба орттиридимки, тирик эканман, сафар қилишни хаёлимга ҳам келтирмайман ва дўстларимни кўриб туриш бахтини бегона юртларда бошга тушадиган азоб, қийноқларга алмаштиромайман.

БАЙТ

Чун гарид этмас ҳаваслар гурбате,
Унга басдур ёру дўстлар суҳбати".

"Муҳаббат худоси Эрот ҳақидаги тасаввур юзага келгандан буён ижтимоий фикрлар тарихида ишқ хусусида хилма-хил фикрлар баён этила бошлиди"¹. Жумладан, Хожанинг "Дастур ул-мулук" асарининг 20-фасли ишқ ҳақида ёзилган бўлиб, у ҳам ишқни қуийдагича тавсиф этади. "Азизим, билгил, баъзилар айтадиларки, ишқ ҳақиқий оловдир, фақат куйдиради, бошқалар айтадиларки, ишқ оламни вайрон қилувчи сувдир. Яна бирорлар айтадиларки, ишқ толиблар дилининг мусаффо тонгидир. Ҳеч шак-шубҳасиз, ишқ пайғамбаримиз, саҳобалар, фаришталар, дин йўлида собитқадам бўлган сўфилар қалбидаги порлаб, яшнаб турган, буюк Оллоҳга бўлган ҳақиқий муҳаббатдир. Яна айрим кишилар айтадиларки, ишқ-муҳаббат кайфиятидир, дўстликнинг бир кўринишидир. Ҳар кимки унинг лаззатини тотган бўлса, уни яхши билади, ишқ лаззатидан баҳраманд бўлмаган одам унинг нималигини билмайди". Бу жумлаларда ишқнинг моҳияти, илоҳийлиги, муҳаббат кайфияти, дўстликнинг бир кўриниши эканлиги муайянлаштирилган. Хожа "Одам жис-

¹ ЎзСЭ. 7-жилд. Т., 1976, 472-бет.

мидаги ҳамма жисмоний, ақлий, руҳий ва маънавий хусусиятлар ҳам сезиш, идрок қилиш учун яратилган юрак ҳам ишқ учун бунёд этилган,— дейди. Адиг Қуръоннинг еттинчи сурасида: "Биз сизларни яратдик, сўнг сизларга сурат бердик. Биз сизларга авратларингизни беркитадиган либосни ҳам, ясан-тусан (либосини) ҳам туширдик. Ернинг текисликларида (ёзлик) қасрлар қуриб олишингиз, тофлик жойларида (қишлиқ) бошпаналар йўниб (тиклаб) олишингиз учун маскан берганини эслангиз!"¹ — деб ёзилган оятларга таянган ҳолда ишқнинг пайдо бўлиш ва ишқ ҳақида ривоятлар, достонлар яратилишини қуйидагича таърифлайди: Сўнгра, вақт ўтиши билан худо инъом этган заминдаги одамлар, нарсалар юзлаб, минглаб дилрабо, жозибали, фусункор эртаклар, ҳикояларга айланди. Ақлнинг энг тे-ран, энг чуқур, энг латиф имкониятлари боис Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин каби қиёфалар юзага келди. Ақл соҳиблари Оллоҳнинг ўзи насиб этган латиф сўзлар билан уларнинг қиёфасини чизиб, ақл ва жон ато этиб, ишқ мулкини безадилар. Лайли ва Мажнун ҳақида нима-ики айтилган бўлса, Оллоҳ инъом этган шу нурда (сўзда) ўз ифодасини топди. Адиг — буларнинг ҳаммасини "Оллоҳ давлатига, илоҳий ишққа тегишлидир",— деб таъриф-тавсиф этади

"Дастур ул-мулук" тарихий-бадиий асар сифатида ҳам қимматли манбадир. Бинобарин, унинг 21-фасли Бухоро хони Абдулазизхоннинг 1679-1680 йилларда Хоразм подшоҳи Анушахон билан олиб борган жанглари, ҳаж сафарини ихтиёр этганидан сўнг, 1681 йилдан Субҳонқулихоннинг Бухоро таҳтига ўтирганлиги, Абдулазизхонни ҳаж сафаридан қайтишида унда Ҳиндистондаги дўстларини кўриш орзуси пайдо бўлиб, Яманнинг Моҳо бандаргоҳига борганлиги ва ўша ерда кемага чиқолмай, касал бўлиб вафот этганлиги, Субҳонқулихоннинг 1681 йилдан 1694 йилгача Хоразм хонлари Анушахон, Арангхонлар, Қарши ҳамда Мовароуннаҳрдаги зодагонлар, қабила ва уруглар оқсоқолларнинг бирин-кетин оловланиб турган исёнларини бостириш учун олиб борган қирғинбарот жанглари, Хурсондаги Боломурғоб қалъасини забт этиш учун Абдулло Султон (Боломурғоб вилоятининг ҳокими) ва Эрон қўшинлари билан бўлган савашлар ва шу йиллардаги Балх воқеалари, Субҳонқулихоннинг ўз ўғли, Балх ҳокими Сидиқмуҳаммадхонни қатл этганлиги, Тошкентнинг Бешкент

1 Қуръон, 11,26,74-суралар.

(Хозирги Пискент тумани) қўрғонини забт этиш учун, Бухоро хонлигига итоат қилишдан бош тортган Ўрус сulton юзга қарши олиб борилган қонли тўқнашувларнинг бадиий тасвири юксак маҳорат билан ёритилган. Академик Б.А. Аҳмедов ҳам Балх тарихи китобида Субҳонқулихоннинг ўз ўғли Сиддиқмуҳаммадхоннинг үлдирилиш сабаблари ҳақида ҳикоя қилганда, бу даҳшатли воқеа Хожа Самандар Термизийнинг "Дастур ул-мулук" асарида ба-тафсил ёритилганлигига диққатни жалб этади.

Асарнинг бу фасли худди Бобурнинг "Бобурнома", Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома" асарларининг қурилишига монанд булиб, юз берган тарихий ҳодисалар, даҳшатли жанглар воқеаси ҳикоя қилинар экан, аввал воқеанинг ўрни, воқеага иштирок этувчи шахсларнинг руҳияти, феъл-атворлари, хатти-ҳаракатлари, жисмоний ва маънавий куч-қувватлари, обру-эътиборлари тасвирланиб, кейин асосий воқеаларнинг баёнига киришилади. Бу тарихий ҳодисаларнинг бадиий тасвири шу қадар аниқ, энг кичик деталларигача баён этилишидан Хожанинг бу воқеаларнинг кўпиди ўзи иштирок этганлиги ва даҳшатли жангларни, шу кети узилмайдиган хунрезликлар сабаб, ҳалқ бошига тушган чексиз кулфатларни ўз кўзи билан кўрганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. У "майдон тўла коптакмонанд каллаларни, қатъя михларига осиб қўйилган бошларни, қонга тўла ҳисобсиз дубулғаларни, қонда сузиб юрган ногора чилликларини, байроқ парчалирини" ўз кўзи билан кўргани боис, бу воқеаларнинг бадиий ифодаси ниҳоят таъсирчан чиққан. Бинобарин, Хожанинг ўзи шундай деб ёзади: "Ҳа, сўз чаманининг булбули бўлган Мен ва Мирзо Юсуф (Хожанинг дўсти)нинг яқдил, ҳамжиҳат қаламимизга сўз боғи гулхонасини ясатиш билан ер юзи одамларига таъсир қилиш, уларнинг қалбига чўф ташлаш одат булиб қолганлигини ҳамма билади". Давр китобхонлари ҳам адабнинг юксак маҳоратига қойил қолиб, "Бизни фақат Хожанинг сўзлари иситади", — дейишган.

"Дастур ул-мулук" асарининг 21-фасли ҳам худди юқорида эслатилган ҳикматларидек, насрый асарнинг энг яхши намунасиdir. Ундаги ҳар бир воқеанинг баёни худди бадиий асарлардагидек қурилишга эга. Унда аввал воқеаларнинг юз беришига сабаб бўлган ҳодисалар, кейин воқеаларнинг тугуни, ундан сўнг воқеаларнинг ривожи,

сўнгра эса воқеаларнинг авж нуқтаси ва ечими тасвирланади.

Масалан, Субҳонқулихоннинг ўз ўғли Сиддиқ Муҳаммадхонни қатл этилиши воқеасининг қурилишига назар ташлайлик: Анушаҳон билан бўлган жангларда ўз ўғлининг ёрдамга келмаганлиги Субҳонқулихон қалбини тирнай бошлайди (воқеанинг бошланиши — экспозицияси); бунинг устига, Сиддиқмуҳаммадхон отасининг рухсатисиз Ҳиндистонга элчи юборганлиги хусусидаги хабар хоннинг дилига ғулгула солади, унинг вазирлари, саркардалари ҳам бу ҳодиса катталашиб, хавфга айланмасдан бурун бирон чора кўриш зарурлигини Субҳонқулихоннинг қулоғига қуя бошлайдилар (воқеанинг тугуни); Балхга юриш қилиш учун тайёргарлик ва Амударёдан ўтиш, Балх қўргонига қараб йўл олиши, Сиддиқмуҳаммадхоннинг ўз отасини шаҳарга киритмаслик учун замбараклардан, милитиклардан ўқ отгани, қилган ўринисиз ҳаракатлари ва отасининг сўзга уста элчи орқали ўғлига хат юбориб, унда оталик меҳрини уйғотишига эришгани, ўғли билан ярашгани, у билан фахрланиб қамту ўтиргани (воқеанинг ривожи); икковлари жуда хурсанд бўлиб, аркка томон юрганларида, ота билан боланинг дустлашишини истамаган бир ифвогарнинг Субҳонқулихон қулоғига ниманидир шипшиши ва хоннинг, бирдан ғазаб оловида ёниб, ўғлини қатл қилдириши (воқеанинг авж нуқтаси); Балхга Муҳаммадбий юзни ҳоким қилиб тайинлаш ва яна икки ой қолиб, Балхда тартиб ўрнатиши (воқеанинг ечими) каби ҳодисалар занжирни мазкур қисмнинг композицион қурилишини ташкил этади, яна ҳар бир қисм ёхуд кичик бир воқеанинг бадиий ифодасидан кейин адебнинг салафларидан ўзлаштирган ёки ўзининг шеърлари билан асарни безаши тасвирнинг бадиий қимматини кучайтиради. Хожа қўллаган ибраторумуз шеърлар унинг истаклари, гоявий ниятларини нурлантириб туради.

Абдулазизхон, Субҳонқулихонларнинг Анушаҳон, Арангхонга ва исёнчиларга қарши олиб борган жанглари, яхши ва нобоп одамлар руҳиятида юз берган зиддиятларнинг бадиий ифодаси "Дастур ул-мулук" асарининг конфликтини ташкил этади.

Асарда ижобий тимсоллар: Абдулазизхон, Субҳонқулихон (Бухоро хонлари), уларнинг саркардалари Масъум мироҳур Термизий, Маҳмуд қатағон, Ҳушки Баҳодир оталиқ, Термизбек Жалойирий, Ғойибназарбий оталиқ, Муҳаммад Сайдхожа нақиб, Рустамбий оталиқ, Жувонбий оталиқ (Қарши ҳокими) ва Муҳаммад Алилар, вазир-

лари: Мирзо Абдулбоқи, Мирзо Ризо дафтарларнинг ўз Ватанларини душманлардан муҳофаза қилиш хусусидаги қаҳрамонликлари, ўз Ватанларини обод қилиш учун қилган ҳаракатлари, ҳалол, пок руҳиятлари, халқпарварларлари катта маҳорат билан такрор-такрор таъриф этилади. Асарни ўқир эканмиз, Бухоро хони Субҳонқулихоннинг давлатни бошқариш борасидаги саъй-ҳаракатлари, ўз мулизимлари билан бўлган муносабати, халқпарварлиги, саҳийлиги, умуман, руҳиятидаги барча ижобий хислатлар худди "Темур тузуклари"да Амир Темур тилидан баён этилган талабларга жуда ҳам монанд эканлиги яққол кўзга ташланиб туради. Шу сабабли бўлса керак, Хожа Самандар ўз асарида Субҳонқулихонни "иккинчи соҳибқирон" деб таърифлайди.

Асада Анушахон, Арангхонлар (Хоразм хонлари); мансаб-мартаба кўйига тушиб, ўз ҳалқи, ватанини оғир машиққатларга гирифтор этган Мовароуннаҳрнинг исёнчи беклари: Хожа Қулибий (Самарқанд ҳокими), Урус султон юз (Тошкент ҳокими), Тукмабий ёбу (Кеш ҳокими), Фозилбий девонбеги, Ўзтемурбий қатағон каби зодагонлар, қабила ва уруғ оқсоқоллари руҳиятига сингиб кетган шуҳратпастлик, мансабпастлик, босқинчилик қораланади. Мирзо Беклар сингари солиқлар миқдорини, турини кўпайтириб "халқни тентиратиб қўйган" вазирлар лаънатланади.

Шуни қайд этиш жоизки, Хожа эл-улусга ғамхўрлик қилган Жувонбий оталиққа ўхшаган адолатли ҳокимларни таърифлайди. Бинобарин, у ёзади: "Шу пайтда амирликка қарашли бўлган Қарши ҳукуматида Жувонбий оталиқ ҳокимлик қиласи эди. Унга ўхшаган ҳукуматни безайдиган адолатли ҳуқмдор бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Унинг оддий қалби тозалик борасида ойнадек эди, йўқ, ойна эмас, балки жаҳонни безатиб турган жом эди. Шу боис унда ҳар қандай кишининг ҳолати, руҳияти намоён бўлиб турарди. Унинг қалб ойнаси порахўрлик ва бирон буюм эвазига сотиб олиш додлари билан ифлосланмагани сабаб бирор-бир масаланинг асосий моҳиятини аниқлаш борасида чин билан ёлқонни мусаффо тонгдек равшан фарқ қиласарди..."

Муҳаммаджонбий юзга ўхшаган ҳалқ бошига кулфат булиб тушган золим, бағри тош ҳокимларни, ҳеч қўрқмай, тап тортмай фош этади. Адид ёзади: "У ҳокимлик қилган пайтларда нур тутунга, гул тиканга ҳамсоя бўлганидек, мен ҳам унинг энг яқин қўшниси эдим. Мен унинг давр олимларига ҳеч қачон яхшилик қилганини кўрган эмасман. Унинг замонида шаҳар, қишлоқ ва яйловдаги одамлар ҳам

ҳеч қачон тинчлик ва осойишталиктин ҳис қилган эмаслар. Ажабтовор халқ! Улар қаерга оёқ қўйса, жойлашиб олса, ўша ерда тинчлик, осойишталик, ҳузур-ҳаловат йўқолиб, қўрқинчли охирзамон кунлари бошланади. Бундай одамлар қаерда пайдо бўлса, шу ерда тинчлик барҳам ейди", — дейди.

Асарда ифво ва бўхтоннинг тимсоли бўлган Хожа Аваз, хасислик, ахлоқсизлик ва бойлик ортириш, порахўрлик рамзи бўлган қози Бадеънинг ички ва ташқи дунёсини очиб берувчи жуда катта маҳорат билан ёзилган тўртта ҳажвий қикоянинг ҳар бири алоҳида-алоҳида мустақил асар сифатида диққатга сазовордир.

Хожа Самандар ахлоқий-таълимий қарашларини, истакларини таъсирчан ва ишонарли бўлиши учун воқеа ва ҳодисаларни Қуръон оятлари асосида муайянлаштиришга ҳаракат қиласди. (Изоҳларга қаранг).

МАҲОРАТ МАСАЛАСИ

Асар матни юзлаб бадиий санъатлар, жумладан, тажнис, тавсиф, тарсөй, муболага, иҳом, хусусан, саж, Қуръон оятлари билан безатилганилиги боис зийрак фаҳм соҳиби бўлган китобхонгина адид тасвирилаётган моҳиятини тушуниши мумкин. Шу сабаб "Дастур ул-мулук" матнини англаш жуда қийин ва оғир. Бизнингча, Варовинийнинг "Марзбоннома" (XIII аср) ва сабки ҳинди — ҳинд услуби — бедилона услубда битилган Фаттони Нишопурийнинг "Шабистони хаёл" (XV аср), Амир Ҳусайн Содотнинг Нузҳатул-арвоҳ ("Пок руҳлар"), Хожа Самеъ Содотнинг "Авранги Ҳикмат" ("Ҳикмат тахти"), Амир Ҳусайннинг "Рангу бу" ("Хуш ҳидли феъллар") каби асарларига уҳшатиб Самандархожа ҳам ўз асари тилини маҳсус ва жiddий равишда рамзу киноя ва саж билан безатиб, бир томондан, ўзининг бадиий санъатлар соҳасидаги маҳорати ва ҳунарларини кўрсатишга ҳаракат қилган бўлса, иккичи томондан танқидий фикрларни насиҳат пардаси ортида, "шомлаштириб", "қоронfilaштириб" бериб, ўша давр тузумидан ўзини ҳимоя қилган. Шу фактлар, назаримизда, асар матнини хийла мураккаблигига сабаб бўлган. Зотан, XV асрдан бошлаб, кўпроқ китобхоннинг зийрак фаҳми-фаросати, ўткир зеҳнга мослаб асар ёзиш бир одат тусига кирган эди.

Хожа "Дастур ул-мулук" асарида ўзи баён этаётган воқеа, ҳодисаларнинг ифода оҳангини кучайтириш ва асар таъсирчанлигини ошириш мақсадида уни кўпроқ сажъ

"қоғияли наср"нинг энг мураккаб усули — муражжъ шаклида ёзди.

Хожа "Дастур ул-мулук" асарини ташбеҳ ва муболаганинг ҳамма турлари билан безаган, образли тасвирий воситалар ва образли ифодаларнинг барча турларини нурлантириб, кучайтириш учун ривоятлардан, сўз ўйинларидан, имо-ишора, ибора ва халқ мақоллари, ўша давр одамлари тасаввуридаги ҳар хил нарса ва ҳодисаларнинг реал ёки хаёлий-символик тимсолларидан кенг фойдаланган. Айниқса, Хожа ўзининг севимли ривоятидаги адабий қаҳрамон — Юсуфнинг символик тимсолига жуда кўп марта мурожаат қилган. Адид ўз ниятини ойдинлаштириш учун мусулмонлар ҳамиша шарафлаб келган пайғамбарлар ҳақидаги ривоятлардан ҳам бир образли тимсол сифатида фойдаланади. У ўз истакларини ёрқинроқ ифодалаш ниятида қўллаган ўхшатишларида тез-тез Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асаридаги адабий тимсолларга, Низомий, Хисрав Деҳлавий ва Алишер Навоий қаламига мансуб Фарҳод, Ширин, Лайли ва Мажнун каби адабий қаҳрамонларга мурожаат қиласди.

"Дастур ул-мулук" асарининг муаллифи Хожа салафари томонидан олдиндан қўлланган анъанавий тасвирий воситалардан кенг фойдаланган. Бу ҳолат, айниқса, Бухоро хонлари ва қўшинларининг тасвирида тез-тез учраб туради. Адид Бухоро хонлари Абдулазизхон, Субҳонқулихонларни ислом давлати халифаларининг ўринбосарларига, Искандарга, шавкатли Эрон подшоҳларига, оловга, оламни ёритиб турувчи қуёшга ташбиҳ этади.

Хожа "Дастур ул-мулук" асарида, айниқса, ташбиҳнинг муболага усулидан ниҳоят кўп фойдаланган. У Бухоро хони Абдулазизхонни ва унинг қўшинини қўйидагича тасвирлайди:

"Алқисса, эрталаб тонгда енгилмас байроқлар остида юлдуз сингари беадат қўшин шаҳар томон юриш қилганда, Жамшид монанд подшоҳ ҳам жонийларга муносиб равишда шиддат билан оёғини баҳт узатгисига қўйиб, отига миниб... осмон сингари тез ҳаракат қилиб, қуёш каби ҳеч ерда тўхтамай, ҳамма ёқни ёритиб, жуда шошилинч равишда дала-даштларни, баланд-пастларни босиб ўтиб... Бухоро туманларидан бирига қарашли Оқсоқ қўргонига келиб жойлашди".

Боломурғоб қалъасини забт этиш учун Хурсонга қилинган юришда қўшинга саркардалик қилаётган Фойибназарбий, қўшин ичидаги одамлар орасида келишмовчилик, низо борлигини сезгач, бундай ҳолат билан

жангда ғалаба қилиш мушкул эканлигини англаб, уларни ҳамжиҳат қилиш борасидаги ҳаракатларининг натижасини ҳам муболағали ташбиҳ воситасида ойдинлаштиради.

"...Катта айиқ юлдузи' монанд бир-биридан жуда узоқлашган бу одамлар Фойибназарбийнинг насиҳатларидан кейин Ҳулкар /етти оғайни/ юлдузи каби ҳамжиҳат бўлдилар",— дейди адаб.

Асарда анъанавий ташбиҳлар билан бирга Хожанинг ўз услугига хос оригинал ташбиҳлар ҳам кўплиги адабнинг юксак маҳорат соҳиби эканлигидан далолат беради. Чунончи, Хожа Қарши вилоятида юз берган қурғоқчиликни китобхон кўз ўнгига аниқ гавдалантириш учун қўйидаги таъсирчан, оригинал ташбиҳларни қўллади.

"...Катта дарёларда оқаётган сувлар дармонсизланиб қолган етим болаларнинг қўли, оёғи каби ҳеч жойга бориб етмасди... Булоқлар худди сувга туширилмаган қайиқдек, ҳовузлар бамисоли сув юзини кўрмай, ағдарилиб ётган елкан сингари қовжираб қолган эдилар..."

"Дастур үл-мулук" асарида кўп учрайдиган тасвирий воситалардан яна бири, муболағанинг оддий турлари билан бирга, унинг ифроқ (ўта муболаға) ва ғулу (ақлга сифмайдиган, реал ҳаётда юз бермайдиган) хилларидан ҳам жуда катта маҳорат билан фойдаланилган.

Қадимий одамлар табиатдаги ҳар бир нарса — предмет, айниқса, осмоний жисмларни тирик мавжудот сифатида тасаввур этганликлари боис адаб ўз асарини кўпроқ тасвирий воситаларнинг жонлантириш усули билан безайди.

Мисоллар:

"Ҳақиқатдан ҳам хон тарқатаётган беҳисоб тортиқларни баҳорнинг ёмғирли булути фаросат билан фаҳм, идрок этса эди, уялганидан кафтини пешонасига қўйиб, осмондан дурлар тўкишни тўхтатган бўлар эди."

"Кирчи булатлар илк баҳорнинг янги лашкарлари оёқларига ёпишган чанг-тўзонларни қор суви билан юва бошладилар".

“Қўзи шер елинидан сут эмар, қўйлар эса ўз сутлари билан шер лабини ювар эдилар.”

Биринчи мисолдаги жонлантиришда хоннинг сахийлигини ойдинлаштириш учун баҳор ёмғирли булути жонлантирилган, иккинчиси жонлантиришда инсонга хос бўлган хусусият булатуга кўчирилиб, тасвир гўззаллаштирилган. Учинчи мисолда ҳам инсондаги хусусиятларни ҳайвонларга ўтказиш, бадал қилиш орқали одил подшоҳларнинг руҳияти ойдинлаштирилмоқда.

"қоғияли наср"нинг энг мураккаб усули — муражжаъ шаклида ёзади.

Хожа "Дастур ул-мулук" асарини ташбек ва муболаганинг ҳамма турлари билан безаган, образли тасвирий воситалар ва образли ифодаларнинг барча турларини нурлантириб, кучайтириш учун ривоятлардан, сўз ўйинларидан, имо-ишора, ибора ва халқ мақоллари, ўша давр одамлари тасаввуридаги ҳар хил нарса ва ҳодисаларнинг реал ёки хаёлий-символик тимсолларидан кенг фойдаланган. Айниқса, Хожа ўзининг севимли ривоятидаги адабий қаҳрамон — Юсуфнинг символик тимсолига жуда кўп марта мурожаат қилган. Адиб ўз ниятини ойдинлаштириш учун мусулмонлар ҳамиша шарафлаб келган пайғамбарлар ҳақидаги ривоятлардан ҳам бир образли тимсол сифатида фойдаланади. У ўз истакларини ёрқинроқ ифодалаш ниятида қўллаган ўхшатишларида тез-тез Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асаридаги адабий тимсолларга, Низомий, Хисрав Деҳлавий ва Алишер Навоий қаламига мансуб Фарҳод, Ширин, Лайли ва Мажнун каби адабий қаҳрамонларга мурожаат қилади.

"Дастур ул-мулук" асарининг муаллифи Хожа салафлари томонидан олдиндан қўлланган анъанавий тасвирий воситалардан кенг фойдаланган. Бу ҳолат, айниқса, Бухоро хонлари ва қўшинларининг тасвирида тез-тез учраб туради. Адиб Бухоро хонлари Абдулазизхон, Субҳонқулихонларни ислом давлати халифаларининг ўринbosарларига, Искандарга, шавкатли Эрон подшоҳларига, оловга, оламни ёритиб турувчи қуёшга ташбиҳ этади.

Хожа "Дастур ул-мулук" асарида, айниқса, ташбиҳнинг муболага усулидан ниҳоят кўп фойдаланган. У Бухоро хони Абдулазизхонни ва унинг қўшинини қўйидагича тасвирлайди:

"Алқисса, эрталаб тонгда енгилмас байроқлар остида юлдуз сингари беадат қўшин шаҳар томон юриш қилганда, Жамшид монанд подшоҳ ҳам жонийларга муносиб равишда шиддат билан оёғини баҳт узатгисига қўйиб, отига миниб... осмон сингари тез ҳаракат қилиб, қуёш каби ҳеч ерда тўхтамай, ҳамма ёқни ёритиб, жуда шошилинч равишда дала-даштларни, баланд-пастларни босиб ўтиб... Бухоро туманларидан бирига қарашли Оқсоқ қўргонига келиб жойлашди".

Боломурғоб қальясини забт этиш учун Хурсонга қилинган юришда қўшинга саркардалик қилаётган Гойибназарбий, қўшин ичидаги одамлар орасида келишмовчилик, низо борлигини сезгач, бундай ҳолат билан

жангда ғалаба қилиш мүшкүл эканлигини англаң, уларни ҳамжиҳат қилиш борасидаги ҳаракатларининг натижасини ҳам муболағали ташбиҳ воситасида ойдинлаштиради.

"...Катта айиқ юлдузи монанд бир-биридан жуда узоқлашган бу одамлар Гойибназарбийнинг насиҳатларидан кейин Ҳулкар /етти оғайни/ юлдузи каби ҳамжиҳат бўлдилар", — дейди адаб.

Асарда анъянавий ташбиҳлар билан бирга Хожанинг ўз услугига хос оригинал ташбиҳлар ҳам кўплиги адабнинг юксак маҳорат соҳиби эканлигидан далолат беради. Чунончи, Хожа Қарши вилоятида юз берган қурғоқчиликни китобхон кўз ўнгига аниқ гавдалантириш учун қўйидаги гаъсирчан, оригинал ташбиҳларни қўлладайди.

"...Катта дарёларда оқаётган сувлар дармонсизланиб қолган етим болаларнинг қўли, оёги каби ҳеч жойга бориб етмасди... Булоқлар худди сувга туширилмаган қайиқдек, ҳовузлар бамисоли сув юзини кўрмай, агдарилиб ётган елкан сингари қовжираб қолган эдилар..."

"Дастур ул-мулук" асарида кўп учрайлиган тасвирий воситалардан яна бири, муболағанинг оддий турлари билан бирга, унинг ифроқ (ўта муболаға) ва гулу (ақлга сифмайдиган, реал ҳаётда юз бермайдиган) хилларидан ҳам жуда катта маҳорат билан фойдаланилган.

Қадимий одамлар табиатдаги ҳар бир нарса — предмет, зйниқса, осмоний жисмларни тирик мавжудот сифатида тасаввур этганликлари боис адаб ўз асарини кўпроқ тасвирий воситаларнинг жонлантириш усули билан безайди.

Мисоллар:

"Ҳақиқатдан ҳам хон тарқатаётган беҳисоб тортиқларни баҳорнинг ёмғирли булути фаросат билан фаҳм, идрок этса эди, уялганидан кафтини пешонасига қўйиб, осмондан дурлар тўкишни тұхтатган бўлар эди."

"Кирчи булатлар илк баҳорнинг янги лашкарлари оёқларига ёпишган чанг-тұзонларни қор суви билан юва бошладилар".

"Қўзи шер елинидан сут эмар, қўйлар эса ўз сутлари билан шер лабини ювар эдилар."

Биринчи мисолдаги жонлантиришда хоннинг сахийлигини ойдинлаштириш учун баҳор ёмғирли булути жонлантирилган, иккинчиси жонлантиришда инсонга хос бўлган хусусият булатга кўчирилиб, тасвир гўзаллаштирилган. Учинчи мисолда ҳам инсондаги хусусиятларни ҳайвонларга йтказиш, бадал қилиш орқали одил подшоҳларнинг руҳияти ойдинлаштирилмоқда.

Хожа Самандар Термизий бутун асари давомида жуда кўп марта юлдузлар буржи шакли ва номидан бир восита сифатида фойдаланиб, китобхонлар диққатини жалб этадиган чироили сўз ўйинларини қўллади.

Масалан:

I. Буқа /ҳўқиз, сигир/ — сарв ойи юлдузлар буржининг номи.

Буқа /ҳўқиз, сигир/ — уй ҳайвонининг номи.

II. Қўзи /қўй/ — Ҳамал юлдузлари буржининг номи.

Қўзи /қўй/ — уй ҳайвонининг номи.

III. Улоқ (эчки) — Жадий юлдузлар буржининг номи.

Улоқ /эчки/ — уй ҳайвонининг номи.

Адиб воқеаларнинг насрый баёнини ҳам салафларидан ижодий үзлаштирган, ҳам узи ёзган шеърий парчалар, қитъалар, рубоийлар билан безар экан, ушбу назмий парчаларда табиат манзаралари тасвиридан, образли тасвирий воситаларнинг бошқа турларидан, айниқса, талмеҳ / тарихий воқеалар, шахслар, афсоналар, жўғрофий номлар, осмоний жисмларнинг номларига ишора қилиш/ санъатидан, риторик суроқ, такрор усулларидан, халқ мақоллари, ибораларидан, Қуръон оятларидан жуда катта маҳорат билан фойдаланадики, бу унинг билим доираси ниҳоят кенг ва мукаммаллигидан далолат беради. Шу боис асарни ўқир эканмиз, кўз ўнгимизда гўё тилшунос, мунахжим, жўғрофий олим, тарихчи, ахлоқ ва ислом дини олими, талантли мутафаккир гавдаланади.

Айниқса, унинг асарида баён этилган ахлоқий-таълимий ибратомуз насиҳатлари ёшларни тарбиялашда ҳамиша бир дастуруламал — қўлланма вазифасини ўташи шубҳасиздир.

Шу сабаб адид китобининг сўнгидаги қўйидаги фахрияни ёзади.

Масиҳдек жон ато айлар китобдур бу,
Беморларга шифо айлар китобдур бу.
Кўнгулларни чаман этгайки авроғи,
Каломин ҳар биридур бир дил чироги.
Этиб не фикру не мавзу илова,
Оҳу терисидан қилдим муқова.

ЖАББОР ЭСОНОВ

ДАСТУР УЛ-МУЛУҚ

(Подшоҳларга қўлланма)

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

Бутрининг, бошлай оламнинг, мавжудоднинг, олижаноб фарзандласига, булуг дўстларнинг яратувчиси Оллоҳ номи билан. Оллоҳ ўзи сайлаган Муҳаммадга, унинг оиласоҳи сафдошларига оқ фотиҳа берсин.

ШЕЪР

Даҳшатли ул сўроқ куни¹ бегумон,
Бўлурман шубҳасиз тўртта дўст² томон.
Жанг-жадал ичинда одамга, ~~хир~~,
Керак-ку вафодор дўсту қадрдан.

Ушбу тарк эти таснифдан сўнг, оташпастлик ибодатхонасини ҳам қаландарлик мамлакатида Эркин, мустақил искусталичилик илувчи Самандар ҳикоя қилиди. Аввалида мен шуҳрат кандарлик ҳаёт тарзи зинчапоясидан юқори камол топдим ва дарвиш-қаландар сифатида оловли зоиб, ҳаммага ташилдим.

Менинг жўшқинлар руҳиятимда ўзимга хос, худди ошиқ-маъшуқлар бор эди. Гирор ила бир-бирларига хуштор бўлганларидек, бутун кунук, серғайратликни севиш, унга интилиш одати йўлда сарнасиб этганишни қувватимни чанқоқлик ва шиддат билан шулаш ва унга етишмак умиди каби бир одат ҳам и эди.

Шу бочаси синге кўчириб учар қансарорар эди. Ниҳоят, менинг толеи паст юлдузим тларимни синдириб, турмуш лаш-лушларининг га ташлади. Энди мен мақсадим майдонига ўз уруғини сепмоқдаман. Агар беназир Оллоҳ

¹ Асардаг ўзбек тилига

и ҳамма шеърлар биз томонимиздан форс-тожик тилидан таржима қилинган — Ж.Э.

раҳмдиллик қилиб, ёмғир берса, бу қорға ерга ташланган урұғым күкариб-униб, үз ҳосилини беради.

БАЙТ

Бир құбиз савти билан күнглиңгә мұжда ғанағылур.
Ақли ранж сұрса на жот Оллоқдан имдодлар келур.

Ушбу ҳолни сұз билан баён этиш хүсусидаги мақсад құйида аён бұлур.

Чечанлик денгизининг ғаввоси, сұз діиёрининг сайёхи шайх Саъдий, Оллоқ уни раҳмат қылсан, сұз ила үз табиатини "Гулистан" га кирилди, худонинг марҳамати, мадади туфайли у нағис ва нозик фикрларни ифодаловчи жуда күп атиргуллар, гул-лолаларни терілб, дүстлар учун "Бұстон"да жамлаб, уларнинг бошига сочди. Шу боис, бу соҳада янги ва тажрибасыз бұлган каминә (Самандар) сұз діиёрида саёшат қылған бундай кишиларнинг этагини катта жүріят билан мақкам ушлаб, уларға әргашдим. Улуг одамларнинг тоза гавҳардан иборат чуқур мәньоли ибораларини, ҳикматли ғапларини унұтmasлик ва доим эсда сақлаш учун бу рангин, хилма-хил лавҳаларнинг мазмунига мос ва мувофиқ бұлган ҳис-түйғуларим, орзу-истакларимни уларнинг шеърлари билан безаб, қоғоз сақыфаларига жойлаштырдим ва (асарға) "Дастур үл-мулук" деб ном қўйдим.

Бу асарнинг сохта пул каби кишилар тұдасининг диққат-эътиборини үзига жалб этмаслығы Эҳтимоли мавжуд эди. Шуни назарда тутиб, Жамшидде² обру-эътиборга, куч-қувватга молик бұлган Оллоқнинг ердаги сояси — шоҳ Субҳонқули Мұхаммад Баҳодирхон ном³ билан безадим.

ШЕҮР

Раббим, жасорат — бир атиргул ғоги,
Гулхона бұлмишдир юртнинг ҳағы ёғи.
Куз келиб, Исрофил⁴ сур ғалғұнға то
Бу гулзор баҳорин бұлмас адоги.

Модомики, бу номсиз, тамғасиз үзын⁵ (китоб — Ж. Э.) хон олий ҳазратлари номи билан зийнатланған экан, шунға ишонч ҳосил қилиш мүмкінки. Бұл китобни ҳамма одамлар, албатта, диққат билан үқийділар ва унда ошкор этилған нопок, нобоп иллатларни пайқағ, лабларини тишлиайдылар, оғизларини мақкам юмадилар. Үқиганлар, эшитғанлар эса розилик билдириб, ҳақиқітни ростакамига маъқуллайдылар, құллаб-қувватлайдылар. Бинобарин, айтадыларки:

Жаҳду жадал айлагил гар истасанг шуҳрат-шон,
Ном қўй узук қўзидек, бўлсин манзури жаҳон.
Гуё ҳар бир сўзига бергудек булибон жон,
Ҳавасу ихлос бирлан ўқисин аҳли замон.

АСАР ЙИГИРМА БИР ФАСЛДАН ИБОРАТ ҚИЛИБ ТУЗИЛДИ¹.

Биринчи фасл— адолат ҳақида. ↗
Иккинчи фасл — жасорат ҳақида. ↘
Учинчи фасл — давлат мулоғимларининг аҳволидан хабардор бўлиб, ғамхурлик қилиб туриш тўғрисида. ↗
Тўртингчи фасл — мулоғимлар сақлаш низоми хусусида. ↘
Бешинчи фасл — юмшоқ кўнгилли булиш тўғрисида.
Олтинчи фасл — элчи ҳақида. ↗
Етгинчи фасл — душман сўзига ишонмаслик борасида.
Саккизинчи фасл — билимдон, зийрак, сезгир, донишманд одамлар билан сұхбат қилиш ҳақида.
Тўққизинчи фасл—шоҳ лутфига мағрур бўлмаслик хусусида. ↗
Ўнинчи фасл — оқил вазирлар тўғрисида. ↗
Ўн биринчи фасл — ўйлаб гапириш хусусида.
Ўн иккинчи фасл — паст одамлар билан муомала қилмаслик тўғрисида.
Ўн учинчи фасл— ҳасаднинг зарари ҳақида.
Ўн тўртингчи фасл — сабр-тоқат қилишнинг фойдаси борасида.
Ўн бешинчи фасл — худога ишониш, умид қилиш ҳақида.
Ўн олтинчи фасл—қариларнинг ёшларга насиҳати хусусида.
Ўн еттинчи фасл — сафарнинг натижаси ҳақида.
Ўн саккизинчи фасл— сафарни ихтиёр этмаслик борасида.
Ўн тўққизинчи фасл—қарилликнинг бадан заифлиги ҳақида.
Йигирманчи фасл — ишқ хусусида.
Йигирма биринчи фасл— давр тонги ёришиб, салтанатнинг жаҳонбинлик насими тоза ва хушбуй ҳидларни таратиши билан хилофат тахтида куринган офтоб (Субҳонқулихон — Ж. Э.) ўзининг қудратли нурини соча бошлаганидан кейин юз берган воқеалар тўғрисида ҳикоя қилинади.

Бу фасл беш мақола (қисм)дан иборат.

Йигирма иккинчи фасл — дунёнинг бевафолиги ҳақида. ↗

БИРИНЧИ ФАСЛ. АДОЛАТ ҲАҚИДА

1-ҲИКМАТ¹

Азизим, адолатли шахна, амалдор халқнинг тинчлиги, осойишталигини таъминлаш учун ғамхўрлик қилмас экан, фитнанинг қули азоб-уқубатни, адолатсизликни кучайтиришга кўмаклашади. Агар адолат шаъмининг нури билан бечора халқнинг уйини ёритмас экан, ситамдийдаларнинг дили каби мамлакат ҳавзаси ғамга ботади, қоронғилашади.

БАЙТ

Адолат дастини туттайки яхши шоҳ,
Анга пушту паноҳ бўлгай ўзи Оллоҳ.
Адолатдан қўлин тортса агар султон,
Ситаминдан вилоятлар бўлур вайрон.

2-ҲИКМАТ

Азизим, бугун рақиби фили мотидан зулм куриб, индинига шоҳ отининг жиловидан ушлаган ва ундан ҳам озор чеккач, ўз юзига қабиҳлик ва малъунлик тупроғини суртиб:

— Илоҳо, биз пиёдаларнинг додимиzioni эшитиб, бу фарзинга ўхшаш кажрафтор золимнинг ситамидан бизни қутқар, унинг бисотини ғам-андуҳга айлантир,— деб шикоят қилувчи малъун одамлардан қўрқ.

Бинобарин, "Бўстон"да дўстларга насиҳат қилмоқ учун бу маъно дурларини назм олмоси билан безаб айтадилар:

Шикоятчи ниятинда агар бўлса ҳасад ҳам қасд.
У юрт шоҳин беобрў айлабон эттагай назардан паст.

3-ҲИКМАТ

Азизим, агар подшоҳ ўз мансабини суиистеъмол қилган, халқ ва мамлакат мулки, ризқу рўзи ҳисобига бойишга интилган нафси ўпқонларга, Нўшировони одилга ўхшаб, жазо чорасини қўлламаса, юрт ҳароб бўлади, фуқаронинг подшога бўлган ишонч-умиди зулмат шабистонига — қоронги кечага айланади.

БАЙТ

Сиёсатда адолат қилмаса гар шоҳ,
Фуқаро, айт-чи, кимдан топгуси паноҳ?

4-ҲИКМАТ

Азизим, бир тола хаста арзимайдиган махлуқсифатлар ҳамиша ўз бошларини зулм ва ситам охуридан куттармайдилар. Подшоҳнинг асов оти каби бевақт, ўринсиз ўжарлик, итоатсизлик қиласидилар. Бундайларни тил қамчиси билан жазола, токи уларнинг зарари бошқаларга тегмасин. Чунки давлат сардорининг сиёsat низоми шундай бўлади.

Раҳбар рўй берадиган бедодликни қаҳр болтаси билан чопиб, ер билан яксон қилмаса, замон боғидаги тилаклар, орзулар ниҳоли хазон бўлади. Бинобарин, айтадилар:

БАЙТ

Сиёsat тарзига дарз етса гар қай кун,
Бўл огаҳким, қулар тинчлик деган устун.

5-ҲИКМАТ

Азизим, ҳамма вақт мамлакат аҳволи ва халқ фаровонлиги учун зарур бўлган нарсаларни бунёд этиш йўлида саъй-ҳаракат қилган, тиниб-тинчимаган ва бундай одатни ҳамиша ўз хотири саҳифаларига нақш этиб, марҳамат майдонида халқ бошига шафқат ва меҳрибонлик байробини жилвалантириб, баланд куттарган подшоҳгина ўз вазифасини адо этган бўлади.

БАЙТ

Гўзал сўзлар соҳиби — бир марди мұтабар,
Эронзамин шоҳлари ҳақида қилди хабар.
Хурмуз¹ вақтики қарийб узмоқда эди жон,
Дедиким, Хусравга², эй навжувон ўғлон,
Жаҳоннинг равнақи сенинг зотингта боғлиқ.
Чун фармонинита-ю ақлу ҳукминигта боғлиқ.
Faфлат уйқусини тарқ этгин, бўлгил бедор,
Мамлакат аҳволидан бўл доимо хабардор.
Сен жавобгар бўлурсан гар олам бўлса тамом,
Фофил бўлмай ишингни билиб қилгил, вассалом.

6-ҲИКМАТ

Азизим, агар ҳар қандай подшоҳ одамлар билан бирга бўлиш, бирга тирикчилик қилиш учун дустлик, курсандчилик режасини тузмаса, халқа ғамхўр бўлишдан, мамлакатни обод қилишдан қўл торгса, айш-ишрат, ўйин-кул-

гига берилиб, қулоқларини фақат чанг ва уднинг баланд бақириқ-нағмалари билан банд қилиб, ҳар бир дилтангнинг ҳазин ноласини эшитмаса, оқибатда халқни ҳам, мамлакатни ҳам хароб қиласиди.

БАЙТ

Бас, үйин, майшатга берилса аҳли давлат,
Ўша давлат қулайди, хароб бўлар мамлакат.

7-ҲИКМАТ

Азизим, раҳбарлик, йўлбошчилик шундай одамга муносабки, у халқ бошини мashaққат гирибонидан халос эта олсин ва ҳар бир киши, ҳамма одам (аҳоли) у йўлбошчилик қилган шу устувор-мумтоз замонда бошини роҳат болишига қўйиб фароғатда яшасин.

БАЙТ

Агар сен ўйласанг ўз тинчу ҳузру роҳатинг фақат.
Диёргингда бирор кимса кўролмас ҳеч қачон роҳат.

Ёки:

Қилмаса шоҳ эл осойишин ройиш,
Ўзи ҳам топмас эл ичра осойиш.

8-ҲИКМАТ

Азизим, машаққатли ишни ҳал этмак учун жадал ҳаракат қилиш жангчи шерларга ўхшаган мард эрларнинг ишидир. Бинобарин, шундай мардлик намунаси кўрсатилмаса, жаъми сultonлар (раҳбарлар) ўз этакларига ёпишган тикан азобидан халос бўла олмайдилар. То подшоҳ (ҳоким) оёғи билан мashaққат водийси даштини ихтиёр этмагунча, азоб-уқубат саҳросида қийналаётган кишиларнинг боши роҳат ёстиғига тегмайди. Турмуш учун зарур бўлган ноз-неъматлар эшиги ҳам, гулистон фароғатининг гули ҳам очилмайди.

Шу боис айтадилар:

БАЙТ

Шоҳ учун эл осойиши катта ганж,
Они деб ранж чекса шоҳ — йўқ элда ранж.

9-ҲИКМАТ

Азизим, агар мазлумлар золимнинг зулм қилаётганлиги ҳақида сенга қайта-қайта арз қилсалар, дилтанг бўлма, ҳоким-табиб, мазлум мисли бемордир. Бемор табиб олдида бор дардини айтмагунча, табиб унинг қақиқий касалидан хабардор бўлмайди. Ҳоким зулм кўрган бечораларнинг арз-додини обдон эшифтаса, уларни дунёнинг адолатли шифо шарбатидан баҳраманд қила олмайди. Ҳикоя қила-диларки, мозийдаги вазирлардан бири суҳбатдошига одамларнинг арзидан ниҳоятда дилтанг-диққат бўлдим, деб нолийди. Суҳбатдоши унга айтади:

— Эй вазир, эгнингдан марта либосини еч, вазирлик мансабидан воз кеч, мен кафилман, сенга ҳеч ким озор бермайди, иккинчи бор бирон киши сенинг олдингга арзга келмайди.

ЧУНОНЧИ, АЙТАДИЛАР:

Ким ўзин мансаб билан шод айлагай,
Эл келиб олиға арз-дод айлагай.
Мансабидан тушса гар қай кун киши,
Эл-улуснинг тушмагай унга иши.

10-ҲИКОЯТ

Қадимги подшоҳлардан бири зулм ва зўрлик билан деҳқонлар мол-мулкини форат қила бошлияди. Зулм ҳаддан ошиб,adolat катта йўлдан сурис ташланади. Мамлакат ҳалқи бундай золим шоҳни лаънатлаб, қўл очиб дуоибад қиласи — қарғайди. Кунлардан бир кун у золим подшоҳ ов қуролини қўлга олиб, шикорга чиқиб кетади. Овдан қайтгач, жарчи орқали тантанали равишда қуйидаги фармойишни эълон қиласи:

— Мен мазлум меҳнат аҳлининг юзига тортиб келганим ситам тифидан қўлимни тийдим. Бундан кейин фуқаропарварлик қоидаларига собитқадамлик билан амал қилишга аҳд этдим. Умидим шулки, минбаъд ҳеч бир золимнинг ситамкор қўли ташвиш ҳалқасини бирон-бир мазлум уйининг эшигига солмайди ва ҳеч бир жафо қилувчи золимнинг оёғи бирон-бир фақир ҳовлисининг дарвозасини ҳатлаб ўтолмайди.

Шоҳнинг бу қароридан фақирларнинг умид боғидаги мурод гули очилиб, уларнинг жисмига қайтадан жон кирди.

БАЙТ

Етиб ҳалқа муборак бундайин фармон,
Шу он этмиш кўнгулларни суур ошён.

Подшоҳ адолати охири шу даражага етдики, қўзи шер елинидан сут эмар, қўйлар эса ўз сутлари билан шер лабини ювар эдилар. Қоплон мағур кўзлари билан эчкига ютоқиб қарамас, чўл қушлари денгиз қушлари ини устида уя қуар ва улар бир-бири билан ҳамроздлик қиласр эдилар.

Подшоҳнинг маҳрам дўстларидан бири фурсат топиб, унинг феъл-автори, руҳиятида юз берадётган бундай ўзгаришларнинг сабабини сўради.

ШОҲ ДЕДИ:

Ов қилиб юрганимда, бир ит тулкининг оёғини синдирганини, сал фурсат ўтмай, бир пиёданинг отган тоши итнинг оёғига тегиб, унинг ҳам оёғи синганини кўрдим. Бу ҳолат менга ибрат бўлди, энди ўзимга келиб дейман:

ҚИТЪА

Йўлда кўрдим бир қушчаким нафс йўлинда
Тумшугига бир қумурсقا илиб олди.
Халқуминдан ўтмай туриб бул ўлжаси,
Ўзга бир қуш келиб бул қушга чанг солди.

II-ҲИКМАТ

Азизим, донишманлар "Чашми подшоҳ" — гуши подшоҳ" дейдилар. Бунинг маъноси шуки, подшоҳнинг кўзи ҳамиша қулоғида бўлиши керак. Чунки у мамлакатида юз берадётган воқеаларнинг ҳаммасини ўз кўзи билан кўриш имкониятига эга эмас. Унинг атрофини камар сингари үраб олган кишилар — ҳокимлар, мансаб соҳиблари шоҳни ранжитмаслик учунми, ёки бирор қабиҳ ният биланми, мамлакатда содир бўлаётган кўнгилсиз, нобоп ҳолатларни шоҳга хабар қилмайдилар. Шу сабаб подшоҳнинг ҳеч қандай мансаб-марtabага эга бўлмаган, нағсини тийган дарвишсифат озод одамлари — дўстлари бўлиши лозим. Чунки дарвишсифат кишилар оламни кезиб, халқ орасида бўлиб, подшоҳнинг қайси ҳокими, қозиси, миршаби адолатни ўзига қарор қилиб олганлиги, қайси бирлари ришват олишни, адолатсизликни ўзига касбу кор қилиб олганликларини подшоҳ билан бўлган суҳбатлари жараёнида, ҳукмдорнинг эркин, озод одамлари бўлганликлари боис, ҳеч тап тортмай, тортилмай, қўрқмай айтиш имкониятига эга бўладилар. Подшоҳ ушбу озод, эркин дўстларининг ҳикояларини ўз қулоғи билан эшишиб,

адолатли ҳокимлар, қозилар, миршабларга лутф, марҳаматлар кўрсатади, ришватга ҳирс қўйган, адолатсиз ҳокимларни жазолайди. Бундай одил подшоҳнинг муборак номи давр китоби варақларига ёзилиб, Ануширвони одилнинг номидек абадий, Исрофил ўз сурини чалгунча ҳалқ қалбидан жой олади.

ҚИТЪА

Холису сарбаст дўст мисли Искандар жоми,
Ойнаи жаҳонномадир мисли алар, эй шоҳ.
Ушбу жом ичра кўрубон салтанат аҳволини,
Бўлгасен сен мамлакатнинг сирру асроридин огоҳ.

ИККИНЧИ ФАСЛ. ЖАСОРАТ ҲАҚИДА

1-ҲИҚМАТ

Азизим, зудлик билан жангга кириб, оловкор шамширининг суви билан ёмон ниятли рақибнинг номини ҳаёт лавҳасидан ювиб ташлаган, душманнинг олазарак кўзларини зафар тоши билан уриб (кўр қилиб—Ж.Э.) мурод пиёлasi лабидан май ичган, даврнинг номдор, шижоатли баҳодирларигина мамлакат келинчагини ўз бағрига босишга ҳақлидир. Бинобарин, айтадилар:

БАЙТ

Қайси дам кўрсанг ёвингни тинч-фарог,
Тунда маҳв эт — қабрига ёққил чирог.

2-ҲИҚМАТ

Азизим, агар найзанг қоматини ёр қаддига ташбеҳ қила олмас экансан, унинг қон тўкувчи ўткир учини дилдорингнинг дилбарона нозу карашмаси, киприги деб тасаввур этмас экансан, гўзал маҳбубангни қучиш орзусига етолмайсан, унинг дилбар, тиниқ чеҳрасини ойдек ялтироғ қиличинг сиртида кўриш мақсадига ҳам муяссар бўлмайсан. Бўйнингта чирмасиб тушган зафар байроғи ҳошиясини дилбарингнинг ҳалқа-ҳалқа сочи деб хаёл қилгин. Қачонки сен ўз қаллиғингни фақат хилватда кўриш орзусига эришиш мashaққатини сабр билан енга олсанг, шундагина эгик камондек қошингни унинг қайрилма қошига пайванд қилиш шарафига эришасан. Агар сабр қилиш мashaққатига нотавонлик, ожизлик қилиб, бардош берол-

масанг, зебу зийнат ҳам, шон-шуҳрат ҳам, улуғлик ҳам сенга насиб бўлмайди.

Бинобарин, дилозор тиканнинг азобидан қўрқсан киши гулзорни томоша қилишга юраги дов бермайди, яъни ожиздик қиласади.

БАЙТ

Бўла билсаким бало тийрига қалқон қайси жон,
Қайтмагай зинҳорки мақсад йўлидин ул ҳеч қачон.

Ёки:

Фаним ўқига қалқон қайси ботир —
Ватан келинчагин қучмак раводир.

3-ҲИКМАТ

Азизим, ҳар кимки душманга гирифтор бўлса, то ундан қутулмагунча, хавф-хатардан холи бўлмайди. Эртадан-кечгача, кечдан-тонгтacha безовта бўлади ва паришонликдан у оёгини бошдан, ковушни дастордан фарқ қила олмайди. Бинобарин, айтадиларки, беморнинг сиҳати яхшиланмагунча, емоқдан ва то ҳаммол орқасидаги оғир юкини ерга қўймагунча, енгиллиқдан роҳатланмайди. Қўрқсан киши душман хавфини бартараф этмас экан, омонликда тинч яшай олмайди, бир нафас ҳам фароғатда бўлмайди.

БАЙТ

Кишиким елкасинда юк, азобдан қадди дол келгай,
Бу юк заҳматидин эгнинда кўйлак ҳам малол келгай.

4-ҲИКМАТ

Азизим, сипоҳ шундай булиши керакки, у жуда тезкор, қаҳрли, илғор қўшинга ўҳшаса, заҳар сочувчи шамширининг дами билан мухолифининг жонига қасд қилса, қонига доим ташна бўлса, душманнинг дил хазинасидаги жон жавҳарини зудлик билан забт этмоқ учун ўткир найзасининг ялтироқ учини унинг кўксига санчса...

БАЙТ

Анга майдондир насиб — ким марди майдон бўлгуси,
Бил, жасорат бирла тулки шеру даррон булгуси.
Ким жумард бўлгайки, ондин қочадир хавфу хатар,
Етти иқлим лашкарига ўл ҳукмронлиг этар.

5-ҲИКМАТ

Азизим, шундай кишига баҳодир дейдиларки, агар у ўз давлати манфаати, тинчлиги учун жонини фидо қилиб, азоб-уқубат косасидаги ҳар қандай майнин күтарса; жасур, довюорак деб шундай кишиларга айтадиларки, Ватаннинг бошига бирор кулфат тушганда, зудлик билан қатъий қарорга келиб, ҳаётини хавф остида қолдириб, қўлини ажал суви билан ювиб, тирикчилигидан тамом умидини узиб, ўз мақсадига эришмоқ учун мурод майдонига, яъни кураш майдонига қадам қўйса...

БАЙТ

Ботир улдир майдон ичра ўзини дев билса ким,
Бахт қиличин даст тутиб, қонлар кечиб жанг қилсаким.

6-ҲИКМАТ

Азизим, уруш пайтида жанг майдонида ор-номус учун кураш кетаётган бир вақтда, мард киши шуҳрат ҳақида, жону мол тўғрисида ўйламаслиги керак. Уларни кераксиз, беқадр бир нарса деб билиб, астойдил жанг қилмоғи лозим. Чунки уруш кунида шуҳрат, жону мол орттириш йўлида безовта бўлишдан кўра, жанг ташвиши, кулфати тўғрисида ўлаш минг марта аълодир. Бинобарин, айтадилар:

БАЙТ

Ору номусдан кўра афзал билурсан гар бошинг,
Ёп паранжи бошинга, бўлсин асллар йўлдошинг.

7-ҲИКМАТ

Азизим, ақлли киши душман унинг жонига қасд қилганини кўра туриб, зудлик билан унга қарши курашга ҳаракат қилмаса, ўз жонига ўзи зомин бўлади. У муҳолифига асир тушмаслиги учун икки ҳолатни эсдан чиқармаслиги керак: агар жангда ғалаба қилса, замон саҳифасида унинг шуҳрати — номи қолади; агар душман уни мағлуб этса, қўрқоқ, номард деган ном билан лаънатланади.

ҚИТЪА

Ёв сени маҳв этгали қасд айлабон юрса шитоб,
Оқил эрсанг жантга киргил, элга бул манзур эрур.

Голиб эрсанг юрт аро ҳар истагингдир мустажоб,
Маглуб эрсанг айби йүқ, сен учун маъзур эрур.

8-ҲИКМАТ

Азизим, жанг пайтида сулҳ тузишга ҳаракат қилган ва
сулҳ тузиш зарур бўлганда, жангни майл этган кишини
"гул-аҳмоқ" деб атайдилар. Бундай одамлар қаҳр-ғазаб
тизгинини тортиш ўрнига, душманга лутф эшигини очади-
лар.

БАЙТ

Бемаҳал сулҳ тадбирин кўрма бекор,
Хору гулнинг боғда, бил, ўз ўрни бор.

Сулҳни истар бўлса ёв дарҳол яраш,
Жанг қиласар бўлса сира қўрқмай саваш.

9-ҲИКМАТ

Азизим, Худо ҳар кимнинг ҳолига яраша азалий хум-
хонадаги ваҳдат майдан май пиёласини тўлдириб бериб,
лутф ва меҳрибонликлар қилган. У ҳеч кимни табиат
берган жасорат майдан, мардлик сарчашмаси сувидан
маҳрум этмаган...

ҚИТЪА

Жанита кирсанг бош тикиб кир бу буюк майдон аро,
Мисли мақсад тўпи сакраб ўйнагай човгон аро.
Бахтни жо этмоқчи бўлсанг сен агар дил комига,
Ёв билан мардона тур қон-қуюн, қурбон аро.

10-ҲИКМАТ

Азизим, баланд овозга, бақувват жуссага эга бўлган ҳар
қандай одамни кучли деб аташ ақлдан эмас.
Кўрмаганимисан, қамиш йўғон бўлса ҳам, у ингичка, қуруқ
чўп зарбидан синади. Турна бўй жиҳатидан узун, жуссали
бўлса ҳам, қарчигай чангали олдида нотавондир.

БАЙТ

Жусса зўр бўлса-да пасткаш асло машҳур бўлмагай.
Турна бўйла бўй билан сор киби ёвқур бўлмагай.

11-ҲИКОЯТ

Ўрмонда макон тутган бир тулки тонгда хўрак ахтариб
ҳар томонга тентирарди. Ниҳоят, бир уй товугини кўриб

уни овлаш иштиёқида бута орқасида яшириниб пойлаб турган эди, иттифоқо қулоғига ногора овози эшитилди. Юқорига қараган эди, дарахт устидаги семиз, катта бир нарсага кўзи тушди, унинг баланд овозини эшитди. Тулкининг иштаҳаси очилиб тараддудга тушди. Пистирмада туриб, пойлаган аввалги овининг баҳридан ўтди. Семиз ва катта товуқни овлаш мақсадида юз азоб ва мاشаққат билан дарахтга тез, шошилиб тирмашди, териси шилиниб, юқорига чиққач, дарахт тепасида шохларни силкитиб ногорага ўралаётган шамолдан бошқа нарсани кўрмади. Очкўзлиги боис, ҳасрат олови унинг ичига тушди, ғам-надомат суви тулкининг кўзидан ёғилиб, қилган ишидан пушаймон бўлиб деди:

— Афсус, ел билан тўлғазилган шу нарса учун ҳалол овимни қўлдан чиқардим. Бу бемаъни, семиз нарсадан ҳеч қандай фойда кўрмадим.

ҚИТЪА

Ногора ҳамиша дод солар, бироқ,
Ичи бўм-бўш бўлса, ундан на фойда?
Сенда бўлса агар билим, фаросат,
Беҳуда савлатга учма ҳеч жойда.

Шу боис инсоннинг асл моҳиятини унинг сўзидан аниқлаш мумкин, дейди Али розияллоҳу анҳу. Бинобарин, айтадилар: "Мардни тўну дасторидан эмас, ширин гуфторидан танинг". Одамнинг қадду қомати, устидаги кийим, либосга қараб эмас, балки сўзлаш қобилияти, ақли, гайрати асосида баҳоланг, таъриф-тавсиф этинг.

УЧИНЧИ ФАСЛ. МУЛОЗИМЛАРГА МУНОСАБАТ ҲАҚИДА

I-ҲИҚМАТ

Азизим, улуг ва муқаддас Оллоҳнинг ҳиммати баланд. У эл олдида жуда катта ҳурматга, шон-шуҳратга молик бўлган, руҳий, маънавий жиҳатдан юксак, хушахлоқ кишиларни яхши кўради. Чунки кимнинг ҳиммати баланд бўлса, унинг эл орасида довруғи ҳам юксак бўлади. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Худо ва ҳалқ олдида қилгин баланд ҳимматинг,
Ҳамиша иззатдасан, юксак бўлур ҳурматинг.

2-ҲИКМАТ

Азизим, муборак бошингда салтанат тожи, белингда жасоратнинг қаҳрли шамшири, Қоф тоғига монанд куч-қувватинг борлигида Оллоҳнинг ҳомийлигига суюниб, мамлакат равнақи, тинчлиги учун қайғургин. Бу хайрли ишни амалга оширишда баҳодир эрлар ёрдамига таяниш мақсадида, пул, мол-дунёни уларнинг бошига аёвсиз сочиб тургин.

БАЙТ

Маккор душман юртингни қилмасин десанг горат,
Лашкар сақлаю, пул бер, курмай десанг маломат.
Жангчи гар муҳтож бўлса, жанг аро қақшаб қолур,
Ов пайтида қанотсиз лочинга ўхшаб қолур.

3-ҲИКМАТ

Азизим, лашкар озиқ-овқат билан таъминланмас экан, у хизмат қилишдан бош тортади. Агар паст, хасис, бойликка, пул, мол-дунёга ўч одамларга мансаб супасидан жой бериш кўпайса, давлат тушкунликка юз тутади, яъни ўз қувватини йўқота бошлайди. Бинобарин, ақлли одамлар айтадиларки, Павлатнинг халокати, емирилиши паст, очкўз кишиларнинг мансаб шоҳсупасига кутарилишидан бошланади.

БАЙТ

Қайда лашкарга бошлиқ бўлса агар паст одам,
Мамлакатда галаён кучаяди дамо-дам.

4-ҲИКОЯТ

Мозийда яшаган подшолардан бири олтин тўплашга аҳд қилиб, деҳқонлардан икки баробар кўп хирож ола бошлайди ва айтади:

— Зар ширинлик солинган косага, одамлар чивинга ўхшайди. Қачонки одам — аскар керак бўлса, косадаги ширинликни сочсан, чивинга ўхшаб лашкар йигилади.

Вазир айтади:

— На кунда, на тунда зинҳор бундоқ бўлмагай. Бу ишнинг губори баҳт-иқбол йўлини қоронғи зимистонга айлантиради. Ҳеч ким чивинга ўхшаб, сенинг ширинлик солинган коссангга қўл узатмайди. Бундай пайтларда одам-

лар орасида адоват кучаяди. Оқибатда қилган ишингдан пущаймон булиб, ўз бошинг косасини тупроқ билан гулдириб, олтин билан тұлғизилган косалардаги зарни әшикка сочсанг ҳам фойда бермайди. Бинобарин, айтгандарким:

БАЙТ

Тинчлик пайти лашкарга кимки эътибор бергай,
Бошга оғир күн тушганда бул қүшин тайёр тургай.
Довул қоқиб ботирлар жантага кирса беомон,
Уларнинг бошин силаб йўллагин майдон томон.

ТЎРТИНЧИ ФАСЛ. МУЛОЗИМ САҚЛАШ ҲАҚИДА

I-ҲИКОЯТ

Азизим, ўз мулоэмларингни асилзода, олижаноб, виждени пок, ҳиммати баланд кишилардан танла. Мулоэмларни танлашда зоти паст, инсофсиз, маккор, хиёнаткорлардан ўзингни торт. Агар сенинг атрофингдаги одамларинг, мулоэмларинг асилзода, ҳиммати баланд, ақлли кишилар бўлса, Ватан сири сақланади, халқинг доимо ҳимояланган бўлади, ҳеч бир киши зиён кўрмайди.

Зеро, зоти паст, инсофсиз кишиларни тарбиялашга уринма. Чунки уларнинг юзидағи азалий қора холи (зоти пастлиги) хиёнатнинг қора доғидир. Бинобарин, айтгандарки:

Подшоҳ ҳодими агар бўлса пок-ҳалол,
Молига мол қўшилгай, топмагай завод.
Ходимлари бўлса гар шум, нопок, хиёнаткор,
Салтанатга дарз кетиб, бўлади аброр.

2-ҲИКМАТ

Азизим, ҳунар аҳлини тарбиялашга саъй-ҳаракат қил. Ҳунарсиз кишиларни отасининг ҳунари, хизмати учун ҳурмат қилма. Одамнинг ҳиммати отасининг шуҳрати билан эмас, балки ўз қобилияти, ҳунари билан белгиланади.

БАЙТ

Йўқ экан яшамакка лаёқати то анинг,
Боридан кўра йўғи минг бора авло анинг.

3-ҲИКМАТ

Азизим, қобилиятли одамларни тарбиялашни қора тупроқни олtingа, дағал тошни ҳақиқий гавҳарга айлантирувчи кимёга ташбек эт. Чунончи, айтадиларки:

БАЙТ

Тилин билсанғ, қарашсанғ тупроқ гавҳар касб этар,
Оҳу ноф халтасинда¹ қон мушк-анбар касб этар.
Тарбия кимә эрур, яхши билгил, эй рафиқ,
Ишлов берсанг қоп-қора темир ҳам зар касб этар.

4-ҲИҚМАТ

Азизим, кимники подшоҳ этиб кутарсалар, унинг улуг боши ва ҳурмати Шимолий Қутбдан айланадиган икки ярқироқ юлдуздан ҳам юқори кутарилади. Ҳар кимники оёғидан йиқитсалар — мансабдан маҳрум этсалар, баҳт юлдузи пастга — ер қаърига тушиб кетади. Подшоҳ шамолга ўхшайди. Агар у ғазаб билан эсса, эҳтиром гулистанни бўлган Эрам бофини ҳазон қиласди. Подшоҳ чақмоққа ҳам ўхшайди. Агар у қаҳр билан ўт сочса, иззат-эътиборнинг минг хирмонини ёндириб юборади. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Агар шоҳ этса маҳрум мансабидин, бас,
Фалакнинг авжидан ерга қулар ул кас.
Улус қилгай ўзига дўст-ошнолиг,
Қаю касдан кўрар бўлса рўшнолиг.

5-ҲИҚМАТ

Азизим, кишининг ақли, одоби, заковати унинг лаёқати ва қобилиятининг мезонидир. Кимнинг ақли равшан, фикрлаш қобилияти юксак бўлса, у энг паст лавозимдан энг юқори, шарафли мансаб супачасига кутарилади.

БАЙТ

Мулозим оқил эрса, бўлмаса гўл,
Каманд ташлаб фалакларга солур йўл.

6-ҲИҚМАТ

Азизим, оламни безатувчи ўткир ақл ҳамма вақт ва ҳар қандай ҳолатда ҳам одил қози вазифасини ўтаган. Чунки одам табиати бошқа тирик мавжудотдан фақат ақли билан ажralиб туради.

БАЙТ

Ақли инсонни шарафга гарқ этибдур,
Они ҳайвондин бу хислат фарқ этибдур.

7-ҲИКМАТ

Азизим, подшоҳга хизмат қилиш учун ҳар хил мулозимлар керак бўлади. Сен жуда юқори мартабали киши бўлсанг ҳам, паст мартабали, фақир одамлардан ўзингни олиб қочма. Балки бирон-бир вазифани бажаришда улардан ҳам фойдаланиш мумкин бўлар. Кўрмадингми, мағур, ўткир найза билан бажариб бўлмайдиган ишни мўъжаз игна билан бажариш мумкин; энг муҳими шундаки, ингичка қамишдан қалам ясаш учун нозик, ўткир пичноқ турганда, бу ишни ярқираб турган ўткир шамшир ёрдамида амалга оширишнинг ҳожати йўқ-ку. Ҳар қандай нотавон, ҳақирикада ҳам, зарарни йўқ қилиш ва фойда келтириш учун яшириниб ётган қобилият, имконият мавжуд бўлади.

8-ҲИКМАТ

Азизим, Оллоҳнинг кўринмайдиган, гайб жомаҳонасида ҳар бир кишининг бўй-бастига яраша алоҳида-алоҳида кийим тикиб қўйилган. Худо газнасидан қар бир одам учун унинг қадди-қоматига мувофиқ олдиндан махсус тўн бичилиб, муҳайё қилиб қўйилибди. Хуллас, у дунёда Оллоҳ одамлар учун ҳамма нарсани тайёрлаб қўйган. Бу дунёда ҳар қандай киши яшамоқ учун ўз қобилиятига яраша бир иш билан машғул бўлади. Ҳамма одамлар ҳам ниманидир бажариш, тайёрлаш лаёқатига эга бўлади. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Ҳар оқил зотга аён беш қўлдайин дунё иши,
Икки ишнинг уддасидан чиқмагайдур бир киши.
Икки кимса битта мансабда сира қовушмагай,
Икки калла бир қозонда, бўлки, зинҳор пишмагай.

9-ҲИКМАТ

Азизим, подшоҳ хизмати ва мол-мулкини икки тоифа кишилар бошқариши амалда, тажрибада исботланган. Биринчи тоифа — билимдон, ақлли, зийрак, сўзга уста, ширинзабон бўлади. Зийрак, чаққон одам душманинг ҳар қандай ҳамласига чап бериб, омон қолади. Ширинзабон сўз устаси бўлган кишининг душмани бўлмайди. У ҳар қандай андишасиз, ҳасадчи, ичи қора душмани ўзига ром эта билади. Иккинчиси — кучсиз, ақли заиф одам булиб, му-

холифнинг қийноқларига одатланиб, забунлик юкини зим-
масига олади, беномуслик қалқони билан юзини тұсади,
яъни малъунлик, хорлик қалқонини юзига парда қилиб
олади.

БЕШИНЧИ ФАСЛ. ЮМШОҚ ТАБИАТЛИЛИК ВА САБР-ТОҚАТ ХАҚИДА

1-ҲИКМАТ

Азизим, үз дилингни юмшоқлик, сабр ва тоқат билан
безатгин. Чунки, хушхулқ, мулойим кишининг сұzlари
сермаңын, шириң бұлади.

Мавлавий¹ (Жалолиддин Румий)нинг сұзи маңын жа-
воҳирининг хазинасидир. Бунга қуийдаги маңын гувоҳ
бұлади:

БАЙТ

Бил, қилич етмас ера еткай сабр,
Балки юз лашкарни мағв эткай сабр.

2-ҲИКМАТ

Азизим, ғазаб шайтон оловининг күйдирувчи шуғласи-
дир, самараси —меваси пушаймонликдир. Шу боис ақлли
одамлар ғазабнинг бир луқмасини ютишни үзлари учун
ҳалол деб билғанлар. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Ғазабдан үзни гиймак яхши одаттур,
Ғазаб луқмасини ютмак жасораттур.

Еки:

Ҳалол — нафсинг тізаб луқмасига құндир,
У шайтон үтидур, сувға сол, сұндар.

3-ҲИКМАТ

Собиқ подшолардан бири айтган экан: "Агар ақлι таъб
халқ бизни синаш учун кечирим сұраб, құнглимиз ҳиқи-
долигига нима лаззат беришини сұраб билсалар, улар подшоҳ
саройига фақат айб ва гуноҳдан бөшқа совға олиб келмаган
бұлур әдилар. Ҳа, азизим, гуноқкорларнинг күпайишидан,

гұноҳсизларни дарра билан ·азоб беріб, зиндонға ташлашдан лаззатланадиган хиёнаткорлардан құрқ. Бинобарин, улар айтадиларки:

БАЙТ

Афу этилмак пайтін білса агар гуноқкор.
Бизга нима фойдаю, бизга нима лаззат бор.
Кім қилибдур қайда ногақ бир гуноқ,
Оқибат биздан келиб сұргай паноқ.

4-ХИКМАТ

Азизим, одил подшоқлардан бири, уни худо раҳмат қылсын, айтган экан:

— Агар менинг белім билан олам эли белига бир тола соч янглиғ нозик ип боғлаб құйилса-ю, ҳамма иттифоқ бұлиб, уни узишга ҳаракат қылса ҳам, үз ниятларига әриша олмайдилар. Чунки улар арқонни үз томонларига тортсалар, мен улар тарафға бораман, уни пора-пора қилиш учун мен томонға келсалар, мен үз томонимга тортаман. Яъни сабрнинг камоли ва интихоси, афу этишнинг натижаси, исен оловини ўчириш ана шундай бұлади. Бинобарин, айтадиларки:

Эл агар сиртмоқ солиб тортса борурман ул томон,
Токи ул маңсудға бұлсын мушарраф шул замон.
Эл агар мен сарыға келса дагы берсін тұзим,
Чекиниб әл хоҳишин жо-бажо айлай ўзим.

5-ХИКМАТ

Азизим, авғ этишни ўзингга шиор қилиб олгин. Хизматкорларинг, мулозимларингни кичкина айблари учун уларға гина-кудурат, адоват, миннат қилиб юрмасдан, балқи уларнинг фаолияти дафтариға ёзиғлиқ кичкина, арзимас гуноҳларини афу ва илтифот, яхшилик суви билан ювгин. Уларнинг ичіда тарбия күрмаган кишилар ҳам бұлади. Уларға ҳам меҳр-шафқат қилиб, этагини ёпиб қўйиш марҳаматини асло аяма.

БАЙТ

Самар оғочини синдирамагыл зинҳор,
Ул оғочдек ўзингнинг синмагинг ҳам бор.

"Анвори Сухайлий"¹ да худо улуғ, мұътабардир, уни өслаш ҳам шон-шарафдидир, у (худо) үз құлларига Қуръонда

баён этилганидек, панд-насиҳат қилиш йўли билан мақтov-ли сифатларга эришишни ўргатади; улуғ Оллоҳ Қуръондаги маслаҳатларга амал қилиб, катта қадр-қимматга молик бўлгин, мақтовга сазовор одатларни бошқа одамларнинг руҳиятига ҳам сингдиргин,—деб ёзган. Оллоҳ айтганки: "У тақводор зотлар яхши-ёмон кунларда инфоқ-эҳсон қиладиган, ғазабларини ичларига ютадиган, одамларнинг хато-камчиликларини афв этадиган кишилардир". (Қуръон, 3-сурә, 134-оят.) Тасаввуф тариқати йўлини танлаган бир улуғ инсон бу сўзларнинг маъносини қуйидагича тушунириди: "Озгина гуноҳ учун зўр бериб жазолашга ҳаракат қилмайдиган, ҳамма вақт авф этишини ихтиёр қиладиган, қалби устидаги ёқимсиз доғларни сўз билан юва оладиган, яхшилик қилишни одат қилиб олган, такрор-такрор жаҳлнинг асов оти кўндаланг бўлганда ҳам, уни миниб олишдан ўзини тийган вазмин, бардошли, юмшоқ табиатли одамгина ғазабни енга олади, яъни муборак вужудига дориган жаҳлни ҳайдаш қудратига эга бўлади.

6-ҲИКМАТ

Азизим, надомат ва паришонлик тузогига тушмай десанг, жаҳлнинг асов оти жиловини сабр билан тортиб тұхтат. Ўжар шубҳаларинг дарахти соясида — қоронғиликда қолиб, оқибатда үқинмаслигинг учун ақл нури билан уни ёрит. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Ғазабланма бирор қилганда гар гуноҳ,
Жазолашга шошилма ҳеч, бўлгин огоҳ,
Чун бадахшон лаълини синдириш осон,
У қайта уланмас, йўқдир имкон.
Ножоиз ишни қилсанг ҳар жойда,
Оқибат афсус чекишдан на фойда?

7-ҲИКМАТ

Азизим, подшолар орасида руҳияти жиҳатидан мавж уриб турган денгизга ўхшаган шаҳриёрлар бор. Унинг ақлини шағал тошлар, ҳар қандай супуринди, хасу хашакларга монанд аччиқ тил, фийбат ва бўхтон билан лойқалатиб бўлмайди. У ўзининг ғоятда мустаҳкам, қаттиқ иродаси билан кучли, бақувват тоққа ўхшайди. Бундай подшони

ҳар қандай ғазабнинг бўрони ҳам ўриндан силжита олмайди.

МАСНАВИЙ

Мақсадга эришмоқ йўли сабр қилишдир фақат,
Айниқса, хатар соя согланда, қилса тоқат.
Ҳар ишда шошилмоқ оқибати бўлур ёмон,
От бошини тортиб юр, қолай десанг гар омон.

8-ҲИҚМАТ

Азизим, мамлакат ҳокими, туман вилоятларининг ҳимоячилари тинчлик, эзгуликни барқарор этиш йўлида, оғир аҳволга тушиб қолганларида ҳам, бошқаларда бўлганидек, фақат гумонга асосланиб, одамларнинг арзимас гуноҳи учун оғат, мусибат дарасига ташлаб қўймасликлари керак. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Андак гумон учун одамни қилма ботил,
Оқибатда пушаймон бўлмагыл ою йил.
Шубҳанг аён бўлгач тўзгиб, чун топса барҳам,
Пушаймон бўлишнинг нафъи йўқдир, англа, бил.

9-ҲИҚМАТ

Азизим, андишали, мулоҳазали, ақлли киши ҳар қандай миш-миш гапларга ишониб, қизишмайди. У бирон-бир ишнинг ҳақиқий ҳолатини далил, исботлар ва ҳужжатлар асосида аниқламагунча, ҳеч кимни жазолашга шошилмайди, яъни ҳукм чиқармайди. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Фаразгўй сўzlарин тинглашни зинҳор қилмагил одат —
Ки, чекмассан оқибатда на афсус, на надомат.

10-ҲИҚМАТ

Ҳикоя қиладиларки, замон кишилари даврнинг бир улуг донишмандидан: "Инсоннинг энг муҳим, асосий хислати нимадан иборат эканлигини аниқ билишимиз учун унинг жами одатларидан устун бўлган сифатини бир оғиз сўз билан ифодалаб бер",—деб сўрайдилар. У жавоб беради: "Ғазабни тарк этмоқ энг яхши хислатдир".

БАЙТ

Яхши хулқ ҳалқ қалбини бутунлай забт этади,
Айтинг, бунинг савобига ахир, ким ҳам етади?

ОЛТИНЧИ ФАСЛ. ЭЛЧИННИГ СИФАТИ ҲАҚИДА

1-ҲИКМАТ

Азизим, элчи¹ ўткир, ялтироқ шамширга монанд тилдан чаққонлик ва моҳирлик билан фойдаланиши лозим. Аммо унинг очиқ юзлиги, гузал муомаласи бирон-бир муросага келиш ёки сулҳ тузиш пайтида мулойим, ёқимли нутқидан таралиб турган сўз жавҳарларидан билиниб турсин. Агар у ўз нутқининг аввалида дагал, қўрс, кескин сўзлар борлигини сезса, бундай сўзларни юмшоқлик қайчиси билан кесиб ташлаши зарур. Элчи нутқининг бошланишида дўқ-пўписа тарзидаги сўзларни айтган бўлса, гапнинг хотимасини яхши, ёқимли муносабатларни, меҳрибонликни англатадиган сўзлар билан тугатиши керак. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Ёқимли сўз кўнгулдан ҳар ҳасад, кинни аритгай,
Ширин сўз ҳатто душман чеҳрасин нурдек ёритгай.

2-ҲИКМАТ

Азизим, тўрт тоифа одамни элчи сифатида юбормаслик тажрибада исботланган. Биринчиси — подшоҳдан жафо кўрган, иккинчиси — мол-мулки, ҳурмат-иззати подшоҳ ғазаби шамоли билан совурилган, учинчиси — ўз амалидан ҳайдалган, тўртинчиси — подшоҳнинг зарари ҳисобидан ўз манфаатини кўзлаган, яъни давлат манфаатидан ўз манфаатини устун қўйган кишиларни давлат элчиси қилиб юбориш ақлдан узоқдир. Зоро, тажрибадан шу нарса маълумки, зебу зийнатидан, обру-эътиборидан жудо бўлган одамнинг қалбига алам-изтироб тиканаги қадалган бўлади. Шу боис бундай киши душманинг куч-қуввати ва шавкатини ўз давлатининг куч-қувватига нисбатан устун, ортиқ деб ҳисоблаб, шундай бир пайтда фурсат топиб, қалбida яшириниб ётган адоваратни юзага чиқариб, подшоҳига хиёнат қилиш йўлига кириб, унга қарши фитна уюштириш мумкин. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Кишиким кин-адоват-ла иноқ бўлгай—
Шафиқу меҳрибонликдин йироқ бўлгай.

3-ҲИҚМАТ

Азизим, элчи икки масалада ниҳоят ҳушёр бўлиши зарур. У ўз подшоҳига содиқлигини ифодалаш учун мамлакатининг номуси, шон-шуҳратини, салтанатининг улуғворлигини эҳтиёт қилиши, шунинг билан бирга, душман билан бўлган муносабатида унинг макр-ҳийласидан ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлиб туриши лозим.

БАЙТ

Ақли расо одам сўз-ла ростлагай ҳар бир ишни,
Юз лашкари жаррор¹ ҳам қилолмас бу юмушни.

4-ҲИҚМАТ

Азизим, элчини бирор жойга жўнатишда ниҳоят катта эътибор ва аҳамият бергин, унга сафар моҳияти ва мазмунини жуда кўп муболагали сўзлар билан чуқур тушунтир. Чунки элчи подшоҳнинг тилидир. Унинг камолоти, ақли, тажрибаси гуфторида — нутқида ойдинлашади. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Элчи бўлса гар жасур, доно, моҳир,
Унга равшан ҳар муаммо, ҳамма сир.
Неки сўрсанг берғуси дарҳол жавоб,
Бандасига теккуси ондин савоб.

* * *

Хуш каломлар сўйламакни элчи фунун айлা�гай,
Мажлис аҳлини бешумор мафтуну мамнун айланағай.
Нутқи совуқ ҳам гализ эрса ҳама гирён бўлур.
Ўт тушур оламгаю бори улус вайрон бўлур.
Оқил элчи хуш каломлар дилга пайванд қылгуси,
Икки ёвни бир-бирига дўсту дилбанд қылгуси.

ЕТТИНЧИ ФАСЛ. ДУШМАН СЎЗИГА ИШОНМАСЛИК ҲАҚИДА

1-ҲИҚМАТ

Азизим, душманинг узроҳлик қилиб берган сохта ваъдалари, айтган сўзларига мағрур бўлма, унинг ялиниб-

ёлвориши, тавба-тазарруси макр-ҳийладан холи бўлмайди. Чунки унинг кўксидаги кин ва адоват ниҳоли кўкарган бўладики, у фақат зарар келтиради, холос.

БАЙТ

Ишонса ким агар ёвнинг сўзига,
Пушаймонлиғ келур охир ўзига.
Хатарни менсимай ким кибр ила юрди,
Экиб гафлат уругин кулфат ўрди.

2-ҲИКМАТ

Азизим, душманнинг макр-ҳийласи билан қизартирилган матога ўхшаш гапларига ишониб, унга харидор бўлма. Чунки кўнглидаги сенга зид яширин ниятларини амалга ошириш учун ширин ва мулоийм суҳбатларини тўлиқ ва етарли даражада безаб зийнатлайди. У сенинг гафлатда қолган пайтингни аниқ билгач, ўзининг тадбир ўқини нишонга тўғрилайди. Бундай вақтда қилган ҳаракатларининг ўринсиз, чорасиз бўлиб, ҳасрат ва на-домат ўтида қовурилиб қолаберасан. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Ёв безаттай ҳийласин юз ранг ила,
Даги юз макр ила, юз найранг ила.
Ким агар тўсмаса бу тошқин йўлинин,
Охир ул вайрон этур согу сўлин.
Санч бугунким ҳийланинг кўксига ўқ,
Эрта қилгон пушмонингдан фойда йўқ.

3-ҲИКМАТ

Азизим, душманнинг ёлғон, нурсиз сўзларига ишониб, йўлдан чиқма. Унинг сохта таъзими, нозик хушмуомалалари, мақтоворининг ростлигига бовар қилиб, кўнглингни хушлама. Чунки, душман ўз қиёфасини сенга ёқимли қилиб кўрсатиш учун минг хил ранга кириб товланади. Бироқ ҳеч вақт унинг қалбидаги адоват ранги ўзгармайди. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Фаним дўстлик, муҳаббатдан ураркан дам,
Аёнким, холи эрмас ул гараздин ҳам.
Илонким хилланур боз ташлабон пўст,
Заҳардин холи бўлмас, бўлмагай дўст.

Донишмандлар айтадиларки: "Синалмаган дүстдан күра синалган душман яхши". Азизим, ҳаммага ишонма, ишончни арzon қилма. Чунки мол оласи ташида, одам оласи ичида бўлади.

БАЙТ

Бул замонда йўк ишонч ҳаттоки чин дўстга, ажаб,
Баски душмандин қилурсан беҳуда нелар талаб?

4-ҲИКМАТ

Азизим, душман ҳар қанча кучсиз, ожиз бўлса ҳам, унинг тикани бўлади. У зўр куч-қувватга эга бўлмаса ҳам, эҳтимол, макру ҳийла бобида ожизлик қилмас. У шайтон йўлига кириб олиб, тили билан адоватнинг оловини шундай ёқиши мумкинки, унинг алангасини сув билан ўчириш тўғрисидаги ҳар қандай тадбир ожизлик қилади. Чунончи, айтган эдиларки:

БАЙТ

Зол¹: бу пандни доимо ёдингда тут, Рустам², деди,
Душманингни сен ўзингдан бўйма асло кам, деди.

5-ҲИКМАТ

Азизим, машаққатли кунларда сипоҳлар (қўшин бошлиқлари)нинг жанг низоми ҳақидаги фикрлари қатъий, ўзгармас бўлиши зарур. Оlam мусаввирлари ва мирзалари, мунахжимлар, худонинг хоҳишига қараб, жанг тақдирини, унинг тартиб-қоидаларини гарчи тасвиirlаб, белгилаб берган бўлсалар ҳам, бироқ олдиндан эҳтиёткорлик чораларини ўйлаб қўйиш жанг қисматини ҳал қилади. Айтадиларки:

БАЙТ

Доимо мард эҳтиёт, ҳушёр бўлур,
Бул фазойил жангда тош девор бўлур.

САККИЗИНЧИ ФАСЛ. МАСЛАҲАТНИНГ ФОЙДАСИ ҲАҚИДА

1-ҲИКМАТ

Азизим, маслаҳат — бу ақлли одамларнинг мажлиси-дир. Ҳар доим, бирон-бир мусибат хавфи пайдо бўлганда, агар оқиллар йиғилиб, бу муҳим ишни ҳал қилишга ки-

ришсалар, албатта, катарнинг йўли тўсилади, ақллилар анжуманининг натижаси хайрли бўлади.

ШЕЙР

Мушкулот бошига тушгай кимса оқил бўлса ҳам,
Кетибон ортга иши чеккай ано, ранжу алам.
Чора излаб ўзгага то дардини изҳор этур,
Икки бош, икки ақлдин унга имдодлар етур.
Битта шаъм ёғидусида мушкул юрутмак хомани,
Икки шаъм шуъласи боз ровшан айлар хонани.
Яхши билгай ушбу ҳикматни мудом дониш эли,
Мажлису кенташ билан равшан эрур алар дили.
Жаҳлу ҳйла аҳли ўлтиrsa agar мажлис қуриб,
Икки бор ошгай аларнинг сұхбатидан макру фирб.

2-ҲИКМАТ

Азизим, кутилмаганда, тўсатдан бирор мушкул ҳодиса ёки бирор-бир мусибат, бахтсизлик юз берганда, кенгашиш, албатта, муқаррар бўлади. Шундай экан, донишманд, тажрибали одамлар билан маслаҳатлашиб, уларнинг фикрини жамлаб, шу асосда бирор маъқул чора ўйлаб топиш ниҳоятда зарур. Чунки, бундай кишиларнинг доно, тўғри маслаҳати, қобилияти масалани бехато ҳал қилишга ёрдам беради, кўмаклашади. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Муаммони кенгашсиз кимки ҳал этгай,
Тугунларни ечолмас, боз чигал этгай.
Қулоқ сол кексаларга, шодлигинг ортгай,
Хазон фаслинда, кўрким, сув тиниқ тортгай.

АРАБ МАҚОЛИДИР БУ:

Бир тўп ботир йигитдан бир донишманд чол яхши.

БАЙТ

Гарчи устун жанг-жадалда ёш-ялангнинг шиддати,
Фойдадан фориг эмасдур кексалар панд-ҳикмати.
Мўйсафидлар пандини ким кўнглига солиб чиқур.
Шубҳа йўқим, ушбу жангда ул киши голиб чиқур.

3-ҲИКМАТ

Азизим, мамлакатни бошқариш ва унинг сирини сақлаш оддий таомил ёки одамлар билан расмий муомалада булиш эмаски, сен у ҳақда ҳар қандай одам билан маслаҳатлаша

берсанг. Ўз орзу-истакларини, сирини бошқа одамларга ошкор этувчи подшоҳлар ҳокимият тепасидан йиқилиб, ҳокимиятсизлик қаърига — ўпқонига тушиб кетадилар. Чунончи, айтадиларки:

БАЙТ

Демушким бир хушкалом оқыл ва бир марданаи ҳушёр:
"Бошинг қадрига етсанг этмагил асло сиринг ошкор".

4-ҲИКМАТ

Азизим, подшоҳ давлат сирини ошкор этмаслик учун, хусусан, дўстларидан, ваҳимачи душманларидан жуда ҳушёр бўлиши лозим. Чунончи, айтадиларки:

БАЙТ

Қайси дўст чеккан эса сендан агар ранжу алам,
Сирру асрорингни зинҳор ул билан кўрма баҳам.

Қурқса ё ён берса ёв ул бирла маош этмагил —
Ким, гуур ғолиб келиб унга сиринг фош этмагил.

Шундай ҳоллар бўладики, давлат сирининг фош этилиши натижасида мамлакат шоҳи мол-мулкидан ҳам, бошидан ҳам жудо бўлади.

БАЙТ

Ботиний сир зоҳир ўлса бурқсибон мисли тутун,
Айлагай хуршид кўнгулларни булат янглиғ забун.
Дониш аҳлин ушбу пандинданд, аё, дўст, қочмагил.
Бош амон қолсин десанг сиррингни зинҳор очмагил.

Подшоҳ жиловдорлик¹ лавозимига тайин этилган хизматкорларидан бирига айтади:

— Амалдорларим орасида рози дилимни — сиримни айтиб, дардлашадиган ҳеч бир ишончли киши топмадим.
Жиловдор айтди:

БАЙТ

Бори сирринг менда пинҳон бўлгуси —
Ким, вужуд ичра ниҳон жон бўлгуси.

Подшоҳ айтди:

— Сиримни ўз биродаримга ҳам айтишга андиша қила-ман, құрқаман. Шу боис, ҳаммадан олдин унинг ҳаёт қалби гулхонасида менга бирор зарап ёки мусибат, оғат келтиріш учун қарор топған тиканларини мамлакат гулзоридан узоқлаштиришни хоҳлайман.

Жиловдор хиёнаткорлик руҳиятini үзининг қалб дафтарига рақам этиб, султон укасининг хизматига үтди ва ҳамма воқеадан уни хабардор қилди. Султоннинг укаси бу хабарни эшитгач, ҳаракатта түшиб, үзини үлімдан сақлаб қолди. Бирмунча вақт үтгандан кейин подшоқ ажал шарбатини ичди — вафот этди. Унинг тахтига укаси үлтириди. Янги подшоқ ул жиловдорни үлдириш учун биринчи фармонни әйлон қилди ва деди:

БАЙТ

Агар сирринг чиқормас эрдинг ичдин,
Амон қолгай эди бошинг қиличдин.

Жиловдор ибрат үқига нишон бұлди. Күрнамақлик, ярамаслик қуръаси — чеки унинг номига тушди.

БАЙТ

Бевафо дұст меҳрига дил бермаким, кazzоб эрур,
Чун замон гулзорида дұстлик бүйи камәб эрур.
Рози дил айтдыму дұстга бұлди қон қалб гулшани,
Билсам эрдим аввали дұст айламасдым мен ани.

5-ХИКМАТ

Азизим, ҳакимлар-донишмандар айтган эканларки, одам уч нарсани ўз ихтиёри билан қабул қилишга рози бұлмаслиги лозим: биринчиси — султон хизматини, иккеничиси — гумон, шубҳага ишониб, уни аникламасдан туриб, заҳар ичиш — үзини үлдиришни, учинчиси — сирни ошкора қилишни.

Азизим, ҳамма дұстларингта ўз сириңни айтма ва душманларингта ҳам зулм қилишни ҳаддан оширма. Зеро вақт үтиши билан дұст душманга, душман дұстста айланиши әхтимоли бор. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Орадан қыл үтмайдиган
Дұст булиши күп гумон.

Ёвга илиқ гап қылсанг,
Дүст бўлгуси бегумон.
Сен йўл танла — мўтадил,
Икковидан узма дил.

ТУҚҚИЗИНЧИ ФАСЛ. ПОДШОҲ МАРҲАМАТИДАН МАГРУР БЎЛМАСЛИК ҲАҚИДА

1-ҲИҚМАТ

Азизим, подшоҳлар олдида яхшилик билан ёмонлик тенг, уларнинг назарида наф ҳам, зарар ҳам баробар. Подшоҳлар баъзан гуноҳкор маҳрамларни жазога тортиш ўрнига, энг яхши ва ишонарли дўстларга қиласиган илтифот ва марҳаматларини уларга қиласидар, хоинларга совға-саломлар берадилар. Баъзан эса катта ҳурмат, обруэътиборга эга бўлган одамларга худди хоин, ватанфурушга лойиқ бўлган жазони берадилар, мол-мулкини мусодара қилиб, ватандан бадарга қиласидар. Чунки подшоҳлар руҳиятида манманлик, шуҳратпарастлик ўрнашиб олган бўлади, уларнинг табиати сув билан ўт устида кезиб юради. Шуни унутмаслик керакки, ҳамма вақт ғазаб ва меҳрибонлик сўзда ошкор бўлади. Бинобарин, подшоҳга яқин бўлмоқ учун олдиндан қўпол, қўрс табиатли бўлишдан ўзни сақлаб, ҳар доим юмшоқ, майин, гўзал сўзлар билан муомала қилиш жоиздир. Чунончи, айтадиларки:

БАЙТ

Ишонма, подшоҳ агар кўрсатса лутфу марҳамат,
Чунки кулгусида бор шер табассуми фақат.
Унинг лабларидан ўрмалаб чиқсан ҳар бир сўз
Минг нек жонини куйдиради, чун қилурсан афсус.

2-ҲИҚМАТ

Азизим, маслаҳатнинг шифобахш дорисини касалроҳатланиб ичиши учун у жуда мазали ва ёқимли бўлиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, бемор билан мулоқотда бўлганингда, ўз нутқингда дағал сўзларни ишлатсанг, унинг заиф аҳволи яна-да оғирлашади. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Зоҳид, май ичгин деб менга қилдинг панд-насиҳат,
Шу хунук сўзларинг тавбамни синдириди фақат.

3-ХИКМАТ

Азизим, давлат хизматчилари бирор-бир сабаб билан гуноқ қылсалар, биринчи марта подшоқ авф этиши мумкин. Иккинчи марта ҳам шу ҳолат тақрорланса, энди подшоқ даҳшатли шерга үхшаб, сендан уч олишга қасд қиласди. Сен жазодан қутулиш учун ҳар қанча тулкилик қилсанг ҳам фойда бермайди. Энг яхши йўл қуён сингари ухлаб ётмасдан, яъни ўзингта ўзинг фириб бермасдан, қоплон ҳайбатидан қўрқиб, кийик каби саҳрога қараб йўл ол. Чунки заиф, кучсиз одам кучли рақиб билан яккама-якка олишувда бардош беролмайди, енгилади.

БАЙТ

Душман сендан ранжиса, бўлма ҳеч тинч, омонда,
Дили тирналган рақиб қасд қилур ҳар замонда.

4-ХИКМАТ

Азизим, подшоқ кўнглида жойлашиб олган кин-адоватдан қўрқ. Чунки у салтанатнинг шон-шуҳрати билан ғуурланиб, гердайиб, фурсат топган пайтида ҳеч кимни авф этмасдан жазога торта беради. Подшоқ кўксига иморат қуриб олган кин бир бўлак тўзиган кўмирга үхшайди. Гарчи унда олов йўқлигидан ҳеч ким зарар кўрмаса ҳам, бироқ шундай бир пайт бўладики, унинг қалбидағи шу кин-адоватнинг уч олиш тутуни ғазаб учқунига айланиб катта аланга ҳосил қиласди. Подшоҳнинг кўнглида заррача кин-адоват бор экан, сен ғазаб шуъласининг алангасидан омонда қолмайсан.

БАЙТ

Шоҳлар хизматида доим хатар бор,
Шу боис уларга ҳеч ким бўлмас ёр.

Донишмандлар подшоҳларни оловга ташбеҳ қиласдилар. Чунки баъзан улар адолат нури билан дардмандлар, бечораларнинг кулбасини ёритадилар, баъзан эса сиёсат низоми шуъласи билан ишончли хизматкорларнинг ҳосил хирмонини куйдирадилар. Шу сабаб айтадиларки:

— Катта диёрнинг қаърига шўнгигиб, тимсоҳ-наҳанг билан бирга бўлиш ёки думи қирқилган илоннинг лабидан заҳар эмиш подшоқ хизматида бўлишдан кўра яхшироқдир.

5-ҲИКМАТ

Азизим, кимки ранж-алам ургуни озгина сепган бўлса ҳам, унинг самараси фақат зиён, зарар бўлишини, кимки яхшилик ниҳолини ўтказган бўлса, у тинчлик, осойишталик, ҳузур-ҳаловат мевасини териши муқаррар эканлигини, ақл гулхонасининг муаттар, хушбўй ҳидини исказан кишигина тушуниши мумкин. Бинобарин, айтадилар:

БАЙТ

Ажиб бир ҳикмат айтмиш ўғлига дехқон:
 "Аё, ўглим, омон бўл, мангу сур даврон.
 Фақат фаҳм айла, не эксанг шу битгайдур,
 Сепиб арпаки бугдой ўрмагай ҳеч жон".

6-ҲИКМАТ

Азизим, Оллоҳ амалдорларга давлатни бошқариш учун қулай вазият яратди, тақдир қўли улар учун улуғлик чодирини, бахт кошонасини қурди. Бундоқ қулай бир пайтда энди барча амалдорлар шундай улуғ, азим ишлар қилишлари керакки, у халққа осойишталик, фаровонлик, дину имонга шон-шуҳрат келтирсин, дунёвий ҳаётни, маънавиятни таъриф-тавсиф этишга хизмат қилсин. Уларнинг тириклигида амалга оширган шу улкан; олижаноб ишлари ўлганларидан кейин ҳам гуноҳларини ювишга сабаб бўлсин. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Фалак ҳам кимларгadir қарам кўрсатур ҳар вақт.
 Ҳар лаҳзада замин ҳам кимларгadir берар бахт.
 Модомики абадий бахт йўқ экан жаҳонда,
 Абадий шуҳратнинг ҳам булиши даргумон-да!

7-ҲИКМАТ

Азизим, сен шоҳга яқинлигинг ва катта лавозимни эгаллаб турганлигинг билан мағрур бўлма, чунки подшоҳнинг мижози, феъл-автори сув ва олов устида айланиб туради. Шу сабаб уларга ишониш жоиз эмас. Билмайсанми, ҳар қандай мансаб, иззат-ҳурматнинг оқибати ишдан бўшатиш билан тамом бўлади, ҳар қанақа бахт кучли бир юарб билан тугатилади ва хорлік бошланади. Мисол учун айтадиларки:

БАЙТ

Мабодо бахт қуши бошингдан учиб кетса,
Ажабланма ҳеч қачон, чунки бу тақдирнинг иши.
Подшоҳларнинг гултохи гадога бўлса коса,
Ҳайрон бўлма, шубҳасиз, бу фалакнинг гардиши.

8-ҲИҚМАТ

АЗИЗИМ, мансаб ва мартабанинг хосияти кишини
гафлатда қолдиришдир. Подшоҳнинг илтифоти тиниқ ва
тоза майдирки, у ҳушни олади.

БАЙТ

Халойиқ арзга келар, сўрагай деб ҳол,
Бироқ амалдорларнинг ҳушёр бўлиши маҳол.

9-ҲИҚМАТ

Подшоҳнинг майга ўхшаган ишоич-эътибори, илтифоти,
берган мансабидан маст бўлиб, ҳеч нарсани ўйламай,
ғам-ташвишнинг нималигини билмай, сархуш, бепарво
бўлиб юрган киши ўз бахти эшигини ёпди, ақлидан
бегона бўлади. Бундай одамга ҳалқ жуда кўп марта арзга
келса ҳам, унинг ҳуши жойида бўлмайди. Баъзан ҳушёр
тортса ҳам, яна подшоҳнинг илтифоти, берган мансаби
нашидаси — майи унинг ҳушини олади, ақлини хирадаш-
тиради, уни мансаб, такаббурлик, қалондимоғлик, манман-
лик, одамларни менсимаслик майи ана шундай ҳолатга
туширган — ҳароб қилган бўлади. Табиати соғлом киши
бахт шарбатидан баҳраманд бўлиши учун ҳар қандай
ҳолатда ҳам, ҳатто катта лавозим шоҳсупасида ўтирган
бўлса ҳам, саркаш, такаббур бўлмайди, мансаб майи уни
маст қилмайди. У доим ҳушёrlиги, ақли солимлиги билан
обрў-эътибор қозонади, ҳушёр одам ғарибликка бардош
беролмай азоб чекаётган кишиларга ғамхўрлик қилиши
зарур. Чунки дунё дарё ўзанидек ўзгариб туради, бахт,
давлат (бойлик) ҳам абадий бўлмайди. Бинобарин, айта-
диларки:

БАЙТ

Бир куни замоннинг соқийси агар
Қуяр бўлса бахтинг майнга заҳар,
Бахт деб кураш, айла балоларни дафъ,
Йўқса бу кулоҳу дастордан не нафъ.
Кулоҳ бошда мангу турмагай минбад,
Юзлар ойдек порлаб қолмагай абад.

10-ХИКМАТ

Азизим, ғариларга, мискин бечораларга, садоқатли, сахий дүстларга ұжатбарорлик қилиш дину диёнат олдида ҳам, одамлар олдида ҳам тақдирлашга лойиқ ишдир. Бундай саодатли, олижаноб иш киши обрў-эътиборининг ўсишига ҳам, ички ва ташқи дунёси, маънавиятининг камол топишига ҳам асос бўлади. Бинбарин, айтадиларки:

БАЙТ

“Сен ҳам Оллоҳ эшигидан бўлибсанки умидвор,
Сидқидилдан сўрагин, умидни узма зинҳор”,—
Дея панд айлар эди бир мискин зери тоқдан¹,
Саркаш, кибор кимса буни эшитди-ку Ироқдан.

ЎНИНЧИ ФАСЛ. ВАЗИР ҲАҚИДА

1-ХИКМАТ

Азизим, вазир ўзининг тиниқ, равshan ақл шаъми билан мамлакат кулбаларини ёритиши, тўғри, хайрли фикри, мулоҳазалари билан мингта тугунни осонлик билан ечиши, майин суҳбати ва устувор, ҳаққоний ҳукми билан халқни безовта қилароқ денгизда сузиб юрган фитна кемасини гирдобга чўқтириб гарқ қилиши, чакалакзордаги ноҳақлик тиканлари одамлар этагига ёпишиб, уларни безовта қилганда, у бу дилозор тиканларни илдизи билан суғуриб ташлаши лозим.

БАЙТ

Мевали дарахтнинг юки бор, парвариш қил, ўстир.
Ҳосили тикан бўлган дарахтни тубидан кестир.

2-ХИКМАТ

Азизим, душманга қарши курашишнинг энг тўғри, қулагай ва ишончли йўлларидан бири қуйидагилардир. Рақибнинг шавкати, куч-қудрати сезиларли даражада ортиклиги аниқ бўлса, унинг душманлиги боис мамлакат ғалаён гирдобига гарқ бўлиши, халқнинг ҳалокат ёқасига бориб қолиш эҳтимоли аён бўлса, бундай пайтда қандайдир ҳийла-найранг ўйлаб топиб, ёвга лутф, илтифот, муруват кўрсатиб, совғалар юбориб, ўйнайдиган икки сую-

гини мақкам ушлаб (нард ўйинига ишора қилинмоқда — Ж.Э.), таъзим қилиб туриш зарур. Душманнинг кибри, калондимоғлиги, такаббурлиги билан куч-қудрати, ўзига ишончи вақт гиламида акс этиб турган бир пайтда, қандайдир тажрибага асосланиб, ундан ўч олишга уриниш ўринсиз ва ақлсизликдан иборатдир. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Фолиб кела олмасанг душманингдан, ҳеч қачон
Жанг қилмагил, бўл унга шунчаки бир меҳрибон.
Ғанимни енгмоқ учун етмаса гар қудратинг,
Хижолат эшигигин ёп, канда қилма ҳурматинг.

З-ҲИҚМАТ

Азизим, душманни ғазаб ва жанг билан эмас, юмшоқ муомала билан оёқдан қолдириш керак. Кўрмаганимисан, олов шиддат билан дараҳтга ёпишса, ер юзидағи ҳамма нарса ёниб, кул бўлади, сув секинлик билан оқиб, дараҳт томирига туша берса, охир-оқибат уни ағдариб ташлайди. Шу жиҳатдан айтадиларки, кучли, қудратли душманни сохта таъзиму лутф билан ром қилиб, саркаш, ёввойи кийикдек, уни юмшоқлик билан тузоққа илинтириш маъқул.

Сен юмшоқ бўл, чунки ҳар қандай оғир, қийин, мушкул иш боркн, уни фақат мулоим лутф, илтифот билан ҳал қилиш мумкин.

БАЙТ

Қаҳру ғазабдан кўра хушдирир ёқимли фириб,
Қайга ўт кетса сув сеп, қўйгил уни ўчириб.
Муродинг ҳосил бўлса яхшилик-ла, алъамон,
Жаҳл оти живовланса, бунинг нимаси ёмон.

Шунинг учун айтадиларки, ўжар, магур қушни навозиш билан сийлаб-сийпалаб, ром қилиб, қафасга солиш мумкин бўлганидек, кучли душманни ҳам мулоимлик билан, мақташ билан, яхши, ёқимли муомалада бўлиш билан тинчитиш мумкин.

БАЙТ

Юмшоқ бўлгин, албатта, мушкулинг бўлур осон,
Рақиб гафлатда қолур сен қылсанг лутфу эҳсон.

4-ҲИКМАТ

Азизим, агар душманнинг тавозесида сен учун қандай-дир фойда-манфаат борлигини сезсанг, ундан хижолат бўлма, яъни ор қилма. Бинобарин, айтадиларки:

Қўллар борки, кўрсанг сен қиласурсан ор,
Зарур бўлса шу қўлни ўпарсан юз бор.

5-ҲИКМАТ

Азизим, исён бошлаганда, вазир учун энг қулай, энг яхши тадбир зудлик билан ҳаракат қилиб, уни бостиришдир. Бундай пайтда иккиланиш, газаб, кек, хусумат асло фойда бермайди. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Хусумат қилма ким, эсгай ул шамолдан ҳам тез,
У инсоф боғларин, шаксиз, айлар хазонрез.
Хусумат, гийбат, игво қаерга етгани ҳамон,
Дўстликни ҳам, мулкни ҳам қиласди дарҳол вайрон.

6-ҲИКМАТ

Азизим, подшоҳ юқори мансаб эгаси бўлганидан кейин калондимоғлик, такаббурлик, манманлик, ҳеч кимни менсимаслик гирдобига тушиб қолиб, камтар, мұтадил, бардошли бўлишдан узоқлашади. Шу боис саодатли вазир калондимоғлик, такаббурлик билан касалланган подшоҳга насиҳат дорисини ичириб, беморни даволаб, тўғри йўлга йўллантириши ва адолат манзилига қайтариши лозим.

7-ҲИКМАТ

Азизим, мусобақа майдонининг фарзинбанд (шахмат ўйинига ишора қилинмоқда — Ж.Э.) базмида фосиқ-бузуқ хаёлларини амалга оширолмаган ва бошқа юксак ниятлардан ҳам юз ўгириб, илҳом оти ҳамда шавқ-завқ филидан тушган подшоҳ ва вазир ҳамжиҳат, яқдил бўлиб, бир гилам этагида ўтириб, дўстлар ҳолидан хабар олмоги, рақибни тугатиш ишлари билан шугулланмоғи лозим. Душман қўли ҳокимиятга ва яхши, ростгўй, мард одамларнинг этагига етмасин учун, уни шундай жазога маҳкум этмоқ керакки, токи унинг юзини азоб-уқубат, машаққат чангали тирноқлари тирнасин.

8-ҲИКМАТ

Азизим, ҳаракат қилки, жудолик, низо, жанжал тошлари душман тұдасининг устига түшсин. Чунки душманнинг ұзаро ихтилофи дұстларнинг маънавий жиқатдан ҳам, рұхий жиқатдан ҳам тинч, хотиржам яшашига сабаб бўлади.

БАЙТ

Душман лашкарида бошланса низо, ихтилоф,
Шамширингни қінга сол, мақтамагин, урма лоф.
Душман рақиби билан бўлганида овора,
Дұстлар билан сұхбат қур, уйнаб, чалгин ногора.
Бўрилар бир-бирини гажиб-мужиб турганда,
Хатар йўқ яйлов узра қўйлар ўтлаб юрганда.

ЎН БИРИНЧИ ФАСЛ. ЎЙЛАБ ГАПИРИШ ҲАҚИДА

I-ҲИКМАТ

Азизим, ўйламасдан, андишасизлик билан айтилған сўз синалмаган зар-олтиндир. Айтмоқчи бўлған сўзингни аввал ўзинг ўйлаб, маҳак тоши имтиҳонидан ўтказ, тайёр бўлгач, хаёлингта нимаики келса, зоҳир қил, юзага чиқар.

БАЙТ

Сўз агар этмаса фикрингни аён,
Ёзма, лоф урма, ани этма баён.

2-ҲИКМАТ

Азизим, кенгаш ва маслаҳат куни ақл, донолик ва донишмандликни имтиҳон қилиш кунидир. Ўша куни қалбинг қутичасида яшириңган ҳар бир сўз жавоҳирини мөъёри билан баён риштасига тизиб, тингловчиларга етказмогинг лозим. Сен синов тоши билан текширилған хаёлингдаги ҳар қандай қимматбаҳо тангани — сўзни чуқур, юксак маънога эга эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилишинг учун, яна бир марта тажрибадан— маҳак тоши имтиҳонидан ўтказганингдан кейингина, баён бозорига олиб чиқ. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Гўзаллик, софликдир "Гулистон"² муддао,
Чун рақам этмиш Саъдий: "Алайҳ ад"³ — деб дуо.

"Сен сўз айтмоқчи бўлиб урганингда дам,
Кеч айтсанг ҳам, яхши айт, нега чекмоқ гам?!"

З-ҲИҚМАТ

Азизим, сулҳ тузувчининг тили бир сўз билан юз мушкул тугунни ечиши керак. Бир оғиз эҳтиётсизлик билан айтилган васвасага солувчи, дилни яралайдиган сўз гапирувчининг-нотиқнинг бўйнидан бўғиб олади. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Ақл қўзи билан агар сўзга ташласанг назар,
У бисотдир, ҳам фойда келтирур ҳамда зарар.

ҲИҚОЯТ

Айтадиларки, подшоҳ Акбар¹ Кашмирни томоша қилишга аҳд этиб, Ажмир шаҳридан чиқиб, Лоҳур дарё-гидан кечиб ўтмоқ учун кемага ўтирап экан, инсон табиатини яхши билган, ширинсухан сарой хизматкорларидан бири аҳмоқ, калтафаҳм, баҳти қайтган Ёдгор Мирзо замон фитначиларининг ҳаммасини йигиб, ўзининг забун пъхволидан бир неча баробар устун муболағали сўзлар билан ўзини таъриф-тавсиф. этаётганлиги ҳақида энг зарур ва муҳим хабарни етказади.

Подшоҳ Акбар бу хабарни эшитгандан кейин, ўз ақли кемасини тафаккур уммонига солиб, хаёл гирдобида айланниб, ўз қалбини сув тўлқини сингари мавжлантириб, бир неча дақиқа ўтгандан сунг, унинг кишиларга илҳом баҳш итuvчи хушсифат, шарафли, ширин овози эшитилди ва подшоҳ Акбар қуийидаги байтни лутф қилди:

БАЙТ

Подшоҳлик кулоҳи шаҳаншоҳ учундир тож,
Ҳар қандай каллага ҳам у эмас муҳтоҷ.

Натижа шу бўлдики, у пасткаш, разилнинг даъвоси писанд қилинмай, срга урилишига сабаб бўлди. Унинг кибру ҳавоси, мақтанчоқлиги ўз бошига стди.

БАЙТ

Наъматақ тикони қўлга тўқингай,
Тўқинган заҳоти ул ўзи сингай.

Бошқача айтганда:

Асалари чақса гар, ниши синиб ўлади,
Тили ништар одам ҳам охир нобуд булади.

4-ҲИКМАТ

Азизим, кимки дуру гавҳар билан тўлдирилган ўз нутқи қуттичасига сукут муҳрини уриб, маҳкам бекитиб қўйса, унинг ҳаёти гулзорида ҳурмат, иззат-эҳтиром ўсимликлари эсон-омон гуркираб ўса беради, дараҳтлари тинчлик, роҳат ҳосилини беради. Гузал ва мазмундор сўзларнинг атиргул бутасида оч-қизил, қизғиш гуллар каби кулимсираб, хушбўй ҳидларни сочиб туришига, булбулларнинг мафтункор, дилрабо овозидан таралаётган куйларига бефарқ, бепарво қараб туриб бўладими? Чунки сўз гулхонасидан таралаётган муаттар, ёқимли ҳидлар — жумлалар киши руҳиятини, кайфиятини кутаради, шодлик, гўзаллик гулзорига олиб киради, одамлардаги иқтидорсизлик, дармонсизликни даволовчи бир восита — қурол сифатида хизмат қиласиди. Шу сабаб, донишмандлар ўз фикрларини маъно дурлари билан безаш учун сўзларини ҳар хил бўёққа бўяб баён этадилар.

ҲИКОЯТ

Азизим, бир дарвеш улуғ Каъбага етиб боргач, Каъба дарвозасининг ҳалқасини ушлаб, илтижо билан бундай деди: "Оҳ, бутун дунёнинг, ер-кўклар подшоҳининг бу уйини келиб зиёрат қилишни "ҳаж" дейдилар. "Ҳаж" сўзи икки ҳарфдан иборат. (Араб ёзувида "ҳаж" сўзидаги қисқа "а" унлиси ёзилмайди — Ж.Э.) "Ҳа"да сенинг ҳилминг (илтифотинг, марҳаматинг, юмшоқлигинг), "жим"да менинг журмим (гуноҳим) маъноси ифода этилган. Шундай экан, менинг гуноҳларимни ўзингнинг илтифотинг, марҳаматинг билан авф этгин". Осмон гумбазининг тагидан бир дабдабали овоз эшитилади: "Оҳ, гуноҳкор банда, сен ажиб сирли сўзларни айтиб ибодат қилдинг, яна шуни такрорла", — деди. Дарвеш гапга тўн кийдирадиган, сўзга уста бир киши бўлгани учун у энди аввалги фикрини бошқача сўзлар билан ифодалаб деди: "Оҳ, бандаларининг ҳамма гуноҳларини кечиришга қодир бўлган раҳмдил Оллоҳ, сенинг эшигинг гуноҳларни авф этиш учун қурилган, лутфинг, илтифотинг дурданалари хайр-эҳсон сўраб илтинос қилган бандаларингнинг ҳожатини барор этиш учун,

фақат яхшилик қилиш учун яратилган. Машаққат чекиб бу уйга келишни "ҳаж" деб айтадилар. "Ҳа"да менинг ҳожатим, "жим"да сенинг жиддинг (инъом-эҳсонинг, саҳийлигинг, очиқ қўллилигинг) нинг маъноси ойдинлаштирилган. Шундай экан, сен саҳийлигинг, очиққўллилигинг, инъом-эҳсонинг билан камбағал-бечораларнинг ҳожатини қондириб, уларни муҳтожлиқдан қутқар".

Осмон гумбазининг тагидан яна овоз эшитилди: "Такрорла". Дарвеш айтди: "Оҳ, кечиримли Оллоҳ, сен ўз мусулмонларингнинг гуноҳини авф чойшаби билан ёпасан, адашмай, тўғри йўлдан бораётганларни кийинтирасан. Сен ҳамма нарсага қодирсан. Бу уйни айланиб чиқиши "ҳаж" деб айтадилар. "Ҳаж" сўзининг "ҳа" ҳарфида ҳаловат, ҳузур (мусулмон динидан лаззатланиш), "жим" ҳарфида жалолат, жаҳондорлик (сенинг жасоратинг ва жаҳонга ҳукмдорлик, подшоҳлик қилишинг, улуғворлигинг) маънолари равшанлаштирилган. Сенинг улкан жасоратинг, бениҳоя қудратинг билан бу баҳтсиз, толеи паст кишиларга диндан лаззатланиш роҳатини инъом қил". Дарвеш осмон гумбази тагидан чиққан: "О бандам, сен биздан нимаики илтимос қилган бўлсанг, ҳаммасини сенга бердик", — деган дабдабали овозни эшитиб тинчиди.

ҲИКОЯТ

Қачонки И момқулихоннинг¹ кўзи ёруғликни кўришдан маҳрум бўлгандан кейин, узанги соҳиби ойсифат Нодирмуҳаммадхон Балхдан чиқиб, Ҳисор вилояти томон юриш қилди. Мазкур вилоятнинг ҳокими Давлатбий унинг истиқболига чиқиб, қалъани Нодирмуҳаммадхонга пешкаш — совға қилди. Бу ҳолатни ўз кўзи билан кўрган Ҳасанбек Рафев ўзининг шоирлик талантини ишга солиб, қуйидаги руబийни ижод қилди.

БАЙТ

Эй шоҳ, қўлингта кирди товланиб Ҳисори гардун,
Тақдирнинг гардиши айланиб, баҳтинг бўлди афзун.
Қалъада ўтирган эди Давлатбий⁴ қилиб умид,
Шуҳратингни эшитиб, қўргондан чиқди забун.

ҲИКОЯТ

Азизим, маъно чаманининг гули бўлган Соиб Исфахоний кунларнинг бирида Исфахоннинг Ҳазор Жарип (минг таноб) боғида ой юзли гўзал йигитлар билан бирга

шароб ичиш ила машғул эди. Майхўрлар орасида унинг яқин кишиларидан бири тақдирнинг хоҳиши билан кўзлари кумор-хумор сузилиб, маст бўлиб қолди. Соиб унинг бу ҳолидан ранжиб, қўйидаги рубоийни ёзди:

Сенинг зебо гулхонангда бу мусаффо, нурли дур
Наргисдек сұлаёттир, кетмоқда қўзингдан нур.
Май базмиде иккимиз бирга ичдик баробар,
Мен бардаму, сени нега уйқу босмоқда баҳузур?

ҲИКОЯТ

Фазили Валий¹ яхши табиатли, күшхулқ, феъли кенг, билимдон ва катта истеъод соҳиби, умуман, бошқаларга ўхшамаган, ўзига хос бир киши эди. Ақлли, доно одамлар уни "Сўз вилоятининг ҳокими" дер эдилар. Шеърият фанида беназир, тенги йўқ эди. Иншо бобида ҳам унинг ифода усули бекиёс эди. Унинг гўзалликни, нафосатни баён этишни ўзига шиор қилиб олган қалами сўз хазинасида яширган энг нозик, равон, сермаъно сўзларни ниҳоят синчиклаб, танлаб ошкор этар эди. Қаламининг нафис учida нурлар пайдо бўлиб, гўзл, ширин, латиф сўзларини таратиб туради.

Аммо, минг афсуски, худди чаманзордаги гулларнинг қисқа муддат яшаб, хазонрезлик оғатидан ўз новдаси ва баргларидан жудо булганидек, унинг ҳам йигитлик чаманидаги умр равнақи тўхтади — хазон бўлди. Унинг вафоти тарихи ҳақида ўз сўзларининг насими билан, Яъқуб кўзларини равшанлаштириш құдратига эга бўлган мавлабий Юсуф қўйидаги маънони англатувчи қитъани айтди.

ҚИТЪА

Шаҳаншоҳ хизматида чунон Мирзо Фазили Валий,
Табиати, фикри сабаб, бўлди муншийи олий.
Жума куни кўз юмди у бу омонат дунёдан,
Табиат устухони бўлди гўё мағздан холий.
Қаламим бош оғриғидан кўз ёши бўлди селоб,
Лайтники, вафот тарихи: "Хайфи Фазили Валий".³

ЎН ИККИНЧИ ФАСЛ. ЁМОН ОДАМЛАРДАН САҚЛАНИШ ҲАҚИДА

I-ҲИКМАТ

Азизим, шундай кимсалар борки, уларнинг жисми —
вужуди фийбат, бўхтон, ҳасаднинг хамиртуруши билан

қорилган булади. Шу сабаб уларнинг қалбидা, фақат гийбат, бўғтон, ҳасаднинг тиканакли ниҳоли кўкариб чиқади. Бундай одамларнинг руҳияти беқарор, ваъдаси суст, дўстлик иплари заиф бўлади. Буқаламунга монанд рангини тез-тез ўзгартиб туради. Улар Димнага ўхшаб пок одамлар устига гийбат, туҳмат, хусумат ўқларини тинимсиз ёғдириб турғанларидағина роҳатланадилар. Бинобарин, айтадилар:

БАЙТ

Бундайлардан ўзинг асра, ё Оллоҳ,
Пок руҳларга ўзинг бўл пуштипаноҳ!

2-ҲИКМАТ

Азизим, паст, разил одамлар ўзларини мурувват майдонида от миниб, чавандозлик маҳорати билан шуҳрат қозонган баҳодирларга тенглаштирадилар. Ўлимтик, қирчанғи, ориқ отларини туёғидан кутарилаётган чангга етолмайдиган, чақмоқдек учқур, тез юрар Буроққа ўхшатадилар ва ҳатто у билан бақамти юриб — ҳамроҳ булиб бирга сафарга чиқиши ҳам орзу қиласидилар. Бундай разил одамлар мол-дунё йиғишида ҳам лайнлик, очкӯзлик, нафс ҳалқасини ҳамиша бўйинларига осиб юрадилар. Чунончи, Нозим айтадики:

БАЙТ

Мерос учун талашган разилларни кўп кўрдим,
Ўз ҳолидан бехабар ғоғилларни кўп кўрдим.
Кўрдим қанча мақтанчоқ, кибру ҳаво бандасин,
Түргилар ичра юрган сағиулларни кўп кўрдим.
Ор-номус майдонида ботирлар қон кечганда,
Мол-дунёга мук тушган оч қулларни кўп кўрдим.
Умри тамаъда ўтган, юзи қизармай кетган,
Ришватхўрлар — гуноҳи сақилларни кўп кўрдим.
Умрнинг маъносини мол-дунё дея билган,
Ўз виждонин ўлдирган қотилларни кўп кўрдим.
Аммо элга жонфидо, пок зотлар ҳам йўқ эмас,
Ислом йўлида юрган оқилларни кўп кўрдим.

3-ҲИКМАТ

Азизим, ақлсиз, нодон киши деб ўз умрининг бебаҳо жавоҳирларини ўйламай сочган, қимматбаҳо тошлардан олинган сурмани ўз юраги қўзига суртиб равшанлаштира

олмаган, молини гаровга қўйишни билса ҳам, бироқ унинг фойда ёки зарарини англаб етмаганилигидан, матоҳуни бир-бирини алдайдиган, қаллоблар уя қурган замоннинг чорсу бозорига олиб чиққан одамларни айтадилар:

БАЙТ

Ихтиёргинг жиловин паст одамларга берма зинҳор,
Улар сени алдайди ўз нафи учун, бўлгин бедор.

4-ҲИҚМАТ

Эй азизим, эй чуқур ва гўзал фикрлар сарчашмаси, менинг назаримда ғам, мусибат саройига айланган яқин дўстларнинг уйига бемалол, монеъсиз кириб бора беришинг мақбул эмас. Чунки сенинг жисминингдаги ерни куйдирувчи тикан дўстларингнинг этагига ҳам ёпишиб, уларнинг ғами, мусибатини ошириши мумкин. Вужудингнинг ўқ илдизи бўлган ва фақат уруғ сепишга ярайдиган тупроқ дўстлар, суҳбатдошлар кўнглига ғубор, гард булиб ёпишиши эҳтимоли ҳам бор.

Жаҳон аҳли суҳбати холи бўлмас заардан,
Чун ўз кулбангдан чиқма, қутуласан хатардан.

5-ҲИҚМАТ

Азизим, ақлли одамлар ёмон, ёқимсиз ишлардан, бебош, ярамас одатлардан үзокда юрадилар. Мулоҳазакор, доно кишилар, яхши ният билан бошлаган мұхим ишларини, қаттиқ ва қатъий суръатда, тез бажаришга интиладилар, шу билан бир қаторда, хайрли иш ҳисобланган мусулмон дини, уроф-одатларига ҳам эҳтиёткорлик билан амал қиласидилар. Бинобарин, айтадиларки:

Зинданда зиндандош жўрангдан қачма, солгин назар,
Бироқ паст, ярамас одамлардан қоч, қилғин ҳазар.

ҲИҚОЯТ

Ҳикоя қиласидиларки, бир тажрибали ўғри подшоҳнинг хазинасига киришга журъат этади. У хазина сақланаётган уйга киргач, подшоҳнинг олтин тахтда қотиб ухлаб ётганини ва унга қарашли бўлган мол-мулки, қимматбаҳо дурлари, жавҳарлари, олтинлари гилам устида сочилиб ётганлигини кўради. Мумдан ясалган шамлар улуғвор ва

кучли одамларнинг юзи каби нур таратиб, ёниб турар эди. Улар атрофида дарвишларнинг юраги сингари бахтсиз капалаклар айланиб юрарди. Ўғри эҳтиёткорлик билан ўнг ва сўлга назар ташлади ва халқнинг, ватанининг тинчлигини ҳимоя қиладиган подшоҳнинг шамширини бир кичик маймун қўлига олиб, подшоҳ кўксидаги ўрмалаб юрган қумурсқани ўлдириш учун даст кутарганида, ўғри сапчиб чиқиб, шамшир ўқталиб турган маймуннинг қўлини маҳкам тутиб қолди. Шовқин-сурондан подшоҳ уйғониб кетади ва рўй берган воқеанинг моҳиятини англаб деди: "Қачонки худо каромат қилса, ўғри посбон, душман эса раҳмдил бўлади".

Ўғрининг эгнида донишмандлик чакмони борлиги сабабли унинг бошига давлат тожини кийдирдилар, худди шунингдек, подшоҳнинг нодонлиги маймуннинг ҳаракатида аён бўлгани боис, унинг устидаги фахрий кийимини ечиб оладилар.

БАЙТ

Нодон дўстдан юргин йироқ,
Ундан доно ёв яхшироқ.

6-ҲИКМАТ

Азизим, жабр, ситам қилувчилар билан суҳбат қилишдан ўзингни тий, яъни улардан узоқда бўл. Чунки бундай тоифадаги одамларнинг ваъдаси суст, дўстлик иморати заиф бўлади. Улар ҳамиша мурувват юзини жафо тифи билан тирнаб, мардлик, олижаноблик сарчашмасини аҳдни бузиш, ваъдасидан қайтиш каби жаҳолат тупроғи билан булғайдилар. Уларда на ошнолик ихлоси, на дўстлик ҳурмати бор, на мулозимларининг олдинги хизматини, на хизматнинг тартиб-қоидасини биладилар. Бундай одамлардан ҳурмат излаш анқо қушини қидириш билан баробардир. Бинобарин, айтадиларки:

РУБОИЙ

Хизматинг қадрини билмаган кишига қилма хизмат,
Меҳнатинг-чун у сени севмаса, қилмаса ҳурмат.
Умрингни зое қилма, агар ундан кўрмасанг наф,
Унда бўлмаса на мақтов, на мукофот, на ҳиммат.

7-ҲИКМАТ

Азизим, ҳузур — ваҳдатда¹ фароғат — узлатда бўлади. Зеро, бизнинг замонда шу дунё кишилари билан суҳбат

қилиш, дўстлар билан мулоқотда бўлиш қора илоннинг заҳридан ҳам қўрқинчли ва хавфлидир. Бу — ҳаттоки ўлим олдидағи даҳшатдан ҳам ваҳималироқдир. Худди шу сабабдан айрим донишмандлар ёруғ дунёни, дўстлар билан суҳбатда бўлишни тарк этиб, горнинг бир бурчагида ёки ертулада яшашни ўзлари учун афзал кўрганлар.

8-ҲИҚМАТ

Азизим, кўпинча комил дарвишлар, софдил, оқ кўнгил суфийлар хилватда яшаб, тез-тез ўзларини йўқотиш, унтиш даражасида шавқ-завққа бериладилар. Шундай бир ҳолатда улар қандай қилиб бошқалар билан муносабатда бўла оладилар ва тингловчиларнинг эътиборини ўзларига жалб этадилар? Чунончи, айтадиларки:

БАЙТ

Хилватда гар дилим сиррин баён этсам сар-басар,
Чун Жаброил қанотин садоси бўлур дардисар.

ҚИТЪА

Номаҳрам ақдим-эй, жисмимни тарк қўнгил,
Хаёлидан жудо бир дам бўлолмасман.
Шириндир сен-ла гарчи суҳбатим, билғил,
Кечиб андин сенга маҳрам бўлолмасман.

Азизим, суҳбат дил парокандалиги, паришонлигининг манбаидир. Танҳолик, узлат ботиний ва зоҳирий жиҳатдан тинч-осойишта яшашнинг воситасидир. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Гул бутогиндан ҳаёт олгай ахир,
Они йигсанг қўвжираф қолгай ахир.

* * *

Менки вақт ғамхонасидин ўзга маскан тутмадим,
Гул каби юз очдиму пушмон ўлиб қон ютмадим.

9-ҲИҚМАТ

Азизим, ҳар бир ишни бажаришда тажриба соҳиби бўлишга ҳаракат қил, яхши, доно одамларнинг суҳбати

билин ақлингни бойит, жоқил, баджаҳл кишилардан узоқлаш, ўз кўнглингни нодонларнинг бемаъни, беҳуда сафсаталари билан азоблама — қийнама. Дуст билан душманни фарқла. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Дўст учун ҳамиша жонни қыл фидо,
Дўст билан душманни фарқлагин, аё.
Дўстинг Оллоҳ бўлса ё фидойи ёр,
Уларнинг нуридан дилинг шуълавор.
Ноҳуш кунларингда дўст бўлса пайваст,
Таскини дил ўтиң қила олса паст,
Унинг хоки пойи, дилписанди бўл,
Қўйма узангисин, асири-банди бўл.

ЎН УЧИНЧИ ФАСЛ. ҲАСАДНИНГ ЗАРАРИ ҲАҚИДА

1-ҲИКМАТ

Азизим, баҳиллик ва ҳасадни қалбингта кириб боришига асло йўл қўйма. Чунки ҳасад баҳтнинг эговидир, у давлатни ҳам, иззат-ҳурмат, шуҳрат чаманини ҳам нобуд қилади. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Ҳасад қайда ва қачон ёқса гар олов,
Аввал ҳасадчи ўзи ёнади лов-лов.

2-ҲИКМАТ

Азизим, ҳар кимнинг зийрак кўзи, худонинг чексиз инояти билан, қимматбаҳо тошлардан олинган сурма билан равшанлаштирилган бўлса (яъни ҳамма нарсани аниқ кўра билса — Ж.Э.), у дили гулшанида камол топган ўсимликлар, райҳонларнинг ёқимли, хушбўй, муаттар ҳидларидан баҳраманд бўлади. Худо сен учун нимани ёқимсиз, нописанд деб ҳисоблаган бўлса, сен ҳам бошқалар учун шу нарсаларни ёқимсиз, нописанд деб ҳисобла. Чунки амалнинг жазоси — ҳақ.

БАЙТ

Сен агар топсин десанг энг аввало баҳтим ривож,
Арзимас ҳар нарсага сезма ёмонлик эҳтиёж.

Ҳар ёмон, ҳар яхшилиқ қайттай ўзингта оқибат,
Ҳар амални ўйлабон қылғилки, қолма ноилож.

ЎН ТҮРТИНЧИ ФАСЛ. САБР-ТОҚАТНИНГ НАТИЖАСИ ХАҚИДА

1-ҲИҚМАТ

Азизим, баъзан тақдирнинг соқийси мурод майини ичиради, баъзан тинчлик, хотиржамлик гулобига офат, фалокат заҳрини солади. Бинобарин, собитқадам, иродаси мустаҳкам кишилар деб шундай мардларга айтиладики, улар бахт чакмонини кийганларида ҳам, лабларидан табассум, жилмайиш, кулгу жой ололмайди, яъни мағурланиб кетмайдилар. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Замон соқийсининг қўлида тақдир жоми, чекма дард,
У сенга тоҳтли май, тоҳ аччиқ заҳар берур, бўл мард.

2-ҲИҚМАТ

Азизим, ишда шошмаслик керак, чунки шошқалоқлик катта зарар келтиради, сабр-тоқат эса чексиз фойда келтиради. Бинобарин, ривоятларда: "Шошқалоқлик шайтондан, сабр-тоқат худодан",— дейилган. Ҳақиқатдан Худо ҳам доим сабр-тоқатлилар тарафида бўлар экан.

БАЙТ

Илоҳо, сабр-тоқатда мени бардам қил,
Ўз ишимда ҳар доим собитқадам қил.
Чун шодлик чаманида кулиб ўлтирай,
Мақсад бутоқиндан хуш бўй гул терай.

"Ахлоқ"¹да айтилишича, кимки фалокат ўқи ёмғирдек ёғилаётган пайтда, бошини сабр қалқони билан ёпса, унинг камонидан отилган мақсад ўқи нишонга хатосиз тегиб, муроди ижобат булади.

Зероки, араб мақолида "ас-сабру мифтоҳ-ул-фараҳ"— "шодлик, хурсандчилик калиди сабрдур", дейилган. Ижобат эшиги сабрдан бошқа ҳеч қандай калит билан очилмайди.

БАЙТ

Калид барча эшикка — сабру тоқатдур,
Ва мақсуд ганжига очқич — қаноатдур.

3-ХИКМАТ

Азизим, адолатни шиор қилиб олган султон сабр камонига дуо тирини жойлаб, ҳақиқатнинг бош бармоги билан самимий ва пок ихлос ила чаққон ҳаракат қилиб, қаттиқ тортиб, қўйиб юборса, у мақсад нишонига, албатта, тегади.

БАЙТ

Сабру тоқатсиз бирон иш битмагай,
Улсиз инсон мақсудига етмагай.

* * *

Сабр яшмогини торт юзга, гунча, гул масканида —
Ки, юз очсин ҳаётнинг гуллари сабр гулшанида.

ЎН БЕШИНЧИ ФАСЛ. ХУДОГА ИШОНИШ, УМИД ҚИЛИШ ҲАҚИДА

1-ХИКМАТ

Азизим, дабдабали майшат офтоби мағриб сари юз ўгириб, сўнгандан кейин, бевафолик одати ва жафокашлик жароҳати бошланади, чангалингдаги бойлигинг ихтиёргингдан чиққач, қаноат этагини — дарвешлик мартабасини маҳкам ушла. Чунки у событ салтанатдир. Уни зинҳор қўлдан чиқарма. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Учириб кетмагандек событ қояни бурон,
Дарвишлик чирогин ҳам учиролмас ҳеч қачон.
Қўл юв икки жаҳондан, фақирлик ихтиёр эт,
Таҳорат суви янглиг бу йўл покдир бегумон.
Ким дарвишлик шарафин сақласа Хизр топгай,
Қайга борса Хизрдек яшнагай жону жаҳон.

2-ХИКМАТ

Азизим, худо сенга нимаики берган бўлса, шунга шукур қил. Ундан ортигини талаб этиш наҳс, очкўз одамларнинг иши. Нарсага, мол-дунёга ҳирс қўйишнинг оқибати ёмонлик олиб келади. Ҳар кимки ўзига берилган пул, мол-дунёга қаноат қилиш хусусиятига эга бўлса, у ўз даврининг подшоҳи билан тенгдир. Ҳар кимки пастлик, тубанлик,

очкүзлик руҳиятига эга булиб, ҳирс күйига гирифтор булса, абадий азоб чекади.

БАЙТ

Азал бандасига ризқ айламиш тортиқ,
Қылолмассан уни на кам ва на ортиқ.

3-ҲИКМАТ

Азизим, сенга құнған рақиблар чанги-губорини ёлғизлик этаги билан қоқиб ташла. Ҳаётнинг ҳамма ташвишларидан узоқда бұл, үзингнинг ёлғиз бошиңгни худога ишониш, умид құлыш гирибони ичига яшириб, симобга үхашаш тиннб-тинчимас бу дунёдан, унинг заҳру бол ара-лаш луқмаларидан баҳраманд булиш истагидан воз кечгин. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Замон суфрасига ҳирс бирла құл чўзмаки зинҳор.
Анинг ҳар луқмасында, эҳтиёт бўлгин, оғу бор.

4-ҲИКМАТ

Азизим, қаноат бир мулқидирки, у ҳар қандай разил, паст одамларга ҳам насиб бўла бермайди. У бир зийнатдирки, ҳар қандай забун, нотавон кишининг қўлига берила бермайди. Қаноат бир либосдирки, уни муносиб зотлардан бошқа киши киймайди, у бир давлат ёрлигидирки, уни сабр-тоқат султонларидан бошқа ҳеч ким фармон ёзиб тарқата олмайди.

БАЙТ

Қай кўнгулда сабру тоқат жаъм эрур —
Паҳлавонлиқда у зот Рустам эрур.
Кимки чиқди сабру тоқат тахтиға,
Шоҳлар оллинда анинг мулзам эрур.
Бил, уёт қаттиқ ўлимдин, обрў ол,
Обрўсин ким тўкмади — кўркам эрур.

ҲИКОЯТ

Ҳикоя қиласидиларки, Султон Иброҳим ибн Адҳам¹ (уній Оллоҳ раҳмат қилсин) ҳақ йўлида ўз мулки, тожу тахти, ҳамма бойликлари, хизматкорлари, аъёнларидан воз кечиб, подшолик кийимини бир чўпонга бериб, ўзи юз минг

илтижо билан унинг жандасини кийиб, саҳрога чиқиб кетади. Бир кекса одам ундан: "Оқ Иброҳим, ҳали ҳеч ким подшоликни гадоликка, фақирликка алмаштирган эмас, сен нега бу ишни ихтиёр этдинг?"— деб ундан суради. Иброҳим жавоб беради: "Ҳамма нарсага ҳирс қўйишдан кўра, озгина нарсага қаноат қилиш афзалдир".

БАЙТ

Имкони йўқ нарсани қидирсанг, албат,
Сўнг афсус қилурсан, бўлиб бетоқат.
Берганига қўнишиб, қилсанг қаноат,
Тинч яшайсан, чекмай афсус-надомат.

5-ҲИКМАТ

Азизим, ҳар кимки меҳробдан юз ўғирган бўлса, у худодан қайтган бўлади. Бундай одамлар шошилинч равишда подшоҳ саройига бориб, сарой аҳлини ҳам алдайдилар — фириб берадилар. Бундай кишилар худога умид боғлаб, меҳробга бош қўйишдан кўра, подшоҳ остонасига бош қўйишни афзал деб биладилар. Оқибатда, улар бу дунёning лаззатларидан баҳраманд бўладиларми-йўқми, маълум эмас, аммо улар нариги дунёда баҳтли бўлолмасликлари, худо уларга лутф қилмаслиги аниқдир.

БАЙТ

Дариго, умрим ўтди, тоатимга ҳеч далолат йўқ,
Бу дунёю у дунёда манга ҳузру ҳаловат йўқ.

6-ҲИКМАТ

Азизим, ҳар кимки риёзатнинг¹ шўр суви ўрнига риёкорликнинг роҳатбахш шарбатини ичишни ҳавас-майл қилса, унинг қалби ибодат завқини йўқотади, дили деворларида дарз пайдо бўлиб, вақт ўтиши билан нураб кетиб, ер билан яксон бўлади.

ҲИКОЯТ

"Анвори Сухайлий"да ҳикоя қилинишича, бир ҳалвочи (қандолатчи) диндор, художўй бир дарвешнинг косасига бир бўлак ҳалво солиб беради. Дарвеш қўл узатар экан, ҳалвога жуда кўп пашша қўнганини кўриб қолади ва газабланганидан худди гирдоб қаърига тушиб ғарқ бўлаётгандек, бошини қуи солиб, ўйланиб қолади. Бироз

вақт ўтгач, дарвеш қалби денгизнинг тұлқинидек тинчиди, унда пайдо бұлған ғазаб уммони ҳам пасайди. Ҳалвочи дарвешга деді:

— Эй дарвеш, биз ҳалвони сендан дариг билмадик, сен ҳам ҳалво сабабли юз берган ҳодиса учун лутфингни биздан дариг тутма.

Дарвеш сүзге уста киши эди. У шакаррэзлик гуфтори билан айтди:

— Мен дунёни ҳалво солинган косага, кундалик турмуш, ҳаёт ташвишлари боис тиниб-тинчимаган одамларни косадаги пашшаларга ўхшатдым. Құдратли Азроил қанотини силкитиб ажални ҳайдаб келганды, коса лабидаги пашшалар енгилгина учеб кетадилар, косанинг ичига кириб қолған пашшалар эса унинг қаърига тушиб, ғарқ бұладилар. Бинобарин, соликлар йулидан бориб, очкұз, беңәё, беорларнинг күзини қаноат игнаси билан тикиш, дунёнинг безътибор, ишончсиз матоларини риёзат олови билан күйдиріш лозим.

БАЙТ

Бир луқмани тотмоқ учун хор бұлмоқ нега?

Боз ани топмоқ учун зор бұлмоқ нега?!

7-ХИКМАТ

Азизим, агар яшаш воситалари қайси кунки Қуръонда баён этилған "Биз үзимиз тақсимлаганмиз"¹ асосида бұлинған экан, ҳирс ва очкүзлик, мол-дунёға ўчлик, ҳаваснинг кучайиб кетишига күмаклашмаслик лозим. Чунки ҳирс очкүзликнинг меваси бұлиб, заардан бошқа ҳеч нарса көлтиirmайды. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Гарчи емоқ учун күп луқма ғамлаган әдик биз,

Насиб этганидан ортиқ едикми ҳеч ғалласиз?

Шундай экан, шунча ташвишнинг кимга кераги бор?

ХИКОЯТ

Хикоя қыладиларки, бир дарвиш худонинг чексиз илтифоти — бандаларига ғамхұрлық қилишини, унинг бениҳоя куч-құдратининг оқибатларини ўйлаб, ўрмона дайдиб юрар эди. У тұсатдан чангалига бир бұлак гүштни олиб,

тез учиб кетаётган лочиннинг бирдан пасайиб, бир ерда стган бир қарғанинг ёнига қўнганини кўрди. Лочин қарғанинг жигилдонига сиққанича бир бўлак гўштни унга берди.

Дарвиш ҳайратланиб деди: "Бу қандай гаройиб иш! Лочин (қушларнинг подшоҳи— Ж.Э.) на куч-қуввати, на бу ўрмонда дадил, жасурона учиб юрадиган қаноти бўлмаган, овқатсиз қолган бир қушга хўрак — гўшт инъом қилса..."

ХИКОЯТ

Мен бу дунёни тарк этган, илоҳиёт ҳақидаги фанни бирма-бир ёритиш учун, нозик фикрлар баён этиш мусобақаси майдонида ёлғиз дунё кезиб юрган обрули, эътиборли, ташқи қиёфаси, кўриниши фариштани эслатадиган покдомон бир сиймони кўрдим. У одамлардан қочиб, тог чўққисини ўзига макон қилиб олиб, кишиларни ранжитадиган номуносиб хулқларни ёлғизлик олови билан куйдирив, ул-бул нарсалар билан овқатланиб, ўз ҳаёт тарзидан нолимасдан, мамнуният билан яшар эди. Менинг хаёлимга "Бу одам бутун ҳаётини, шаҳарга бормай, шу ерда ўтказармикан",— деган фикр келди. Ўткир ақл соҳиби, донишманд қария менинг фикримни олдиндан фаҳмлаб деди:

БАЙТ

Кўрдим тог бағрида нуроний одам,
Мамнун эди горда яшаб турса ҳам.
Дедим: "Енгиллашса дардларинг зора,
Шаҳарга кўчсанг-чи, сен эй бечора".

Деди: "Оқбилаклар унда жамулжам,
Ахлат кўплигидан тайрилар фил ҳам".

ЎН ОЛТИНЧИ ФАСЛ. ҚАРИЛАРНИНГ ЁШЛАРГА НАСИҲАТИ ҲАҚИДА

I-ХИКМАТ

Азизим, шуни эсда тутки, олам маънисининг ҳушёр одамлари ғафлат жомига гирифтор бўлган мастрларнинг қулогини бураб, жазолаш ёки танбеҳ бериш, насиҳат қилиш йўли билан уларнинг кайфини тарқатиб, ҳушларини ўзларига келтиришлари лозим. Яна шуни эсада чиқармаки, ҳушёрлик майдонида ўз ақли билан ўпон

чиқарған донишмандлар ҳамма нарсадан хабарсиз, хотиржам, бегам, бепарво юрганларни одоб нүқраси билан мулойим, шириң муомала қилиб, уларни ғафлат уйқусидан уйғотишлари керак.

Агар рост сүз ҳақиқатни юзага чиқариш манфаатини күзлаб айттылган бұлса, албатта соқибжамолларнинг юзлары уялганидан қизаради. Шу сабаб сұхбатда иштирок этиб турғанлардан, ҳеч бұлмаганда, биронтаси уялиб, үз тақдирі, қисмати, ярамас, ножұя қилиқлари ҳақида үйлаб, фикр қилиб, ақмоқона ишлар қилганидан, ёмон одамлар билан муносабатда бұлганидан үшаймон қилас.

БАЙТ

Танбекімдан қизардинг, тер ила ювдинг юзинг,
Ранжима, истагим — обрұли бұлсин үзинг.
Емон одамлардан сақлан ҳамиша,
Май ичиб үтказма кеча-кундузинг.
Ниятим дилингни оғритмоқ змас,
Мақсадим — күрмасин завол юлдузинг.

2-ХИКМАТ

Азизим, фосиқ, ахлоқсиз ва нодон одамларнинг сұхбатида бұлишдан қазар қыл. Ақли расо, билимден одамларга хизмат қилишни үзингта мажбурият қилиб ол ва улардан асло тортина. Чунки ахлоқсиз, үқимаган, жоқил ва одобсиз кишиләр билан муносабатда бұлиш қора илонни озиқлантириш билан баробар бұлиб, у қачондир зарар етказади, атторчилік сандиқчасига монанд бұлған яхши, ақли расо, билимден инсонлар билан бирға бұлиш, учрашиб туриш, муомала қилиш фойдадан холи бұлмайди.

Циқмагил атторнинг оқыл күйидан,
Тұн мұаттар бұлур шириң бүйидан.

3-ХИКМАТ

Азизим, сен ғолибликка интилаёттан шақват нағсининг тизгинини тортиб тұхтатсанг, булғанч либосларингни ақл ва тафаккур этаги билан поклаб, тозалаб кия олсанг, бундай пайтларда шариат йўлидан адашмай бориб, ҳар қандай хунук, номуносиб ишлардан юз үгирсанг, сен учун яхшилик ва адолат эшиклари очилади. Шундагина сени ҳалол, бенуқсон одам дейдилар:

БАЙТ

Қайда турса бүй чўзиб поклик, ҳалоллик парчами,
Ушбу жойда бўлгуси дил малҳами, дин малҳами.

ҲИКОЯТ

Ривоят қиласидиларки, муқаддас пир-эшон Деҳбодий¹ мақоми (хилватнишинлиги — Ж.Э.), мӯъжизакорлиги, карамати билан донг таратган экан. Унинг амалга оширадиган кароматларидан бири қуйидагича мазмунга эга. Кунлардан бир кун Самарқанд четида яшовчи бир иблис-шайтон муқаддас эшоннинг остонасини ўпиш учун келади ва ҳурмат, назокат, одоб билан зоҳидларнинг муқаддас қибласи — меҳробнинг бўсағаси олдидағи тупроқ гардларини ялай бошлайди. У қобил, мулойим, итоаткор дарвишларга ўхшаб, зўрма-зўраки завқ ва эҳтирос билан хонақоҳ эшиги ҳалқасини секин силкитади.

Эшоннинг хизматкорлари иблиснинг бу ниятидан хабардор бўлиб, ака-укалардек иноқ яшаётган устозларига хабар қилишади, муқаддас эшон ҳамма дарвишларга иблисни хонақоҳдан ҳайдаб чиқаришни амр қиласи. Иблис уларнинг ўзига нисбатан ноxуш муносабатларидан ниҳоятда қайгуриб, ачиниб, ранжиб чиқиб кетади.

Унинг юраги зоҳидларнинг олов қўрасида товланмаганилиги учун эшоннинг аҳволидан бехабар эди. Орадан бир оз ўтгач, у шу дарвишлар манзили — хонақоҳга келиб, дадиллик ва жасорат билан намоён бўлди ҳамда баланд овоз билан қуйидаги мисраларни ўқиди:

ҚИТЪА

Билки, дунёning ҳашамдор уйлари
Етадур жоҳилга ҳам, обидга ҳам.
Тенг эрурким ушбу дунё тўйлари
Мендай иблис, сендейин зоҳидга ҳам.

Улуғ пир бу байтни эшитгач, жазаваси тутиб, зикрга тушиб кетди. Шу пайтда бирдан хонақоҳда яшовчи дарвишлар орасида қўрқинчли ғала-ғовур, саросималик бошланади. Дарвишларнинг инграган товушлари, нола-фифонлари, шовқини ҳамма ёқни босиб кетади. Шайтон-иблис хусусида "Мен шайтонга қўл бериб саломлашаман, уни табриклайман" деган иноқликни ифодаловчи товушлар, чуқур маънога эга бўлган ҳикматли сўзлар янграй бошлади. Шайтонга-иблисга қасам ичириш учун уни эшон

олдига олиб келдилар. У ўзининг ҳамма ёмонликларидан, беодоблигидан, фаҳш ишларидан тавба қилиб, тўғри йўлга кириб, иймон келтирди.

БАЙТ

Афу этди дўст уни, кетди гумон,
Хонақоҳ хилватида топди имон.

ҲИКОЯТ

Ўтган замонда ўзининг номуносиб хулқи боис иффат, маъсумлик кийими билан ёпинмаган, ахлоқсизлиги, фосиқлиги билан ҳаммага маълум бўлган Ҳур исмли бир бузуқ, суюқоёқ хотин бўлиб, унинг жирканч, фаҳш аҳволи ҳамманинг нафратини қўзғатар эди.

Бир куни эрталабки ичқилик базми пайтида, маст ҳолатда унинг калласига қўйидаги фикр келди: "Шу ерда, бурчакда бир дарвиш яшайди. Оллоҳни эслашдан бошқа ҳеч нарсага эътибор бермайди. Шу шайхга бориб, ўзимнинг гўзаллигим, оламни безаб турган зебу зийнатим билан унинг юмилган дил кўзини очиб, ҳамма нарсани кўрадиган қиласман. Ўз нафасимнинг хушбўй, муаттар ҳиди билан қайфуга ботган, дилафгор, дилгир бўлиб турган шайхни ўзимга ром қилиб, муҳаббатим тўрига илинтириб, унинг хотиржамлиги, тинчлигини оламан, худди қўнғирқора жингалак соchlаримнинг паришонлиги каби кўнглига фулгула соламан, оромини бузаман".

Ҳур шайх сўзларини эшитиши биланоқ, бир онда бутунлай ўзгарди, жунбушга келиб, ўзини ниҳоятда бахтли, комрон ҳисоблаб, қувониб кетди. Бу ҳолат унинг кўз ўнгига юз берди. Шу боис бунга унинг ўзи гувоҳ бўлди. Бу меҳр-шафқат, самимиятнинг, шодлик, бахтга шайх билан учрашиш ва уни тилга киритишининг сарчашмаси, ўзининг денгиз суви каби тиниқ, мусаффо, барно ҳуснижамоли сабаб бўлган эди.

Ҳур энди қувонч билан тўлиб-тошганидан нола-фигон қилиб, чексиз иззат-ҳурмат ва эҳтиром, садоқат ила шайхнинг оёғига бош қўйди, қўлини буюк эҳтиром, садоқат билан қўлига қўйди. Шу пайт Қуръонда айтилган бир шеър Ҳурнинг эсига тушиб: "Эй мўминлар, Оллоҳга холис тавба қилинглар...", — деди. Ҳурдан бу сўзларни эшитган шайх ўзининг яширин бир сирли туғёни билан аёлга таъсир қилганидан илҳомланиб, зўр эҳтиром билан худони улуғловчи сўз гавҳарларини ипга тизиб деди:

Тонгда шодлик уйига қўйган эдимки қадам,
Ҳур лабидан эшитдим Қуръон оятин шу дам.
Бир оятким, ларзага тушиб ер-само тинглар:
“Эй мўминлар, Оллоҳга холис тавба қилинглар...”

ЎН ЕТТИНЧИ ФАСЛ. САФАРНИНГ НАТИЖАСИ ҲАҚИДА

1-ҲИКМАТ

Азизим, ҳар кимки иззат-ҳурмат, ифтихор тожини бошига кийишни ихтиёр этса, у ўзининг асл мақсадига эришмоғи учун ҳаракат ва меҳнат камари билан жонини белига маҳкам боғлаб, мөҳир чавандозлардек, кимӯзар мусобақаси майдонига от чоптириб кириши лозим.

Бунинг маъноси шуки, баъзан пиёда шахмат тахтасида олти катак масофани босиб ўтиб, катта ютуқقا эришгани учун фарзин ўрнини эгаллайди. Ой ҳам тез ҳаракат қилганилиги боис ўн тўртинчи кунда ҳилоллик даражасидан тўлин ойга айланади.

БАЙТ

Ким гурбат азобин чекмаса гар,
Унга насиб этмас ҳеч қандай гавҳар.
Агар шўнгимасанг уммонга бир қур,
Қайдан насиб этсин сенга садаф-дур?

2-ҲИКМАТ

Азизим, орзу-истак оёғи азоб-уқубат тиканзорида юриб, яраланмагунча висол қули мақсад гули гирибонига етмайди, яъни ўз хоҳишига эриша олмайди.

Ҳар кимки шошилинч, шитоб билан ҳаракат қилмаса, унинг мурод, бахт офтоби умид уфқида пайдо бўлмайди, кўринмайди. Истаган нарсангни қидирмасанг, шитоб ҳаракат қилмасанг, умид ўз жамолини кўрсатмайди. Зероки, мақсад, истак гулининг машаққатидан ранж чекиб, тиканидан қўрқиб теролмасанг, мурод ганжи эшигини ҳам очолмайсан. Бас, шундай экан, одам бахт-давлатга эришмоғи учун астойдил, тинмай саъй-ҳаракат қилмоғи зарур.

БАЙТ

Агар ким чекмаса машаққату ранж,
Қўлига кирмагай дунёда ҳеч ганж.

3-ҲИКМАТ

Азизим, ҳар кимки бирон ишга құл урса, у билан боғлиқ бұлган қийинчиликлар ҳам юзага чиқади. Кимки үз мақсадини тилаб, Қуръонга мурожаат қылған бұлса, у азоб-уқубат саҳросидаги ҳорғинлик, чарчоқдан құрқаслигі керак. Шунинг учун айтадиларки:

БАЙТ

Каъба шавқи бирла ким қўймишки саҳрода қадам,
Қўрқмагай ул кимса зинҳор магилон¹ хориндан ҳам.

4-ҲИКМАТ

Азизим, зебо юзли маъшуқаннинг сунбул каби жингалак соchlари истаги билан ошуфтақол бұлган — ҳушини йўқотган, унинг бевафолигидан ранжиган ошиқнинг ўзи сафарда бўлиб, жаҳон кезиб, жуда кўп эл-юртни кўриб, ниҳоятда катта тажриба орттирганидан кейингина, кишиларга ўз сўzlари билан мадад берувчи тарбиячига айланади. У муҳаббат кўйига тушиб, ўз ҳушларидан бегона бұлган ёшларга меҳрибонлик, мулойимлик, лутф билан мурожаат қилиб, уларга насиҳат қиласди. Ўзларининг ёмон, ёқимсиз, хунук қилиқлари билан эл орасида бадном бұлган ёмон одамларни очиқдан-очиқ фош этиб, шарманда қиласди.

БАЙТ

Қаландарлик йўлини ихтиёр этмаган киши
Фам догоға асир бўлур, юришмайди ҳеч иши.

Наҳотки, чўлдан гул излаб, чирпираб юрган бол шайдоси бўлмиш асалари шундай мушкул ишни даф этолса...

БАЙТ

Иzzату ҳурматинг бўлмаган жойга
Борищдан қилмайсан нечун номус-ор?
"Ҳар жойда ҳозири нозир" нақлига,
Низомий демушким, лойиқ Бирубор.

5-ҲИКМАТ

Азизим, сафарда жуда кўп тажриба орттиранг, саноқсиз фойда кўрасан. Боққил, осмон доим баландда,

ҳамиша ҳаракатда бўлгани учун ҳамма нарсадан устун туради, ер эса пастда, ҳамиша тинч тургани учун нокасларнинг оёғи остида топталади.

БАЙТ

Уйда ғамга ботиб ётгандан, балли,
Сафар авлороқдир, дилга тасалли.
Ватанда тортгандан азоб-азият,
Яхшироқ сафарда чеккан уқубат.

6-ҲИКМАТ

Азизим, ўз мамлакати танглигидан сиқилиб, азоб чека-стганлар учун жаҳон хоқони Оллоҳ ер юзини уч марта кенгайтириди ва Қуръондаги "Айтинг: "Ери айланиб сайру саёҳат қилинглар ..." — деган оятни осмондан нозил этди.

Шунинг учун айтадиларки:

БАЙТ

Сен маскан тутган диёр бўлмаса гар бегона,
Яшайвергил, у сенинг ватанингдир ягона,
Яна бир марта эсла Низомий сузин, эй жон,
У дер: "Жаҳон худосига тор эмасдир бу жаҳон".

7-ҲИКМАТ

Азизим, лочин подшоҳнинг қулини ўзига макон қилгани учун ўз инига қайтмайди. Бойқуш эса чордеворда истиқомат қилгани боис ўзи туғилиб ўсган вайронасининг бузилишини истамайди.

ЎН САККИЗИНЧИ ФАСЛ. САФАРНИНГ МАНЬ ЭТИЛИШИ ҲАҚИДА

1-ҲИКМАТ

Азизим, ғариблик, мусофирилик алами ҳақидаги ҳикояни сенинг сезгир қулоғинг эшитмагандир. Ёлғизликнинг қаттиқ ғармсели сенинг гулшанингга кирмагандир. Сафар бир дараҳтдирки, унинг фироқ, айрилиқдан бошқа юки бўлмайди. Ғурбат, мусофирилик бир булатдирки, ундан фақат хорлик, хурлик ёмғири ёғади. "Сафар дўзахнинг бир қисмидир" (араб нақли — Ж.Э.). Сафар ҳақиқатан кўнгилни — кўкракни куйдирувчи бир алангадир. У жигар-

ни тешадиган камон ўқидир, дилни яралайдиган рақибидир. Сафар "Зўр мусибатнинг бошқа жойга кучишидир" (араб нақли — Ж.Э.). У оғриққа сабаб бўладиган найзадир. Модомики, агар сафарга чиқиши хоҳиши кучли бўлса, энг яхшиси шуки, дўстлар билан қовушиб, иззат-ҳурмат эта-гидан маҳкам ушлаб, бирга йўлга чиқинг. Йўлда сафар қийинчиликларини тотиб кўргач, бир-бирингизни камситмайсиз, пастга урмайсиз, умуман, ҳамроҳингизнинг нотавонлигини юзига солмайсиз. Чунончи, айтадиларки:

БАЙТ

Ватан меҳри шундоқ жозибдурки, бас,
Ҳеч кимса гурбатни қилмагай ҳавас.
Дараҳт япрогидан жудо бўлса гар,
Гуллаб-яшнамайди, бермайди самар.
Мен ҳам ул дараҳтдек, кўнглим тўла мунг,
Дўстлардан жудоман, тилим лолу гунг.
На кўзда уйқу бор, на дилда ҳузур,
Ҳасратдан қаддим дол, кўздан кетди нур.

2-ҲИКМАТ

Азизим, омилкор, ақлли одамлар ҳамиша ўз уйини, ватанини ташлаб, тарк этиб кетмайдилар. Кимки ўз ҳужрасини, ватанини тарк этган бўлса, кўзидан ёши қуримайди. Улар ўзларининг туғилиб усган жойларини, уйларини эслаб, қолган умрларини кўз ёшлар тўкиш билан ўтказадилар.

БАЙТ

Гадо ўз кулбасинда шоҳки, огоҳ бўл,
Қўйиб гурбатни ўз кулбангда сен шоҳ бўл.

3-ҲИКМАТ

Азизим, сафарда жуда катта тажриба орттириб, наф кўрадилар деган гапларни эшийтдим. Мен шундай тажриба орттиридимки, тирик эканман, сафар қилишни хаёлимга ҳам келтирмайман ва дўстларимни кўриб туриш бахтини бегона юртларда бошга тушадиган азоб, қийноқларга алмаштирумайман.

БАЙТ

Кимки ранж чеккай, сира гурбатни қилмайдур ҳавас,
Менга юрт огушию дўстлар табассум қилса бас.

4-ХИКМАТ

Азизим, оғайнilar ва ўртоқларнинг дийдоридан маҳрум булиш, дўстларнинг ҳижрони энг мушкул, энг оғир, қаттиқ дардdir. Маълумки, арзу заминни, ундаги гўзал боғларни, одам фарзандларини фақат ҳақиқий дўстларинг, қувноқ, хушчақчақ оғайнilarинг, ўртоқларинг билан бирга кўрганингдагина, ёқимли, кўнгилли булиши мумкин.

БАЙТ

Дўстлар васли умрнинг баҳоридир бебаҳо,
Ширин умринг Хизрдек ўтказма мангутанҳо.

5-ХИКМАТ

Азизим, худонинг кароматисиз сен ҳеч нарсага эришолмайсан. Худо хоҳламаса, битмас-туғанмас бойлик ҳам сенга насиб этмайди. Бахтнинг ўқи сен хоҳиш этган нишонга ҳам тегмайди. Бу нарсаларга аввалдан белгилаб қўйилган тақдирингнинг ёрдамисиз, фақат ёрқин ақл ва ўткир қобилият билангина эришиб бўлмайди.

БАЙТ

Фақат ақлу билимдан толе ёр бўлмас,
Азал ёзган битикдан ўзга кор бўлмас.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ФАСЛ. ҚАРИЛИК ҲАҚИДА

1-ХИКМАТ

Азизим, сен умрингнинг бир қисмини шодлик, хурсандчилик билан ўтказдинг, ҳаётинг баҳорини қарилек ва нотавонликнинг кузигача давом эттирединг. Энди хасталик, заифлик нишоналари жисмингнинг ҳар-ҳар ерида айлануб юрибди, шодлик сенинг қалбингни тарқ этмоқда, кўзинг хирадлашиб бормоқда, мурод мевасини кўтариб турган қувватингнинг ниҳоли гармсел таъсирида нотавон, пажмурда булиб сўлмоқда.

Тақдиринг шеваси шундай. У ёшлик гулшанини қарилекнинг хас-чўплари, лаш-лушлари билан булгайди. Қуръонда "Бас, эй ақл эгалари, ибрат олингиз", — дейилган. Агар ақлли, донишманд одамлар Қуръонда айтилган шу каломга амал қилиб, ўзларининг дил кўзларини жавоҳирлардан олинган сурма билан равшанлаштиришга

ҳаракат қылсалар, дунёning бўй-бастини аниқ кўрадилар ва доимий равишда баҳт, мол-давлат орттириш имкониятига эга бўладилар. Бу ҳақда мавлоно Хотифий шундай дейди:

БАЙТ

Кексайгач, қилмагин ёшликни ҳавас,
Сув зинҳор ортига оқмагайдур, бас.
Тутма кексаликни сен ўзингта ёр,
У келса, қолмагай жисмингда мадор.
Бошга тўзон ёғса, тўзавер энди,
Ёшликдан умидни узавер энди.

2-ҲИҚМАТ

Азизим, биласанми, сен нариги дунёга зарур бўлган сафар жабдуғларнни — матоларини тайёрлаб қўйиш ва ҳозирлик кўриб туришинг учун ҳар дақиқада ноғора чалиниб хабар қилиб турилади. Жисминг уйида жо этилган ҳаёт сарчашмаси бўлган жон қарзга берилган омонат ашёдир. Энди шу қарзни қайтариб бериш талаб этилади. Қарилек белгилари ҳисобланган ўлимнинг илғор лашкари: сочингнинг оқариши, bemadorlik, ожизлик, кўзингнинг хираланиши, дард, касаллик сенинг жисмингни ҳар тарафдан ўраб олиб асир этади ва шунда сен омонатингни топшириб, бу дунё билан видолашасан.

БАЙТ

Кексалик дард созин чалса беармон,
Кўнгил айшдан совир, кетади дармон.
Соч оқи келтиргай ажалдан пайгом,
Букик бел етказур ўлимдан салом.
Жамшиддек давлатманд бўлсанг-да гарчанд,
Оппоқ бош — ўлимнинг қирови, фарзанд.

3-ҲИҚМАТ

Азизим, риёзатнинг чопқир отини саъй-ҳаракат, поклик майдонига солиб соғлигингда, bemorlik пайтингда зарур бўладиган заҳира орттири, қарилек чоғингда наф берадиган сармояни — маблагни ёшлигингда қўлга кирит ва шу ҳаётда... орттирган фойдаларингдан нариги дунёга — ўлим саҳросига сафар қилиш жабдуғларингни ҳам ғамлаб, тайёрлаб қўйгин.

БАЙТ

Маишатинг меваси чун бўлмоқда охир,
Ҳаёт майсаси саргайиб-сўлмоқда охир.
Қўзларинг қуввати — нури кетмоқда охир,
Қулогинг ҳам эшитмай қолмоқда охир.
Эй воҳ, бу ҳаёт гулшанида бўлгай тез-тез,
Гоҳи мусафро баҳору гоҳи ҳазонрез.
Шодлик ўқи қўлдан чиқди, афсус, оқибат,
Панжамни тарк этди камон ўқи, ниҳоят,
Уйгон, уйгон, Шарқдан чиққан субҳи шабобинг¹ —
Девор орқасига ўтди ҳаёт офтобинг.

4-ҲИКМАТ

Азизим, одам латиф, гўзал гавҳардир, ҳаёт азиз ва қадрли, қимматбаҳо жавҳардир. Бинобарин, агар эҳтиёт бўлмасанг, булардан маҳрум бўласан ва иккинчи марта қўлингта кирита олмайсан. Шу боис ҳаётингни ғанимат бил, уни ҳамиша азиз тут, эъзозла, чунки у худди шошилаётган мусофирга ўхшайди.

БАЙТ

Хабаринг борми, эй устихондан ясалган қафас?
Сенинг жонинг мисли тушдир, унинг номидир "Нафас".
Кушча жисминг қафасин тарк этса, сенда бўлмас ҳуш,
Сен тиришсанг ҳам яна қафасга тушмас озод қуш.
Вақтинг ғанимат бил, бир дам бир асрға тенг эрур,
Донолар учун бир дам жумла оламдан кенг эрур.

ИИГИРМАНЧИ ФАСЛ. ИШҚ ҲАҚИДА

1-ҲИКМАТ

Азизим, билгил, баъзилар, айтадиларки, ишқ ҳақиқий оловдир, фақат куйдиради, бошқалар айтадиларки, ишқ оламни вайроқ этувчи сувдир, яна бировлар айтадиларки, ишқ толиблар —дарвишлар дилининг мусафро тонгидир, ҳеч шак-шубҳасиз, ишқ пайғамбарларимиз, сахобалар, фаришталар, дин йўлида событқадамлик қилаётган сўфилар қалбларида нур бўлиб, порлаб, яшнаб турган буюк Оллоҳга бўлган ҳақиқий муҳаббатдир.

Яна айрим кишилар айтадиларки, ишқ-муҳаббат кайфиятдир, дўстликнинг бир кўринишидир. Ҳар кимки унинг лаззатини тотган бўлса, уни яхши билади. Ишқ лаззатидан баҳраманд бўлмаган одам унинг нималигини билмайди. Билгинки, нафас қачонки жондан — руҳдан

жудо бұлса, уларни бирлаштириш учун орага тушадиган, воситачилик вазифасини бажарадиган ҳам ишқдир. Бу икки нарса (унсур)нинг қовушиши ва эр-хотин бўлишдан қалбда муҳаббат, ишқ пайдо бўлади. Ишқ — кўнгил-қалб (жон) денгизи ва нафас денгизи устида турган ва улар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, бир-бирига яқинлаштириш учун хизмат қиласиган бир дастурдир. Кўнгилда, қаерда ва қачон бўлмасин, гўзаллик туфайли пайдо бўлган ишқ ўз латофати, барнолиги, дилдорлиги билан жонга чирмашади ва нафас билан уни қовуштиради. Шу боис одам жисмидағи ҳамма жисмоний ва ахлоқий, руҳий ва маънавий хусусиятларни сезиш ва идрок қилиш қобилиятига эга бўлган юрак ишқ-муҳаббат учун бунёд этилган.

БАЙТ

Ишқ ватансиз қоладир бўлмаса дил,
Дил-чи, ишқ бўлмаса гар не қилар ул?

2-ҲИҚМАТ

Азизим, қаерда ишқ бўлса, ўша ерда ҳусн бор, қаерда ҳусн бўлса, ул жойда ишқ бор. Иккаласи бир нарсадир. Улуг Оллоҳ: "Дарҳақиқат биз инсонни энг гўзал шаклу шамойилда яратдик", — деганидек¹, олам жисми тузилишининг сеҳрли, сирли белгилари ҳам етти кўкнинг ҳар биридаги бўёқ билан ранг-баранг қилиб, алоҳида-алоҳида нақшланган. Шунга мувофиқ, ёзув (тақдир) тахтасига қалам билан мислсиз маҳорат намойиш этиб, бутун оламни ёритишга тенг келадиган, олов монанд сўзлар билан: "Бўл ва у бўлади", "Биз сизларни яратдик, сўнг сизларга сурат бердик. Авратларингизни беркитадиган либосни ҳам, ясантусан либосини ҳам туширдик. Биз сизларни ерда барқарор этиб, сизлар учун унда тирикчилик воситаларини пайдо қилдик", — деб ёзиб қўйилган.

Сўнгра, вақт ўтиши билан, ҳар хил баҳона, важлар туфайли масаланинг асл моҳияти ўзгариб, худо инъом этган замин, заминдаги нарсалар, одамлар юзлаб, минглаб дилбар, дилрабо, жозибали, гўзал, сеҳрловчи, фусункор эртаклар, ҳикояларга айланди. Одамлар тимсолида намоён бўлган минглаб олижаноблик, сахийлик, гўзаллик, латифлик, ҳусн куркининг ўзаро қовушиши — бирлашиши дабдаба билан улуғланиши, мадҳ этилиши ва ақлнинг энг теран, энг чуқур, энг латиф имкониятлари

боис Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин¹ каби қиёфалар юзага келди ва ақл соҳиблари буларнинг бир дилда туғилиб сақланган, яширинган ўз сифати, ўз мазмуни, моҳияти ва мағзининг ҳақиқий таърифи ва тавсифини топдилар. Оллоҳнинг ўзи насиб этган латиф, гўзал сўзлари билан уларнинг қиёфасини чизиб, ақл ва жон ато этиб, ишқ мулкини безадилар.

Эҳтимол, гўзал, соҳибжамол, нозанин аёллар ҳақидаги сўзларнинг тўғри маъноси: ..."Мен (асли) қора ботқоқдан булиб (одам суръати берилгач) қуритилган лойдан Инсон яратгучиман. Бас, қачон уни тиклаб, ичига Ўз даргоҳимдаги жондан киритганимда, менинг ақлим, онгим, идроким билан нафас оласан"²,— деган жумлада ёрқин ифодалангандир.

Бу жумлаларда мужассамлаштирилиб, аниқ гавдалантирилган нарсаларнинг намунаси Лайли руҳиятига, Мажнуннинг дил қўзгусига нур бўлиб кирди ва ҳамиша уларнинг вужудида порлаб турди. Лайли ва Мажнун ҳақида нимаики айтилган бўлса, Оллоҳ инъом этган шу нурдан ўз ифодасини топди. Буларнинг барчаси Оллоҳ мулкига тегишлидир. "Ҳамма ўткинчи, бебаҳо ва фоний нарсалар ҳам, мавжуд бор бўлган нарсалар ҳам абадий, мангу Оллоҳницидир"³.

БАЙТ

Лайли тимсолида чун шайдо бўлган,
Унда кўринган ҳам ўзинг-ўзингсан.
Мажнун сиймосида юз кўрсатган,
Унда кўринган ҳам ўзинг-ўзингсан.
Эҳтимол, сен соҳибжамол Лайлисан,
У ўз ҳушидан бегона Мажнундир.
Униси ҳам, буниси ҳам ўзингсан,
Оlamda ягона ҳам боз ўзингсан.

З-ҲИҚМАТ

Азизим, агар яхшилаб ўйласанг, зийрак кўзингни очиб, фаросат, зеҳн ва ақл билан назар ташласанг, кеча ва кундузнинг алмашиши, унум, барака, фаровонлик, роҳатбахш ҳаёт, яхши фазилатлар, фалак гумбазининг айланиши билан қуёш ва ойдан дур каби сочилиб, нур тарататётган ёғду, ёруғлик ва шодликнинг пайдо бўлиши — ҳаммаси ҳусн, ишқ-муҳаббат билан боғлиқ ҳанлиги тўғрисида ҳикоя қилинган сўзлар, гапларнинг ҳақиқий моҳиятини англаб оласан ва шунга ишонч ҳосил қиласан.

ШЕР

Бўлмаса оламда ишқ янглиғ ситам,
Бўлмас эрди изтироб, савдоси ҳам.
Не қиласдинг олам ичра, дилрабо.
Дилу жон тушса агар ишқдан жудо?

Азизим, ишқ дур-марвариди ҳар бир денгизда қарор топмайди, муҳаббат райқони ҳар қандай бустонда унавермайди, ишқнинг олижаноб қуши ҳар шоҳда ин қўймайди, муҳаббат анқосининг нишига ҳар ифлос, ахлоқсиз киши тоқат қилолмайди. Бинобарин, ҳар бир тиканнинг нишидан бир неча бор озор чеккан ва ағёр меҳнати ранжидан саноқсиз балоларга гирифтор бўлиб, мурод гулинни умид гулзоридан терган, ўз ризқи мевасини ҳаёт экинзоридан жамлаб ололган ошиқларгина жону дил базмхонасида жононнинг оромбахш насими ҳидидан баҳраманд бўлиб, роҳатлана оладилар.

БАЙТ

Ўз қонидан мушк ясамоқ ҳар ифлоснинг ишимас,
Нофа оқарар сочдек бу ўйдан, лек мушкдон бўлмас.

4-ҲИКМАТ

Азизим, ҳайратомуз ажиб бир иқтидор, катта ҳавас билан ишқ лолазорини бир дам томоша қил. Тонг шабадасининг шавқи билан бу меҳнат гулзорида очилган гунчаларни куриб, сен ҳам худди шу гунча каби ғамга гирифтор бўлган дилингни очгин, яъни қалбингда ўрнашган ғам, аламни ҳайдаб, очилиб, яйраб курсанд бўлиб юргин. Бу гулистон келинчакларининг оро берувчиши— пардозчиси навбаҳор булса, бу гулларнинг шодлиги, хуррамлиги найсоннинг кўзидан қонли ёшларнинг ёғилишидандир. Севги йўлида девона бўлган, Ховарон даштининг ишқи ўтида куйиб кезиб юрган етти беҳаловат ошиқнинг аҳволи ҳақида Абулсайид Абулхайрнинг айтгандари:

БАЙТ

Ховарон даштида яхлит бир ҳарсанг йўқ,
Дил қонида, кўзда, юзда асло ранг йўқ.
Ҳеч қаерда, ҳеч қандай ўлчов-фарсанг йўқ
Сен-чун қайгурмаган биронта дилтанг йўқ.

З-ҲИКМАТ

Азизим, оламнинг, ер юзининг куч-қуввати яширинган, пинҳон этилган ваҳдоният боғида худо билан бирга бўлиш ахлоқий поклик, маънавиятнинг беназир, ғоят ширин, чиройли мевасини беради. Жаннат боғидаги дарахтлар шоҳларининг тӯзгиб, улуғворликнинг ўй-хаёллари кемаси томон кутарилаётган новдалари, гуллари (одамлари) шу бустоннинг бир кичик дарахтидир. Ундан тараалаётган хушбўй, ёқимли ҳидлар кўнгил гулхонасининг ёлғизлик гушасида бу ҳидларни жуда яхши сезадиган ва фарқини ажратса олиш қобилиятига эга бўлган дарвишлар оламининг ёлғизлик адолат хонасигача этиб борадилар. Ёлғизлик уйида ҳам, зоҳидликнинг — адолатнинг майин шамоли эсиб туради. Бироқ шундай бўлса-да, ёлғизлик гулхонаси ни баъзи одамларгина ихтиёр этиб, Оллоҳ билан бирга буладилар.

БАЙТ

Соҳибо, кўнглингта эш бўлмаса гар боғи баҳор,
Бул гўзал фикру хаёл қайдин келур лайлу наҳор?

**ЙИГИРМА БИРИНЧИ ФАСЛ. ДАВР ТОНГИ ЁРИШИБ, САЛТА-
НАТНИНГ ЖАҲОНБИНЛИК НАСИМИ ТОЗА ВА ХУШБЎЙ
ҲИДЛАРИНИ ТАРАТИШ БИЛАН ХИЛОФАТ ТАХТИДА
КЎРИНГАН ОФТОБ (СУБҲОНҚУЛИХОН) ЎЗИНИНГ
ҚУДРАТЛИ НУРИНИ СОЧА БОШЛАГАНИДАН КЕЙИН ЮЗ БЕР-
ГАН ВОҚЕАЛАР ТЎҒРИСИДА**

БУ ФАСЛ БЕШ МАҶОЛАДАИ ИБОРАТ

БИРИНЧИ МАҶОЛА

ШЕЪР

Беҳзод¹ эрур қаламкаш чун мисли Моний² баробар.
Шу боис тасвирда у шуҳрат қозонди саросар.

Кимки адолат тахтига ўтириб, шижаот байроғини баланд кўтарса, унинг номи дилда сир бўлиб қолмайди. Бинобарин, хилофатпаноҳ Абдулазиз Баҳодирхоннинг ҳам давлат офтоби Карминанинг⁴ уфқида товланиб чиқиб, олам сатҳини адолат нури билан мунаvvар этиб турган бир пайтда, чопар келиб, хон ҳазратларига яқинлашиб, Анушаҳон³ қибладан юз ўгириб, Бухорони ишғол қилиш, уни

бўйсундириш ва унда ҳокимлик қилишни ҳавас қилиб, жон-жаҳди ила бостириб келганлигини хабар қилди.

Хон ҳазратлари бу хабарни эшитиб, илҳом тили билан қўйидаги шеърни айтдилар.

ШЕЪР

Нокасларнинг номини улуглашда бор хатар,
Уларга ишониб, чунон умид қилсанг агар.
Йўл бошловчи ипингни йўқотарсан, сол назар.
Бу чўнтақда илон асраш билан баробар.

Шундай ҳолат юз бериб турган пайтда Согарчда¹ кўтарилган исённи бостириб, зафар қучиб, Шоҳбекбий девонбеги ва Хуррамбий девонбеги ўз лашкарлари билан ғалаба байроғини кўтариб, хайрли бир соатда етиб келдилар ва хонга қўшилдилар.

Ҳазрати хилофатпаноҳ³ ўзига хайриҳоҳ бўлган амир Баҳоваддин, қози Лутфулла ва жами амирлар ҳамда урушиш ҳаваси кучли бўлган шиҷоатли йигитлар билан маслаҳатлашиб, юзи қора Анушахоннинг босқинини даф этиш масаласини ўргага ташлади.

Бу хабардан огоҳ бўлган хон ҳазратларининг бандалари жам бўлдилар ва шундай қарорга келдилар: фурсатни қўлдан бермасдан, куч-қувватнинг борида ярқироқ шамширнинг олов сочувчи тифи билан у ярамас разилнинг қалбини — жонини бурда-бурда қилиб, тупроққа тенг қилишни зарур деб ҳисоблаб, зудлик билан Бухорога жўнадилар.

ШЕЪР

Кенгащдан сўнг ҳазрати соҳибқирон-хон
Қўзгалди лашкар ила бўлиб бир жаҳон.
Ўнгу сўлни тўлдириб борар мард эрлар,
Санамлар кўзидек найзабардорлар.
Қасос байроғи кўтарилди гўё тирри паррон,
Ой юзини тирнаб, самога етди у шу замон.
Душмандан интиқом олгали тайёр лашкар,
Бухорога жўнади чунон кўтариб чанг-тўзон.

Алқисса, эрталаб тонгда енгилмас байроқлар остида юлдуз сингари беадад қўшин шаҳар томон юриш қилганда, Жамшид монанд подшоҳ ҳам жонийларга муносиб равишда шиддат билан оёғини баҳт узангисига қўйиб, отига

миниб Бухорога йўл олди. У сайёра монанд тез ҳаракат қилиб, қуёш каби ҳеч ерда тўхтамай, ҳамма ёқни ёритиб, жуда шошилинч равишда дала-даштларни, баланд-пастликларни босиб ўтиб, тонғ пайтида Бухоро туманларидан бирига қарашли Оқсоч қўрғонига келиб жойлашди.

ШЕР

Рахшдан² тушди Рустам паҳлавон,
Чун йўлбарс тоғдан тушгандек шу он.

Тезлик билан душманинг куч-қуввати, турмуши, жойлашган жойини ва вазиятни аниқ билиш, шунга қараб ҳаракат қилиш мақсадида эҳтиёткорлик чоралари кўрилди: тажрибали, обдон ўйлаб иш қиладиган қариялардан пошибонлар қўйилди, ҳушёр, сергак, чавандоз йигитлардан айғоқчилар тайинланди. Улар катта йўлда бир-бири билан хайр-маъзур қилиб, ҳақиқий аҳволни билиш ниятида, қўрқинчли, хавфли сўқмоқлардан тез юриб, душман қўшини жойлашган томонга эҳтиёткорлик билан юриш қилдилар.

Шу нарса махфий қолмасинки, бу вақтда хоразмийликлар (Анушахон) тиканак каби Мовароуннаҳр гулзорларини ўраб олган эдилар. Бухоро шаҳрини ва қалъясини ҳимоя қилиш ўша пайтда Бухоро аркони давлатининг энг ишончли, улуғвор ва эътиборли. кишиси бўлган Искандарбий саройга топширилган эди. Унга хон ҳазратларининг фармонини етказиш учун мулоzимлар жадал етиб келганларида, Искандарбийга пистирмада турган, унча катта бўлмаган урганчликлар дастаси ҳужум қилди. Бу вақтда мард овчи шерлар раъно кўзли Ҳутан оҳусига, замоннинг баланд-парвоз лочинлари эса гўзал товусга маҳлиё бўлганларидек, алданиб, тўрга тушдилар, яъни сурохийга ўхшаш бўйинларини чўзиб, пиёлага яқинлаштириб турган маст кишилардек, тақдир, насибанинг бирдан тескари айланганидан бехабар, қуршовда қолдилар. Бир неча ёшлиар сурнайнинг ширин нағмаси, куйи ҳамроҳлигида қўрғоннинг чапи ва ўнгини айланиб юриб, бир-бири билан учрашдилар. Бироқ уларнинг бу юришларидан ҳеч қандай фойда йўқ эди. Чунки улар тадбир риштасини қўлдан чиқарган эдилар. Шу боис душман уларнинг бундай айланниб юришларига парво ҳам қилмас, эътибор ҳам бермас эди.

Мазкур Искандарбий ўз ихтиёридаги одамларнинг кам эканлигига, вазиятнинг ниҳоятда оғирлигига қарамасдан,

жанг майдонини тарк этмади, мислсиз қаҳрамонлик, мардлик күрсатди. Бироқ муҳораба тұлқини шу даражада зұрайған әдіки, бу мушкул, қийин ишни якка бир одамнинг ҳаракати, куч-құввати билан бажариб бұлмас эди. Шундай бир ҳолат, дақшат яқынлашганда, тақдир тили Искандарбий саройнинг қулогига айтди.

ШЕР

Душман бир-бирига құл берганда күшод,
Шириң жонингни бир үзинг этма барбод.

Хоразмийлеклар жанг майдонида шерлар қолмаганини күргач, худди яъжуз-маъжузлар Искандар деворни қулатиб киргандек, шаҳарга ёпирилдилар ва баъзи маҳаллаларнинг мол-мұлқини талон-торож қилишга, талашга киришдилар.

БАЙТ

Чунон шерсиз қолса агарда үтзор,
Чүлоқ тулки бу жойда айлар шикор.
Тозига қолса куни бўлмаганда шер,
Ўрмон бўлар шақол учун овлоқ² ер.

Хоразмийлеклар қўлида шу қадар бойлик, мол, чорва йигилдики, таєаввур ҳисобчиси уни ҳисоб-китоб қилишга ожизлик қиласр эди. Зийрак ақл бу бойликларнинг сон-саноқсизлигидан лол қолганди. Мусулмонларнинг бутун умр бўйи давомида, узоқ йиллар жамланган мол-мұлқи фитна қўли билан бир лаҳзада шамолга совурилиб, нест-нобуд қилинди.

ШЕР

Нимаики жамланган бўлса, бўлди нобуд, Оллоҳ, Оллоҳ,
Бу балоны даф этгин, фуқарога үзинг бўлгин паноҳ.

Хулласи калом, Анушахон "Менга бахт, омад кулиб бокди, толеим юлдузи чараплаб чиқди",— деб фараз қилиб, шу соатнинг үзидаёқ, қувонч нафаси билан сурнай-карнайни чалишга, ногорани гумбурлатиб уришга буюрди. Сурнай, карнай ва ногораларнинг тантанали садолари еттинчи осмонга бориб етди. Бироқ, у ёниб турған шам үчиши олдида ёрқинроқ нур сочишидан, тонг яқынлашганда Эркин нафас олишдан огоҳ әмас эди.

Құшни түрк султоналари билан доимий равища бұлған жаңгларда, қыргын-урушларда иштирок этган, бир неча бор Хоразм шоқлари билан бұлған савашларда, тұқнашувларда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини күрсатған Бухоронинг номдор асилзодалари, бойлари әнді бу жаңгда юзага келған вазият, ҳолат туфайли ҳамда күчларнинг тенг әмаслиги боис, Хоразм хони томон үтишга мажбур бұлдилар. Анушахон ҳам үларни қабул қилди. Бундай одамлар орасыда лутф ва марқамат дарёси билан Бухорода яшовчи фуқароларнинг дараҳтларини гуллатған Мұхаммад Бакирхожа, сұроқ пайтида тұғри сұзни ёлғондан, ҳақиқатни ҳақсизликдан худди мусаффо күндеқ ажрата билған қози амир Носир¹ ҳам бор әдилар.

Суҳбатнинг бошида ғазабланиб, құпоп мұомала қилған Анушахонга нисбатан Мұхаммад Бакирхожа қуидаги байтни әслади:

ШЕЛЬ

Фузулий² Хизрни күрмоқ истаб, тұқнашди айиққа —
Кім, балиқ учун ташланған тұрга тушғандай құрвақа.

Хон аркини құриқлаш учун қолдирилған әпчил, мустаҳкам ирода соҳиби Камолбек қипчоқ ҳам Анушахонга үтди. Бироқ моҳирлик ва чаққонлик билан уни ғафлатда қолдириб, үзи ғафлат ва бепарволик уйқусидан уйғониб, бутун диққат-эътиборини жамлаб, құрғонни, аркни құриқлашға қаратди ва деди:

ШЕЛЬ

Бу ҳомил тун тонғда нени тугар экан,
Ёв қалъадан нелар судраб чиқар экан?
Неки бұлса күрдик умр ибтидосинда,
Құрайлик-чи, не ёзмиш интихосинда.

Шу тенгсиз жаңғда бир неча ёшлар оғат гирдобидан омон қолиб, најот қирғоғига (Абдулазизхонга) етиб келдилар ва хоразмийликларнинг Бухоро қалъасига киргандыларини шошилинч равища хон ҳазратларига хабар қилдилар.

Улуғ хон бу воқеадан воқиға булып, ҳайрат бармогини тишилади, тишиларини ғижирлатиб деди: "Ағсус, хонлик мероси бизга насиб этмай, бу құдратли сулола (жонийлар сулоласы) құлидан үз ихтиёри билан чиқиб кетди".

Аъло ҳазратлари билан бирга бўлган сарой аъёнлари ўзларини тамоман йўқотиб қўйдилар, ҳар бири ўз оиласи ва мол-мулки хусусида ўйлаб бўкириб йиғлар эди. Бироқ хон аъло ҳазратлари руҳиятида собитқадамлик, матонатлилик жо этилганлиги боис, унда ҳеч қандай изтироб, ҳаяжон, ташвиш юз бермади. Унинг мажозида аввалдан жойлашиб олган гайратлилик, шиҳоатлилик, мардлик одати уни тарк этмади.

ШЕЪР

Ғаним босқинидан топганда хабар,
Шоҳ ўчу газабдан ёнди саросар.
Ёв устига шердек боргали аён,
Лҳдин аъёнларга айлади баён.

Жаҳонпаноҳ ўзининг муборак оёғини бахт узангисига қўйиш билан, ёнида турган Мъясум мирохур сарой Термизийга югуришда учар ўқни қувиб етадиган, шиддатидан яшин ҳам ҳасад қилиб юрган эроний отини лутф билан инъом қилишни лозим деб топди.

Хон ўз одатига кўра мен фақирга ҳам қалмоқ совутини, ҳинд қалқонини инъом қилди. Мен ударни кийганимда, ўзимни гўё Таҳамтан ёки Рўинтандек ҳис қилдим.

ШЕЪР

Сўнг бу олампаноҳ мавжланиб худди осмон монанд,
Сахийлик денгизи тўлқинида бўлиб сарбаланд,
Қўшинга очди лутф эшигин, қилиб марҳамат,
Эрларга шараф тўнин кийдирди соҳиби давлат.

Жаҳонпаноҳнинг баъзи акобирлари, давлат аъёнларининг кўз косалари сувга лиммо-лим тўлиб, йиғлаб, эгилиб, унинг марҳаматли, шарафли оёғига бош қўйдилар. Баъзи бир ўзбеклар дадил ҳаракат қилиш ўрнига сусткашлик, густоҳлик қилиб, хоннинг қўлини ўпиб, кўз ёшлиарини садафдек тўкиб, ёлвориб, лашкарнинг ҳаммаси жамлангач, жасур жанговар эрлар йиғилгач, қатъий бир қарор қабул қилишни илтимос этдилар. Бироқ уларнинг ҳамма илтинослари рад этилди. Ниҳоят, хон Куръондан "Ким Оллоҳга таваккул қилса бас, (Оллоҳнинг) Узи унга етарлидир",— деган оромбахш каломни ўқиб, яратганинг марҳаматига ишониб, ўзининг бутун ихтиёр-имконини қудратли, улуф худога топшириб: "Ҳа, у улуф ва таърифга лойиқдир",— деб йўлга тушди. Олампаноҳ Сепулон қишлоғидан ўтиб,

Намозгоҳ¹ дарвозаси томон юрганда, кеча қарийб яримланган эди. Бу пайтда душманнинг бахтиқора, жирканч соқчилари ухлаб ётган эдилар. Улар от дупурини эшишиб уйғониб кетдилар ва хон қўшинларини бостириб келаётганилигидан хабардор бўлиб, шижаотли лашкарнинг йўлини тўсдилар. Шиддатли, кучли жанг оқимининг бўрони кучайиб, отлиқларнинг ўтиб кетишига имкон бермади, пиёдалар ўз ҳаётлари хавф остида қолганлигини билиб олдинга юролмадилар.

Бу қоронғу кечада дубулғалар, жангчи эрларнинг устидаги совутлар, қўлларидаги қалқон ва найзалар узоқдан ярқираб кўринарди. Бу даҳшатли жанг майдонида чақмоқдек ўткир қиличлар зарбидан темир қалпоқлар ҳам иккига бўлиниб, бошлардан шариллаб отилиб чиқаётган қонларнинг ваҳимаси оқибатида, қўшинларда саросималик, тартибсизлик бошланди.

Алқисса, бу қўрқинчли тунда ўткир найзалар, болталарнинг тифи душманларнинг ҳам, дўстларнинг ҳам бошига тушиб, тўкилаётган беҳисоб қон қатраларидан дарё ҳосил бўлди.

ШЕР

Бешафқат фалакнинг қаҳри кўп ошиб,
Замин каллаларга қолди қалашиб.
Қиличлар ўйнабон чавгон сингари,
Бошларни узарди жадал, сарсари.

Худо қарғаган бу баттол, жирканч золим билан шундай манфур, қирғин уруш бўлаётганига қарамасдан, аъло ҳазратларининг нурафшон хаёли, фикрида ҳеч қандай ўзгариш, худо ярлақаган қалбida ҳам бирон-бир ҳоргинлик, чарчоқ аломатлари сезилмади.

Алқисса, бу қоронғи кечада бўлаётган жангда душманларга қирон солаётган, қўргонларни забт этаётган дўстлар ва ғанимлар қони жанг майдонини лолазор қилди.

Тонгда саросимага тушиб, қочишига ҳаракат қилаётган душманнинг тириклиқ. ҳаётини олампаноҳ баҳодирларининг қаҳрли, бешафқат қиличи яшамоқ бустонидан учириб, қириб ташлади. Бу баҳодирларнинг ўқлари хурмо дараҳтидан ясалган бўлиб, ўлим соати гулхонасидаги ажал фариштасининг боғбони каби, гўё муҳолифлари жисмига қадалган бу ўқларга душман қонини ичирап эдилар.

Жангларда катта тажриба орттирган Шоҳбек девонбеги ва Ҳуррамбий парвоначи каби қобилиятли паҳлавон эрлар душман ҳужумини ўнгдан ҳам, чапдан ҳам қайтариб, унга зарба бериб турдилар.

БАЙТ

Икки улуг амирнинг гӯё фалак паноҳи,
Бамисоли лочиннинг қўш қанотдир ҳамроҳи.
Жасорату мардликда гӯё паҳлавон Рустам,
Аларнинг савашидан лол эрур аҳли олам.

Шундай оғир бир хавфли вазиятда Абдулкарим ўғлон, Масъум миҳоҳур сарой Термизий, Неъматулло хожа, Шоҳтиб хожа ва Раҳимберди шифовул жалоирийлар ҳаддан ташқари, фавқулодда жасорат ва қаҳрамонлик, мардлик кўрсатиб, душман сафини ёриб кирдилар.

ШЕЪР

Бухороликдан дастлаб ким берди мадад —
Маъсум Термизийдир етиб келган мард.
Бошқа жўмарлар ҳам қолмай тору танг,
Гурас-гурас келиб бошладилар жанг.
Муҳаммад наслидан ул Неъматулло,
Осмондан балодек ёприлди илло.
Шоҳ Тибнинг кўрсатган саваш, ҳарбидан,
Паришон бўлди ёв анинг зарбидан.
Оlam кўрмаганди бундоқ жанг сира,
Рустам шуҳрати ҳам тортди-ку хира.
Юсуф¹ жангта кирди тӯш кериб, ҳайҳот,
Жаҳон мулкига бермас ани Зулайҳо.²
Интиқом ўтига солмасдан назар,
Ботирлар жанг қилди мисли Самандар.

Бинобарин, баланд кўтарилган кескир қиличлар ёлқини уруш оловини янада кучайтирганидан душман ўз қони билан қарзларини уза бошлиди. Ҳон ҳазратлари лашкарларининг учқур отлари туёғидан кўтарилган чангтўзоннинг сурони ва шамширларининг зарби, қон билан бўялган ёғийни қочишга мажбур қилди. Олампаноҳ шаҳар дарвозаси орқали кириб, давлатни ўз қўлига олди. Шундай бир вазиятда тақдир тили қуйидаги сўзларни айтди.

ШЕЪР

Боз салтанат гулзори аро
Гўзал товус этди хиромон.

Гүё семурғ мазлум фуқаро
Боши узра бўлди соябон.

Хон улуғ Оллоҳнинг хоҳиши ва оқ фотиҳаси билан баҳт юлдузлари тагидан юриб, ўз қароргоҳига йўл олди. У ўнг ва чап томондаги аъёнлари, акобирларини баҳт ва муваффақият, ғалаба ва тантана билан табриклаб, қучоқ очиб кўришиб, мамнуният билан ўз тахтига ўтириди.

Шу кечанинг ўзида шоҳнинг ғалабаси ҳақидаги қувончли хабарлар, Оллоҳнинг марҳамати тўғрисидаги овозалар шаҳарнинг ҳар бир бурчагига бориб етди. Шу боис ўз подшоҳлари Абдулазизхоннинг салтанатини, унинг фуқаро-парварлигини ҳимоя этган ҳар бир киши хон арки томон шошилди. Шу пайтда олампаноҳнинг содиқ саркардалари узларининг хизматларини хайрикоҳлик камарига қистириб, шахдам қадамлар билан катта йўлдан юриб келиб, хонга самимият ва итоаткорлик билан таъзим қилиб "Иш мана шундай ва шундай бўлди",— деб жанг натижаси ва ўтган воқеалар ҳақида батафсил сўзлаб, орқага қайтдилар.

Бинобарин, кўримсиз сирли дунё карвонбошиларнинг хоҳиши билан Искандар — қуёшнинг манзилгоҳи эрта тонгда Каъбага ўтган эди. Искандар қўшини абадий қоронги кеча — Зулмат ўлкасига тушиб йўл тополмай, адашиб юрганида, Хизр тақдиди уларга ёрдам қилиб, оби ҳаёт манбаи — ёруғ кунга олиб чиққанидан ва ёруғ дунёни кўрганларидан ҳайратланган эдилар. Тақдир ана шундай кунни Абдулазизхон ва унинг аскарларига ҳам насиб этди.

Қоронги, зим-зиё кечада хоразмийликлар қўшинида ғалаба қилишга ҳеч қандай ишонч қолмаган эди. Шу боис улар қуёшга ўхшаб нур сочиб турган ғолиб подшоҳнинг зарбасидан қўрқиб зулматга чекиндилар.

Шундай бир шодиёна вазиятда Искандарбий сарой ҳам, ор-номусни унутган одамлар тудаси билан бирга шарафга эга бўлмоқ учун хон черигига келиб қўшилди. Хон ҳазратлари унга бошқача бир муносабатда бўлишини кўнглидан кечирди. Аммо Қоракўл қўргонида давлат ишларини Аллаёрбий, Чоржўйда эса Фойиназарбий бажара-стган эди. Хон агар Искандарбийни жазоласа, бундан сарой уруғларидан бўлган юқорида номлари келтирилган мазкур икки қўшиннинг бошлиқлари хабардор бўлсалар: "Бу хизматкорингиз сизга саркашлик қилмаган",— деб давлат ва ҳарбий ишларга катта зарар келтирадиган исён кутаришлари мумкинлигини ўйлаб, сабр-тоқат ва эҳтиёткорлик қилди.

Эрталаб хон яратувчининг мислсиз марҳамати билан, насиб этган беназир, шарафли ғалаба боис жангда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатган ҳамма хизматкорига Оллоҳ лутфи билан ўзига инъом этилган улкан ҳазинасидан ҳар хил хонлик инъомларини ҳадя этиб, уларга лутф-эҳтиромлар, меҳрибонликлар кўрсатди. У одамларнинг юрак қуши қафасига лутф билан дон ташлаб рағбатлантириди ва қочишни ихтиёр этган қабила, уруғларга ҳам эҳсонлар берив, қочмоқчи бўлган чопқир оёқларига одамийлик, олийҳимматлиликнинг оғир кишанини солди. Яна янгидан бахт-саодат унга насиб этганлиги боис, бутун кун подшоҳликда ўз ҳимматлари билан танилган донгдор, машҳур кишиларга тиллалар совға қилиш билан машғул бўлди.

Шундай бир қувончли вазиятда парвоначи вазирасига мусассар бўлган Абдукаримбой найман жаннатмонанд Сармарқанд вилоятини идора қилиш бахтига эга бўлган эди. У бошқаларга нисбатан доимий равишда ҳарбий иттифоққа қатъий риоя қиласидиган ва жуда катта миқдордаги ҳарбий қурол-яроғ, аслаҳаларига эга эди. У фақат қозоқлар ва қорақалпоқлардан иборат олти минг қуролланган ясоқни аъло ҳазратлари ихтиёрига олиб келди. У хон билан учрашиш бахтига эга бўлгач, йўлда кечирган қийинчиликларга қарамасдан, бадкор душман билан бўлаётган урушга иштирок этиш учун хоҳиш билдириди. Аъло ҳазратлари ўз одатларига кўра, меҳр-шафқат, хушмуомалалик билан, бугун кечаси уйда қолиб дам олиш ва эрта билан қуёшга ўхшаб чиқиб, ўз ихтиёридаги юлдузлардек кўп сонли қўшини билан давлатни чулғаб олган зулматни ҳайдаб, тарқатиб юборишини тайинлади.

Шу кечанинг ўзида Қарши қўргонини ҳимоя қилиш учун юриш қилган, урушга тайёр бўлган жасур жангчи гуруҳ олийҳиммат, довюрак, баҳодир Муҳаммад Алибий бошчилигида етиб келди. У ҳам фалакка ўхшаш шоҳ саройининг хизматкорлари қаторидан ўрин олишга мусассар бўлди. Ёғий бу икки бахтиёр, омадли сардорларнинг келганлигини эшитгач, уни мотамзадалар сингари қайғу-андуҳ, дилисиёҳлик чулғаб олди. Улар энди бахтлари барбод бўлганлигини англадилар. Бепарволиклари, бегамликлари ва ўйламасдан бошлаган ишларидан ўзлари ўзларидан ўпкалаб бошларига ўлим чанг-тўзони сепилишини аниқ тушундилар. Шу сабаб улар афсус-надоматлар билан бошларини хам қилиб, кечанинг қоронғилигидан фойдаланиб, юзларини Хоразм томон бурдилар.

БАЙТ

Майдонда шер қолиб, тулки қочган он,
Лашкардан уч даста ёвқур, беомон,
Қувди ганимларни солғанча даҳшат,
Аларнинг бошига ёғдириб кулфат.

Султон таҳтининг адогида ўтирган шу даврнинг оқсоқоллари бу галабанинг Абдулазизхонга насиб этганлиги билан худонинг ердаги сояси Субҳонқулихоннинг тұла ҳокимлиги даври тонгининг бошланғанлығы ва унинг құдратидан тонг насими эса бошлаганлығы сабаб бўлди, деган қарорга келган эдилар.

БАЙТ

Эй худо, то бўлгунча охират, охир замон,
Подшоҳлик мамлакати устида бўлгин соябон.
Етсин осмону фалакка хоннинг шон-шуҳрати,
Майли, гуллай берсин унинг баҳт-саодати.

ХОН ҲАЗРАТЛАРИ АБДУЛАЗИЗХОННИНГ ЎЛИМИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Ҳа, фикрлар кўзгусида, баланд осмонда нурафшон ёғду тарататётган қуёшдек бўлиб кўринган, ўз илтифоти, ақлидреки, саховати, олижаноблиги билан дўстлар қалбидан ёрқин шуъла бўлиб чақнаган Абдулазиз баҳодирхон подшоҳлигининг бошида фазилатлари, ёқимлилиги, дилкашлиги билан Кайхусравни йўлда қолдириган бўлса, ҳаётнинг окирида мамлакатни идора қилиш, бошқариш соҳасида иккинчи муқаддас пир сўфи Иброҳим Адҳамга айланди. У тақдирнинг тақозоси билан дунё, башарий лаззатлардан ўзини тийиб, камбағаллик, фақирлик одатларини ихтиёр этди. Шу боис у мамлакатни бошқариш ишидан, подшоҳликдан, сарой аъёнлари, мулозимлари ғалавурларидан, серҳашамат дабдабали ҳаётдан узоқлашиб, ҳаммасини тамоман рад этди. У ўз хазинасидаги нарсалар билан худо севган камбағал бечора одамларни таъминлади. Мовароуннаҳр салтанатини таҳтга лойиқ Миррихга² ўхшаш қасоскор укаси Субҳонқулихонга қолдириб, Осмонмонанд кемага ухшаб тўлқинланиб, гижинглаган йўрға, тўриқ отига миниб, тизгинини икки муқаддас шаҳар — Макка³ ва Мадина⁴ томон бурди. Ҳа, Оллоҳ бундай муқаддас, муборак шаҳарларнинг шон-щарафини янада оширсин. Аввал тўғри йўл билан Ҳижозга⁵ боришни мўлжаллаган хон, кейин Исфахонда булишни ҳам хоҳлади ва у томонга

қараб йўл олди. Хоннинг бу илоҳий саҳролар йўлидан юриб, ҳақиқатга — худога эришмоги учун Оллоҳнинг ўзи раҳнамолик қилди, у Ясирида (Мадинанинг аввалги номи) ҳам бўлди, Бадха (Макканинг яқинидаги жой)да ҳам бўлди ва ниҳоят худо шарафлаган муқаддас жойга етиб борди. Унинг садоқатли, ишончли аъёнлари қози Лутфиллоҳ, улуғ амирлардан Хуррамбий ас, Масум мирохур (Термизий — Ж.Э.), Муҳаммад Али хожалар ҳамроҳлик қилиб, йўл бошлаб бордилар. Булар яратувчининг энг яхши бандалари, Муҳаммаднинг энг аъло посбонлари бўлиб, хон бу дунё билан видолашаётганида унинг пешонасини силаш баҳтига мұяссар бўлдилар. Ҳа, Оллоҳнинг энг яхши дуолари, марҳаматлари уларга насиб этсин.

Маккада бўлиш ва унинг зиёрат қилиш бурчини бажаргач, хилофотлик қадр-қимматига муносиб бўлган худонинг ердаги сояси, олий ҳазрат Абдулазизхон дўстларини қўмсаб-соғиниб, қоронгилик дунёсига монанд (ўзига номаълум бўлган — Ж.Э.) Ҳиндистон диёрига бориш мақсадида Моҳо, бандаргоҳига келди. Бироқ унга Искандардек оби ҳаёт устига юрадиган кемага ўтириш ҳам, Ҳиндистонга жўнаб кетиш ҳам насиб этмади. Бетоблиги туфайли кундан-кунга куч-қувватдан қолиб, дармонсизланиб, хасталиги кучайиб, тўшакка ётиб қолди. Ниҳоят, табиат ҳукмдори (Оллоҳ) аъло ҳазратларининг жасади руҳини қуриқлаб, эгалик қилиб туришдан воз кечди. Жон — руҳ олампаноҳнинг жисми қафасидан чиқиб, подшолик лаш-лушларини қолдириб, фонийлик дунёсидан боқийлик дунёсига сафар қилди.

Шу соатда хон ҳамроҳлари, хорижликлар орасида дод-фарёдлар, нола-фиғонлар кўтарилиди. Бақириш-чақиришлар бошланди. Кўз косалари сув билан тўлди. Кўз ёшлари Яман ақиқлари, маржонларига ўхшаб ерга тўкила бошлади.

Оғир, мудҳиш ғам-ғусса, ҳасрат-надомат, жудолик дардига тоқат қилолмаган одамлар ёқаларидан этакларигача ҷок этиб, йиртиб, оҳ-воҳ қилиб мотам тутдилар. Кечга бориб йифи, оҳ-воҳ олови пасайди. Фавқулодда юз берган бу мудҳиш воқеа намойиш байрамига айланди. Одамлар мотам маросимида кўркам, янги либосларини кийиб ясандилар, хоннинг яқин ва узоқ қариндошлари, дўстлари, амирлари камарларини ечиб, уларни Мирриҳ юлдузига монанд қимматбаҳо тошлар билан безаб, белларини маҳкам боғладилар ва алам-изтироб билан қуийидаги сўзларни айтдилар:

Кулатдинг сен олам шоҳини, фалак,
Дилни бўзлатдинг-ку, ўртанди юрак.

Юз мاشаққат бирла күйдирибон жон,
Ажойиб бир боғни яратди боғбон.
Сен уни аргувон¹ новдаси мисол
Синдириб тупроққа ташладинг фылҳол.

Бу фавқулодда қайғули, аламли хабар овозаси хондан жудо бұлиш дардидә күйиб, ҳали эски яралари битмаган бедор Мовароуннахр халқига етиб келди. Бу мудҳиши, аяңчли хабар ғам-ҳасрат күлбасидан күтарилигандын оловнинг аччиқ тутуни билан яна одамларнинг күз хонасини сув билан тұлдирди, күз ёшларининг тинимсиз оқиши селга айланди. Маълумки, ғам-андуҳ оловидан чиққан аччиқ тутун мияни қуритиб, күз ёшларининг түқилишиға сабаб бұллади. Бироқ, нима иложи бор? Охир тақдир Дородек подшоҳни тупроққа айлантируды. Зулқарнайнини³ (Искандарни) бу дунёдан маҳрум қилды, яна унинг ғазаби билан гүзал Фотиманинг⁴ үғли имом Ҳусайн⁵ Карбало⁶ даштида ҳалок бўлди.

Ҳа, уларнинг ҳар иккаласидан ҳам Оллоҳ рози бўлсин. Охир-оқибатда, ҳар бир одам тақдирни ҳақидаги ҳукм: "Тамом" сўзи билан яқунланади. "Ҳар бир жон ўлим шарбатини ичади"⁷, деб қора ҳарф билан ёзилган, ҳар бир киши унинг косасини ўлим соқийси қўлидан олиб, дарҳол таъсир этувчи у мұъжизакор ичимликнинг таъмини тотиб кўради. Шу воқеа муносабати билан жонийлар сулоласидан бўлган аъло ҳазратлари Абдулазизхонни кузатиб, йўлбошлиқ қилиб борган Алининг наслидан бўлган муборак зот Бакир хожа Жуборий хоннинг улуғлиги ва вафоти тарихи ҳақида ғам-ҳасратни ифодаловчи, күз ёшини оқизувчи, ўзининг назмдаги салоҳиятини, табиатини намоён этувчи қуйидаги мунгли шеърни ёзди.

ТАРИХ

Афсус, ҳылму саховатда номдор эди ўшал шоҳ,
Йўқ эрди олам аро анингдек ҳимматпаноҳ.
Қазо дарди шеърга сиғди гүёки улуғвор жом[,],
Дўстларни ғам-ҳасратта солиб кетди батамом.
Бакир ажраб оромдан, кўзидан йитиб уйқу.
Ашъорида бу кулфат тарихини битди у.
Тонгда кўк гумбазидан янгради мисли видо:
Шоҳ Абдулазиз вафот этди[,], деган бир нидо.

Қуйидаги латиф шеърни ҳам Муҳаммад Бакир Хожа ёзган эди:

Моҳода шоҳ ўлмиш деган бул хабар
Жаннат борига ҳам етди сарбасар.
Кўзларга хок пойи эди тўтиё¹ ...
Қазо тарихини сўрсанг мабодо:
"Моҳода ўлган"², — деб ҳамиша ёд эт.
Оятлар ўқибон руҳини шод эт.
Тагин оллоҳ билгувчироқдир.

ИККИНЧИ МАҚОЛА. БИР МИНГ ТЎҚСОН ОЛТИНЧИ ЙИЛДА ЮЗ БЕРГАН ВОҚЕАЛЛАР ҲАҚИДА

Жонийлар сулоласининг вориси баҳтли, муруватли, олижаноб, қудратли подшоҳ Сайд Субҳонқули Муҳаммад Баҳодирхон Мовароуннаҳр таҳтига ўтириб, уни ўз довруғи, шуҳрати билан ёритди. У, айниқса, адолат дарвозасини очишга алоҳида эътибор берди, ўз тақдирларидан норози бўлиб юрган муҳтожларга ёрдам қилди.

Жаннатмисол Самарқанд ҳокимлигини Хожа Қулибий ўторчига инъом қилди. Бироқ у, олампаноҳга ишонч ва садоқат кўрсатиб хизмат қилиш ўрнига, ҳақиқат йўлидан чиқиб, нонқўрлик қилиб, хонга хоинлик қилди ва қаҳрғазаб олови билан ёнаётган исёнкорлар томонига ўтди. Кўп сонли хитой қабилаларига ишониб, уларнинг ёрдамига таяниб, хонга итоат қилиш, бўйсуниш қибласидан юз ўгириб, хато йўлни танлади. Бу яхшиликни билмайдиган қабиҳ, кўрнамак кимса ўзининг хунук, ярамас қилиқлари билан хоннинг кўнглини ранжитмай, олий ҳазратнинг лутф, марҳамати булогига етиб келганида, бошқаларга яхшилик қилишни ўзига одат қилиб олган олампаноҳ илтифот булогини лойқалатишни истамасди.

Хожа Қули ўторчи Қоф тоғига ўхшаш хон ҳазратларининг қудрати, кучи туфайли обрў-эътибор ортирганидан кейин исён оловини ёқди. Бу ҳеч нарсадан бехабар нодон хонга нисбатан нонқўрлигини намоён этиб, жаннатмисол Самарқанддан чиқиб, Косон қўрғонига келиб жойлашди.

Ҳазрати олийлари, олийҳиммат хоқон ўзига хос одатига кўра хушфеълик, мўтадиллик ва сабр-тоқат кўрсатиб уни ўз олдига чақириш учун лутф ва хайриҳоҳлик билан ёзилган хатни мен фақир (Хожа Самандар Термизий — Ж. Э.) орқали Хожа Қулига юборди. Фақир худди олов каби ўз тилини яхшилик ва хайриҳоҳлик алансига товлаб, илиқ сўзлар, яхши маслаҳатлар ва ёқимли ваъзлар айтиб, унинг кўнглини хуш қилиб, Косон қўрғонидан осонгина чиқариб, Хўжамуборак деган жойгача олиб келдим. Бироқ, бир нечта исёнкорлар, дўқ-пўписадан иборат хат ва

хабарлар билан, хожабеглар исён оловини ёқиши кучайтирилар шу боис Хожа Қули айниб, Бухорога боришни рад этиб, орқага қайтди. Бу хабар хонга етиб боргач, у яна иккинчи марта мен фақирни, ўз фикрларини ихчам, лўнда қилиб баён этишда намуна бўлган Хўжамберди шифовул қипчоқ билан бирга юборди. Бу шифовул аъло ҳазратларининг унга қилмоқчи бўлган муомаласи, муносабати ва далолати ҳақида батафсил сўзлаб, ишонтириш шарбати орқали унинг шубҳаланиш-иккиланиш касаллиги дардени даволамоқчи бўлди. Бу фосиқ, тўнғиз, ўйламай иш қиласидаган бу енгилтак кимса, хон ҳазратларининг хушмуомалалиги, марҳаматлилиги, адолатпаноҳлиги ҳақидаги шифовулнинг сўзларини бошқача тушуниб, хайрикоҳлик билан айтилган бу бамаъни, чуқур маъноли фикрларни қаҳр-ғазаб билан тўлган қалбининг бирон гўшасига ёндаштирамади.

Бу бахтсиз Хожа Қулибий² Хўжамуборакдан қайтишда бир қанча фаҳш йўлига кирган, сайёҳ юрган телбаларни тўплаб ўз йўлига солди. Бу телбалар ғазаб оловини ёқиб, зудлик билан Қарши мусулмонларининг мол-мулкини талаб, уларга жабр-ситам қила бошладилар. Шу тарзда улар исёнчилик зинапоясидан тобора кўтарилиб, хонга бўйсуниш, итоат қилишни тамоман унута бошладилар. Оқибатда Хожа Қулининг хонга душманлиги шу даражага етдики, у урганжлик Анушахон қабулида бўлиб, хоразмликлар томон үтиб, Бухоро хонига қарши жанг қилиш коҳишини билдириди.

Тажрибасиз Анушахон Бухорони босиб олиб, унга соҳиб бўлмоқ, эгалламоқ алангасида сузиб, Хожа Қули сўзларидан сўнг у билан бирга ҳаракат қилиш режасини тузди. Анушахон қўйидаги чуқур маъноли ибораларнинг моҳиятини тушунмай, бундай қарорга рози бўлди.

ҚИТЪА

Ўз амирига қарши исён этган аскарни
Багрингта олмагинким, қилмас сенга ҳам вафо.
Ўз сардорин тан олмай келган гаддор лашкарни
Сафингта қўшмагилким, кўргайсан нуқул жафо.

Ниҳоят, Анушхоннинг юриши ҳақидаги хабарни аъло ҳазратлари Хўжа Қулибийдан кейин, унинг ўрнига Самарқанд ҳокимлиги инъом этилган ўз хизматкорларидан бири бўлмиш кишидан эшитгач, душманга қарши отланди. Икки қўшиннинг бир-бирига яқинлашиб, уруш олови

ёқилгунча, жуда күп бадавлат одамлар ва камбағал фуқаролар ҳам хоразмликлар томон үтдилар.

Шундай бир оғир вазиятда Фойибназарбий сарой, Жонибек тұқсабао¹, Шерғозибий додхөхлар² жангчи эрлар дастлари билан жангта отландилар. Подшоқнинг құдратли саройидаги бир қанча хизматкорлари ва акобирлари Яйлок құшбеги билан бирга душманга қарши жангта кириш ҳохишини билдирилар. Хон уларга ҳам жангта киришга розилик берди. Юқорида номи айтилған құшбеги душманнинг беорлиги, сурбетлигидан ғазабланиб, қутурған йүлбарсга үхшаб душман устига ташланди. Жасур баҳодирларнинг Оқсоч чеккасига келиши билан икки құшин бир-бирига яқынлашды, икки томон ботирлари, икки мамлакат баҳодирлари қон тұкувчи қуролларини құлға олдилар.

БАЙТ

Құбузлар нола чекди, гүмбурлади довуллар,
Уруш олови ичра еру осмон ловуллар.
Жанг бошида лиbosлар күк, сариқ, алвон эди,
Жангдан сұңг бари якранг — бари қизил қон эди.

Аъло ҳазратнинг баҳодирлари кескир шамширларини қинидан суғириб олиб, жангта кирдилар. Бу құрқинчли муҳораба майдонида олампаноқнинг баҳодир, құрқмас, довюрак баҳодирларнинг наизалари зарбидан Анушахоннинг ноиб манаби-саркардаси, құшин бошлиғи Мурод Урганжий ерга йиқилиб түшди. Шу воқеадан кейин душманлар чекиниш жиловини қочиши саҳросига бурдилар.

БАЙТ

Ботирлар зафаридан бұлғани ҳамон огох,
Ёв ваҳму саросима ичидә қолди ногох.
Хон құшини зарбига дош беролмай, дод солиб,
Оталиқ томон қочди бутун лашкар от солиб.

Урганжликлар қочғандан кейин, баҳодир ёшларнинг Рустамбек оталиққа құшилғанликлари ҳақида хабар Анушахонга етгач, у ҳам эртадан, кечгача жангта тайёргарлик күришга киришди. Эрталаб катта құшин билан Фиждуwon томондан келди. Үз навбатида Рустамбек баҳодир ҳам беадат, саноқсиз құшини билан душман құшинига рұбары

бўлди ва қатъий, астойдил жанг қилмоқ учун ўз байроғини баланд кўтарди.

БАЙТ

Бир-бирининг қонига ташна икки зўр қўшин
Қиёмат майдонига келди-ку қайраб тишин.

Урушга чанқоқ бўлган икки бесабр газабланган лашкар бир-бирига яқинлашганда, икки томоннинг жангчи баҳодирлари бир-бирларининг қонларини тўкмоқ учун қуролларини қўлга олиб, от чоптириб майдонга киргандарида, мудҳиш даҳшатли жангнинг чанг-тўзони шиддат билан кўтарилиб, фалакка етди. Шундай қилиб, ёшлар ҳам, қарилар ҳам ўз мухолифларининг ҳаётларини бевафо дунё лавҳи-саҳифаларидан тамоман ювиб ташламоқ учун Миср шамшири билан бир-бирларини қонга ғарқ қила бошладилар.

БАЙТ

Ҳалқоб қонда ўлимнинг дарахти илдиз отди,
Қиличлару наизалар қоп-қора қонга ботди.
Қон бўлмиш жангчиларнинг яргию либоси,
Қон ишиб тўймас асло ажалнинг аждаҳоси.
Баҳодирлар совути ўзи учун юк бўлди,
Чанг-тўзондан ҳамма ёқ сурмадек куюк бўлди.

Жангнинг боришини, манзарасини ўз кўзи билан кузаби турган қаҳри қаттиқ Анушахон ғалаба юганини Субҳонқулихоннинг аскарлари, акобирлари ўз қўлларига олаёттанликларини кўрди. Бу қўшин баҳодирларининг жанг майдонидаги ҳаракатларидан Анушахон ваҳимага тушиб, ўзини йўқотган эди. Шу боис у чекинишини, қочиш нағорасини чалдиришни ҳам унугиб қўйган эди. Унинг қароргоҳи Фиждувоннинг четидаги Жилвон ариғи ёқасида жойлашган бўлса ҳам, хоразмликларнинг бир қисми жон сақлаш учун олдиндан Ҳазора қўргонига жўнаб кетган эдилар. Фойибназарбий сарой ва Назарбий қўнғирот уларнинг орқасидан Ҳазора қўргонига бориб, кескир шамширларининг ялтироқ тиги билан разил душманнинг номини вақт саҳифасидан ўчирдилар, уларнинг ҳаёт хирмони дастасини ўлим бўрони билан тарқатиб юбордилар. Субҳонқулихоннинг совут кийган баҳодирлари зарбасидан омон қолган қаҳри қаттиқ ғаним аскарлари қўрқиб, қақшаб, титраб, ваҳимага тушиб, ўз номус-орини ерга

уриб, бошларига баҳтсизлик тупроғини сочиб, қалбларини юз бұлакка бұлиб, Ҳазора құрғонидан чиқиб, Ғиждувон шаҳрига келиб Анушахонга құшилдилар.

Шундай бир вазиятта ўзининг улуғ дүстлари орасыда кескир шамшири билан шарафланған Ражиббий кулон Рустам оталиқ ва Ғойибназарбий сарой сингари құшин бошлиқлари-саркадалар, хоразмликларнинг ҳақиқиي ақволидан хабардор бұлгач, жангларда донг тараттан, Миррихга үхашаш қаҳри қаттиқ эшик оғаларини, құрчилар совет кийган чуҳрағалар ҳамда дарғазаб ясовулларни ўzlари билан бирга олиб, құшинга бөш бұлиб, душманни таъқиб этиш учун йўлга тушдилар. Эртасига тақдир ва қисмат саркардалари, аъло ҳазратнинг лашкарлари ярқироқ советларга бурканиб, тилла ип билан тикилган яловни баланд күтариб, яна Жилвон ариғи қирғоғига келдилар. Шундай қилиб, икки томондан келган құшин орасыда озгина масофа қолди.

Шундай бир ҳолатда Анушахон ҳарбий либосда Мақотилга⁷ үхшаб зёр бериб, ҳамма кучини ишга солиб, ўз құшинини Субҳонқулихоннинг ғолиб құшнининг қаршисида сафга тиздирди.

БАЙТ

Бир ёндан довруг ила келган Рустам паҳлавон
Гуруқини бошлади согали ёвга қирон.
Согу сұлдан дасталар жаңгта киради лак-лак,
Найзалар жон оларди нозанин мужгонидак,
Жон олгувчи минг-минглаб қурол-ярг тұқнашди,
Бир-бири билан икки ҳайбатли тоғ тұқнашди.
Хабар қылди миңза ҳам майдон аро беаев —
Эллик минг черик билан жаңгта кирганини — ёв.
Ануша ҳам бир четда қараб турмай саросар,
Үз мәрд құшинин бошлаб жаңгта кирди баробар.
Карнайлар үкиради қутурған йүлбарссимон,
Гумбурлаган садодан титради еру осмон.
Инди майса-гиёхга урушнинг қон, чанғ, кули —
Ким, ажал водийсіни қоплаб олмиш жаңг гули.
Икки лашкар ораси қонға тұлған күл бұлды,
Тирикликтан ўлимга олиб борар йўл бўлди.

Икки құшин жаңгоҳда ўзаро тұқнашар экан, довюрак баҳодир эрлар ўзларининг жасурлиги, жанговарлиги билан фарқ қилиб, жаңг майдонида күзға ташлана бошладилар. Масалан, Маъсум мирохур сарой (асли термизлик — Ж. Э.) ўзининг юксак жанговарлық қобилияти, баҳодирлиги,

довюраклиги туфайли ўз тенгдошлари ва баҳодир жангчилар орасида биринчиликни қўлга киритиб, кескир шамшири билан бошқалардан фарқ қила бошлади. У муаттар ҳид тарататётган жасорат майи қадаҳига қувонч билан ўз лабини тегизиш учун сурохийдек чўзилиб, душман устига ёпирилиб деди: "Бутун ҳаётим давомида ғанимга қарши жанг қилиш хаёлида ўз жисмим гилами устида нард ўйнадим; бугун баҳтимнинг ўйнайдиган ошиги муваффақият билан тўғри ташланди. Шу боис умидим шуки, улар билан юзма-юз бўлиш, албатта энди амалга ошади. Қачонлардан бери мен бағрим денгизида жойлашган қалб чиганогига баҳорий нисор ёмғирининг марваридлар сочини орзиқиб кутган эдим. Бу орзу қилиб юрган марваридларга мен хоразмликлар билан бўладиган жангда эришсам ажаб эмас",— деди ю Абдуқодир ўғлон билан бирга, бутун эътиборини бир жойга тўплаб, майдоннинг чап томонидан ёпирилиб урушга кирди.

Шу куни жангда ўзининг мардлиги, жасорати билан баҳодирлар орасида Шоҳ Типхожа ҳам кўзга яққол ташланиб турди. Жангтоҳнинг ўнг томонида тили ўткир Нематуллахожа, ақлли, донишманд беклардан Муҳаммадбек дўрмон, Муҳаммад Раҳимбек дўрмонлар ҳам мисли кўрилмаган мардлик ва жасорат кўрсатдилар. Улар душманнинг бир қисмини фақат ўлим саҳросигагина эмас, балки ер қаъридаги жаҳаннамга — дўзахга жўнатдилар. Айни пайтда, бир қатор гапга қулоқ солмайдиган қўрқоқ одамлар душман устига ёпирилиб бормай, сусткашлиқ қилиб, орқада юрар эдилар. Яна шулар мақмадоналик қилиб, ҳеч кимга сўз бермай, дағаллик; қўполлик билан, тилларини бир қарич қилиб: "Жасур эрлар чопиб, югуриб тез борадилару яна орқага қайтадилар",— дея писанда қилар эдилар.

ҚИТЪА

Ажабланма сира учраса яккаш
Ишончли, бардошли, содиқ, мард инсон.
Даги ажабланма рост келса пасткаш,
Тили узун, жоҳил, қўрқоқ, нотавон.

Улар уруш, албатта, шиддатли ҳужумларсиз ёки орқага чекинишларсиз бўлмаслигини билмасдилар. Жанг пайтидаги шу ҳаракатлардан, қайси бўлмасин, бирон соат кечикса, урушни ютқизган булади. Бинобарин, айтадилар:

БАЙТ

Жангта кир жаҳд билан, ёвқур, беомон,
Ё ёвнинг жонин ол, ё ўзинг бер жон.

Шу куни Юсуфхожанинг ўғли Абдуллахожа ва Алимардонбек, ўзларининг муборак номларини замон лавҳасида қолдириб, хон ҳазратлари учун ўз жонларини садақа қилдилар.

БАЙТ

Хизматкорлар камайса, кўнглингта тушмасин губор,
Шоҳ бошидан тушмасин фақат бир тола зинҳор.

Тақдир хоҳиши билан бир қанча бошқа жангчилар ҳам улим соати соқийиси қўлидаги косадан мұъжизакор ажал гулобини ичдилар.

ШЕЪР

Совути қон ботирлар майдонда ўзиб юрар,
Гүё қон уммонида тимсоҳлар сузиб юрар.
Жасадларнинг майдонда думалаб ётар боши,
Уфққа ботган уларнинг ҳаёт отлиғ қуёши.
Ногоралар лопиллар ҳар қонли ҳалқоб узра,
Чиллиги сузиб юрар гўёки гулоб узра.
Бошдан тушган дубулга ботиб ётар қон аро,
Фалак тўнтариб қўйган ҳаёт косасин гўё.

Кўзга яққол ташланиб турган ҳарб майдонининг бир гўшасида жанг қилиб бораётган Муҳаммад Али номли яна бир баҳодир қўлида найзаси, оёғини узангига маҳкамтираб, душман сафини тенг иккига ёришга ҳаракат қиласди.

Жанг майдонида душман баҳодирлари сопқондан отилган ўқдек эпчиллик билан ҳаракат қилиб, йўлбарсифат паҳловонларнинг қони билан ерни ҳар қанча қизартган бўлсалар ҳам, улар аъло ҳазратнинг жасур, довюрак чангальзор шерларига бас келолмасдилар. Бу муваффақиятлар дўстларнинг тинчланишига, душманларнинг саросимага тушишига сабаб бўлди.

Шундай бир вазиятда хон ҳазратлари байроғининг туғига ғалабанинг майин шамоли эса бошлади. Душман бирлик, ҳамжиҳатлик ипининг учини йўқотиб, шошилиб қолди. Бироқ шундай оғир ҳолат юз берганига қарамай,

бадкирдор Анушахон кечгача жанг майдонидан нари кетмади. Кечки намозни ўқиши учун уруш тұхтатилғач, Хоразм шохи ўзининг бахтсиз тақдирига монанд кечанинг қоронғилигидан фойдаланыб, ўзига қарашли давлатмандарни ҳам, ночор камбағалларни ҳам асирга туширгандек, фарзинбанд қилиб, филнинг шафқатсиз юриши билан мот этиб, яъни чорасиз бир ҳолатни юзага келтириб, от суреб Хоразмга жүнади.

БАЙТ

Кимгаким ақлу фаросат ганж эрур,
Оlam анга арсайи шатранж эрур.

Бухоронинг бир қанча бой ва камбағаллари, разил, пасткаш одамлари ўз ватанларидан воз кечиб Зарга олиб борувчи йўл билан Урганжга жўнадилар.

БАЙТ

Зафардан бул хабар келди, сурур келди,
Қоронгу дилга пар-пар ёғду, нур келди.

Бу ажойиб, порлоқ, шукуҳли ғалабадан кейин, шу соатнинг ўзидаёқ яхши фазилатлар соқиби саховатли Субҳонқулихон уммондек қалби ва жавоҳирлар сочувчи қўли билан ҳамма жангчиларга совға-инъомлар беришга амр қилди. У ўз хизматкорларига подшоҳ қўрасидаги отларнинг жиҳозлари, асбоб-анжоми, қимматбаҳо тошлилар қадалган югани билан, гилофи тиллакори шамширларигача инъом қилди, баҳодирларга фарангни духоба-бахмалдан тикилган чакмонлар, турли рангдаги шохи кийимлар, ҳисобсиз пуллар совға қилди.

Ҳақиқатан ҳам хон тарқатган беҳисоб тортиқларни баҳор булути фаҳм-идрок эта олса эди, уялганидан кафтини пешонасига қўйиб, осмондан дурлар тўкмоқни тўхтатган бўлур эди. Агар Бадахшон кони подшоҳнинг инъоми, армуғонларидан воқиф бўлиш, фаҳм этиш қобилиятига молик бўлганида эди, Искандар сингари ҳасад-рашк кучидан лаъл, ёқут ўрнига қалвидаги қон зарангдек қотиб қоларди.

БАЙТ

Хон иғъом айлади меъёрдан ортиқ,
Этди от-улову яроқлар тортиқ.
Ҳадия олганлар хондан, аввало,
Таъзим бажо айлаб, қилдилар дуо:

"Эй худо, севимли бул сахий подшохни
Шафқатли, раҳмдил олампаноҳни
Токи келмагунча қиёмат замон,
Бало-қазолардан асрагин омон".

УЧИНЧИ МАҚОЛА. ХУДОНИНГ СОЯСИ АЪЛО ҲАЗРATЛАРИ — СУБҲОНҚУЛИХОН ЗАМОНИДА ЮЗ БЕРГАН ВОҚЕАЛАР

БАЙТ

Безабон ўз нутқини, айблаб оғоз,
Нуктадон, оқил, донишманд айтди роз.

Улуғ мартабага эришиб, иқболу давлат майидан сархуш булиш ва қуёш каби порлаб нур сочиб туриш, дўстлар, улфатлар билан бирга бўлишнинг замирида олам-олам маъно бор. Улуғлик амалига эришгач, хоҳлаган ишингни қиласан, хоҳлаган нарсангни буюрасан, фармони олий чиқарасан. Салтанат майи косасини қўлингта олгач, жаҳонни идора қиласан, ҳукмронлик шаробидан сархуш булиб фармон берасан. Бундай вақтда курсандчилик, севинч, баҳтиёрлик эшиклари сен учун ланг очилади. Бироқ бу лаззат ва шодликнинг ичидаги мажаролари, ғавғолари, аччиқ қалампири ҳам бўлади. Бу ҳол Xожақули руҳиятида яққол кўзга ташланади. Унга фирмавсмонанд Самарқанд ҳокимлиги совға қилинганидан кейин, кўзини шира босиб, хонга кўрнамаклик, нонкўрлик қилди, мағрурлик, такаббурлик, кибр-ҳавони ўзининг фалокат хотири лавҳаларига нақш этиб, Анушага ҳамроҳ булиб Урганжга кетиб қолган эди. Ҳижрий 1097, мелодий 1686 йилнинг баҳор пайтида пардозловчи хотин баҳорнинг азалий дилрабо, ғоят гўзал, қалбни мафтун этувчи янги келинчагини қирмизий тусдаги қизғалдоқлар, мевали дараҳтларнинг субҳидамга монанд, оппоқ гуллари билан безаб турган бир вақтда даврнинг юз минг кўзи очилиб наргис (гул)га ҳамма ҳавас ва завқ билан томоша қилиб турган бир чогда, Қуръонда: "кўриш қобилиягининг борида, кўзининг очиқлигига ибратли насиҳатларга қулоқ сол, бас, ақлинг борида ибодат қил,"— дейилган сўзларга амал қўлмай хонахароб, ярамас Xожақули ҳамма малъунлар, жами иблисларга кафиллик бериб, бош булиб, карвонбошилик қилиб, Сарв ойининг (22 апрелдан 21 майгacha, Шамсия йил ҳисобида иккинчи ойнинг номи) охирида, саркаш, ўжар ҳўқиз каби халққа озор бериш учун Урганждан йўлга чиқди.

БАЙТ

Тагин юзи қора ул қайсар душман
Сипоҳлар тўдасин жунбушга солди қасдан.

Улуғлик ва обру жиҳатидан хулафо монанд, худонинг сояси аъло-ҳазрат Субҳонқулихон бу хабарни эшитгандан кейин ғазаб оловида лов этиб ёниб, Балх, Бадахшон ҳокимлари, Андижон ва Туркистон саркардалари жуда катта қўшин билан Бухорога келиб, пойтахтни душмандан ҳимоя қилишга ёрдам беришлари учун фармон чиқарди.

Шундан сўнг соҳибқироннинг чопарлари, сипоҳлари жами шаҳарларда аскарий гуруҳлар тузилиб, саодатли ҳазрат ҳузурига даста-даста қилиб жўнатилаётганлиги ҳақида хабар қилдилар.

Балх ва Бадахшондан Биринчи гуруҳ қуёшга монанд шамширининг ёғдусидан жанг майдони ёришиб кетадиган, қиличининг юзи ойнасидан кўнгил кўзи билан фақат ажойиб ғалабанинг гўзал шуъласини кўра олган Муҳаммад Сайдхожа нақибга ухшаш сардорлар келиб, Искандарнишон шоҳ ҳузурида тўхтадилар.

БАЙТ

Сайиидларнинг наслида бўлмагандир ҳеч қачон
Бунингдек шижоатли, жасоратли паҳлавон.

Фўлодият (Пўлодий)² деган жойда Муҳаммад Сайдхожа нақиб билан баҳодир хоразмликлар орасида бўлиб ўтган ҳайратомуз жанг воқеалари қалам билан ихчам, гўзал, мазмундор қилиб ёзилган қўйида, Насафда юз берган воқеалар ҳақида гапирганда, баён этилади.

Жасорат ва баҳодирликда чангальзор шерини армонда қолдирган, дадиллик, довюраклик ва журъатда саҳро йўлбарсидан афзал ва устун бўлган, базм ва зиёфатларнинг нури, Хоразм шоҳи билан бўлган жангларда қайси тарафдан зарба беришни яхши билган урушнинг билимдони, сulton давлатининг қудратли таянчи, яъни иккинчи Рустам иккинчи Маҳмуд деб ном олган Маҳмуд парвоначи қатоғон дўрмонлардан ташкил топган Балх лашкари билан этиб келди ва хон бўсағасини ўпиш шарафига мусассар бўлди.

Билимдонликнинг Мисри, олдиндан воқиф бўлиш Шомининг ҳаммоли, ҳамиша яхшиликни қидирган замзам қудуғига лабини қўйиб сув ичиб ўзини жасорат шарбати

билин бахтиёр этган улуғ хожа Мұҳаммаджон жуда катта лашкар билан амирлик паноқига етиб келди. Унинг келиши, олижаноб қалби, айниқса, Қарши халқига қувонч ва шодлик багишлади. Мұҳаммаджон хонга нисбатан ҳамма хусуматларини, гүё ҳәётида ҳеч нарса юз бермагандай, унугиб, дүстлик ҳисси билан тұлиб-тошиб, меҳр ва шафқат билан Маккага зиёратта келган, ҳаж ибодатхонасига киришни истаган кишидан хилофот сингари құдрат ва катта обру-эътиборға эга бўлган хон ҳазратлари (Субҳонқулихон) остонасида хизмат қилишни ўзига шараф деб ҳисоблади. Шу боис у хон ҳазратлари ҳузурига кириш бахтига мұяссар бўлди.

Тез орада шунчалик кўп музaffer қўшин жамлангандики, шу пайтгача осмон сингари жанг майдонини тўлдирган лашкарни, кечаси ҳам, кундузи ҳам ер юзи саваш майдонига айланганилигини, моҳир чавандозлар минган, кўкка сапчиган асов отларини, бедовларини ҳарб майдонига шунчалик кўп, ҳисобсиз шонли жангчи эрларнинг йигилганиликларини фалак ҳам кўрмаган эди. Хон ҳазратлари ўз ихтиёридаги шунчалик кучни — келаётган ёрдамларни, қўшинининг ҳарбий салоҳиятини, беҳисоб лашкарга эга бўлаётганилигини Яратувчининг илтифоти, меҳр-шафқати деб билар эди.

Музaffer қўшиннинг ҳаммаси жам бўлгандан кейин, хон амирлари, аъёнлари ва акобирларига оқ кўнгилик билан меҳрибонликлар кўрсатиб, кенгаш ўтказди ва бадбахт душман билан жанг қилмоқ учун қуръа ташлади. Маҳобатли аъло ҳазратларининг таҳти супачасидан жой олган хизматкорлари душман билан жанг қилиш ҳақидаги ниятларини яқдиллик билан хонга билдирилар. Шундай бир пайтда хон ҳазратлари томонидан эҳтиёткорлик юзасидан Самарқандга юборилган Шоҳбекхожа хонга хиёнат қилиб, Анушахон томон ўтди ва унга бўйсуниш жабдуини (жулини) устига олди.

У онҳазратларининг қоронгиликни суриб ҳайдовчи меҳр қиличи улуғ ва шарафли Оллоҳ ёрдами билан ёвнинг замон ойнаси юзига ёпишган такаббурлик, димоғдорлик ва кибру ҳаво зангини қириб, ажратиб ташлашини ва қайтадан ўзининг олампаноҳ лутфига, бир хизматкор қул сифатида, муҳтож бўлишини билмасди.

Бинобарин, юқорида баён этилган Жамшид монанд лашкарлар, баҳодирларнинг уруш оловини ёқувчи кенгашидан кейин, Хўшикабий юз баҳодир йўлбошчилигига душман йўлинин тўсиш ҳақидаги қарорга келдилар.

Сипоҳлари билан хон зўр бир машварат ёпди,
 Ҳам қўшин, ҳам хон бундан жуда кўп фойда топди.
 Агар Ҳўшика ботир жангта кирса бу сафар,
 Умид шул, қўлга киргай албатта фатҳу зафар.

Мазкур баҳодир хон фармонини амалга ошириш учун Ҳўшика баҳодир ўзи билан бирга яна бир нечта амирларни олиб, бу зарур ишни бажаришга киришди.

Урганжий йўлбарсдек феъл-хўйга эга бўлган шердил Ҳўшика юзнинг келганлигидан хабар топиб, қўрққанлигидан кийик сингари саҳро томон юрди, тулкига уҳшаб найрангбозлик билан йўл юриб, одамларга қуён уйқусини бериб алдаб фирмавсмакон Самарқанд томон юз бурди. Шу аснода йўл босиб бораётган бир пайтда у Нур қалъасига рўбару келиб қолди. Мазмуни: "Ан-нур фи-с-саводи" (Нур қоронғиликда билинади). У мулоҳаза юритиб, бу қалъя ўрмон шерлардан холи бўлса керак, зеро фириб бериб бу қўргонни қўлга киритсан бўлади,—деб гумон қилди. Бу пайтларда Нур қўргонини бошқариш Термизбек Жалоирыйга насиб этган эди. Уни хунрезликда — қон тўкишда "Жасорат осмонининг Баҳроми"— дер эдилар ва зўрликда "шижоат, баҳодирлик майдонининг Рустами" ҳисоблар эдилар. Мардлар ўрмонининг бў шери қари бўрининг тулкидек фириб бераетганлигини кўриб, шамшири тифини худди Хитой паричеҳраларининг лабидан ўпгандек ўпиб, ўт ёғдирувчи найзаси билан, гўё ошиқларнинг қонли кўз ёшини тўкувчи адоватли бир нигоҳ билан савашмоқ учун шиддат ила жангта отланди.

Бу дафъа ҳам ўз ниятига эришолмаган у ғаламис қалин чангалзордан чиқиб, йўлга тушиб, тез жўнаб қолди.

Хуллас, Анушаҳоннинг Самарқанд томон юриш қилганлиги ҳақидаги хабар Субҳонқулихонга етди. У дарҳол чопқир отига миниб, Кармина томон жўнади. Хон бу маконга етиб келгач, катта қўшин йигилганидан кейин, ҳамма улуғ амирлар билан маслаҳатлашиб, жамланган жанговар, музaffer лашкардан ўзига ишониб, зафар байрогини баланд кутарган, номдор, энг яхши, сараланган қўшинни ажратиб, қайси бирини қайси вилоятга юбориш хусусида қатъий, ўзгармас фармон чиқарди. Мартабаси баланд зодагонлар, ҳурматга сазовор ақлли кишилар, саркардалар қўлларини баланд кутариб, марҳаматли Оллоҳдан лутф кўрсатиб ғалабани инъом этишни сўраб, илтижо қилдилар. Одамларнинг илтижо билан қилган ибо-

датларини худонинг қабул қилишига ишонган шоҳнинг меҳрибон кўнгли ёришди. Шундан сўнг Субҳонқулихон амирларнинг хон ҳозир пойтахтда бўлиши зарур эканлиги хақидаги маслаҳатларини қабул қилиб, самимий қадамлар билан исломнинг маскани Бухорага жўнади.

Бухоро ҳалқи хоннинг Бухорага қайтишидан ниҳоятда хурсанд бўлиб, ажаб бир кайфият билан қўйидаги шеърни уқидилар.

БАЙТ

Сен кетгач, қолмаганди дилларда ором, ҳузур,
Келдингу дилимизга тўлди қувонч ва сурур.
Лутфу марҳаматингта минг бор шукр, Оллоҳим,
Гўё Каъбага қайтиб келди тагин Иброким.

Ҳазрат (Субҳонқулихон) адолат тахтига улуғворлик билан ўтириб, подшоҳликнинг олий ҳимматини (эътиорини) лашкар учун қурол ҳозирлаш, ҳалқа ғамхўрлик қилиш, имкони борича, жабрдийда бева-бечораларга ёрдам қилиш ила машғул бўлди. Шунингдек, у парда орқасида туриб, воқеани қандай ҳал бўлишини сабрсизлик билан кутаётган номаълум кишиларни ҳам сабр ила кузатар эди.

БАЙТ

Келиб дуст остонига магрур бошим эгтан эдим,
Кўр бўлсан-да, умидга интизор кўз тиккан эдим.

Хон йўлда эканлигига, Одил мирохур минг хоразмий-ликларнинг бостириб келаётганилкларини эшишиб, узига қарашли Кармина ҳукуматининг қўргони душман қўлига ўтиб кетмаслиги учун қўргон деворларини ва минорасини мустаҳкамлаб, жангта тайёр бўлиб турди. Хоразмийликлар қўргонни қўлга киритмоқ учун ҳар қанча ҳаракат қилсалар ҳам, бироқ ҳатто даричадан ҳам уларнинг истаклари ўз юзини кўрсатмади, аксинча мазкур мирохур қалъадан чиқиб, уларнинг бошқаларга ҳам зиён етказмаслиги учун, чопқир қиличининг тифи билан ғанимларнинг адабини берди, жазолади. Бу баҳодирнинг жасорати, ақл билан қилган ҳаракати шу вилоятда истиқомат қилувчиларни: "Ўзларини муҳофаза қилолмадилар," — деган бадномликдан кутқарди.

БАЙТ

Қай қавмнинг ишлари Оллоҳга манзур токим,
Ато этадир унга одилу оқил ҳоким.

Хоразмлик Анушахон отининг бошини Самарқанд томон бурганда, ўзидан олдин жуда кўп ваъдалар битилган хатни сўз устаси-элчи орқали Самарқандга жўнатди. Самарқандликлар Анушахон билан жанг қилмоқ учун етарли куч-қувватга эга бўлмаганликларидан улар кенгаш қонуни куйини созладилар, чангда касални даволаш торини чалдилар, аммо турли-туман товушлар ичидан ўзларининг қутқариш пардалари оҳангини тополмадилар (яъни қийинчиликни енгиш иложини, йўлларини топишга ожизлик қилдилар), чунки улар бегона лашкарнинг жабр-зулми таъмини ҳали тотиб кўрмаган эдилар. Шу боис улар аччиқ кўз ёшларининг хилват жойларда, бурчакларда тўкилишини истамай, ўлим ваҳимасидан қўрқянларидан ажал шарбати билан лабларини ширин қилиб, гузал ва ёқимли сўзлар билан у юзи қора хоразмлик Анушахонни Самарқандга таклиф қилдилар.

Душманлар самарқандликларнинг сўзларидан уларнинг ўзларига нисбатан дўстона муносабатда бўлганликларини билсалар ҳам, Хиёбонга киришлари билан ўзларининг шайтон яловига ўхшаш байроқларини осиб қўйдилар: Бутун атрофда, ҳамма жойда Чўпонотанинг этагигача талонторож, ўғирлик оловини ёқдилар.

БАЙТ

Гуё яъжуж-маъжуҷлар сайр этгандек кўҳи Қоф,
Чўпонотани айланиб ганимлар айлашиди тавоф³.

Самарқандликлар Анушахон томонидан қилинган бундай талон-торожни ва қўпол ҳаракатларин ўз кўзлари билан кўрган бўлсалар ҳам, ноchorлик ва ноиложликдан мамнуният билан Самарқанд дарвозаси калидини унга топширдилар ва каттаю кичик иттифоқ бўлиб, эшик ва даричаларини очиб, Анушахон лашкарларини киритдилар.

БАЙТ

Гар бўлмаса ўрмонда жасур эркак шер,
Шагал кириб келади ўрмонга далер.

Хуллас, тоза, тиниқ дур ўрнини дағал, ҳеч нарсага арзимайдиган, арzon чиганоқлар эгаллади. Анушахон Самарқандга кириб олгач, мусулмонларга жабр-зулм дарвазасини очди. Хўшикабий хоразмликларнинг бу ҳаракатидан хабардор булиши билан газаб оловида ёниб,

тоқати тоқ бўлди, алам, ҳасрат тутини уни чулғаб олди,
осмон бошига ағдарилиб тушиб, гўё ўзини тамом бўлгандек
ҳис қила бошлади.

Бир неча муддатдан сўнг у қаддини найза каби ростлади, камон сингари ўз белини маҳкам боғлаб, ваҳимани бир бурчакка улоқтириб ташлади, дўстларга лутф ва меҳрибонлик кўрсатган олампаноҳга катта илтижо, ва ўтинч билдириб, бутун диққат-эътиборини, хаёlinи душман билан жанг қилмоққа қаратиб, қуийдаги байтни эслатди:

БАЙТ

Сенга камондек хизмат қилмоқни эттандим ният,
Белда қувват бор экан то хизмат қилурман албат.

Ҳазрат (Субҳонқулихон) ҳам банданавозлик шартлари, қоидаларига амал қилиб, лашкарларидан ғолиб, енгилмас бир гуруҳни Ҳўшикабийга ҳамроҳ қилиб, уни душман билан жанг қилишига рухсат этди. Мазкур баҳодир галамис, фитначи душманнинг исёнини бостириши ўз вазифаси деб ҳисоблаб, дарё мавжига монанд бирин-кетин бораётган сипоҳлар гуруҳларини бошлаб, Дабусия қўрғонига кириб келди. У коразмликлар билан жанг қилиш учун барча эҳтиёт чораларини кўрди, қалья деворларини, минораларини мустаҳкамлаб, душман билан урушмоққа тайёр бўлиб турди. Самарқанд мулкининг келини Анушахон ҳеч қандай хижолат тортмай, уялмай юзидағи пардасини олиб ташлаб чеҳрасини очди. У энди ўзини бахту иқболга эришган, зафар қучган хон ҳисоблаб, қалби Кеш томон юришни истаб қолди. Анушахон ҳали Самарқанддан чиқишга улгурмасдан унинг келишидан вақти чоғ бўлган бир гуруҳ одамлар, ўша ярамас, ичи қора, қўрқмас Бекқулий бошчилигидаги золим кимсаларга қўшилиб, Шаҳрисабздан унга пешвоз чиқдилар ва шаҳарга олиб кирдилар. Шаҳарнинг таниқли кишилари, улуғлари, ако-бирлари тепаликка чиқиб каттаю кичикка, донишмандлардек, баланд овоз билан қуийдагича насиҳат қилдилар.

БАЙТ

Ёв лутфу яхшилик-ла шаҳарга киргай аввал,
Сўнг жабру зулмин кўриб бўлгайсан ўсал.

Андишани унугтган, нотавон, сусткаш кимсалар душманнинг ширин сўзларига алданиб, шаҳарнинг акобирлари,

таниқли кишиларининг берган маслаҳатларидан узоқлашдилар, насиҳатга қулоқ солмадилар. Шаҳарнинг шарафли одамлари, акобирлари ҳам қийин аҳволга тушиб қолдилар, шу боис тепаликдан тушиб, хоразмликлар олдида икки букилиб, бошларини ерга тегизиб ҳасрат ила сўзладилар:

БАЙТ

Истилочи шаҳарда турса мубаққат,
Фуқаронинг шўриш, кулфати фақат.

Улар вақт гилами устидаги хоразмликлар ўйини абадий эмаслигини, бу ўйинларнинг қум устида чизилган нақш ёки сароб эканлигини, яхшиликлар соҳиби (Субҳонқулихон) давлатининг ҳали барқарор, мустаҳкамлигини, у яна қайтиб келишини англамас эдилар.

Ишнинг оқибатини ўйламай, ҳовлиқиб, гафлатда қолиб, душманга итоат қилғанликларидан хижолат тортиб, қийин аҳволга тушиб қолган ўша одамлар хоразмийликлар жўнаб кетгандан кейин, уялганликларидан ўзларини қаерга қўйишларини билолмай, гўё юрмак учун ҳавога кўтарилиган шахмат донаси аҳволига тушиб қолдилар.

Хоразмлик (Анушахон) Самарқанд ва Шаҳрисабзни олгандан кейин Қаршининг шавкатли, жасоратли одамлари, суффа аҳли сингари, жума куни Насафнинг жомеъ масжидига йиғилдилар. Бу йиғилишда катта иззат-ҳурматга сазовор бўлган эҳтиром соҳиби, ўз замонининг таянчи, ҳужжати, жасоратли эри Шайхулислом Мирзохонхожа иштирокларида ҳалқ: "Танимизда жонимиз бор экан, давлатнинг қонуний ворисига содиқ ва фидокор бўлиб қоламиз,— деб қасамёд қилдилар. Анушахон Қарши шаҳри аҳолисининг ўз хонига нисбатан шу қадар содиқ, фидокор эканлигини билгач, шаҳар дарвозасини жанг қилиш билан очиш имконияти йўқлигини англади. Бу уддабурро (Анушахон) қаршиликларга олам-олам ваъдалар битилган мактубни, чор-ночор, файриихтиёрий равишда, күштакаллум, ширинсухан, хушомадгўй элчилар орқали Қаршига жўнатишга қарор қилди. Бироқ унинг мақсади, орзулари Қарши шаҳри аҳолиси томонидан ҳам қўллаб-қувватланмади. Бунинг устига-устак, айғоқчи, жосус элчилар ҳаёт билан хайрлашиб, фано томон йўл олдилар—қатл қилинди. Бу воқеа юз бергандан кейин бирон тирик жон, шу масала юзасидан, Қарши аҳолисига юзма-юз бўлмади.

Шундай бир вақтда халифа янглиғ қадр-қиммат, эътиборга молик бўлган Оллоҳнинг ердаги сояси Субҳонқули-

хон ҳазратлари Анушахон мактубидаги ваъдалардан ёғилаётган макр ёмғирига маҳлиё бўлган қози Бадеъ мабодо душманнинг Қарши устига бошлаб келмасмикан, деган хаёлни фикридан ўтказиб, қалбида қўзғолган бу сирли илҳом боис, уни давлатхона остонасига чақириди. Ҳақиқатан олампаноҳнинг каромати рост бўлиб чиқди. Қози Бадеъ бидъатнинг (б) қарфини ўз номи бошига қўйиб, диёнатнинг (д) қарфини ўз гарданидан соқнти қилиб, улоқтириб ташлаб, урганжликни жону дили билан қабул қилиш учун аҳд-паймон қилиб, у билан иттифоқ бўлиб, унга хат-хабарлар юбориб турарди. Унинг хатининг мазмуни қуидагича: "Ануша давлатининг товуси Самарқандликлар базмида жилва қилиб турар экан, унинг менга миннатдорчилик билдириши, суюнчилари табиатим тұтиси жон комини (танглайи, оғзини) ширин қилолмайди. Агар муборак зот Хоразм шоҳи саодат, бахт ҳумоси сингари менинг бошимга ҳам соя солса, мен ўз кўнглим қушларини бошқаларнинг берган инъоми, совғаси домига ташлаб қўймасдим, Анушахоннинг давлатхоҳлик шартларини тўла бажарган бўлур эдим".

Қози Бадеъ шундай бемаъни, беҳуда орзу-умидлар билан гарқ бўлиб турган бир вақтда, Одинамуҳаммад чуҳраогаси туркман қозини адолат қибласининг даргоҳи, подшоҳ арки бўсағасига ҳозир бўлиши ҳақидаги олампаноҳнинг фармонини келтирди. Қозида бу фармонга бўйсунишдан бошқа иложи қолмагандан кейин у шошилинч равишда онҳазратларининг осмонмонанд саройига қараб йўл олди.

Мовароуннаҳрнинг барча гулзорлари хоразмийлик (Анушахон)нинг зулм ва ҳақсизлик тиканидан тозалангач, қози Бадеъ хоннинг ҳалок этувчи қаҳр-ғазаби дарёсидан жонини сақлаб қолиши ва тирикликнинг нажот соҳилига чиқиб олмоқ учун ҳисобсиз поралар берди, барча мол-мulkи унинг гуноҳлари устини ёладиган чойшаб бўлди, шу аснода хоннинг бадҳоҳлик таҳдидидан қутулди.

Шу пайтда амирга қарашли бўлган Қарши ҳукуматига Жувонбий оталиқ ҳокимлик қилар эди. Унга ўхшаган ҳукуматни безайдиган адолатли ҳукмдор бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Унинг оддий қалби тозалик борасида ойнадек эди, йўқ ойна эмас, балки жаҳонни ўзида акс эттириб турган жом эди. Шу боис унда ҳар қандай кишининг ҳолати-руҳияти намоён бўлиб турарди. Унинг қалб ойнаси порахўрлик ва бирон буюм эвазига сотилиш доғлари билан ифлосланмагани сабаб, бирор-бир масаланинг асосий моҳиятини аниқлаш борасида чин билан ёлғонни мусаффо

тонгдек фарқ қиласы эди. Бу адолатли баҳодир ҳам қози Бадеънинг мақтовга арзимайдиган ҳаракатларидан хабардор бўлиб қолиб, унинг умид хирмонини қаҳр-ғазаб олови билан ёндиришига озгина қолди.

Ҳа, донишмандларнинг айтишларича, коинотга зеб бериб, ёритиб турган олам ойнаси (қүёш)ни этак билан ёпиш мумкин бўлмаганидек, давлат ишларини олдиндан кўрувчи ақлли, ишбилармон вазир бўлмаса, оламни забт этиш учун ўткир шамширлари билан жангта кирган баҳодир эрлар ҳам саваш майдонида шон-шарафга эришолмайдилар, қалам билан мўжизалар яратувчи дўстликни ҳам тарғиб этиб бўлмайди.

Оллоҳнинг хоҳиши билан тақдирда олдиндан белгилаб қўйилгани сабаб, ислом манзили — Бухоро ҳукумати таҳтига ўтириш ва уни бошқариш худонинг ердаги сояси ҳумоюн ҳазратлари (Субҳонқулихон)га насиб этгандан кейин, олампаноҳ вазирликка тааллуқли бўлган ҳамма ҳужжатларни, қоғоз ва дафтарларни энг тажрибали мирзоларга, ислом динининг улуғвор ҳимоячилари бўлган, эл-юрт орасида катта хурмат қозонган таниқли олимлар; Мирзо Абдулбоқи девон ва Мирзо Ризо дафтардорларга топширди. Келинларни пардозловчи қандайдир бир аёлнинг иши натижасида гузаллар сочи паришон бўлганидек, тартибсиз бир ҳолатга тушиб, одамлар қаддини буқкан ҳаёт бу одамлар қаламининг аралашуви билан изга тушди. Шу даврнинг одамлари айрим мирзоларнинг пешонаси ажинидан акс этиб турган золимлиги, адолатсизликларидан ноилож қолган эдилар. Энди улар бу икки эрнинг қаламидан томаётган, Исонинг мўжизакор нафасига молик бўлган ҳақиқат доруси билан соғайиб кетдилар. Бу икки эр тақдирининг Сухайл юлдузи Яман устида чиққанлиги боис, баҳтлари очилди. Улар мамлакатнинг бошқариш юганини ўз қўлларига олишлари билан онҳазратларининг давлати камолот даражасига эришди, яъни баркамол, бекаму кўст давлатга айланди. Уларнинг шукуҳли қаламидан тўкилаётган ширин сўзлари билан Мовароуннаҳр гулхонаси суғорилиб турилган бир пайтда, мамлакатни идора қилиш боғида янги-янги гуллар пайдо бўлиб, подшоҳлик гулхонасини беназир, тенги йўқ чаманлар билан тўлдира бошлади.

Онҳазратлари ўзларининг оламни бехато акс эттирувчи мусаффо фикри, тафаккури билан Мирзо Абдулбоқи жуда катта қобилият соҳиби эканлигини, у вазирлик вазифасига қўйилган талабдан кўра кўпроқ фаолият кўрсатаётганлигини кўрди. Шу боис хон унинг ша-

карқамишдан ясалган қалами билан хонликни безатаёт-гандыгини ҳисобга олиб, оламни забт этувчи қилич билан мукофотлади, қаламкашлик соҳасидаги юксак истеъоди учун унга яна бир шамширни қўшиб берди. У энди, хон хизматкорлари, улуғ амирлари утирсалар ҳам, турсалар ҳам, уларнинг орасида бўлиш шарафига эришди.

Ёвуз ниятли, бадкирдор ҳасадчиларнинг фийбати, бўхтони боис Мирзо Абдулбоқи девон ҳам, Мирзо Ризо дафттар ҳам обруйсизлантирилиб, мансабларидан туширилди. Улар бадном бўлиб, кучсизланиб қолганларидан сунг тақдир тақозоси билан ўз лаш-лушларини йифиштириб, ёлғиз яшашни афзал куриб, хилватхонанинг бир бурчагини қароргоҳ қилдилар. Хон вазирликка алоқадор бўлган ҳамма ҳужжатлар, рўйхат дафтарини девсифат, ёввойи ҳайвонга монанд пасткаш, қабиҳлик, ҳақсизликнинг соҳиби, тутқич бермайдиган чапдаст Мирзо Бекларга берди. У бахт келтирувчи қақнуснинг кузги уйига жойлашиб олгандан кейин, бадбахт, толеи паст фуқаролар учун жазо дарвозасини, одамларни хонавайрон қиладиган ҳисобсиз солиқлар эшигини очиб қўйди. Унинг мана шундай жирканч, нафратга лойик ҳаракатлари боис фуқароларнинг ёруғ кунлари қоронги кечага айланди. Лашкарнинг қувончи, курсандчилиги ҳам тез ва жуда узоқ вақт йўқолди. Мусулмонларнинг ноchor аҳволи ҳақида сўзлаш девон сардори хожа учун худди афсунгарнинг ялиниб деворга гапириши билан баробар эди. Чунки унинг нохуш қаламидан сув ичиши лозим бўлган, унга тобе Мовароуннаҳр чаманзоридаги давлат шундай аҳволга юз тутдики, парокандаликдан жонсарак бўлиб, темирчининг қўрасига тушиб қолган беқарор симобдек, сувсизликдан қовжираётган экинлардек, ҳалокатнинг ёқасига келиб қолди.

Одамлар унинг ёзган фармонлари асосида жуда кўп солиқларни тўлай бошлаганлари оқибатида қийин ва танг аҳволга тушиб қолиб, қибланамо (қутбнамо-ер шари қутбларини кўрсатувчи компас — Ж. Э.)нинг мили сингари ўзлари туғилиб ўсган юртларида тентираб, сарсон-саргардон бўла бошладилар. Ниҳоят, улар ҳаддан ташқари ноҷорликдан сабр косалари тулиб, ноумид қўлларини кўтариб, Яратувчига илтижо қилиб дедилар:

БАЙТ

Ул золимдин бошимизга ёғди чексиз гам-алам,
Ё худо, дастини кес ҳам айлагил бошини ҳам.

Бинобарин, бир неча кун ўтмасдан халқнинг беҳад ибодатлари ижобат бўлиб, худо томонидан қабул қилинди. Қабиҳ хатти-ҳаракатлари боис у шармандаю шармисор бўлди, иснодга қолди, у эккан дараҳтлар ёмон мевалар бера бошлади, ерга ташлаган ёлғон сўзларининг уруғи бузила, ҳатто чирий бошлади. Унинг ишдан четлаштирилиши мусулмонларнинг зўр қувончига сабаб бўлди. Шу боис аслзодалар ҳам, оддий одамлар ҳам, тинчib, таскин топдилар. Умид борки, яхши кишиларнинг ашаддий душмани бўлган бу иккинчи Абу Жаҳлнинг¹ қазосидан кейин дўзахийлар ҳам унинг ўлимидан огоҳ бўладилар. Жаҳаннамнинг азалий фуқаролари: Абдураҳмон ибн Мулжам² ва совут кийган Шимр³ бирга унинг мотамига кела-дилар. Улар бадбакт, баттол Мирзобекларни куйдириб кул қилиб, ном-нишонсиз йўқ қилмоқ ниятида биронта маҳлуққа жаҳаннамнинг қовжираб келган дараҳтларидан юклаб, шунинг билан бирга, тутантириқ учун бир лангар (Бу ўринда катта табақ маъносида — Ж. Э) чўғ олиб келишни Язид ибн Муовияга буюрадилар. Дўзахийларнинг ҳар бири беклар ҳақида ҳарорат билан қўйидаги сўзларни айтади:

БАЙТ

Яхшиларнинг душмани, сенга булсин минг лаънат,
Сендек қабиҳ ёвуздан худо асрасин фақат.
Оллоҳ иродаси-ла мен фол очганим пайтда,
Беклар ҳоли намоён бўлди ушбу қўш байтда.

БАЙТ

Дузахларнинг соҳиби лаънатлаб деди они:
Сен — иккинчи Дажжолсан⁴, гуноҳларнинг сарбони.
Етти қават дўзахга нақш айладинг сўзингни,
Гар кечикдинг, аммо дастлаб ўтга отпил ўзингни.

Энди насл-насаби жиҳатидан асли Мұхаммад пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламнинг гулистонида етилган, боғнинг гули бўлган Мұхаммад Сайдхожа нақибининг фаолиятини- ҳикоя қилиш вақти келди. Унинг хусусидаги ҳикоянинг мазмуни қўйидагича: Анушаҳон Самарқандга киргач, у исён байроғини янада баландроқ кўтарди. У энди тўрт минг сипоҳдан иборат бўлган ўзининг баттол, ҳақри қаттиқ одамларига Касбий⁵ ва Косонга бостириб кириб талон-торож қилиш ҳақида фармон берди. Анушаҳоннинг кўрсатмасига мувофиқ унинг кишилари мусулмонларни

шилмоқ, таламоқ учун йўлга тушдилар. Шу пайтда ёғийнинг баттол гуруҳлари қароқчилик қилиб, халқнинг мол-мулкини зўрлик билан тортиб олиб, талон-торож қилаётганилклари ва ҳеч қандай тап тортмай, беспарволик билан ҳамма ерда ўз ҳукмларини ўтказаётганилклари ҳақидаги хабарни олампаноҳга етказдилар. Бу воқеадан огоҳ бўлган хон мазкур ишни бир ёқлиқ қилмоқни улуғлик ва бахтнинг гули, мақтовларга лойиқ Муҳаммад Сайдхожи нақибга топширди. У бу хатарли ишни даф қилмоқ учун, жуда катта журъат билан, гижинглаган учар оти тизгинини душман томон буриб йўлга тушди.

Пўлодий қишлоғи Баҳромга монанд қасоскор лашкарларнинг қароргоҳига айлантирилгач, онҳазратларининг сипоҳларидан бири Муҳаммад Сайдхожа нақибга бадбаҳт душман беҳуда хаёл ва ўйларга ғарқ бўлиб, хон қўшинлари билан жанг қилмоқ мақсадида яқинлашиб келиб қолганини хабар қилди. Бундай хабарнинг овозаси хонни ҳимоя қилишга отланган нақибга етиб келгач, у икки юздан камроқ, бироқ фақат жасур баҳодирлардан иборат бўлган бир гуруҳ сипоҳлар билан Пўлодий қишлоғидан чиқиб душман йўлини тўсди. Ажал водийси кемасини эслатувчи бу саҳрова икки томон лашкарлари, темир кийимли тимсоҳлар сингари, саф тортилар. Эраж эшикоғабоши дўрмон, Ниёз қўрчибоши қатоғон, Жонибек чўҳрабоши қирғиз, Муҳаммад Мурод мирзабоши сингари баҳодирлар ва бошқа сипоҳлар ҳам қоплонлардек наъра тортиб, жангга кириб, ўткир, душман бошини танидан жудо қилувчи қиличлари билан қон тўка бошладилар. Шу ёруғ дунёда яшовчи кимсаларга охирзамон белгиларини, яъни кема сингари уммон қаърига чукиб бораётган коннотни — охират кунини курсата бошладилар. Ўзларининг чанқоқ шамширларини душман бошидан оқиётган қонлар билан суғориб қондирдилар. Оламни ёндирувчи найзаларини душман кўксига санчиб, уларнинг юракларида ҳам ажал оловини ёқдилар, камонларининг тез учар ўқлари билан душман кўксини тешиб роҳатландилар. Душман лашкарлари ҳақида гапирганда шуни эслатиш керакки, улар ҳам хон ҳазратларининг дубулғани ажал келтирадиган найзалари билан уриб туширишга қодир бўлган обдон кескир шамширлари билан бир зарбда тошни ҳам икки бўладиган қувватига эга музaffer лашкари ҳужумларини қайтариш ва ғалаба қозониш, ҳарб майдонидаги ташаббусни ўз қўлларига киритиш ниятида, имкониятлари даражасида, оёқларида мақкам туриб, жуда катта матонат илиа жанг қилишга ҳаракат қиласалар.

Шундай бир вазиятда Мұхаммад Сайдхожа нақибга ёрдам қилмоқ учун Нодирбий додхоқ ва Али Сайид эшикогабоши аргун¹ түрк жангчи гуруҳлари билан бирга музaffer байроқларини баланд кутариб, тұзғиб учиб юрган чанг-тұзонларини босмоқ ниятида булут ёмғир қуйғандек, чақмоқ чақиб, ёғду сочғандек, қуёш чиқиб, үз нурлари билан тун қоронғилигини тарқатғандек жадал етиб келдилар.

Шундан кейин, баҳтиқора, толеи паст душманларининг ҳамжиҳатлиги хитойлик гүзәлнинг соchlари сингари тарқаб, тұзіб кета бошлади. Оллоҳнинг марҳамати билан эсаёттан майин ёқимли шабада улуғлик гулхонасига кириб, шарафли хоннинг умид гулларини умрбод, мангу очилиб туришини таъминлади. Бу ҳолатни қуйидаги араб ибораси ҳам тасдиқлайды: "Кимки аввалдан она қорнида баҳтли бұлған бұлса, шу баҳтли бұлади!". Юракни қувонтирувчи ғалаба ва тантаналарнинг ҳаёт гулхонасидан таралаёттан ёқимли ҳиди қуйидаги сұзларға ҳам дахлдордир: "Худо яхши бүй-баст билан үстирди!". Бу жумлада Субҳонқулихонга яратувчининг меҳрибонлиги, марҳамати ифодаланғандир. Ёв аскарлари мусибатли оғатта дучор бұлған юзларини қочиш саҳросига бурдилар. Хон ҳазратларининг лашкарлари баттол душман саркардаларининг бошларни әгар қайшишига боғлаб олиб келиб, үз саркардалари Мұхаммад Сайдхожага күрсатиб, күз-күз қилиб, уннинг пойига ташладилар. Уларнинг қонға беланған маъюс калласи үз ақволларини баён этиб, қуйидаги сұзларни айтгандай бұлур әдилар.

ШЕР

Узангига осилди бошим,
Кетиб қолди толе аксига.
Калласидан ажраган лошим
Тушар әди ажал рақсига.

Шундан кейин, Мұхаммад Сайдхожа нақиб душман ҳақида үйлашни үз хаёлидан чиқариб, шу жойдаги қароргоҳыға қайта жойлашиб олди ва ғалабанинг боиси бұлған худога чексиз миннатдорчилік билдири, рақибининг ҳұжумини қайтаришда намуна бұлған жасоратли баҳодирларга совғалар берди, уларга лутф ва илтифотлар күрсатди.

Яна баҳодирлік ва жасоратнинг соҳиби сиғатида ном чиқарған, жанг пайтида ҳеч қачон шон-шуҳрат, мартаба,

мол-дунё орттириш борасида ўйламайдиган Нематулло хожа эшикогабоши ҳақида ҳикоя қилиш жоиздир.

Золим Анушахоннинг Миёнкал вилоятида ҳам исён оловини ёқсанлиги муносабати билан мақтовга лойиқ, шоҳ — Субҳонқулихон юқорида эслатилган хожа ҳақида фармон чиқарди. Фармонда кўрсатилишича, Нематулло хожа эшикогабоши ўзига тобе баҳодир аскарлар гурӯҳи билан бирга бутун қобилияти ва уддабаролигини ишга солиб, баттол душман исёнини зўрлик билан бостириб, уларни қириб ташлангандан сўнг бориб Дабусия қалъасида жойлашган мардларга қушилиши лозим эди. Шу фармонга мувофиқ катта жасорат соҳиби Нематулло хожа душман йўлини тўсмоқ учун отининг тизгинини тортиб, Миёнкол томон бурди. У душманинг баттол гурӯҳлари изидан қувиб бориб, Кармина канорасидаги Қорабоғ қалъасида етиб олди. Икки орада жуда қизғин ва даҳшатли жанг бошланди. Нематулло хожа олтин суви билан безатилган ярқироқ шамширининг ўткир тифи билан ёвузлар тўдасини қириб ташлади.

Шундан кейин, ғаним билан жангни давом эттириш ниятида бу ердан жұнаб, Дабусия қалъасига кириб борди.

Воқеа ва ҳодисалардан яна бир нохуш ҳолат юз берди. Ўзининг гузал ташқи кўриниши, ёқимли руҳияти ва поклиги, олижаноблиги жиҳатидан оламда тенги бўлмаган исломнинг одил шайхи Хожа Зикриё Анушахоннинг айёргалиги, мунофиқлиги ва бадкорликларини ўз кўзи билан кўргач, унинг бундай табиати Хожага жуда қаттиқ таъсир қилиб, худди Самарқанднинг мевали ниҳолига монанд жуда ёш қизларидан бирини истар-истамас, чор-ночор, қабиҳ Анушахонга берди, соф, мусаффо марваридни арzon чиғаноқ билан бир ипга тизиб, никоҳ занжири билан кишанлаб, шу ернинг ўзида баттол Анушахонга қушди.

Бу нохуш воқеа Мовароуннаҳрнинг ҳамма чаманзорлари душманининг азоб-уқубат тиканидан батамом тозалангандан сўнг: "Хожа Субҳонқулихонга хиёнат қилди" — деган гап тарқалишига сабаб бўлди. Шу боис Хожа Зикриё ҳам ўз табиати жиҳатидан қўрқоқ тўтига ўхшаб, бошини эгиб Ҳиндистон чаманзорларига қараб йўл олди. Йўлда ер остидаги қафасга кириб, сукунат дунёсида яшашни лозим топди, яъни ўлди.

Бинобарин, Анушахон Аҳрор² наслидан бўлган хожалар билан қариндошлишиб олганидан кейин, ўз атрофида бир-мунча одамлар тўдаси йигилганини кўргач, Ҳўшикабий оталиқ жойлашиб олган Дабусия қалъасига қараб йўл олди. Бу баҳодир журъат қадамларини дадил ташлаб, омонсиз

жангта кирди. Икки орада даҳшатли уруш бошланди. Оталиқнинг довюрак баҳодирлари қилич ва шамширларини қўлларига олдилар. Хоразмийликлар ҳам дубулғаларини бошларига кийиб, жуда катта ишонч ва матонат билан дадил одимлар ташлаб, ўз мухолифлари устига бостириб бордилар. Бир-бирига нисбатан душманлик руҳи билан сугорилган икки қўшин омонсиз жангта киришди. Улар бу жангда бир-бирларининг бошларига изтироб, офат, қазо-ўлим тупроғини сепа бошладилар. Мовароуннаҳр баҳодирлари ярқироқ қиличларининг суви билан меҳр-шафқат тасвирини душманларнинг ҳаёт китобидан юваб ташладилар. Хоразмийликлар ҳам ўз шамширлари тигини қомати расо, хушбичим йигитларнинг лабларидан оққан ширин қонлари билан қизартдилар.

Душман ўз ниятларини амалга ошириш учун ҳар қанча жонбозлик кўрсатган бўлса-да, бироқ уларнинг бутун ҳаракатлари тескари кетиб, иложсиз, ночор қолиб енгилдилар.

Нихоят, ғалаба гулхонасидан шодлик ва хурсандчиликнинг ёқимли, оромбахш насими мусулмон салтанатининг подшоҳи Субҳонқулихонга етиб борди. Онҳазратнинг лашкарлари ғалабани қўлга киритганлардан хурсанд бўлдилар. Душман қўшини эса шармандаларча енгилиб, ғам-андуҳ, мусибат билан Самарқанддан чиқиб кетди.

ШЕЙР

Еру қўк қизарди тўқилган қондан,
Жон олиб ҷарчади ҳатто ўлим ҳам.
Қон-қирон авж олган ушбу майдондан
Душман лашкарлари чекинди пургам.

Анушаҳон турклардан иборат аскар йигиб, яна бир неча марта Дабусия қальяси атрофида жанг-исён оловини ёқмоқ учун зўр бериб гайрат қилди. Онҳазратлари — Субҳонқулихоннинг жангларда синалган баҳодир аскарлари бахти қора душманнинг исёнини бостиришда жонбозлик кўрсатиб турдилар.

Шундай бир вазиятда ҳар куни жанг ва уруш олови ё у жойда ёинки бу жойда лов этиб ёниб турарди. Юришда ҳам, туришда ҳам тенгсиз, мисли қўрилмаган куч-қувватга эга бўлган у онҳазратлари — Субҳонқулихоннинг баҳодир лашкарларига зафар насиб этган экан, улар ўзларининг ўткир тиғли қиличлари билан жуда кўп мухолифларининг эртанги ҳаётини кечки ўлимга айлантирудилар.

Шундай қонли урушлар булиб турган пайтларда Ёдгорбий мингнинг ўғиллари Ниёз ва Рассоқбердибийлар ўткир шамширлари билан ажралиб турдилар. Шундай қилиб, Анушахон сипоҳлари, онҳазратларининг лашкарлари томонидан кўрсатилаётган бундай чексиз баҳодирликни, жасоратларни ўз кўзлари билан кўрганларидан кейин, шошиби, саросимага тушиб, жангни ютқиздилар. Бинобарин, урганжликлар Субҳонқулихон лашкарлари қўзғаган кучли бўроннинг зўрайиб бораётган ҳамлаларига дош бериш ҳақида ўйлаш пуч, беҳуда бир хаёл эканлигини тушуниб етганларидан кейингина, умидсиз қадам ташлаб, оғат во-дийсига йўл олдилар.

БАЙТ

Лочиндан қочган каклик ёки тоғдан тушган сел —
Мисли ёв чекиндиким, қувиб ета олмас ел.
Унинг пайига тушди голиб лашкар сарсари,
Қора қишини қувлаган фасли баҳор сингари.

Шундай қилиб, Анушахон бўум-бўш булиб қолган Самарқанд водийсида давлат коптогини ўз куч-қувватининг эгри таёқчаси (чавгони) билан вақтинча қўлга киритиб турган кезларида ўша кўрнамак, баттол Бекқули бошига олтин ип билан тикилган сариқ лола монанд телпагини кийиб, Самарқанднинг доимий султони бўлиб қолишини орзу қиласарди. Шу боис, бу сариқ лолаларнинг сафросидан тўйиниб айниган кимса, гўзал Самарқанднинг ҳақиқий султони бўлиб қолиши умидида қизил лолага монанд, ботини қора, зоҳири қизил кийимлар билан безаниб, кибру ҳаво майи билан маст бўлиб осмонни ердан, ерни осмондан ажратса олмади, юқори мартабага эришиш сархушлигидан у шундай бир аҳволга тушдиди, эс-ҳушини йўқотиб, паст-баландни билмай қолди. Бахтиёр онҳазратлари Субҳонқулихон бу лайн, бахтиқоранинг калтафаҳмлигидан кулар эди. Бу бахтсиз кимса, худди қалби кўр бўлгандек, яхши, хайриҳоҳ одамларнинг насиҳатини эшитмасди. Чунки бахтсизликнинг чинакам соҳиби бўлган бу кимсанинг қулоги бегамлик ва бепарволик пахтаси билан маҳкам бекитилган эди.

Хон баҳодирларидан бири бўлган Муҳаммад Раҳимбий юзнинг куч-қувватидан Оҳангарон тоғларининг қоплонлари ваҳимага тушиб қочар, тоғ эчкилари-кийиклари йўлбарс ҳайбатидан қўрқанларидан қояма-қоя сакраб, қуёндек чопар эдилар. Унинг шукуҳли, музаффар дабда-

басидан Тошкент чангальзорларидаги шерлар, яъни қирғизлар, қорақалпоқлар, қозоқлар ҳам чекинардилар. Улар, хоразмийликлар Самарқандни забт этиб турган бир пайтда, ораларида кучли, мустаҳкам иттифоқ тузилганига қарамасдан, жуда кўп қурол-аслаҳага эга бўлган қирғизлар, қорақалпоқлар, қозоқлар, фармон билан "Баҳодир" унвонини олишга мусяссар бўлган Аллабердибий минг билан биргаликда, хон ворисларига хайри-хоҳликларини намойиш қилиб, йўлга тушдилар. Улар жуда катта, сан-саногини билиб бўлмайдиган оловкор лашкар билан Ўратепадан чиқдилар. Хоразмликлар билан жанг қилишни ўз бурчлари, вазифалари деб англаб, Сўзангарон қальясидан ўтиб, ўзларининг қаҳрли нигоҳларини душман байроғига тикдилар. Хоразмликлар хон ҳазратлари лашкарларининг икки томондан бераётган зарбалари ва отаётган ўқларига нишон бўлаётганликларини кургач, ўзларининг бахтли бошлари бахтсизлик қайчиси орасига тушаётганлигини англадилар, шу сабаб улар ақлдан озиб мулоҳаза юритиш ипларининг учини, худди игнасини йўқотгандек, йўқотиб, ички чоклар сингари яшириниб, Оллоҳ кўрсатган тўғри, рост йўлдан ҳам адашиб, саросимага тушиб қолганликлари боис амалга оширилиши лозим бўлган орзу-истаклари пучга чиқди.

Шундай қилиб, Анушаҳон мусулмон давлати бахтли баҳодирларининг кучли зарбаларидан қўрқанлигидан, Самарқандда уч ойдан ортиқ яашашнинг ҳеч иложи йўқлигини тушуниб, тезроқ Бухорони забт этиш мақсадида, ўз ўрнига Бекқули ва унинг ўғлини қолдириб, Самарқандни тарк этди ва йўл устидаги Дабусия қальясини четлаб ўтиб, шошилинч равишда Фиждувонга кириб борди.

Анушаҳоннинг чекиниши сабаблари ва унинг Самарқандни тарк этганлиги ҳалқ оддий ва юқори қатламларидан ғоят катта лашкар йигиб, уруш анжомларини тайёрлаб, Бухорони забт этмоқ учун Фиждувон четидаги Жилвон ариғи бўйида жойлашганлиги ҳақидаги хабар подшоҳга етказилгач, онҳазратлари бадбаҳт Анушаҳоннинг янги исёнини бостиришни ўз бурчи деб ҳисоблаб, бир неча амирларига ёввойилашган, одамовининг йўлини тўсмоқ учун, кун ботиш томондаги қўшиннинг жойини ўзгартириб, жуда эпчиллик ва айёрлик билан уни тўхтатиш ҳақида фармон бердилар.

Шундан кейин, хоннинг ўзи Оллоҳ ижозати билан бахтиёр оёғини чопқир тўриқ отининг узангисига қўйиб: "Тоғдан қулаётган кўчки каби унинг устига тез бостириб беришга ҳаракат қилсак, албатта, бу баттолни сувда ҳам, қуруқликда

ҳам янчид ташлаб, йўқ қилишимиз мумкин", — дедилар. Яна у киши илҳом тили билан ўз сўзларини давом эттиридилар: "Марҳаматли улуғ Оллоҳдан шуни умид қиласизки, бу одамнинг узган ўқи у ният қилган нишонга тегмайди, балки ўзи ёқсан оловда ўзи ёниб, гам-аламнинг ҳароратли утида ўзи куйиб, тамом бўлади". Хон ҳазратлари берилиб, илҳом билан ушбу сўзларни гапираётган бир пайтда, Хожа Хованд Маҳмуд Аҳрорий келиб, улуғ музaffer Субҳонқулихонга кечга яқин пайтда Анушахон қўшинида изчиллик, мустаҳкам бирлик бузилиб, Катта Айиқ юлдузи сингари тарқаб, инқирозга юз тутганилиги боис Хоразм томон жўнаётганиликларини хабар қилди.

Бир қанча бахти қора, лақма ва гўл кимсалар Субҳонқулихонга хиёнат қилганликлари учун хоразмликларга эргашиб жўнадилар. Анушахон кеттандан сўнг, йўлдан озган бир қанча гумроҳлар руҳий тушкунликка учраб, яшаш воситаларидан ажралиб, умидсизлик водийсида дайдиб юрдилар. Уларнинг бир қанчаси номуносиб, нолойиқ қилиқлари сабаб, уялганликларидан нобоп юзларига йўлдаги чангларни суртиб, қизарган бетларини ўкинч тупроғи билан артиб, онҳазратлари — Субҳонқулихоннинг чексиз меҳр-муҳаббатидан умидвор булиб, унинг остонасига келиб, адолат Каъбаси олдида бошларини эгиб, кечирим сўрадилар. У ўзига хос фавқулодда шуҳратли, марҳаматли шоҳ эканлиги боис, уларнинг айбини мулойимлик ва хурсандчилик ила афв этиш чойшаби билан ёпди.

БАЙТ

Кимни Оллоҳ оқил қилур, доно қилур,
Ул ўлиммас, афв этмакни афзал билур.

Бу воқеадан кейин, Бекқулийнинг қалбига ғоят катта ва чексиз қайғу жойлашиб олди. Шу боис у даҳшатга тушганидан Самарқанддан кетиб, саҳроларни кезиб, Хоразм томон жўнади. Шундан кейин уни ҳеч ким кўрмади. Сахий, олижаноб шоҳ Субҳонқулихоннинг бақувват қўли душманларнинг бирлик гиламини ситиб-титиб юбордики, бир ҳафтадан сўнг Мовароуннаҳр чаманзорларида улардан бирон киши ҳам қолмади.

Анушахон яна бир марта ўзининг пуч, беҳуда орзу-ниятларини амалга оширмоқ учун ўз одамларига инъом, тортиқ дарвозасини очиб, жуда кўп миқдордаги лашкарни яроғ-аслаҳа билан таъминлаб, қуроллантириб, Қуръоннинг еттинчи сураси, 179-оятида айтилганидек, чорва молларига уҳшаб Бухорога жўнади. У чангалзорда шернинг йўқли-

гидан фойдаланиб, макр ва ҳийла билан кириб олиш мүмкин, деб ўйларди, бироқ у баланд учайтган баҳт лочинини мұғомбирлик, маккорлик билан тутқун қилиш мүмкин эмаслигини англаб етмасди. Баҳтнинг гүзәл қуши бир марта құдратли құлдан қутулиб чиқса, яна у асрлық түрига тушмайды.

БАЙТ

Юз ўғирган бұлса сендан баҳт агар,
Беҳуда ўртанмаю куйма, жигар.
Бой берилған баҳт учун чекма фигон,
Дарә умринг ортга қайтмас ҳеч қачон.

Йұлда жазоловчи Оллоқ унга (Анушахонга) қуийдаги тарзда даҳшатли касалликни юборди.

Анушахоннинг бошқа фарзандларига нисбатан жуда ортиқ даражада севадиган, ҳар жиҳатдан унга ҳаддан ташқари әзтибор берадиган, қалбининг құвончи, күзларининг нури деб юрган бир үғли бор эди. Ана шу эрка үғил отасининг күзига мил тортди, яъни қизитилған темир таёқчанинг үткір учы билан күр қилди. Анушахон ушбу жазо бу ёруғ дүнёда ўзининг амалга оширган нобоп ишлари учун қасос эканлигининг гувоҳи бұлды. Ҳали бу баҳтиқаро орзу, умид ва ишонч косасидаги майни құлиға олиб улгурмасдан, унинг күз косаси ёруғликдан маҳрум этилди. Наргис гулиға монанд табиати күлбасини баҳт чироги ёритмаганидан кейин, унинг күзларидаги ёруғлик хирадашиб, тамоман сұнди...

Худонинг хоҳиши билан Анушахоннинг баҳти Хоразмнинг қайсицир бир бурчагида думалаб, ботиб бораётганида, құдратли онҳазратлари Субҳонқулихоннинг баҳт қүёши Бұхоро уфқида күриниб, бутун олам сатқини ёрита бошлади. Хоразм амирлари ўзларининг Субҳонқулихонга душман эканликларини намойиш этиш учун ор-номус майдонида Анушахон билан ҳамжиҳат, бирга ҳаракат қилаётгандықтарини күз-күз қилиб, унинг атрофида парвона бұлиб, думларини ликиллатиб хушомад қилиб юрган бұлсалар, подшоҳлари күр қилинганидан кейин үкениш, тавба қилиш йүлини танлаб, ўй-хаёл саҳросини кезиб, қандай бұлса ҳам олампаноңнинг қароргоҳыга бориб, баҳт Каъбаси — Субҳонқулихонга ялиниб-ёльвориб, қолған умрларини унинг хизматида үтказиш ҳақидаги фикр устида тұхтадилар. Шу қарорға мувоғиқ, улар хонга гапта уста әлчи билан бирга, жуда күп совғалар ва табрикномалар юбордилар. Улар хонга итоат қилиш ва бўйсуниш ҳақидаги фикрларини қуийдагича

изҳор этдилар: "Агар хон ҳазратлари биз қуллари қилган нобоп гуноҳларимиз, айбларимиз ва хатоларимизни раҳм-шафқат, афв этиш суви билан ювсалар, биз у кишига абадий бўйсунамиз, итоат қиласиз, ҳеч қаҷон хушфеъл, меҳрибон онҳазратларига итоат қилишнинг тўғри, рост йўлидан адашмаймиз". Шундан кейин Анушахоннинг Бекқулибий оталиқ каби бир қанча акобирлари, давлатининг устунлари ва бошқалар хон олдига келиб, унга хизмат қилиш қайшини бўйинларига осдилар, қуллик ҳалқаларини қулоқларига тақдилар.

Субҳонқулихон ҳазратлари Оллоҳнинг марҳамати, ёрдами билан худо нафратига йўлиқкан, ҳалқа жабр-зулм қилган душманларни, жиноятчи, бадкирдор исёнчиларни даф этиш ғам-ташвишидан ўз фикрлари, ўй-хаёлларини озод этганидан кейингина, мухолифлари ҳақида мулоҳаза юритишни тўхтатиб, Андижондан тортиб Туркистонгача, Ҳиндолдан то Бадахшонгача бўлган ҳудудларни обод қилиш ҳақида қайфура бошладилар. Ҳалқни, деҳқонларни адолатли қонунларни жорий қилиш билан қувонтиридилар, шариат қонунлари байробини баланд кутардилар. Бирон-бир ишни бажариш қобилиятига эга бўлган, ҳаракат қилиб, интилиб сармоя орттирадиган эрларга олий ҳазратлари лутф кўрсатиб, баҳт отини эгар-анжоми билан совға қилдилар, ўзларининг меҳр-шафқат косаларидаги май билан ҳалқни қувонтиридилар. Бир қанча кишилар ўз бошларига хурсандчилик ва шодлик гултоҗини кийиб, фахрли тўнларини елкаларига ташлаб, ўзларининг она юртларига қайтдилар.

БАЙТ

Шукрим, боғда ўсган умид, ишонч дарахти
Адолат мевасин бермоқдаким, бу — эл-улус баҳти.
Унинг шафқат меваси топмасин ҳеч ниҳоя,
Дўстлар бошига солсин бу дарахт мангур соя.

**ТЎРТИИЧИ МАҚОЛА. ХОРАЗМИЙЛИКЛАР МОВАРОУН-
НАРҲДАН КЕТГАНДАИ КЕЙИН ХУДОНИНГ ЕРДАГИ СОЯ-
СИ ОИҲАЗРАТЛАРИ — СУБҲОНҲУЛИХОННИНГ АМУДАРЁ-
ДАН ҮТИШИ ВА ОЛАМПАНОҲ БАҲОДИРЛАРИ ИШТИРОК
ЭТГАН ВОҚЕАЛЛАР ҲАҚИДА**

Энди қалам тұтысими ширин-шакар меваларнинг макони бўлган жаннатмонанд Самарқанд боғларига, Баҳл гулзорига, Бадахшон чаманзорларига учирис вақти келди.

Ҳа, ҳар бир ҳолатнинг манзарасини тасвирлашда шу масаланинг мағзини, нурафшон қуёш ўз нурлари билан

оламни ёритгандек, ёрқин, тұла ёритиш жоиздир. Бинобарин, Оллоғнинг марҳамати ила давлатни бошқариш ю克拉рини ўз елкасига олган ҳар бир подшоҳ машаққат уммони кемасида сузib бораётган кишига ўхшайди. Марҳаматли Оллоҳ бепоён дengiz саёҳатига чиққан кемага ўзининг чексиз меҳри, илтифотини юклайди. Машаққат дengизида қалқиб, сузib бораётган меҳр кемасини эътиқод билан бошқариб бориш ишида олдиндан ҳамжиҳат, аҳил бўлган сафар соҳибларидан яратувчи ўз лутфини аямайди, уларни соғ-саломат омонлик ва шодлик қирғоғига олиб чиқади.

Бу сўзларни фалаксимон таҳтнинг соҳиби бўлмиш подшоҳнинг Амударёдан кечиб ўтишига сабаб бўлган воқеалар тасдиқлайди. Пойенсиз телба дengиздан кечиб ўтиш воқеасига Сиддиқ Муҳаммадхоннинг ақлсизлиги ва сафар жабдугини елкасига олиб, кемага тушган икки саёҳатчининг (ота билан ўғилнинг — Ж. Э) ҳамжиҳатлиги, аҳиллиги бузилиб, бир-бирлари билан тўқнашганлари сабаб бўлди. Кишини ҳайратга солиб, хижолат уммонида ғарқ қиласидан яратувчи сабаб билан тўқнашувдан Сиддиқ Муҳаммадхон нобуд бўлди.

Гапнинг қисқаси, рўй берган бу кўнгилсиз воқеанинг ҳикояси қўйидагича. Хоразмликлар тиканга ўхшаб Бухоро гулхонасини ўраб турган foят ofир, ташвишли кунларда отанинг шон-шуҳратга эга бўлган ўғли (Балх вилоятининг ҳокими Сиддиқ Муҳаммадхон — Ж. Э) Искандармонанд подшоҳ отасига ёрдамга келиб, у билан ёнма-ён туриб, ўзининг ярақлаб турган ўтқир шамшири билан мақтанчоқ, такаббур душманнинг занглаган кекирдақларини тозалаб қўйиши лозим эди (кекирдақларини кесиб ташлаши керак эди — Ж. Э). Бинобарин, Худо бундай шарафли ўғил учун баҳтнинг ҳамма эшикларини очиб қўйган, Сиддиқ Муҳаммадхон эса баҳт эшикларига бемалол, тортинмай кириб-чиқиш шарафига мұяссар бўлган бўлур эди. Аммо бундай умид-ишончни у оқламади. Бунинг устига, бир гал отага ёрдам бермоқ учун жунаганида, куринишда гузал, хушбичим, юзларида гүё баҳт қалқиб турган гуломларининг етказган хабарларига ишониб, уларни жон қулоғи билан эшилди. У, гуломлари юзидағи хол сотқинлик, бадномликнинг қора доги эканлигини тушуниб етмади. Уларнинг гапини ҳақиқат деб англаб, Амударё қирғоғидан қайтиб, Балх қўргонига кирди ва хоразмийликлар босқинининг хунук оқибатларини англашга ҳаракат қиласидан яратувчи сабаб билан тўқнашувдан қочиб чиқиб кетмагунча кутиб турди.

Олий ҳазратларининг дилини сиёҳ қилган воқеалардан бири шу бўлди. Бу ҳақдаги қикоямизни янада муфассалроқ тарзда давом эттирамиз.

Анушахон хон ҳазратларининг баҳодирларидан енгилиб, мағлубиятга учраганидан кейин, Самарқанд таҳти билан видолашиб, Хоразмга йўл олган пайтида, ғолиб хоннинг аъёнлари Сиддиқ Муҳаммадхон иғвогарларнинг сўзларига ишониб, ҳақиқат йўлида қанот чиқариб учадиган Ҳасанхожани Ҳиндистонга юборганилиги, бироқ бир қанча одамлар бу воқеадан огоҳ бўлсалар ҳам қуёшнинг оловли тафтидан омон қолмоқ учун бу сирни хондан яшириб келишайтганини айтдилар. Шунингдек, улар Сиддиқ Муҳаммадхон онҳазратларининг Балхдаги хизматкорларига нисбатан бўлган энг яхши муносабатларини аҳмоқона мумалалар билан алмаштирганилигини хабар қиласдилар.

БАЙТ

Фийбатчилар бир-бири ила биродар бўлган замон,
Мўминлар ҳам уларнинг касридан бўлди беимон,
Тузук бўларди улар мозийга тез қиласалар сафар,
Бундай хайрли ишдан давлат ҳам кўрмасди зарар.

Юқорида айтилган хабардан онҳазратларининг яқин одамлари ҳам огоҳ бўлгач, улар илҳом тили билан айтдилар: "Бу нобоп, арзимайдиган жанжал низо эшикларини очиши мумкин, шу боис биз бу исён олови ёниб кетмасдан ва бу оловдан кучсиз душман мадад олиб, кучайиб кетмасдан бурун, ислом қутби — Балхга йўл олиш борасида бирон қарорга келишимиз жоиздир".

Бу пайтда шарқ соҳиби бўлмиш қуёш ўз таҳтини ложувард, мовий осмоннинг Қавс буржи устига кўчириган эди. Олампаноҳ Субҳонқулихон булутларнинг қақратон қиши камалагидан отиладиган ўқларига ҳам эътибор бермай, ўзининг жасур, енгилмас қўшини билан бирга, музгаффар байрогини баланд кўтариб йўлга тушди. Эпчил фаррошлар ҳам онҳазратларининг бахт туғларини, шоншараф чодирларини юклаб, Балх томон жўнадилар...

БАЙТ

Жаҳонгир Балхдаги аҳволдан огоҳ бўлган замон,
Нобоп, қўрс ўғлининг ишидан у ранжиди чунон.
Роҳат, майшат уйқусин яна тарқ этди подшоҳ,
Ўғил наҳотки отага мухолиф бўлса, эй воҳ.
Зафарга ўрганган оёқ тушди узангига шу чоқ,

Отта миниб жүнади жадал, тез у Рустам сиёқ.
Учди отлар туғи тағидан ловиллаб учқун,
Касбийдан Қаршига етиб тұхтади икки-уч кун.
У яна құзгалды баҳтга бұлмоқ учун мұяссар.
Үйқусин құздан құвди Балхга етмоқ-чун саросар.
Дарә лабида тұхтади кечмоқни қилиб хаәл,
Күз илгамас соҳиллар уни ўйга солди хиәл.

Шундай қилиб, шоҳликнинг давлат байроби Килиф устига ўз соясини ташлаганида, хон Амир Ашраф қутволга, Сиддиқ Мұхаммадхонининг тарафдорлари Мовароуннахр құшинларига қаршилик күрсатмасликлари учун, музазаффар лашкар етиб келгунча дарёдан ўтиб, Килиф қальасига кириш ҳақида фармон берди.

Бухоро лашкарлари дарё соҳилига етиб келиб, сувнинг ниҳоят күплигини ўз құзлари билан күрганларида, дарёдан кечиб ўтиш қийинчилигини, кимки солсиз, гуптарсиз сувга тушса, ўз умри кемасини гирдоб оғатига гирифтөр этиб, ҳаёти билан видолашибиши муқаррар эканлигини, сув бетига қайтиб чиқолмасликларини англаб етдилар. Шу боис, улар худди безгакдан лабларыда иссиқлик тошгандек лунжлари осилиб, саросимага тушиб, гангіб тұхтаб қолдилар. Денгизмонаң дарёдан кечиб ўтиш ваҳимаси одамларнинг бошини гирдобдек чулғаб олди. Улар ўзларини гүё сув кемасига тушиб кетиб, бу дунёдан абадий күз юмгандек ҳис қиласар эдилар.

Онҳазратлари аҳволдан огоҳ бұлғач, сафарга чиққанларга ғамхұрлық қилиб, уммон сингари дарёдан кечиб ўтиш билан боғлиқ бұлған ҳамма анжомларни, воситаларни тайёрлашға фармон бердилар. Хоннинг дарёдан кечиб ўтиш ҳақидағи чақиригини жарчиларнинг дабдабали, баланд овози орқали эшитгач, денгиздек кенг қалбга эга бұлған, ақлли, фаросатли сувчиларнинг бир қисми солға ўтириб, дарёға туша бошладилар, бошқалари бутун тун давомида гуптар тайёрлаш билан машгул бұлдилар.

Қози Бадеъ Насафий сўзлаган пайтида, манманлиги, калондимоғлиги боис, унинг ҳилпиллаб турған соқоли гоҳ баландга күтариштар, гоҳ эса пастға тушиб құкрагига урилар эди. Энди у кемага тушар экан, фикр қилиш қобилиятидан ажралиб, тақдирнинг урчугига айланиб қолди. Бу кимса кемага тушар экан, ўй-хаәл уммонига ғарқ бұла бошлади, тасаввур ғаввосини хижолат денгизи чулғаб олди, сувда уни ваҳима, құрқув үраб олғанлигидан телбалық тутуни бошини гангитиб қўйди. Оғзидан худди чигити олиниб, саваланган пахтадек паға-паға күпик оқиб,

қуйидаги гапни такрор-такрор, қичқириб айтарди: "Менинг бошим айланаяпти, ғангиб үйқилиб қолишим мумкин". Ақлли сувчилардан бири гуноҳлар дengизи юкланган бу кимсани кўриб: "Эй қози, қалбингиздаги қўрқув, ваҳима, ҳаяжонни ҳайдасангиз, бу дарёдан ҳатто юз марта кечиб ўтганда ҳам, зарра офат кўрмагайсиз", — деди.

Худонинг марҳамати, ҳоҳиши билан бу юришга қатнашаётган улуғ амирлар Фойибназарбий сарой, Муҳаммадбий парвоначи, Фойибназарбий додкоҳ, Одил мирохур минг ва бошқа жангчи эрлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, бирин-кетин дарёга туша бошладилар ва товуш тўлқини сингари, тез дарёнинг нариги қирғоғига етиб бордилар: кўпни кўрган, ақлли, тажрибали одамлар дарё тўлқинининг мавжланиб, кўтарилиб, пўртана бўлиб оқишини кўриб, оқар дарё тирилибди, деб хаёлларидан ўтказдилар.

Сўз дурдоналарининг чашмаси бўлмиш Мавлавий-Жалолиддин Румий бу ҳолатни қуйидагича тасдиқлайди:

БАЙТ

Жисми урсан сувга то жонон тушар,
Жонланиб дарёга мавж-жавлон тушар.

Мулло Сайид¹ ҳам бу фикрни шеърда тубандагича ифодалайди:

БАЙТ

Одамлар дengизидан дарёга ларза тушди,
Ваҳимаю оқ-фарёд фалакларга етишиди.
Бу дарёдан бир бора ўтган бўлса қай инсон.
Қўрқувдан ариққа ҳам йўламайди ҳеч қачон.

Эртасига қуёш қайиги елканларини ёзиб, байроғини баланд кўтариб, Шарқ мамлакатлари соҳилидан чиқиб, само дengизи бўйлаб саёҳат қилаётган бир пайтда, алоҳида илоҳий қудратга эга бўлган онҳазратлари ўзларига яқин бўлган одамлари: Яйлоқ қушбеги, Хўжамберди мирохур сарой ва бошқалар билан бирга кемага ўтириди, у одамларнинг сардори, таянчи Муҳаммаднинг марҳамати, илтифотини, унинг Нуҳ кемаси ҳақидағи мўъжизали сўзларини эслаб, ўз тизгини ихтиёрини ўзгарувчан бекарор шамолга топшириб, соғ-саломат дарёнинг нариги соҳилига ўтиб олди.

БАЙТ

Тахтиравони узра ўлтириб шавкатли шоҳ.
Дарёдан кечиб ўтди — Оллоҳнинг ўзи паноҳ.
Лашкарига шоҳ амрин аъёнлари етказди,
Ҳам қуруқлик, ҳам сувда ул ўз ҳукмин ўтказди.
Ул қирғоққа етгач шоҳ кемадан бўлди холи,
Чиганоқни тарк этган дур-жавоҳир мисоли.
Шоҳни қолдириб кема дарёда сузаб кетди,
Улкан тимсоҳ мисоли тўлқиндан ўзиб кетди.

Шундай қилиб, арслонмонанд хон, худо марҳамат қилган баҳт-саодати, ҳузур-ҳаловатини яна бир марта синамоқ учун кемага тушиб дарёдан ўтди ва отга миниб Балх шаҳри томон йўл олди.

Шу пайтда Сиддиқ Муҳаммадхон улуғ подшоҳнинг қўшин тортиб келаётганлигини эшилди. У адашиб, тўғри йўлни топишга уринган йўловчига ўхшаб хаёл денгизида қанчалик сұзмасин, унинг ният-ҳоҳиши кемаси олдида ҳеч қандай эшик очилмади. Отасидан қўрққанлигидан бъази иғвогарларнинг сўзларига ишониб, хонга итоат қилиш, бўйсуниш бўйинтуругини бўйнига солишини истамади. Ҳали унинг болалик денгизидан ҳаёт қайиги табиат елканларида қанот ёзиб, балофат уммони соҳилига етмагани боис, ўзига яқин бўлган кимсаларга эргашиб, уларга ишониб, ақл-идроқи ипининг учини йўқотиб қўйиб, Балх қальласи дарвозаларини ёптирди, зўр ғайрат билан жанг аслаҳаларини тайёрлаб, отасининг лашкарлари устига замбараклар, милтиқлардан ўқ ёғдира бошлади.

Онҳазратлари Субҳонқулихон Балх қальласи дарвозаларининг ёпилганлиги, замбарак ва милтиқлардан ўқ отилаётганлигидан хабар топгач, у ўглига меҳр-муҳаббат изҳор этиб, салом хати юборди. Бу салом хатининг мазмуни қуйидагича: "Агар сиз қалбингизни хайриҳоҳлик, дўстлик, меҳрибонлик нақши билан безаб, қиблагоҳингизнинг остонасига-қароргоҳига келиш орзусида жадал ҳаракат қилсангиз, албатта чексиз иззат-ҳурматга, марҳаматга сазовор бўласиз. Агар сиз танга юзига тушган доғдек, ҳақиқат тангаси юзига қора суртиб, тилёғмачилик, мунофиқлик дарёсида сузсангиз, пул зарбланадиган саройда, албатта, олий жазога сазовор бўласиз".

Бу машҳур мактубни Сиддиқ Муҳаммадхонга туркларнинг жанговар гуруҳларига саркардалик қилиш авлод-ажлодига насиб этиб келган, хоннинг иззат-ҳурмати, марҳаматига ҳамиша мұяссар бўлган Гулобод даҳасида истиқомат қилувчи Қиличбий додхоҳ олиб келган эди... У

ўзининг таскин берувчи сўзлари билан Сиддиқ Муҳаммадхон олдига тинчлик, хотиржамлик дарвозасини очди. Сиддиқ Муҳаммадхон ўзига нисбатан отасининг ёмон муносабатда бўлаётганлигини эшитганлигини айтгач, Қиличбий додхоҳ: "Йўқ, йўқ" деб унинг бу сўзларини рад этди. Қиличбий додхоҳнинг бу сўзлари Сиддиқ Муҳаммадхоннинг қалбига ишонч уруғини сочди. Онҳазратлари Сиддиқ Муҳаммадхонга элчи сифатида, хусумат зулматини офтобдек тарқатиб юборувчи, кишининг касал, нохуш табиатини яхши, мулоим сўзлар, ёқимли маслаҳатлар ва дўқ-пўписа доруси билан соғломлаштириш, ишонтириш, душманлик, хусумат йўлидан бораётган қайсарлик тизгинини хонга итоат қилишнинг катта йўлига буриб юбориш қобилиятига эга бўлган Хожа Муҳаммад Амин китобдорни ҳам юборди. У дилга малҳам бўладиган юмшоқ, ширин, латиф сўзлари билан душман қалбидаги газаб ўтини учириб, хон ҳазратларининг марҳамати, лутфини тушунтириб, отага нисбатан ўғил қалбida ўрнашган хато, нолойиқ фикрларни ҳайдаб, Сиддиқ Муҳаммадхонда рағбат ва умид уйғотди.

БАЙТ

Ширин сўз ювиб ташлар дилдаги ҳар губорни,
Латиф тил тўхтатади қовоқдан ёққан қорни.

Бинобарин, Хожа Муҳаммад Амин сайид ўзининг муқаддаслиги, қозилик мансабининг қадр-қимматига суюниб, меҳрибон, оққунгил подшоҳ Субҳонқулихон билан Балх амирлари уртасидаги бирлик иттифоқини тузишга мусассар бўлди. Мухолифлар худонинг ердаги сояси Субҳонқулихонга итоат этиш шарафига эришишни ўзлари учун катта баҳт деб ҳисоблаб, улар ҳам зоҳиран, ҳам ботинан ўз орзу-ниятларига этишганликлари боис, содиклик шартларини бажаришга киришдилар. Шуларнинг ичида онҳазратларининг қалбидаги маҳак тоши билан синалган Аваз девонбеги қулон ҳам бор эди.

Балх қальясини одамлар кучи билан қўлга киритиш имконият даражасидан ташқарида бўлса ҳам, бироқ улуғ подшоҳ тўрт минг кишидан иборат, унча катта бўлмаган лашкар билан, "Оллоҳ нимаики берса, шу яхши", — иборасига мувофиқ инон-ихтиёри юганини Яратганинг қўлига бериб, ташвишланмай, дарёдан ўтиб, шаҳар томон ўналгани боис, Сиддиқ Муҳаммадхон ҳам ҳеч кутилмаган бир ҳолда, ўз амирлари, акобирлари билан бирга келиб,

отасининг қабулида бўлиш шарафига сазовар бўлди ва отасининг кўрсатган марҳамати учун унга чин қалбдан фарзандлик муҳаббатини изҳор этиб, гуноҳларини кечиришни сўради. Шундан кейин Сиддиқ Муҳаммадхон сабрматонат билан отасига шаҳарга кириб, аркда яашни илтимос қилди. Онҳазратлари ўғлининг амирлари, хизматкорларнинг ҳар қайсисига ўзига хос хушмуомалалик билан марҳаматлар ва иззат-ҳурматлар кўрсатди. Сиддиқ Муҳаммадхоннинг обрў-эътиборига яраша қилич сингари ўз ёнидан жой бериб, ўғлининг эгаллаб турган мавқеи билан фахрланиб ўтиреди. Шоҳ билан шаҳзоданинг бундай қамту ўтиришлари Нозимнинг қуйидаги шеърини эслатади.

БАЙТ

Тотув, аҳил ҳамжиҳат бўлгач бу икки некбаҳт,
Хўлкар¹ буржи сингари шарафланди тоҷу таҳт.
Ўлтирганда иккиси таҳт узра тантанавор,
Шонга шараф қўшилди, кетди орадан губор.
Амирлар қуршовида қолди бу икки сарвар,
Юлдузлар қуршовида қолгани каби қамар.
Вазиru вузаро жим, бор ашрафу аъён жим,
Сарой жим, мамлакат тинч, ҳатто еру осмон жим.
Шоҳ ўғлига кўп лутғу марҳамат этди магар,
Ҳатто Яъқуб Юсуфни ўйламаган бу қадар.

Балхнинг баъзи бир жуда катта обрў-эътиборга эга бўлган ўзига хос мартабали, таниқли, зийрак, ақлли кишилари тантанали равишда муazzам Субҳонқулихонга хизмат қилиш ёпқичларини елкаларига ташлаб, қуллуқ ҳалқасини қулоқларига осиб, сандал дарахтидан ясалган итоат бўйинтиригини бўйинларига илиб, олампаноҳга учрашиб, ер ўпиб таъзим қилдилар, хон отининг туёғи тагидан чақнаб чиқаётган чанг-тўзонни юзларига суриб, ўз ҳаётларини гаровга қўйишга тайёр эканликларини билдирилар.

Искандармонанд жаҳонгир, Жамшид сингари жуда катта ноз-неъматлар соҳиби бўлган ва шу ноз-неъматлар билан ўз лашкарларини ҳам таъминлаган Субҳонқулихон сафарда бўлган пайтларида ўз лашкарларига қарата шундай фармон чиқарган эди: "Агар кимки деҳқонлар зироати, ризқи-рўзи ёнидан ўтаётганида, сурбетлик қилиб уларга қўл теккисса, золимларни бизнинг кўзимиз қуёшдек куйдиради, ранжиганлар, жабридийдаларини эркалатади". Ҳамиша ғалаба ва тантанага одатланиб, хонга эргашиб келаётган лашкарга бу фармон жуда катта таъсир қилган-

лиги боис, улар деҳқонлар зироати, ризқи-рӯзи ёнидан ўтаётганларида, тўхтамай, экинларни поймол қилмай, тинч-осойишталик билан ўтиб кетардилар.

Қалъага киргач, онҳазратлари хотиржам бўлсалар ҳам, эҳтиёткорлик учун Тангрибердибий парвоначини дарвозада қолдириб, лашкарнинг ўнг ва чап қанотига жавоб бериб, жуда кўп акобирлари қуршовида катта иззат-ҳурмат билан подшолик аркига бориб тўхташ ниятида, Сиддиқ Муҳаммадхон билан бирга дўстлик, ҳамжиҳатлик йўлига тушди.

БАЙТ

Дўстлик ипи боғланди, лекин кўнглимнинг армони—

Шу дўстлик деб унутдинг ахир сен икки дунёни.

Нетай, кину адоватлар қалб қўзида губор бўлди,

Ўшал баҳор қаётимда энг охирги баҳор бўлди.

Йўлда подшоҳ хизматкорларидан бири: "Сиддиқ Муҳаммадхон қўрқиб, ваҳимага тушганлигидан ҳийла ва найранг йўлига кириб олиб, сизга ён босишга мажбур бўлди, унинг қалби хавф-хатардан холи бўлгач, хайри-хоҳлик булоғини макр-ҳийла билан лойқалаштиришни нијат қилган",—деб шоҳни огоҳлантириди. Субҳонқулихон ҳам бу ёлғон хабарга ишониб, ўғли ҳақиқидаги масалани бошқача ҳал қилишга қарор қилди. Ўз навбатида Сиддиқ Муҳаммадхон ҳам отасининг бу машъум ниятини, бутун қалбини қамраб олган чексиз қўрқув ва ваҳима билан ҳис этиб, худди шахмат тахтаси устида бепарволик қилиб енгилгандек, орқага қайтди, қаҳрланган фарзин каби рух ва икки пиёданни филбанд қилиб, дарвозага етиб келди, ўз пиёдаларининг бирини отга миниб жўнаётган пайтида, дарвозада посбонлик қилиб турган онҳазратнинг яқин одами Тангрибердибий парвоначи Сиддиқ Муҳаммадхонни тўхтатиб, шундай дейди:

БАЙТ

Гул гунчаси, жуда ёшсан, лек эрурсан бадҳоҳ,

Гулхонада саир этишдан ўзингни тий, бўл огоҳ,

Сен боққа кирсанг агар, чунон ҳам шошилиб жадал,

Үнда гулинг узилар, насиб бўлур сенга ажал.

Шу сўзлар айтилаётган бир пайтда, бу юз бсрған ноҳуш воқеа таъсирида Яйлоқ қушбеги, Туримтойбий, Хожамберди мироҳур ва хонга яқин бўлган бошқа кишилар баҳтиқора Сиддиқ Муҳаммадхонни худди гирдобдек ўраб олдилар ва хон ҳузурига олиб келдилар.

Онҳазратнинг ғазаб олови, хиёнат кунида кўтарилиган алангадек, шу қадар зўрайдики, уни хонга яқин бўлган одамларнинг яхши, оқилона маслаҳатлари билан ҳам, шаҳзодага ён босиб воситачилик қилган кишиларнинг чексиз илтимослари суви билан ҳам ўчириш иложи бўлмади. Осмон этаги шомнинг қонли қизил ранги билан бўялиб улгурмасдан бурун, Сиддиқ Муҳаммадхон ҳаётининг қуёши фано ғарбига ботди — боши йўқлик оламига думалаб кетди.

Шундан кейин, дўстларга марҳаматли, душманларга шафқатсиз бўлишни одат қилган Субҳонқулихон Сиддиқ Муҳаммадхоннинг ўз хизматкорларига нисбатан қурган жабр-зулм иморатларини, уларга қарши кўтарилиган ситам деворларини туби билан қулатди, сотқинларни жазолади.

Бу ишларни бажаргач, кўнгли енгил тортиб, хотиржам бўлиб, тахтга ўтириди ва мамлакатда тартиб ўрнатишга ҳаракат қилди. Олампаноҳ тақдирнинг бўйсунмас отини баҳодир хизматкорлари қули билан ювошлантириб, тинчи-тилганини кўргач, ўз назари тушган Муҳаммадбий юзга хайриҳоҳлик билдириб, Балх вилояти ҳокимлигини инъом этади.

Жамшид қуёши далвни¹ (қавғони) қиши қудуғидан тортиб олиб, Ҳут² буржи томон йўл олганда, илк баҳорнинг шабадаси эса бошлаган эди, қуёш монанд хон тахтининг этагида ўтирганлар эса олампаноҳнинг: "Ҳут кирса совуқ чекинади,"— деган овозини эшишиб тетиклашдилар. Шу пайт тўсатдан олий хислатлар соҳиби бўлган хон қалбida эрта тонгда Бухорога қайтиш орзуси пайдо бўлди ва қуёш Шарқ уфқида кўринмасдан бурун йўлга тушишга фармон берди.

Шу вақтда бирдан табиатнинг авзойи ўзгариб, совуқ бошланди. Оқ булутлар қор ташлай бошлади. Кирчи булутлар илк баҳорнинг янги лашкарлари оёғига ёпишган чанг-тупроқларни қор суви билан юва бошладилар. Жуда катта қор тушди, бекиёс изгирин-совуқ ҳаммаёқни ўз ҳукмига олди.

БАЙТ

Қора булутлар оламни қоплаганда беомон,
Музaffer шоҳ лашкарга жўнаш учун берди фармон.
Бирдан қалин қор тушди, эл-юрт қолди гангү лол.
Тонг оқаргандек етди етти кўкка у бемалол.
Ўтин йўқлигидан лашкар бўлди чунон безовта,
Парвонадек интилар утга у даста-даста.

Совуқ мияга чиқди, гангитиб қўйди тамом,
Ҳамма тирик қолишдан умид узди батамом.

ДАВР ВОҚЕАЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Ҳа, шуни қайд этиш жоизки, одамларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиш учун маҳак тоши билан сүфталанган ақлнинг ҳикмат жавоҳирлари бўлмаса, замоннинг қўйидаги масалаларининг моҳиятини ёритиб бўлмайди.

Бизгача ҳам қудратли чавгон таёқчасининг эгри уни билан тутқич бермас сўз коптогини қўлга киритиб, мақтовга сазовор мўмин-мусулмонларнинг яхши томонларини худди ёруғ кундек нурлантириб, бадхулқ, бадхоҳ, жирканч ва нобоб кимсалар руҳиятини зим-зиё кечадек қоронғилаштириб, хиракаштириб тасвирлаганлар бўлган. Улар ҳам жасорат, мардликнинг тўғри йўлидан бораётган одамлар хусусидаги воқеаларни ҳаққоний ҳикоя қилишнинг мусобақа майдонида ўзини қурбон қилган кимсасиз чўл қаландарлари сингари, жамиятдаги барча жирканч, золим, баджаҳл, ришват балосига йўлиқсан кимсаларни қора бўёқقا бўяб, ҳалол, пок кишиларнинг ҳақиқий қиёфаларини ёрқин, равшан бўёқлари билан гузаллаштириб кўрсатганлар. Бундай қалам соҳиблари ўзининг шуҳрати учун интилган, шу йўлда ғайрат қилиб, бадном, шарманда бўлган шуҳратпастлар, мансабпастлар ҳақида ҳам ҳикоя қилганлар. Улар шакар билан қопланган мевалар (сўзлар)ни тайёрлаб, бу ширин меваларни оддий ва машҳур одамларнинг тили устига қўйганлар.

Бу ёш тўти (асар муаллифи Ҳожа Самандар — Ж.Э.), бошқалар сўз гулхонасидаги ҳосилини йиғиб олгандан сўнг, уларнинг назарига тушмай қолган бошқаларни териб, жамлаб, булбулга ўҳшаб, жуда кўп машқ қилди ва ниҳоят давр кўзгуси сифатида, одамларнинг иш фаолияти, хатти-ҳаракатлари ҳамда шу замонда юз берган воқеалар хусусида, худди сибизғага ўҳшаб, "Мухаллис" (халос этиш) оҳангидга куйлаш имкониятига эга бўлди.

ДАВР ВОҚЕАЛАРИДАН БИРИ ҚУЙИДАГИЧАДИР

Амирлик қароргоқига ҳақиқат, адолатнинг бошпанаси, мамлакат ишларининг бошқарувчиси, давлат арбоблари ичида энг яхши, обрўлиси, сарой акобирларининг сардори, диндорлар жамоасининг имонли, ишончли ғамхўри бўлган

Аллаёрбий девонбеки дўрмонга жаннатмонанд Самарқанд ҳокимлиги инъом этилган эди. Амирлик паноҳида яшаётган бу улуғ одам ўз ўғилларининг қобилияти, баҳодирлиги, гўзаллигидан ниҳоят курсанд бўлганидан, унинг пешонаси ҳеч қачон тиришмас, қалб ойнасига асло занг доримас эди. Тўсатдан унинг бошига жуда даҳшатли оғир мусибат тушди. Воқеа шундай юз берди: амирлик қарамогида яшаётган бу бийнинг тўртта ўғли бор эди. Уларнинг ҳар бири ўзининг пок, ёқимли ёрқин руҳиятидан таралган улуғлик нури билан ҳаётнинг шоҳона базм-зиёфатларини ёритиб турган бир чироғ эди. Жанг пайтида эса улар оламнинг ларзага солувчи тимсоҳларни эслатарди. Улардан бири ҳаёт баҳорига тонг насими эсиши билан баҳт ғунчаси энди очилган ғоят гузал гулни эслатувчи Қаландарбек эди.

1100 (1688/1689) йилда хилофат сингари катта обрӯ-эътиборга молик бўлган онҳазратлари (Субҳонқулихон)нинг фармони билан йўл жабдуғлари тайёрланиб, ҳарбий саркардалардан бири Хўшика оталиқ бошчилигида шер монанд қўрқмас, тимсоҳ сингари ҳеч нарсадан тап тортмас, қоплондек ғазабкор, қаҳри жуда қаттиқ қўшин билан бирга Қаландарбек Тошкентга жўнади. Қўшин йўлда кетаётганида, Ўрус Султон кўзига хиёнаткорлик сурмасини суртиб, кўзи ойнасини қора доф билан бўяб, маккорлик ва мунофиқлик билан ўз аҳдини бузганлиги ҳақидаги хабар етиб келди.

У Тошкент ҳукуматига тобе, забт этиб бўлмайдиган Бешкент қальясига кириб олган эди.

Бу қалья шу қадар баланд эдики, ақл кўзи ҳам уни тасаввур этишга ожизлик қиласарди. Қийқириқлар, ҳайқириқлар, нарвон, арқонлар қалья деворининг кунгирасига ҳам етмас эди. Қальянинг баландлиги, мустаҳкамлиги ҳақидаги хабарни амирлик қароргоҳида жойлашган жуда катта ақл-заковат, тажрибага эга бўлган, ҳаёти давомида ҳар қандай қийинчиликнинг косасидан битмас-туганмас шароб ичган Хуррамбий парвоначи, Бектемурбий қатоғон, Жонибекбий дўрмон каби саркардалар эшитгач, улар ақл-фаросат билан амирлик паноҳида бўлган юз уруғининг амири (Ўрус Султон) хусусида қўйидагиларни ҳикоя қилдилар: "Манманлик, кеккайиш ва шуҳратпастлик Ўрус Султоннинг бутун табиатини қоплаб, чулғаб олган... У мамлакатнинг саҳро, водийларини, экинзор далаларини ва чаманзорларини кезиб юрганида, мутлақо жиловланмагани боис, ҳамиша ярамас, нохуш, аҳмоқона ишлар билан машгул бўлиб келди, у хайрли, эзгу ишни амалга ошириш учун бирор марта ҳам фармон чиқармаган. Шу боис

онҳазратлари томонидан чиқарилган фармонларни бажариш лозим бўлганда, Ўрус Султоннинг тили айланмай, гапиролмай, оғзидан кўпик сочиб қоларди. Жиловини бошидан ташлаб, ҳайдов юрган бундай кимсанинг қайсар, саркаш, бадкоҳ бўлиши аниқ эди".

Юқорида эслатилган бу юз уругининг амири (Ўрус Султон) ғоят пастлик, ақли заифлик касалига йўлиққанидан аҳволи шу даражага бориб етган эдики, у яхшилик, эзгулик томон йўналтирувчи сўзлар билан исён, галаённинг қўзғалишга сабаб бўладиган сўзларни бир-бираидан ажрата олмасди. Унинг фикр қуввати нима яхши, нима ёмон, нима арзийди, нима арзимайди, нима муносиб, нима номуносиблиги хусусида мулоҳаза юритишдан ожизлик қиласди. Агар бирорта ярамас, ақли паст кимса пора сифатида унга бир неча динор берса, у буни Малики Динордан¹ ҳам афзал кўриб, уни бирор мансабга кўтариб қўйиш борасида тавсиянома хатини берар эди. Унинг қулоги юқорида номлари эслатилган амирларнинг битим тузиш хусусидаги сўзларини эшитмасдан, шон-шуҳрат йўлидан бошлаб бориш тажрибасига эга бўлмаган ўзининг яқин одамларининг маслаҳатларини маъқул кўриб, кемага тушиб, Шоҳруҳия² дарёси орқали Бешкент қалъасига йўл олди.

Бироқ бу душман тақдир ўйинини олдиндан пайқаб, фарзин билан юриш қилиб, дарвозани тўсиб, филбанд қилди ва пиёдаларни олдинга ҳайдаб, олам посбони бўлган шоҳ чавандозлари йўлини тўсди. Унинг бу ярамас, но-лойиқ ҳаракати боис исённинг мислсиз олови ёқилди. Бу исёнга Субҳонқулихон давлатининг эътиборга лойиқ баъзи акобирлари ҳам иштирок этдилар. Улар бундай аҳволнинг фойда-зарарини, яхши томони ва ёмон оқибатларини маҳак тоши тарозисига тортиб, олдиндан билганлари боис, дастлаб шошилмаслик борасида қарор қилган бўлса ҳам, бироқ бу жуда кам учрайдиган ғоят оғир, фавқулодда ҳолатга таслим бўлиб, исёнчиларга қўшилдилар.

Шундай бир вазият юз бериб турганда, юқорида эслатилган Қаландарбек жасорат байроғини кўтариб, кеча ва кундуз саҳифаларига мардлик ва жасурлик тасвирини тушириб, олдинга чиқди ва карнай садолари таъсирида унинг баҳодирлик ғунчлари очилгани сабабли, душман лашкарининг ҳужуми бошланиши билан у биринчи бўлиб жангга кирди. Ақлли, заковатли, катта тажрибага молик бўлган одамлар бу тоза, мусаффо сувнинг ширин гавҳари арzon чиғаноқ билан жангга тушганини қаттиқ алам билан ҳис эта бошладилар.

Шундай қилиб, омонсиз уруш бошлангандан кейин, жанг арқоқлари таранг тортилиб, душман ёйлари қошидан лип-лип этиб чиқсан ўқлар қалбларни асоратга солувчи танноз аёлларнинг нигоҳидек учар эди. Тұзғиб, саросимага тушиб қолган душманлар орасыда дүстлар найзаси қаддиқомати келишган фусункор, афсонавий баҳодирлардек мухолифлар қалбига мүри очар эди. Тез-тез учайтган душман ўқлари дүстларнинг совутини, чакмонини тешиб ұтарди.

Шундай даҳшатли бир вазиятта юқорида номи тилга олинган Қаландарбек бир неча жойидан оғир яраланды ва унинг ташқи куриниши ўзгариб, ҳарб майдонидан чиқиб кетишга мажбур бўлди.

БАЙТ

Ғазаб ила жангта кирган жуда кўп баҳодир эрлар,
Ўтқир тиғ зарбидан ерга қўйдилар бош жасур шерлар.

Мамлакатнинг ҳарбий саркардалари, баҳодир жангчилари ярадор Қаландарбекни кўргали келдилар ва унга таскин берувчи, юпатувчи тил билан сўзладилар: "Агар газабланган филни пашша чақса, унинг чексиз куч-қувватга эга бўлган салобатли гавдасига қанчалик шикаст етказиши мумкин? Агар жасур шерга кичкина қумурсقا зиён етказса, шундан ҳам унинг маҳобатли жуссаси зарар куриши мумкинми?"

МАСНАВИЙ

Унинг жисмини тирнаганда оғир, зўр жароҳат,
Ёруғ дунё қоронгилашди кўзларида ғоят.
Ҳаёт қуёши тақдирга бўлганди таслим,
Унинг гулзоридан энди гулни ким узади, ким?
Кимки Мажнун учун ер чизиб, гар нўр қозса бил,
Худди шер манглайн тирнагандек бўлур у юз йил.

Қаландарбек оқ теракдан ясалган ўтқир, бешафқат ўқлардан олган жароҳатларининг ғоят кўплигидан азоб чекиб инграрди.

БАЙТ

Жароҳат жабридан инграпиб ётар ҳамон,
Тўқайда яраланиб ётгани каби арслон.

Шундай қилиб золим тақдир унинг устидан ғалаба қозонди. Унинг ҳаёт боғидан оз-оз томчилаб оқаётган тоза,

ёқимли томчилар кунлар кетидан кунлар ўтиши билан секин-секин камая бошлади. Модомики, парвардигорнинг амр-иродаси шундай экан, Қаландарбекнинг ҳаёт боғидаги баҳт гули очилиб турган бир пайтда, айрилиқ шамоли унга ҳаёт билан, отаси, акалари, дўстлари ва бошқалар билан видолашибининг хушбўй ҳидини етказди. Ажалнинг ҳамроҳи бўлган бир ёмон, ярамас табиб келиб, уни даволашга шошилди. Бироқ Қаландарбек оғриқнинг кучли азобидан шу қадар қийналаётган эдики, унга табибнинг даволаридан кўра ўлим косасидан ёқимли шарбатни ичиши афзалроқ эди. Шу боис кимки унинг юзига нигоҳини ташлаган бўлса, оғриқ азобидан ниҳоят бетоқат бўлаётганилигини ҳасрат билан ҳис қиласди. Ниҳоят, алдоқчи тақдир, Фарҳод тешаси билан Бесутун тоғларини ёғдек кесиб, икки томонга ажратгандай, унинг жисми билан жонига рахна солди. Табиб унинг биқинини тешиб, ўқни олиши билан шу тешикдан Қаландарбекнинг ҳаёт қалъасига ўлим бостириб кириб, бутун жисмини забт этди.

Қасоскор фалак ўзининг азалий хусуматини яна бошлаб, тирикларнинг хотиржам, сокин қалъаси устига оғат, надомат, баҳтсизлик, ғам тошларини ёғдира бошлади. Бутун кечаси улар, қалбларни куйдирувчи иссиқ қонли кўз ёшларини ёнаётган шам сингари тўқдилар, Қаландарбекнинг тинч, осойишта ётган нурли сиймоси атрофида куйиб-пишиб, изтироб чекиб, парвонадек айланниб юрдилар, ҳасрат, айрилиқ оловида ёндилар. Айрилиқ кечаси фанога йўл олгаи марҳум учун худога қўшилишининг қувончли куни бўлса ҳам аммо тириклар учун бу кеча шундай оғир, қайгули бир кеча бўлдики, шу ҳол ҳатто ўтга тушиб тўлғаниб ёнаётган даҳшатли илоннинг аҳволидан ҳам, баттарроқ эди. Улар тақдирнинг шафқатсиз фармонига биноан бутун тунни матомсаролик билан ўтказганларидан сўнг, бу тоза, мусаффо уммоннинг йирик гавҳарини, Бадаҳшон лаътини одамлар нигоҳи тушмайдиган ер чиганоғига бекитдилар тоза тупроққа топширдилар. Тақдирнинг тили мотамсароларга таскин бериш, уларни юпатиш учун қўйидаги сўзларни айтди:

РУБОИЙ

Адам саҳросига охир кирмаган бир киши борму,
Ажал шарбатидин тотиб кўрмаган бир киши борму?
Ёшу кексани фарқ этмаски тақдир шамшири ҳаргиз,
Ҳаволанса, бошин эгиб турмаган бир киши борму?

Мотамсаролар бу таскинбахш сўзларни эшитиб, бундан кейин Қаландарбекнинг мислсиз қобилиятини, гузал сиймоси, қадду қоматини, табассум билан кулиб туришлари ни, латиф гулининг хушбўй ёқимли ҳидини фақат хаёлнинг тасаввур ойнасида кўриш мумкинлигини англадилар. Бинобарин, энди уларда адо бўлмас ғам-ҳасратдан бошқа ҳеч нарса қолмаган эди.

Аллаёрбийда олампаноҳнинг саркардалари, тўраларига хос бўлган ҳар қандай оғир мусибатга сабр-тоқат шу қадар кучли эдики, у бақувват оёқларида тик туриб, бардош кафтидан тоймасдан, баҳодир, навқирон ўғлидан айрилиш ғам-ғуссасини ичига ютганди, бироқ "Касални яширсанг, иситмаси ошкор қиласи", — деганларидек, бу чексиз ҳасрат, надоматнинг олови отанинг ичини ёндираётғанлигини фақат унинг нафас олишидан, лабларининг қовжираб қолганлигидан, ичидаги бекиёс ўтда куйиб кабоб булаётган юрагидан, қонли кўз ёшлари билан ҳўл булаётган кўзидан пайқаш қийин эмасди. Аллаёрбийда Қаландарбекка нисбатан муҳаббат денгизи жўш ургани боис, у ўзининг тентираб қолган қалб кемасини ҳасрат, надомат, ғам гирдобидан эсон-омон қутқариб қолиш иложини тополмай қолди.

Бу воқеадан қалби қайғуга ботган мулло Сайд ғайрихтиёрий равишда қуйидаги байтни ёзди.

БАЙТ

Оҳ, сен ким учун жонингни қилдинг қурбон, қаёққа кетдинг, қаёққа?
Сен йўқлаб дўстларинг қадди букилди чунон, қаёққа кетдинг, қаёққа?
Замон қулоги сени чорловчи нидолар ила тўлди,
Энди сен буни эшиitmайсан ҳеч қачон, қаёққа кетдинг, қаёққа?!

Шу мудҳиш, қайғули ҳолат юз бериб турган бир пайтда шоир ўз қалами килкидан тараалаётган ёқимли шабада билан Қаландарбекнинг сирли дунё гулзоридаги хушбўй ҳидини бутун оламга ёймоқни ва бу булбул (шоир) у гулнинг муаттар иси ҳақидаги ҳикоясини замон дафтари саҳифаларига нақш этиб, одамлар тасаввурида абадий сақланиб қолишни истаб қўйидаги шеърни ёзди.

ШЕЪР

Алдамчи дунёда ишондим паққос,
Инсондан яхши ном қоларкан, холос.
Вафот тарихини билмоқчи булсанг,
Ушбу шеърни ўқиб чиққил рўйи рост.
Чубин от ҳозирлаб Қаландарбекка,

Фано матоҳидан тикдилар либос.
Нима топди экан ул сукунатдан,
Булбулдек хонишдан тұхтади нохос.
Агар сұрар булсанг фано йилини,
"Дил күйди" сұзлари келур анга мос.

ДАВРНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

Мамлакат ишларини ҳал қилишда фалак сингари куч-қувватға эга бұлган Фойибназарбий сарой яхши хулқи, одамшавандлиги билан халқ орасида жуда катта обрұ-эътиборға эга эди. Хонга дахлдор бұлган ишларни бажаришда Фойибназарбий асло хиёнат құлмас эди. Бий чаққонлик, мардлик соҳасида шу дараражага етган әдіки, агар мамлакат нозанинларидан биронтасининг кокилица парокандалик ҳолати сезилса, унинг баҳт шабадаси құзғалиб, шу кокилни секин босиб құяр эди, агар у яна қайсарлик қилиб, паришонлигини давом эттира берса, Фойибназарбий үз одатига күра жуда катта журъат күрсатиб, унинг бирор тола сочини туширмасдан, фақат ушбу итоатсиз толани үз ўришига құшиб құярды. Унинг ҳовлиси динни ташвиқ этувчи уломаларнинг, ақыллы, заковатли одамларнинг тұпланиб суҳбат үтказадиган жойи, шунинг билан бирга, үйин-кулги хурсандчилукнинг маскани ҳам эди.

БАЙТ

Элу юрт орасида топған эди шуҳрат-шон,
Фойибназарбий довруги билан тұлғанди осмон.
У мамлакат буржининг эди ёргұ юлдузи,
Саодат маҳзанида порлаган дүрнинг үзи.
Оллоқ одамийликни қылған әдиким ато,
Инсон сиймосидаги фаришта эди гүё.

Хижрий 1100 (мелодий-1689) йилда Фойибназарбий худонинг ердаги сояси, халифа сингари катта обрұ-эътиборға эга бұлган Субхонқулихоннинг фармони билан Хурсонга юриш қылды.

БАЙТ

Олампаноқ жанг учун бергач изну ижозат,
Саркарда құшинини шайлаб бұлды ниҳоят.
Тұғонли уммон каби лашкар ногоҳ құзғолди,
Довул, карнайлар саси төг-тошни қоллаб олди.
Дарә кечиб, төг ошиб, саҳроларга етишди,
Отларнинг дупуридан заминга ларза түшди.

Тун демай, кундуз демай лашкар борарди шитоб,
Олислардан жимирилаб кўзни оларди сароб.
Бир саробким, акс этар денгизларнинг жамоли,
Боғларнинг таровати, юксак тоғлар камоли.
Малҳам топгандек гўё ундан ташналар лаби,
Ўзига чорлар эди жаннат булоги каби.
Хуршид, қамар акс этган гўзал кошона эди,
Ой — унга сол¹. фалак-чи — нурли пешона эди.

Душман исёнини бостиришни ўз бурчи — вазифаси деб билган лашкар худди кўпигини қирғоққа сачратаетган денгиз тўлқини каби, жумбушга келиб Амударёни кечиб ўтди. Улуғ бахтнинг тақозоси билан Андҳуд шаҳри икки дарёнинг бир-бирига қўшилиш жойига айланди. Жаннатмонанд бу ерда икки бахт юлдузининг бир-бирига яқинлашиш ҳолати юз берди, яъни худо марҳаматига сазовор бўлган Муҳаммад Сайджона Балх ва Бадахшон қўшинлари билан келиб Фойибназарбий лашкарига қўшилди.

Лашкарга саркардалик қилаётган Фойибназарбий вазминлик, ақл, фаросат билан, чамандаги гуллар каби, бу беҳисоб қўшни ичиди қандайдир бир яширин сир борлигини, шу боис лашкар ичиди ҳамжиҳатлик, бирлик йўқлигини сезди. Бу келишмовчилик авжига чиқиб, алангага айланиш эҳтимоли борлигини ҳам англади.

Ниҳоят, бий жуда хушфеъ бўлиб, бошқаларга фақат яхшиликни рабо кўрганидан, Одина Муҳаммад девонбеги мингнинг беқарорлиги, нотўғри ҳаракатлари боис Балхда истиқомат қилувчиларнинг қалбida бирмунча ранж, озор ўрнашиб қолганлигини пайқаб, ширин тил, донолик билан гапга тўн кийгизиб, уларни иноқ, тотув, ҳамжиҳат бўлишга чақирди. Катта Айиқ юлдузига монанд бир-биридан жуда узоқлашган бу одамлар Фойибназарбийнинг насиҳатларидан кейин Етти оғайнин юлдузи каби ҳамжиҳат бўлдилар. Диндорларнинг одатига кўра бу одамлар бундан кейин душман далаларида унган ҳосилдан бошоқлар териб йиғмасликка ваъдалашдилар, ҳамиша яқдил, ҳамжиҳат бўлишга қасам ичдилар.

Шундан кейин яқдиллик, ҳамжиҳатлик ҳукмрон бўлган бу қўшин чегарадан кечиб ўтиб, Хурсон қалъаларидан бири бўлган Боломурғоб³ қаршисида тўхтадилар.

Бу қалъа шу қадар баланд эдики, нигоҳ унинг тепасига етгунча, деворларининг бир неча жойида тўхтаб ўтарди. Қалъа деворларидаги туйнуклар Ҳулкар юлдузидек жуда баланд бўлганлигидан кўз илғамас эди. Унинг деворидаги шинаклар кўкда Зуҳра зулфини таратаётгандек бўлиб

қўринарди. Шу боис ўй-хаёл соқчиси ҳам ажиди, афсонавий нарвонларсиз унинг минорасига қадам қўйиш мумкин эмаслигини тасаввурдан ўтказган эди.

ҚИТЪА

Қалъа жуда ҳам юксак, фалакларга тенг эди,
Хаёл каби бепоён, саховатдай кенг эди.
Орзу қуши ҳам унга эта олмасди парвоз,
Воҳа нозанинининг юзидағи менг эди.

Қўрқув яшини Эрон ўқчиларининг кўз олдида чақнай бошлади. Туранликларнинг шабада каби баъзан тўхтаб, баъзан кучайиб отаётган ўқлари садосидан эронликлар чўчиб ҳужумга ўтишга ботина олмадилар. Дарвозаси қибла томонга қаратиб қурилган бу арк нозанинларининг қоши сингари жозибали, гўзал, ошиқларнинг табассуми каби дилрабо эди. Бу қалъа, замон меъморлари томонидан гўё саратоннинг иссиқ меҳри, сурури билан қориштириб қурилгандек, унинг девонлари худди давр шувоқчилари томонидан қувонч гулхонасида ўстган латиф гулларнинг лойи билан аралаштириб сувалгандек, олгинланиб кўзга ташланиб турарди. Ҳақиқатдан ҳам бу қалъа атрофидаги тоза, муаттар, ёқимли об-ҳаво бахтнинг роҳатбахш шабадаси билан тез-тез алмашиниб, янгиланиб тургани учун кишиларга олам-олам ҳузур-ҳаловат бахш этарди. Қалъага кўзингиз тушиши билан бир зумда қалбингиздаги ғам-андуҳ тарқаб кетар эди.

Қалъа аҳолиси озиқ-овқат заҳираси жиҳатидан ниҳоятда бой эди. Уларда Сунбула ойида ғамлаб қўйилган буғдой, Жавзо ойида тайёрлаб қўйилган арпа, Сомон йўлида тўплаб қўйилган сомон жуда мул эди. Улар кўк гумбази остидаги тизгинсиз буқани, юввош қўзичноқларни, улоқлар билан бирга сўйиб, Саратон⁷ буржига етиб келган қуёш товасида қовуриб, қовурдоқ қилиб, ғамлаб қўйган эдилар.

Фойибназарбий бошчилигига қалъа шундай қамал қилиндики, унинг ичидаги қамалиб, тутқунликни бошдан кечираётган одамларга фақат осмондан нафас олиш насиб бўлган эди. Илгари ўтган қўшин саркардаларининг одатларига кўра, Фойибназарбий узоқни кўролмайдиган бу халққа аввал, Боқи удайчи сарой орқали саркашлиқ қилмасдан, қора ниятлардан воз кечиш, исломнинг тўғри, ҳаққоний йўлидан юриб, дуст, ҳамжиҳат бўлиш хусусидаги панд-насиҳатлар битилган подшоҳлик номасини юборди.

Бироқ бу халқ ҳаддан ташқари каландимоғ, такаббур бўлиб, босар-тусарини аиглаб етмагани боис, тақдирнинг қўли уларнинг қулоқлариниң карактлик пахтаси билан бер-китиб қўйган эди. Шу сабаб қалъа ичидаги баҳтсиз одамларга Фойибназарбийнинг яхши, оқилона маслаҳатларини эшитиш насиб этмади. Бунинг устига-устак қалъа сардори қалъа ичидаги лашкарларини нарвонлар орқали ҳужумга ўтишга чорлади. У қўёшни кафт билан, тоғдан шиддат билан оқаётган селни шағал тош ёки шоҳ-шабба билан тушиб мумкин деб ўйлаб, исён байрогини янада баландрок кўтарди ва бир неча дайдиларнинг диққатини ўзига жало этишга эришди. Абдуллоҳ Султон Турон шерларининг йўлини тўсмоқ ва уларга қаршилик кўрсатмоқ ниятида Эрон лашкарлари гуруҳларини ҳам жангга отлантириди.

Шу пайтда жангга киришга ҳозирлик кўриб турган бир неча ўзбек ўглонлари катта жасорат билан ўқдай отилиб, эронликлар гуруҳи йўлини тўсиб чиқдилар ва омонсиз савашда мухолифларининг асосий қисмини қириб ташладилар. Ўз ҳамроҳларини қутқариш мақсадида эронликларнинг бошқа бир гуруҳи жанг майдонига жадал суръат билан ташланди. Бироқ ўзбекларнинг камонлари, милтиқларидан отилаётган ўқлар зарбидан яна бир неча қизилбош ерга қулади. Шу боис улар жанг майдонини тарк этиб, шошилинч равишда орқага қайтишга мажбур бўлдилар.

БАЙТ

Нозанинлар қошин қоқҳандай гўё,
Камонлар отилди бу майдон аро.
Неча дубулгалар ҳатто бирма-бир
Ўқлардан тешилди бамисли ғалвир.
Тўзгоқ туглар узра этгандек парвоз,
Руҳлар¹ кўкка учди мисоли шаҳбоз².
Ботирлар қўлида ажалдан ярог,
Тўқнашди ўзаро гўё юзлаб тог.
Қонларга қорилди гиёҳ-майсалар,
Учар колдуз каби учди найзалар.

Эронлик жангчилар Фойибназарбийнинг гулдураган қудратли овозини ўз қулоқлари билан эшитгач, унинг камон, милтиқлардан отган ўқларини нишонга бехато тегаётганлигини ўз кўзлари билан кўргач, бийнинг ҳаёт хазинасини забт этишдан воз кечдилар ва дедилар:

БАЙТ

Паҳлавон, мардлар ичинда якто аҳсан сен ўзинг.
Арбоб ҳам муҳрдор, соҳиби маҳзан сен ўзинг.

Ниҳоят, эронликлар шафқатсиз тиканларнинг қадалишидан қўрқиб, бу гулхонага кирмасликка қарор қилдилар ва орқага қайтдилар.

Жанг майдонида шундай бир ҳолат юз берганда, Субҳонқулихоннинг саркардалари ҳам, жангда ғалабага эришмоқ учун бугун орқага чекиниш ва узоқроқча бориб кутиб туриш, эрта кечаси ҳужумга ўтиб, душман устига ёпирилиб, жанг чанг-тӯзони билан уларнинг ҳаёт бўстонини қоронғи зимистонга айлантириш ҳамда душманнинг олазарак қўзларини тупроқ билан тўлдиришини маъқул топдилар.

БАЙТ

Фойибназарбий қалъани қуршаб олиш-чун шу он,
Эрлар, баҳодирларга — лашкарга берди фармон.
Икки томон қўшини келиб бир-бирига яқин,
Тонгача ўладилар жанг тақдирин кўз юммайн.
Худога илтижо қилдилар токи чиққунча қуёш,
Зафар түгин кўтариб қўзалардан тўқдилар ёш.

Тонгда карнай садолари овози еттинчи қўкка етди. Икки томондан қўшинлар шиддат билан омонсиз жангта кирдилар. Амирлик ҳокимияти қўшинларининг саркардаси Фойибназарбийнинг қалби темирчининг қўрасидаги ўт сингари чақнаб ёна бошлади. Ҳар майдоннинг қайси бир гўшасида душман бирон-бир туронликка зарар етказишга ҳаракат қилаётган бўлса, у худди тоғ сели сингари тўсатдан шу ерда пайдо бўлиб, чидам ва бардош билан ғамхўрлик қилиб, хавфни бартараф этарди.

Уруш чангалзорининг қаерида Турон шерларининг оёғи тояётганини курса, шу заҳоти жуда катта жасорат билан душман сафини Алининг қиличидек икки ёриб ўтиб, дўстларига мадад берар эди.

Оллоҳнинг изну розилиги билан бу урушга иштирок этаётган Шодмонхожа Нақшбандий бўлажак ғалаба ва тантаналарни худди тошга ўйиб ёзилгандек, ўз қалбига акс этириб, Нақшбанд шоҳнинг руҳидан Ироқ шашдари дарвозасини очиши, илтижо қилиб сўрарди. Бор диққат-эътиборини бир жойга тўплаб, сидқидиллик камонидан илтижо, дуо ўқларини отганлиги боис, унинг ўқлари ҳаммавақ нишонга бехато тегар эди.

Шу пайтда ўз ақли, заковати, ўткирлиги билан машҳур булган Аллаберди сарой бошчилигидаги гуруҳ ғолиб Турон лашкарларининг ҳаракатларини мудофаа этувчи қалқон

бўлиб, жанг майдонига шиддат билан тушди. Шу куннинг ўзида, эрталаб тонгда бўлган биринчи ҳужумдаёқ у ғалабанинг ёқимли шабадаси билан баҳт фунчасиннинг очи-лишига имконнят яратди, баҳт дараҳтлари ғалаба томчи-лари билан сугорилди. Субҳонқулихоннинг баҳт насими манфур, жирканч душманнинг шарманда бўлган юзини чанг-тўзон билан бекитди. Амирлик давлатининг саркарда-ларидан бири бўлган Аллаёрбийнинг чақнаган қиличи сув-дек оқаётган қон устига ғалаба манзарасини шундай чиз-дики, унинг изи замон гиламида абадий ўчмайдиган бўлиб қолди. Саркардалар қўл остидаги лашкарлар найзалари-нинг ярқирашидан Боломургоб сувларида олов шундай ёлқинланники, унинг тутуни эронликлар мурдаларининг оғзидан қиёмат кунигача тўхтамайдиган бўлди. Қора оло-мондан ташкил топган лашкарий гуруҳлар ширин тилли одамларнинг қатор тишлари сингари бир-бирига зич жой-лашган ҳолда, ғалабага қатъий умид боғлаб, худди занжир ҳалқалари каби қалъя атрофини ўраб олиб, ичкарида қама-либ ётган жоҳил одамларнинг аччиқ қисмати ҳақида шавқ-завқ билан бир-бирига ҳикоя қиласар эдилар.

Ҳужумга ўтиш ҳақидаги хабарни ҳаммага етказмоқ учун эрта тонгда карнайлар чалиниши билан қамал қилинганд Эрон лашкарлари қулоқларини бепарволик, бегамлик пахтаси билан бекитиб, муҳолифлари устига тез учар ўқларини ёғдира бошладилар. Уларга ортиқ даражада ишонган қалъя ичидаги қора оломон ҳам, ўрин-тўшакларини ташлаб, иссиқ жойларидан иргиб чиқиб, тошбақатоли (заҳарли, сариқ гулли бута ўсимлик — Ж.Э.) га ўхшаб, ўз юзларини баҳтсизлик чанг-тўзони билан булғаб, белларини қутулишнинг умидли камари ила маҳкам боғлаб, кўзларини янги териб олинган бодом каби катта очиб қуйидаги байтни ўқидилар.

БАЙТ

Мол-дунёни ҳавас қилмай сени севдим бир умр, бас,
Озод бўлгач бу ишқингдан қалбда жўшди ҳирсу ҳавас.

Қамал қилинган оми ҳалқ эронликларга суюниб, сар-кардалар тузган иттифоқнинг пойдеворини худди оқар сув сингари бузиб, ҳужумга ўтганликлари боис Оллоҳ ғазабига учрадилар. Улар Турон баҳодирларининг шиддатли ҳужумига бардош беролмай, бошлари чопиб ташланган биродарларининг мурдаларига қоқилиб, саллалари чува-либ, шошилинч равишда қалъанинг ичга кириб олдилар.

Оёқлари сафдошларининг қони билан қизарган бу одамлар ташналиқ азобидан ниҳоят қийналиб, қовжираган лаблари билан бу воқеанинг дахшати ҳақида ҳикоя қилиб турган пайтларида инсофсиз эронлик аскарлар Турон лашкари-нинг кучли сиқувига бардош беролмай, замбараклардан отилган ўқларнинг зарбидан қалъя деворларида ҳосил бўлган рахналардан ичкарита кириб, кишиларни талашга киришдилар. Улар фақат халқнинг мол-мулкини талон-торож қилиш билан чегараланмай, балки хотинларни ҳам, қизларни ҳам, бутун оила аъзоларини, ҳатто қариндошлариникига меҳмон булиб келган аёлларни, жувонларни ҳам таҳқирлай бошладилар. Бири уйлардаги халта тұла олтинни күтариб чиқса, бири латиф, гұзал қизни қон йиғлатиб судраб чиқар эди, бири уйлардаги сигир, бузоқ, ҳұқизни судраб чиқса, яна бошқа бири хұтикни етаклаб чиқар эди. Бошқалари уйлардаги лаш-лушларга әгалик қилиш билан машғул бўлар, айримлари эшик занжирларини сугуриб олиб хуржунига солар эди.

ШЕЛЬ

Талон-торож қилди улар беаёв,
Хөвли-ҳарамларни этиб шип-шийдам,
Эшик, дарвозага қўйишиди олов,
Сугуриб олишиди занжирини ҳам.

Эронликлар Турон лашкарлари билан жангни давом эттиришни ўзларига ўлим тилаш билан баробар эканлигини англаш, қоронғи кечада ҳаром ўлжаларини орқалаб, жўнаб қолганликлари ҳақида хабар Турон лашкарларининг кучига куч қўшди. Саркардалар қизилбошларни таъқиб этишдан кўра Боломурғоб қалъасини забт этиш зарурлигини маъқул кўриб, ҳужумга ўтдилар. Қалъя ҳокими Абдуллоҳ Султон Турон лашкарларининг шиддат билан ҳужумга ўтганликларидан хабар топган, бу хунрезликда ва қалъя ичидағи халқни қизилбошлар томонидан ғорат қилинишида ўзи айбор эканлигини чуқур ҳис этиб, афсусланди. Шу боис пушаймон бўлиш, ўқиниш зинапояларидан юриб келиб, Фойибназарбийга таъзим қилди ва раҳм-шафқат, омонлик тилади. Амирлик ҳокимиятининг таянчларидан бири бўлган Фойибназарбий ўз қабиласи изидан чиқсан Абдуллоҳ Султонни ва унинг бошқа бийларини иззат-ҳурмат билан шарафлаб, улуғворлик чакмонларини кийдирди.

Бу амирнинг қудратли қули бошқа қалъаларнинг ҳокимларини худди юмшоқ, беозор ип билан бепарвоник, бегамлик қудугидан тортиб олгандек ўз томонига ўтказди ва панд-насиҳат арқони билан уларни боғлаб қўйди.

МАСНАВИЙ

Барча қалья тобе бўлди алъамон,
Қолмади ёв лашкаридан ном-нишон.

Бухорога қайтишда Фойибназарбий шавкатли Шағолбий қиёт ва ўз довруги билан шуҳрат қозонган, шу даврнинг йирик олими, қудратли султонларнинг мажлисига файз киритадиган қози Амир Ҳошимнинг ёрдамлари билан яна бир неча қалъани ишғол қилди. У Абдуллоҳ Султонга ҳам мусулмонларнинг динига, урф-одатларига (Бу ифода орқали муаллиф Абдуллоҳ Султонни сунний эмас, балки шиа мазҳабида эканлигига эътиборни жалб этмоқчи — Ж.Э.) амал қилишни уқтириб, насиҳат қилди. Бироқ даврнинг ҳушёр кўзлари бу нобоп ярамас кимсанинг хаёли қочиб, бепарво турганлигини кўриб, унинг шаънига қуидаги шеърни ўқидилар.

ШЕЪР

Қайтса гар фарзанд динидан охири пушмон бўлур.
Кўрса ҳам жаннатда таҳсил барибир шайтон бўлур.
Гарчи тор ҳужра ичинда тўгри таҳсил олгай ул,
Ҳужра тўринда шараф тахтинда собит қолгай ул.

Боломурғоб қалъаси қизилбош эронликлардан тозалангандан сунг, Чачекта ва Маймана ҳукмдорлари ўз мансабларидан маҳрум этиладилар. Шу боис улар оёқларини сукунат этаклари тагига йигиб, тинч яшашни афзал деб билдилар.

МАСНАВИЙ

Бирин ўрнин босар иккинчи одам,
Эгасиз қолмагай қеч қачон олам.

Амирлик ҳокимииятининг ҳимоячиси Фойибназарбий Боломурғоб ташвишларидан ўз қалбини озод қилганидан сунг, керакли одамларга, айниқса, Балх ва бухороликларга мамнуният ва хурсандчилик билан марҳаматлар кўрсатди. Уларга жуда кўп нарсалар ҳадя қилди. Сайдлик қадр-

қиммати билан шуҳрат қозонган Мұҳаммадхожа құлидаги давлат байробини ғалаба келинларининг латиф құллари билан безаб, уни жуда ҳурмат-иззат ва танатана билан Балхга жұнатди. Ғойибназарбийнинг ўзи эса құлидаги давлат байробини Қуръонда ёзилған ғалаба ҳақидағи шеърлар билан безаб, ислом қароргоҳи — Бухорога томон йўл олди. Абдуллоҳ Султон ва бошқа қалъаларнинг ҳукмдорларини ҳам ўзи билан бирга Бухорога олиб келиб, хайрихоҳлик ва лутф билан уларни хонга танишириди. Абдуллоҳ Султон ҳақида хонга батағсил ҳикоя қилди. Онҳазратлари, ўзида жамланған маънавий улуғворлик хусусиятларига кўра, уларнинг гуноҳларидан тамоман кечди, улар эккан умид уруғларини лутф ҳамда марҳамат сувлари билан суғорди.

МАСНАВИЙ

Кимда гар саховат, зако бўлса гар,
Айборни ўлдирмас, балки афв этар.

Тахт супачасида ўтирган оқсоқоллар, ер коптоги одамларнинг қийишиқ чавгони кафтига тушгандан бери, биронта жасоратли эрга бундай улуғ ғалаба насиб этмаганини ифтихор билан сўзладилар.

БАЙТ

Лашкарга бўларкан доим зафар ёр,
Оlampanoҳ баҳти бунга сабабкор.
Ҳамиша омадли айла, худойим,
Хизр умрини унга бергил, илойим.

ВОҚЕА

Давр воқеаларидан бири Қарши вилоятида юз берган қуйидаги ҳодисадир. Қарши чұлларыда униб-үсіб чиққан ям-яшил ўт-ўланлар, майсазорлар, хилма-хил гуллар, лолақизғалдоқлардан таралған муаттар, хушбүй ҳидлар ер юзини қоплаб сабо билан ўйнаб, ҳатто қуёшни ҳам мафтун этарди. Чаманзорларнинг сумбул соchlарига, нозик, латиф гулларига назар ташлаган ҳар қандай ғамгин кишининг олдидә хурсандчилик, қувонч дарвозасини құлфи дили очилар эди.

1100 (мелодий — 1689) йилда тирикчилик учун озроқ, унча-мунча озуқаси борлиги туғайли ғам-ташвишсиз яшаётган одамлар юзида беқарор, ўзгарувчан тақдирнинг шафқатсизлиги боис, шодликдан асар ҳам қолмади.

Шундан бир тасодифий ҳолат содир бўлдики, қурғоқчилик йилининг олови тафтидан, сурбет, беор кимсаларнинг қаттиқ дийдаси каби, булоқларнинг кўзи ёпилиб, ҳаммаёқ қовжираб қолди. Она булутнинг кўксидан ер беланчаги оғзидаги чанқоқликни, ташналикни кучайтирадиган, қуёш тафти билан қиздирилган сут томчиларди. Катта дарёларда оқаётган сувлар дармонсизланиб қолган етимча болаларнинг қўл-оёғи каби bemажол эди. Улардаги оқадиган сув ўринини шамол учиреб келган чанг-тўзон қоплаганлигидан, ҳатто кўпrik билан жилға оралиғидаги очиқ жой ҳам куринимай қолган эди. Булоқлар, худди сувга туширилмаган қайиқ каби, ҳовузлар бамисоли сув юзини кўрмай тўнтарилиб ётган елкан сингари қовжираб қолди.

БАЙТ

Булоқларнинг кўзи тинди, дарёлар кўлмакка дўнди,
Халойиқнинг кўз ўнгига ёруғ дунё қаро энди.

Ўсимликларнинг, ўт-уланларнинг униш-усиш пайти — Савр ойи етиб келган бўлса ҳам, ем-хашакнинг, озуқанинг йўқлигидан отлар, сигирлар шундай озиб-тўзид кетдиларки, шамол уларни бемалол учиреб кета бошлади. Бу пайтда бирор-бир қуш осмонга парвоз этса, қуёш шами алангаси тафтидан худди парвона сингари куйиб ерга тушарди.

Қандайдир дайдиб юрган бирор-бир саёҳатчи паргар каби ерга аранг қадам қўйиш билан оёғи бамисоли шамнинг пилтаси каби батамом ёниб жизғанак бўларди.

БАЙТ

Қуёш кирпигида ёшлар куяр бўлди,
Замон дийдасида тушлар куяр бўлди.

Машриқ соҳиби — қуёш ёзининг олови тафтидан маст, сархуш бўлганлигидан, ўзининг олтин дубулғасини Саратон буржининг кўксига қўйиб, деди:

БАЙТ

Биз — шуъладан ўқлар тутган голиб камондор,
Олов босиб бормоқдамиз мисли Самандар.
Бормоқдамиз ишқ майидан бўлиб оташин,
Етолмагай бизга асло гулдурак, яшин.

Булутдан баҳор ёмғири тўқилиши ўрнига, Оллоҳнинг ёлқинли олов тилидан жазо учқунлари ёғила бошлади. Куннинг чўғдек қизиб кетганлигидан иссиқлик ниҳоятда кучайиб, дэҳқонларнинг эккан экинлари худди қуриган бармоққа ўхшаб қовжираб қолди, шу боис фано шамоли уларни енгилгина учириб, бутунлайин нест-нобуд қилди.

Ўша давр ҳокимларининг ҳақсизлиги боис ҳамма экинларни еб нест-нобуд қилиб кетувчи зааркунанда-ҳашаротларнинг кўпайғанлигидан дэҳқон ўз ерини ташлаб, бошлари оққан томонга кета бошладилар. Айниқса, қурғоқчилик йилига хос оғат, фалокатларининг янада кучайғанлиги, бунинг устига сон-саноқсиз лашкарнинг тез-тез у ёқдан бу ёққа ўтиб туриши, уларни озуқа билан таъминлаш, подшоҳ фармони билан ҳисобсиз солиқларни ундириб олиш борасидаги раҳмсизлик ҳалқ тинкасини қуритишга, уларнинг эс-ҳушлари оғиб, паришонхотир бўлиб қолишларига олиб келди. Афсус, минг бор афсуслар бўлсинким, обод, гўзалларнинг юзи каби латиф, чиройли бўлган Насаф вилояти тақдирнинг тескари айланғанлиги натижасида газабланган, дилафкор санамларнинг дийдасидан оқаётган кўз ёшлари каби сочилиб, харобага айланиб қолган эди.

Аксига олиб, ёз ўтиб қиши келиши билан Жадий ойида совуқ, изғирин аёз шу даражага етдиким Даљ ойида жаҳон соҳиби бўлган қуёшдан таралган нур ҳам ингичка, нозик ип толаси сингари қиши қудуғи устида қалтираб титрай бошлади. Агар тую асабийлашиб, маст бўлганлиги важидан оғзидағи кўпиги тизиллаб сув устига тушадиган бўлса, совуқнинг кучлилигидан шу заҳоти пуфакча сингари музлаб қоларди.

Шу йилнинг баҳорида табиатнинг ёш фарроши Қарши ерларини сариқ, яшил гуллар билан қоплади, уста боғбонлар коинот гулхонасини ёқут тусли либос билан безадилар.

БАЙТ

Чаманзордан таралган бўй маст этди тонг шамолини,
Ясмин гули эсга солди севишганлар жамолини.

Худонинг марҳамати билан ёмғир жуда кўп ёққанлиги боис булоқларнинг кўзи яна сув билан тўлди, сукут сақлаб, жим бўлиб қолган дарёлар яна тилга кириб, шовқин солиб, мавжланиб оқа бошлади. Лолақизғалдоқлар қувонғанларидан ёқут рангли қалпоқларини осмонга ота

бошладилар, гунча кулмоқ учун оғзини очганда, ундан таралган хушбўй, ёқимли ҳиддан одамлар сархуш бўла бошладилар. Аммо, фақат бу қулнинг (асар муаллифининг — Ж.Э.)аҳволида олдингисига нисбатан ҳеч қандай ўзгариш бўлмади, илгари қандай бўлса шундайлигича қолаберди.

БАЙТ

Бу кўнгулнинг гаму ҳасратдин ўзга ошноси йўқ.
Жаҳон шодликка тўлса ҳам анинг ҳеч парвоси йўқ.
Юрак кўйгай меҳрдин, туну кун ~~йўқ~~ асло роҳати —
Ки, бергайдир хабар ишқдин анинг ҳар бир жароҳати.

ШУ САБАБ:

Кўз ёшим дарёсида мен бағри қон сузмакдаман,
Тўлқини ўйнаб отодур ҳар томон, сузмакдаман.

ОЛДИНГИ ВОҚЕЛЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН ҲОДИСАЛАР

Ҳаммага маълум бўлсинки, подшоҳлик чодирида боғ булбули сингари шавқ-завқ билан яшаш фақат Оллоҳнинг розилиги, марҳамати туфайли амалга ошади. Кимки Оллоҳ ишқини дилида жо этган бўлса, беқарор тақдир ўзгариб, айланиб турган пайтда, у ўзига меҳр қўйган одамлардан лутф-марҳаматини дариф тутмайди, уларга олижаноблик билан, осмон гумбази сингари, энг олий даражадаги амал, мартаба, иззат-ҳурмат, шон-шараф ато этади. Подшоҳ Субҳонқулихоннинг фалак монанд тахтга чиқиши ва унинг абадий соҳиби бўлиб қолиши, мамлакат ишларини яхшилаш, тартибга солиш ва фуқароларга ҳомийлик қилиш учун Бухородан юриш қилиб Балхга келиши юқорида баён этган сўзларимизни юз карра тасдиқлайди.

Ҳам бахт, ҳам тахтнинг соҳиби, оламни ёритувчи иккинчи соҳибқирон¹ хон ҳазратлари 1104 (ҳижрий) йил жумодул аввал ойининг бешинчисида (12 январь, 1693) улуғворлик билан Ҳомий қишлоғидаги қароргоҳга ўрнашиб олиш хусусида фармон берди. Шу қишлоқ инъом қилиб берилган хон ҳазратларининг хизматкорларидан бири, сарой қабиласига мансуб бўлган ҳожи Давлат олампа ноҳга ўзининг чексиз садоқатини намойиш қилмоқ учун жуда қаттиқ ташвишга тушиб, ёнаётган шамдек ҳаддан ташқари жонкуярлик билан хизмат қила бошлади. Табиатнинг ҳинду тунини ёритиб турган ой мажлисни безатиб турган идиш-товоқлар, қозонларнинг жаранг-журунги, та-

рақ-туруқидан безовта бўлганлиги боис ернинг ортига ўтиб, дам олаётган пайтда, оламни ёритувчи кун гўзали (қуёш) салобатли олампаноҳни (Субҳонқулихонни) шавқ-завқ билан томоша қилмоқ ниятида тинч уйқудан уйғониб, ер юзига ўз нурларини сочиб, шарқдан юриб кела бошлиди.

Шу пайтда вақт табиатининг ишораси билан оқ булутлардан эланган қор ҳаммаёқни қоплади, совуқ, аёзнинг ҳаддан ташқари кучлилигидан табиатининг ўзи ҳам музлаб қолди.

БАЙТ

Қиши чилласин зўр совуғи олам дарвазасин очди,
Шу боис ўт-оташ ёнган юракларни ташлаб қочди.

Агар давр гўзалининг юзи¹ чеҳрасидаги холи лашкарларнинг кўзларини ўз шуъласи билан ёритиб турмаганида эди, Қуръонда: "У зотнинг кўзлари оқарди", дейилганидек, халқ дийдасининг кўз қорачуғига оқ дод тушиб, уларнинг орзулари ушалмаган бўларди.

БАЙТ

Сурма суртилмас эса гар патқаламнинг ўзига,
Оппог-оппог дод тушар ҳатто булбул кўзига.

Давр чавондози ва тақдир эгарининг эгаси фалак отига ташланган Ҳулкар арқонини қуёш қасноғига боғлаб, уни Шарқ отхонасидан тортиб чиққан пайтда, онҳазрат табарук оёгини фалак чархи сингари тезюар отининг узангисига қўйиб йўлга тушди.

РУБОИЙ

Минган оти оқ тусда, юрганда берар бардош,
Югани икки пайкар, эгари худди қуёш,
Камарини безаган Ҳулкардан олинган маржон,
Узангиси — янги ой-юлдузларга йўлдош.

Ўша куни эпчил, чаққон ёш чавандозлар жуда кўп кийик ва ёввойи қуёнларни овлаб, хон ҳазратларига тортиқ қилдилар. Яна йўл-йўлакай тўқмоқ, сўйил, оқ теракдан ясалган камон, милтиқ ўқлари ёрдамида овни давом эттириб, Қаровул работига келиб тўхтадилар.

Ұша пайтда жумодул-аввал ойининг қаттиқ совуғи ҳаддан ошғанлигидан коинотнинг соҳиби бўлган қуёш нури ер қудуғининг устида худди ингичка ип сингари титраб, қалтираб турарди. Агар тия газаблангани боис унинг оғзидан тизиллаб сочилган кўпиги сув устига тушса, шу заҳоти пуфакча сингари музлаб қоларди.

РУБОИЙ

Унинг сод ҳарфи салобатидан найзалар титрар эди,
Унинг жим ҳарфи жасоратидан олам зириллар эди.
Совуқнинг бекиёс кучлилги, қорнинг мўл-кўллигидан,
Сен агар олов бўлсанг ҳам тилинг дириллар эди.

Шу тим қоронги кечада совуқдан асабийлашган соқчилар худди юлдузлар каби хоннинг музаффар лашкарига қоровуллик қилдилар, унинг қароргоҳини қўриқловчи чаққон, ҳушёр хизматкорлари ҳам аввалоқшомдан бомдод номозигача соқчиллик хизматини чидам ва Ѣараф билан адо этдилар. Жуда қаттиқ совуқ бўлишига қарамасдан, хон ҳазратларини бу ердан тез жўнаш хусусидаги ўй-хаёл бир зум бўлса ҳам тарк этмади. Шу боис шундай қоронги, совуқ кечада, тонг отмасдан бурун, чақнаб турган аланга сингари, чақмоқдек учқур аскарий отига миниб йўлга тушиди.

У Бўзачининг¹ рўпарасидаги қишлоққа етиб боргунча, ҳавонинг ҳаддан ташқари совуқлигидан кекса жангчилар ўз ақл-ҳушларини йўқота бошлидилар, ёшлар йигитлик олови билан қорилганликлари ва қалин пўстинлар кийиб олганликларига қарамасдан, озгина бўлса ҳам исиниб олиш мақсадида ўзларини парвона-сингари ўтга ураг эдилар. Каъбанинг муқаддас тоши каби қоп-қора бўлган хожа Меҳтар қор қирови билан, худди тухумдек оқариб, Сафо ва Марвада² истиқомат қўйувчиларнинг аҳволига тушиб қолди. Шу боис у хожа Аваз Муҳаммадни ўзига яқин дўст деб билиб унга: "Оҳ, ёшлик яна қайтса эди", — деди.

ШЕЛЬ

Қорнинг жуда кўп тушганлигидан
Соқол, мўйлаблар оқариб чунон,
Ҳамма яшашдан умидин узди,
Бўлгандек чиндан ҳам охирзамон.

Ҳамма хушбичим, келишган йигитлар, мағрур эрлар, нафис сўз соҳиблари, сумбул мўйловлари, қоп-қора жин-

галак соchlарининг оқарғанлигини үзларининг ёниб турган ҳушёр, қора күzlари билан пайқаб дедилар:

БАЙТ

Тақдир чархи айланишин англолмадим мен ҳануз,
Йигит эдим, кексайтириди, хиралашди икки кўз.

Шундай даҳшатли, ваҳимали қор тинимсиз ёғиб турган пайтда, баҳормонанд гўзал, латиф, нарсаларни имо-ишора ошиқларининг соҳиблари саналган савдогарлар сингари кўрсатиш қобилиятига эга бўлган ёшлар тақдирнинг ўзгарувчанлиги сингари минг хил ҳийла ва найрангларни чатиб-кўклай оладиган қарияялар Самандар (яъни муаллиф)нинг жўшқин нутқи хусусида бамисоли тўти сингари ширин каломлар ила сўзлар эдилар.

БАЙТ

Исинмоқча бу гулхандан бўлак мулку макон йўқдур,
Самандар сўзицек оташли бир роҳатижон йўқдир.

Шундай бир вазиятда ўзига насиб этган улуғ, улкан баҳт боис, жаннатмонанд Қаршига ҳокимлик шарафига сазовор бўлган Хуррам ҳожи қози ва тўралар билан бирга, самимият ва садоқатнинг катта йўлидан шошилинч қадамлар ташлаб, тантанали равишда юриб, Қақир сардобасига келиб тўхтади ва хоннинг қабулига кириш шарафига муяссар бўлди.

Шу лаҳзада ҳеч кимнинг эсига келмаган бир ажиб ҳодиса юз берди.

Хонга меҳрибонлик, ғамхўрлик қилиш ҳиссиёти билан тулиб-тошганликлари боис Қози Ёқуб билан юзма-юз утириб, Олампаноҳнинг йўлига тикила берганликларидан кўзлари наргис гули сингари баъзан очилиб, баъзан ёпилиб турган қабилаларнинг ёш сардорлари Қиличбий туркман ва Ираж эшикоғабошилар Хуррамбийнинг олижаноблик билан амалга оширган қизиқ ишларини кўриб, мамнуният билан, ундан ниҳоят хурсанд бўлдилар.

Хонга чин дилдан хизмат қилишни ўзига шараф деб билған Хуррамбий ҳожи бу беназир эр (хон) отининг юганини бамисоли қумрининг бўйинбоги сингари, бўйнига солиб Қаршига етиб келгач, у шаҳар бозорида ранг-баранг газлама, ҳар хил матолар дўконини очиб, уларнинг девори ва эшикларини хонга бўлган ҳақиқий садоқат, самимияти ранги билан безади. Ҳожи онҳазратлари қадам босиб ке-

ладиган йулга қалин гиламлар ўрнига подшоҳликка муносиб зарбоф, кимхоб, кундаллар тұшади, ер устини фарангийлар баҳмали ва қоплон териси билан қоплади.

БАЙТ

Тұшалғанды Насафдан то Журғот¹ работи қадар,
Ундан то Ғүжороттача² хилма-хил, рангин матоҳлар.

Хожи жуда күп узун-узун дастурхонлар ёзиб, уларни олдиндан тайёрлаб құйилған ҳар хил таомлар билан шу қадар тұлдирған эдикі, бундан одамларнинг қорни ҳам, күзи ҳам қайта-қайта түйди. У таомил бүйича йүл учун хонга ва унинг саройида хизмат қилаётган хизматкорлариға нимаики лозим бұлса, ҳаммасини тайёрлади: ҳожи яна бир қанча учқур отларни ҳам йиғиб хонга совға қилди, қатор-қатор туяларға юз харвар³ арпа, сомон, ем-хашак ортиб жұнатди.

БАЙТ

Инсонийлик қилди у әр одамларға чунон,
Бу хаёл одам бошига келмаганды ҳеч қачон.

Хуррамбий ҳожи амирлик ҳокимииятига хизматта кирганидан буён, доимий равища таниқли одамлар, акобирлар гурухи ичида бұлған пайтларида, бирор марта бұлса ҳам хонга хизмат қилиш йўлидан тоймаган, олампаноҳга заррача садоқатсизлик қилмаган, амирлик сирини ошкор этувчи бирорта гап-сўз унинг оғзидан чиқмаган эди.

Хуррамбий ҳожи хизматларининг муаттар ҳиди хонга аён бұлғач, олампаноҳ хурсанд бұлганидан унинг устига улуғворлик тұнини ёпди. Бошини шодлик тожи билан безади. Ҳожи ўзига насиб этган шундай баҳт учун худога миннатдорчилік билдириб, унинг беқиёс құдратини таърифлаш ва шоҳга узоқ умр тилаш ниятида дуога құл очиб деди:

ҚИТЪА

Оlam чаманида яшнаб турған бу гулбута ҳар он
Сенинг лутғинг-ла гул очди сахийлик богида, Оллох.
ИсроФилнинг сури янграб олам бұлғунича хазон,
Бұлмасин ҳеч бу гул хазон, омон бұлсın олампаноҳ.

Аъло ҳазратлари давр саҳифаларини ҳақиқат расми билан нақшлаш ниятида амирлик байроғини Балх томон йўналтириб, йўлга тушди.

Йўлда унинг яқинларидан бири Шоҳтип хожа ва Хўжамиёбийлар хоинлик қилиш касбини ўзларига одат қилиб олиб, хонга садоқат билан хизмат қилиш йўлидан адашиб, душманликнинг катта, кенг йўлига кирганликлари ҳақида олампаноҳга хабар қилинди.

ҚИТЪА

Муъжаз қушча қўрқибон қочган каби лочиндан,
Ўзининг тор инига учибон кетди чиндан.

Шоҳ газаб билан деди: "Дарҳол тортиб келтиринг
Кўкка учса оёги, ерга кирса қулогиндан!"

Шу сўзлардан кейин подшоҳ гўзал Кешга ҳоким қилиб тайинланган Тугмабий ёбуни ўз ҳузурига чақириб, унга қуйидагича фармон берди: "Садоқат камарингни белингга маҳкам боғлаб, уларни топиш йўлида тезкорлик билан қадам ташлаб исёнчиларни ахтариб топгин. Балким, қочқоқ ҳожининг хизматкорлари сен билан муроса қилиб бирор битимга рози бўлишлари мумкин". Хоннинг бу фармони Тугмабийга жуда қаттиқ таъсир қилгани боис Оллоҳ ҳоҳиши билан олдиндан тайёрлаб қўйилган бир неча ёш, моҳир чавандозларни ўзига ҳамроҳ қилиб, хондан оқ фотиҳа олиб, Қарши вилояти томон йўл олди.

Шу пайтда хон ҳали йўлда эканида, Қуръондаги: "Оллоҳ гўзал ўсимликларни ҳам гуркираб ўстирди",— деб ёзилган жумлани эслатувчи, умр дарахтини ҳаёт гулхонасида вояга етказган Муҳаммад Сайд ҳожи нақиб жасоратли, чаққон, довюрак эрлардан иборат жанговар гуруҳ билан Юрактепа деган жойга келиб, хон ҳузурига кириш шарафига сазовор бўлди.

Худонинг ердаги кўланкаси — Субҳонқулихоннинг баҳт-иқбол байроғи ўзининг саодатли соясини дарёning кечув жойи бўлган Келиф устига ташланган пайтда, ҳақиқатнинг¹ билимдони, ўзининг насл-насаби жиҳатидан муқаддас эшон деб тан олинган Хожа Насруллоҳ, шариатни нур, тариқатни² гўзаллик билан безатиб турган қози Аваз Муҳаммад амирликнинг паноҳида катта ҳурмат-иззатга сазовор бўлган улуғ ҳожи Муҳаммаджон билан бирга етиб келдилар ва қовжираган лаблари чанқоқлигини қондирувчи Замзам суви монанд иборат шарбати билан онҳазратларини баҳтиёр қилиб дедилар:

Оҳ, саховат ва марҳаматнинг
Ҳароратли булоги ўзинг.
Оллоҳнинг энг сўйган бандаси,
Халқнинг кўнгил чироги ўзинг.
Биз фотиҳа сурасин ўқиб,
Тинмай сени қилурмиз дуо.
Шоҳимиз бўл, паноҳимиз бўл
Юз йилларча сен ўзинг танҳо.

Худонинг сўйган бандаси онҳазратлари кемага хотиржамлик билан ўтириб, ўз ихтиёри юганини мавжланиб оқаётган сувга ва беқарор шамолга топшириб йўлга тушди.

БАЙТ

Жаннат қушин завқ ила қилмоқ учун томоша,
Кема парвоз айлади юксак тўлқинлар оша.

Мулла Саид бу воқеани шеър билан қуйидагича ифодалади.

БАЙТ

Тахтиравони узра ўлтириб шавкатли шоҳ
Дарёдан кечиб ўтди — Оллоҳнинг ўзи паноҳ.
Лашкарига шоҳ амрин аъёнлари етказди,
Ҳам қуруқлик, ҳам сувда ул ўз ҳукмин ўтказди.
Ул қирғоққа етгач шоҳ кемадан бўлди холи,
Чиганоқни тарк этган дур-жавоҳир мисоли.
Бу улуг олампаноҳ фармони ила шу он
Лашкар — денгиз тўлқиндек талпинди Балхга томон.

Хон дарёning нариги қирғоғига ўтган пайтда, бир зумда икки денгиз учрашгандек бўлди: тақдир туфайли Балх шаҳрида юз берган ширин ва аччиқ воқеалар хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини теша билан қазиб, дагал мўйлар воситасида сут арифи расмини Бесутун тоғига нақш эта олиш билимига, қобилиятига эга бўлган охунд мулла Фарҳод, ўз билими жиҳатидан мавж ўриб турган уммонга монанд бўлган янги билимларнинг ижодкори замон супачасида Афлотун дарсини ўқитган, латиф, ёқимли сўзларни саралаб, танлаб, лўнда, ихчам жумлаларни ўринлатиб, таъсирчан ва мазмундор қилиб сўзлайдиган, узун, зериктирувчи дарсларни ҳам жуда

қисқартириб баён этиш маҳоратининг соҳиби бўлган, аммо тақдирнинг ўйини боис бир кўзи бодом дарахтининг меваси каби оқ дод билан қопланган охунд мулла Умарлар хонга учрашмоқ ниятида, унга пешвоз чиқиб дарё бўйига етиб келганикларидан подшоҳ ниҳоят хурсанд бўлди ва олимларни шарафлаб иззат-ҳурмат билан уларга муносиб совғалар иъном этди.

БАЙТ

Ишқинг остонасида хок бўлиб ётдим ўзим,
Ҳажрингда бўзлайвериб қон бўлди икки кўзим.

Фалакнинг гардиши ва тақдирнинг шафқатсизлиги сабаб жабр-зулм ошганлигидан заифлашиб, қадлари осмон гумбази сингари эгилиб, ёй бўлиб қолган, замоннинг аччигини ҳам, чучугини ҳам ўз бошларида синааб кўрган давр оқсоқоллари, кексалари, самодаги юлдузларга ўхшаб, хон келадиган катта йўлдан кўзларини узмай, интизор бўлиб, олампаноҳни кутар эдилар. Хон кемадан тушиб, иқбол байроғини шаҳар томон буриб, йўлга равона бўлиши билан бирдан баҳт ва шодлик қуёши оламни ёритди, айни пайтда хушбўй мушк каби жингалак соchlаридан ер юзини ўзининг муаттар, ёқимли ҳидлари билан тўлдирган зафар байроғининг туғи ҳам кўринди. Хон ўз аъёнлари билан ноғоралар, карнайларнинг момақалдироқдек садолари остида Балх қўргонига кириб жойлашди.

БАЙТ

Хоннинг улуғворлигидан очилди адолат йўли,
Унинг қатъиятидан чекланди разолат йўли.

Ҳар куни жабр-зулм ҳаддан ошганлигидан Маймана ва Бадахшондан келган жуда катта, сон-саноқсиз одамлар тудаси Искандар таҳти монанд таҳтга соҳиб бўлган қудратли ҳукмдорнинг саройига арзга келиб, унинг бусагасига юзларини суртиб, олампаноҳнинг этагига маҳкам ёпишиб, унга беқиёс умр, абадий баҳт-саодат ёр бўлишини Оллоҳдан илтижо қилиб сўрадилар.

БАЙТ

Муттасил қилғил намоз, айла ривоят туну кун —
Ким, одил шоҳ умри мангур пойдор бўлсин учун.

ХИЖРИЙ БИР МИНГ ЮЗ ОЛТИНЧИ (1664—1695) ЙИЛДА ЮЗ БЕРГАН ВОҚЕАЛЛАР ХУСУСИДА

ШЕЪР

Патқалам қўйлашни бошласа қачон,
"Мухаллиф" оҳангин қўйларди чунон.
Муслимга батағсил бўлсин деб аён,
Энди ўзга куйни айлайди баён.
Фалакнинг гардиши ўзгарди бирдан,
Қўпди шоҳга қарши кураш беомон.
Ўтдек ёнар эди у ер-бу ерда
Исён тўдалари, ўчкор оломон.

Бу воқеаларнинг муфассал баёноти қўйидагича: машҳур амир, улуғ ҳарбий саркарда, лашкарбоши Ғойибназарбий оталиқ ва хонга ҳамиша яхшиликни рано кўрувчи, пешонаси ажинларида олампаноҳга нисбатан хусумат, адоват, менсимаслик аломатлари асло сезилмаган, дил ойнасига исён чанги, душманлик занги мутлақо юқмаган Хўжамбердибий додхоҳ, шунингдек, Фозилбий девонбеги юз, Ўзтемурбий қатағон, Тўқмабий ёбу ва Бегимуҳаммад додхоҳлар хонга душман бўлган кимсаларни ёлвориш, илтижо қилиш билан ўз томонларига ўтказиб, улар билан бирга ҳамжиҳатлик, яқдиллик камарини белларига маҳкам боғлаб, ўз мухолифларини қириб ташлаб, йўқ қилиш учун келишиб олдилар.

Шунга қарамасдан, хон мусулмонлар одатига кўра бир неча маротаба юқорида эслатилган оталиққа исён хирмонига яқин бормаслик, ҳамжиҳатлик шартларига амал қилиш хусусида насиҳатлар қилғанлиги боис саркарда бу бадхоҳлик йўлидан қайтди.

РУБОИЙ

У Қуръон билан онт очди, динга келтирди имон,
Ҳамма қилиқлари учун бўлди чунон пушаймон.
Кимки "Қуръон"ни ўқиб, ичса юз марта қасам,
Масалдурким, тарс ёрияниб парчаланади шу он.

Ниҳоят бошқа исёнчиларнинг душманлик адовати ҳаддан ошиб, шу даражага етдики, уларнинг ифво дафтлари сақифаларида ёзилган беъмани, ёлғон-яшириқ сўзлари онҳазратларининг жаннатмонанд анжуманларида ўқилди. Олампаноҳ қалб ойнасининг поклиги, тозалиги,

унинг мусаффо кўнгли эса олам кўзгусида акс этиб турарди. Анжуманда айтилган иғвогарларнинг ёлғон-яшиқ бўхтондан иборат бўлган сўзлари шоҳнинг яхшилик истовчи диндор, художўй кишиларидан ҳеч бирига ёпишмаганини боис фақат хусумат билан йўғрилган бу иғволарни олампаноҳ маъқулламади. Бундай бадхоҳ кимсалар намозгоҳ майдонида тикилган чодирда ҳасад ва адован оловини ёқиб ўтирадилар. Шундай бир вазиятда шоҳ ўзига хос, маҳсус вазмиňлик ва сабр-тоқат, бардош билан исёнчиларга яхши, хайрли маслаҳатлар, подшоликнинг панд-насиҳатлари, афв этиш хусусидаги ваъдалари билан уларнинг қалбида ўрнашган душманликка барҳам бериш мақсадида Муҳаммад пайғамбар насл-насабидан, сайидлар авлодидан бўлган Жўйбор ҳожиларидан энг мўътабар, обрўга молик кишини нақиб ва қози билан бирга юборди. Бироқ исёнчиларнинг қаттиқ табиати ҳақиқат сарчашмасидан ғоят узоқлашгани боис беморни даволаб, дардан соқит қилувчи пайғамбарлар авлодидан бўлган мўътабар зотларнинг ажиб доруларини-насиҳатларини қабул қилмадилар ва хонга нисбатан душманлик йўлидан қайтмадилар.

Хон элчи қилиб юборган бу диндор, художўй, мўътабар эшонлар бахти қора, баттол исёнчилардан ранжиб, ўзларининг лаш-лушларини олиб қайтиб хон саройига келдилар ва хон ҳазратларига бўлган воқсалар хусусида батафсил сўзладилар. Олампаноҳ бахтсиз исёнчиларнинг мақсад ва ниятларидан тўла хабардор бўлгач, тажрибали, жасоратли Муҳаммад Али ҳожи оқил, жасур баҳодир Маъсум ҳожи сарой мирохур Термизий ва довюрак паҳлавон ёшлардан Термизбек жалоирий, ботир, мард жангчилардан Хушҳолбий додхоҳга зудлик билан жангта кириб, исённи бостириш хусусида фармон берди.

Синалган баҳодир жангчилар хоннинг фармонини бажармоқ учун шаҳар дарвозасидан чиқиб, қўлларига жон олувчи кескир қиличлари, ўткир найзаларини олиб, душман устига бостириб бордилар, юз ва ёбу уруғларидан бўлган исёнчиларнинг жасоратли эрлари ҳам мухолифларига қарши жангта отландилар.

Шундай кескин бир вазиятда, айниқса, карнай садолари остида душман билан юзма-юз бўлган икки баҳодир — Муҳаммад Алибий ва Маъсумбий сарой Термизийнинг фақулодда ўзларига хос жасоратлари енгилтак, калтафаҳм мухолифларни иккига ёриб, уларнинг орасига кириб, мислсиз қаҳрамонлик курсатиб ҳарб майдонида уларга зарба берганликлари ҳаммани қойил қолдирди. Тарози палласи каби тенг бўлган бу омонсиз савашда чаққон, уддабуро

тўпчилар алоҳида жасорат намуналарини намойиш этдилар. Уларнинг тўпларидан ёғилаётган ўқлар бўронига душман бардош беролмай, чекинишга мажбур бўлди. Щунга қарамай, мағлубиятга урганган кимсалар Фатҳободга бориб, қуёш ботгунча жуда қаттиқ қаршилик кўрсатиб, жанг майдонини тарк этмадилар. Бахтиқора бу кимсалар кечки намозга чақиравчи азон овозини эшитгач, ўзларининг қўл остидаги тартибсиз аскарлари, яна уларга ёрдамга келаётган кишилар кўмаги билан Искандар монанд хон акобирларига қарши жанг қилиш мумкин эмаслигини тушундилар. Шу боис улар гайрихи тиёрий равишда қочиш рақсини ихтиёр этдилар ва биёбонларни кезиб, Бобоҳашарот қалъасига кириб олдилар. Шур сувдан яралган бу бадбаҳт одамларнинг қилиқларидан Абдуллоҳ Бухукнинг жаҳли чиқиб, безовта бўла бошлади.

Бир неча кун орасида бу бадбаҳт, баттол, тартибсиз оломон Бухоро туманларини тиканак сингари ўраб олиб, мусулмонларнинг мол-мулкини талон-торож қилиш билан бир қаторда, уларнинг оила аъзоларига: хотинлари, қизлари ва шу уйда яшовчи заифаларга ҳам қўл чўза бошладилар.

Исёнчилар ўз айғоқчилари орқали хоннинг ўнг қанот ва чап қанот қўшинларининг яқинлашиб келаётганлигини, ҳамма жойда ўз мухолифларининг катта жангла тайёргарлик кўраётганликларини эшитгач, саросима булиб, қаттиқ ташвишга тушдилар. Шу сабаб Бобоҳашарот қалъасини тарк этиб, Ҳазора қалъасини четлаб ўтиб, Кармина вилоятига қараб йўл олдилар. Хон томонидан Карминанинг ҳокимлиги ва Қорун ҳазинасига монанд Ганжпай мироблиги вазифаси инъом этилган Мўмин ҳожи, Раҳимбийнинг баҳтсиз одамлари билан қариндош бўлса ҳам, бироқ онҳазратлари яхшиликларининг қадрига этиб, уларга нисбатан дўстона муносабатда бўлмади. Шу сабаб улар тўхташ учун ҳеч ерда жой тополмай, осмонга отилган соқقا сингари муаллақ булиб, шашдар ҳолатига тушиб қолдилар. Агар бу бадбаҳт кимсалар давр гиламида бўш ўйнинг суратини кўрганларида ҳам, одамларини шу уйга жойлаштиришни талаб қилган бўлар эдилар.

Худди шундай бир пайтда, тақдирнинг нард ўйини томонидан хонга насиб этган улуг баҳт сабаб, исёнчиларга устма-уст берилган тўртта-бешта зарба уларни бир четга суриб қўйди. Бинобарин, уларнинг ҳар бири бошидан кечаётган оғир вазиятидан афсусланиб қўйидаги сўзларни айтар эди:

Тақдир нарди ўйинчиси ҳаммага қилди ёрдам,
Мен уй қидирганимда шашдар бўлди менга олам.

Ниҳоят, улар (исёнчилар) ёбу уруғлари яшайдиган Дубасой қалъасига етиб бордилар. Бу сурбет кимсалар ўз оёқлари билан ўлим гирдобига яқинлашганликларини билгач, энди улар хон ҳазратларининг олдин берган нон-тузларини тамоман унутиб, унга қилган аввалги хизматларини ҳам мутлақо эсдан чиқариб, Қатағон чуҳраоға юзни ва Хисрав чуҳраоға ябуни урганжлик Арангхонга юбордилар.

Қабиҳ, жирканч кимсаларнинг бу фавқулодда ярамас иши ҳақидаги хабар хон ва унинг акобирларига етиб келгач, слампаноҳ Балх ва Бадахшон ҳукмдорларига ўз лашкарлари билан бирга етиб келишлари хусусида фармон берди, бундан ташқари, аскарликка чақириш түғрисидаги шоҳнинг қатъий, ўзгармас фармони туманларга бориб етгач, жангчи гуруҳларнинг кети узилмай, бирин-кетин, саф-саф бўлиб уруш майдонига кириб кела бошладилар. Улар душман исёnnини бостиришни ўзларининг бурчи эканлигини англаған ҳолда, уммон тўлқини каби Мовароуннаҳрнинг денгиз монанд лашкарларига қўшилишни давом эттиридилар. Ҳамма туманлардан шошилинч равишда аскарлар келиб музaffer қўшиннинг ўнг ва чап қанотини тўлдириши биланоқ, хоннинг ҳаммага мақбул бўлган қўйидаги фармони эштирилди: "Майли, биринчи галда, зудлик билан бу қафасдаги (қалъадаги) маҳбусларнинг эркин нафас олишларига йўл қўймаслик учун, аскарлар улардан нигоҳини узмай, шафқатсизлик билан узук кўзини қуршаб олган тошга ўхшаб қалъани қамал қилсинлар. Шоҳбек ҳожи найман Аваз хожа қипчоқ билан бирга сузуви қушлар сингари, дарёнинг нариги қирғоғига кечиб ўтиб, баттол мухолифлар кириб олган қалъанинг теварак-атрофига жон сақлаётган исёнчилар устига бостириб бориб, ҳужум оловини ёқиб, уларнинг тинчлик хирмонини талонторож шамоли билан совуриб, йўқ қилсинлар".

Лашкар қалъага яқинлашган пайтда йўлда пистирмада ётган баттол душман тўсатдан хон жангчиларига ташланди, бироқ олампаноҳ саркардаларининг бундан тез хабар топиб, камон ва милитиклардан чаққонлик билан ўқ ёғдирганиклари боис, мухолифлар бир неча жасадни қолдириб, қочишга мажбур бўлдилар. Шу қисқа жангдан сўнг Шоҳ Мансур мирохурни қўштиғ милитиқ билан бўйни ва қўлларидан қисиб олиб чиқдилар. Олампаноҳ яхшиликни

истовчи оқ күнгилли одамларнинг далолатини ҳисобга олиб, унинг гуноҳларини афв этди.

Ҳа, хон ҳазратлар абадий бахтга ва мақтовор зот эканлиги юқорида юз берган воқеанинг манзарасини (Шоҳ Мансурни афв этиш воқеасини) кузатган ҳар бир кишининг қалб ойнасида нақшланиб қолган эди. Ҳар кимки хоннинг сержило бахт остонасига илтижо, ўтинч билан қадам қўйса, унинг мақсад гулхонасидаги умид ғунчаси барқ уриб гуллаганини ўз кўзи билан кўради, кимки ёмонлик майли билан хон йўлига тусиқ бўлса, биринчи қадамидаёқ ўз бошини фано шамолига топширади.

ҚИТЪА

Ибодат тилида баён этилган
Бу сўзлар маъноси мен учун аён.
Бир ҳикмат шулдир мен англаған-білған,
Шам каби сўнади ким қиласа исён.

Юқорида баён этган фикрларимизни Арангхон бошига тушган кулфатлар ҳам тасдиқлайди. Фитначи ғаламисларнинг ўз хонига қарши исён кўтарғанликлари падаркуш Арангхон қалбига хуш ёқиб, баттол қўзғолончилар билан бирлашиб, ҳамжиҳат бўлиб, Субҳонқулихон лашкарларига қарши жангта кирмоқ ва Мовароуннаҳрга ҳам подшоҳлик қилмоқ ниятида ҳисобсиз лашкарлари билан Хоразмдан чиқиб, Мовароуннаҳрга келиб, Қоракўл қалъасига ҳужум қилди. Унинг бу жангни бахти қоралигининг бошланиши бўлди. У Қоракўл қалъасини забт этиш учун бўлган омонсиз савашларда Мовароуннаҳрнинг донгдор, шонли жангчиларининг қони ниҳоят кўп тўкилғанлигини, жанг майдонини тарк этмай, мислсиз жасоратлар кўрсатган саркардаларнинг бошлари қалъа деворлари тишларига осиб қўйилганини ўз кўзи билан кўриб, қалъани ҳам, Мовароуннаҳрни ҳам босиб олиш мумкин деб ҳисоблади.

Бухоро хони бу даҳшатли воқеадан хабардор булиши билан, сарой аъёнларининг хоҳишини ҳисобга олиб, ўзига хайриҳоҳ, меҳрибон бўлган Оллоҳнинг ҳақиқий художўй қули ҳожи Муҳаммад Алини жасур довюрак лашкар билан бирга, шошилинч равишда Қоракўл қалъасига етиб бориб, Қоракўл тумани ҳокими Аллаёрбий оталиқ қўшинига қўшилиш ва унга ёрдам бериш хусусида фармон чиқарди. Хонга Оллоҳ томонидан насиб этган бахтни абадий сақлаб

колиш учун юқорида эслатилган ҳожи яхши эзгу ниятлар билан йўлга тушди ва олампаноҳ фармонини бажаришга киришди. Муҳаммад Али бутун эътиборини вақтни ўтказмасдан жадал юришга жалб этиб, юзма-юз бўлган душманни қилич дамидан ўтказиб, гайрат қаноти билан тез илгариға силжиб, қалъанинг ичига кириб олди ва хоннинг садоқат арқонини қўргон деворларининг тишига ташлаб, ўз кўксини душман томонидан отилаётган ўқларга қалқон қилиб деди:

БАЙТ

Бизлар кимданdir қўрқиб даҳшатга тушсак, шу он
Ер ила тенг қилсинлар, жисмимиз бўлсин ясон.

Агар Хоразм хони ўз лашкарларининг куч-қувватига суянган бўлса, биз улуғ Оллоҳнинг марҳамати, лутфига умидвор бўлиб жангта кирамиз.

Шу сўзлар айтилгандан кейин, Арангхон ҳам жанг учун зарур бўлган ҳамма уруш анжомларини тайёрлаб, ўз лашкарларини катта шовқин-сурон, бақириқ-чақириқ билан саваш майдонига бошлиб кирди, муҳолифлар орасида омон-сиз қонли жанг бошланди.

БАЙТ

Кимки қалъадан чиқса шаксиз кетарди боши,
Милтиқлар тутунидан оқарди кўздан ёши.
Қиличларнинг зарбидан қонга ботиб гардани,
Чўкиб кетарди фано гурубига қуёши.

Бу жангда ҳожи Муҳаммад Али камондан ва милиқлардан отаётган ўқлари билан баттол душманнинг бир қанчасини ер тишлатди, бир қанчасини ярадор қилди.

БАЙТ

Баттол душмандан ҳатто ғазабга минди Оллоҳ,
Майдонда қайгу-кулфат бўлди ганимга ҳамроҳ.

Хон ҳазратлари акобирларининг саваш майдонидаги зўр гайрат, шижаатларини курган хоразмийликлар гайрииҳтиёрий равишда Қоракўл қалъасини тарк этиб, Тараб қўргони қаршисига бориб тұхтадилар. Хон (Субҳонқулихон) душманларни Тараб қалъаси томон юрганлигини ўз хизматкорларидан эшитиши билан Маҳмудбий қатағон оталиқ бошчилигидаги Балх ва Бадахшон лашкарларига, Хушхолбий қатағон ва фаҳм-фаросат,

заковат соҳиби бўлмиш Маъсум ҳожи сарой мирохур¹
Термизий саркардалик қилаётган қўшинга, Андижон ва
Туркистон аскарларига ноинсоф, қаттол душманга қарши
ҳужумга ўтиш ва уларни янчиб ташлаш хусусида фармон
берди.

БАЙТ

Шаҳаншоҳ амри ила баҳт ва омад соҷди нур,
Сонсиз лашкар кўзгалди бўлиб зўр олаговур.
Аскарлар саф-саф бўлиб ташларкан шаҳдам қадам,
Карнай садоларида ларзага тушди олам.
Шаҳаншоҳга ёр бўлган икки паҳлавон сардор,
Алидек жасоратда танилган икки номдор
Душманнинг босқинидан ҳабар топғанлари он,
Бурдилар от бошини шаҳд билан майдон томон.
Ёв Тарабни ўзига этмоқ бўлганда макон,
Хон қўшини яшиндек жангта кирди беомон.

Бадном Арангхон ҳали Тарабда жойлашиб улгурмасдан,
олампаноҳ лашкарларн томонидан чалинаётган карнайлар-
нинг ваҳимали овози, тўп ва милтиқлардан отилаётган
ўқларнинг момақалдироқдек гумбур-гумбур этаётган
даҳшатли садоси тинч ва сокин коинотни ларзага кола
бошлиди.

БАЙТ

Карнайлар ўқиради худди ярадор арслон,
Фигонга тушар эди бу сасдан еру осмон.
Ваҳимадан қулоққа паҳта тиқар тумонат,
Гўёки замин узра қўпганидек қиёмат.

Собитқадам, бардошли баҳодирлар ва садоқатли эр
йигитларнинг ҳайқириғи, момақалдироқдек гумбурлаётган
қўшиноғораларининг ваҳимали садоси бутун оламга ёйили-
ши биланоқ жанг майдонида исёнкорлар тақдиди қонли
тугаши аён бўлган эди.

МАСНАВИЙ

Икки қўшин юзма-юз келди бу майдон аро,
Икки уммон қушилиб бўлди зўр тӯфон пайдо.
Найзалар аждаҳодек ўт сочар эди нуқул,
Урушнинг оловидан ҳар ён ёнди, бўлди кул.
Гала-гала қарғадек кўкка ўрлаб чанг ва дуд,
Осмонни қоплаб олди лаҳзада қора булут.
Йўқлик уммони сари жон кетидан жон оқар,
Кесилган бош, тешилган кўкраклардан қон оқар.

Шундай бир пайтда, ўзбеклар одатига кўра, замзам сувидек лаззатли тили орқали баҳодирлар кучига куч қўшганлиги, ўзининг ҳаракатлари, феъл-автори билан ас-карлар қалбida қувонч уйғота олгани учун ҳожи Муҳаммад Алини қўшин саркардаси вазифасига тайинладилар.

БАЙТ

Ҳожига бахт бўлди ёр, ўз кўнглини хуш айлади,
Ёрибон душман сафин майдонда беҳуш айлади.

Урганжлик Арангхон Мовароунинаҳр баҳодирлари мавжурини тўлқинланаштириб, қасос денгизидан хаёл кемасида сузиб, кечиб ўтиш мумкин эмаслигини тушунди. Шу боис у зарурият тақозоси билан, гайриихтиёрий равишда Субҳонқулихон қўшинининг чап қанотини тарк этиб, Балх ва Бадахшон лашкарлари саф тортиб турган ўнг қанотга ўтди ва дарҳол уруш оловини ёқди. Ҳарб майдонида икки қўшин орасида омонсиз муҳораба бошланди. Балх ва Бадахшон баҳодирлари ўз ярқироқ қиличларининг ўткир тиги билан хоразмийликлар суратини ҳаёт саҳифасидан ювиб ташладилар. Ботир урганчликлар ўз қиличлари тигини Балх ва Бадахшон эрларининг қони билан илитдилар.

ҚИТЪА

Ташаббус деган санъат зафар зимнида ётур,
Янглишар омад кетса ҳатто энг зўр баҳодир.
Ёв ҳарчанд жаҳд этмасин, кулиб боқмади омад,
Истак кўйидан юриб толиқди у ниҳоят.
Яраланган руҳига малҳам топа билмаскан,
Кўҳна харобаларни ўзига тутди маскан.

Қоронғи тушиши билан Арангхон ҳамма бахтиқора лашкарларини жамлаб, Хоразмга йўл олди.

БАЙТ

Маъсум сарой қудрати, ҳамласига бермай дош,
Арангхон ортга қочди гамларга бўлиб йўлдош.
Кундуз куйманиб кетди, тунлари тунаб кетди.
Қай йўлдан келган бўлса, шу йўлдан жўнаб кетди.

Бахтиқора душманлар орқага қайтар эканлар, ажал чангалига тушдилар. Сабр-тоқати тугаб эгилган ибодат

камонидан узилган ўқ тұсатдан тұғри Арангхоннинг юрагига ҳам қадалди. Бир неча кун үтгандан сұнг, унинг ҳаёт юлдузи ғарбга ботиб, фано бұлды.

Одамлар руҳиятида туғиладиган нияти, фикрини фаросат билан англаш фазилатига эга бұлган онқазратлари ҳамиша ҳар бир садоқатли фидокор одамнинг хатти-ҳаракати, одоб ва самимийлиги бошқаларга ибрат бұлсın учун, Қуръон оялтарининг бирида кимки яхши ният билан хизмат қылса, унга үн шунча яхшилик насиб этади дейилганидек, омонсиз муҳорабалар пайтида хонга нисбатан содиқлик йўлидан мутлақо адашмаган, шоҳ манфаатини ҳимоя қилиш лозим бўлганда ўз жонини қурбон қилишдан қайтмаган ҳожи Маъсумга жаннатмисол Насаф вилоятини инъом этди.

ҚИТЪА

Нахшаб вилоятини инъом этгач хон ўзи,
Порлади арш-аълода Маъсумнинг баҳт юлдузи.
Мардлик либосини ким кийса агар муносиб,
Унга Нахшаб ойини¹ кўрмоқ бўлади насиб.
Омонсиз майдон аро жанг қылсаю мардона,
Ном қозонса, ботирга ўзга не керак яна.

Арангхон ўлемидан сұнг, Хоразм амирлари, улуғ номдор сайидлар, таниқли ҳамда оддий одамлар биргаликда, самимий ва очиқкүнгиллик билан онқазратлари Субҳонқулихоннинг қули булишга розилик билдириллар. Хоразмийлар мачити минбарида хатиблар ёқимли ва ширин овоз ила Искандар монанд куч-қувват соҳиби, худо марҳамати лутфига мушарраф бўлган онқазратлари (Субҳонқулихон)нинг улуғ номи билан хутба ўқидилар.

Ақлсиз, фосиқ, дайди ва бетайин одамлар хонга итоат қилмаслик ва бўйсунмаслик йўлига исёңкорлик қадамлари билан киргандаридан кейин, Хоразм хони Арангхонга одам юборган, унинг ҳисобсиз лашкар билан йўлга чиққанлигини эшитганларидан сұнг уларга ёрдам бериш ниятида Дабусия қалъасидан чиқиб, дарҳол Фиждувон четидаги Жилвон ариғи ёқасига келиб, жойлашиб олган эдилар.

Бу ҳақда Маҳмуд қатоғонга хабар юборилғандан сұнг, у шу заҳоти баҳайбат, асов йўрга отига миниб йўлга тушди. Маҳмуд қатағон нур таратиб турған муқаддас, табаррук пир ҳожи Абдулҳолиқ Фиждувонийнинг орифон мозорига (унинг мозори абадий ёғду сочиб турсин) етиб

келиб тұхтаганида тун ярим бұлған эди. Маҳмуд түннинг қолған қисмини шу ерда үтказишга мұяссар бұлди.

БАЙТ

Қисмат арсаны узра шошар барча жонқалак,
Неларни раво күргай әртага чархи фалак.

Тонг ёриша бошлаб, кишилар бомдод намозини үқиши учун тайёргарлик күраёттан пайтларида, бу ҳалол, диёнат-ли одам (Маҳмуд қатоғон) намозини шошиб үқиб, субҳидамда катта жасорат, журъат билан оёғини зафар узангисига құйиб, йұлға тушди.

Ү қүёш чиққунча жадал юриб бориб, ёвуздұшманнинг қисобсиз қолдузлар сингари аскарларини пароканда қилиб, қириб ташлашни үйлаган эди.

Шу пайтда хоннинг таянчи бұлған Фойибназарбий оталиқдан қуидеги мазмунда хат келди: "Фақат жасорат күрсатиши одат қилиб олган Мовароуннаұр баҳодирлари, майли, биз етиб боргунимизча тоқат қилиб, жангни пайсалға солиб туринглар, Балхнинг шавкатли паҳлавонлари, жуда катта қийинчиликларни енгіб, душман устидан ғалаба қозониш ниятларини амалға оширгунча, сизлар жангни бир оз кечиктиришларингизни лозим топмоқдалар".

Пешин намози пайтида, бу хат олиниши билан, құшин сардори Маҳмудбий уруш ҳаракатларини тұхтатди. У хоннинг ёки үзининг узоқни күра билғанligиданми, бахтсизлик тұрига үралыб, тузоққа тушган бу кимсаларға қарата қувонч ила бундай деди.

КИТЪА

Балки сен йиরтқич қоплон чанғалидан
Күтулмоқ-чун ахтармоқчисан имкон.
Әшитғанмисан кийик қоплон ила
Олишмоққа ажд қылғанын қеч қачон?

Бу панд-насиҳатни ва үгитни әшитгач, улар ғазабланған арслон билан яkkама-якка олишиш беъманилик, ақлға сиғмаслигини англадилар. Шу боис олов сингари қаҳри қаттық бұлған Үзтемурбий қатағон билан биртан, бир жон бұлиб юрган дүрмөн қабиласидаги ёшлар, у билан бирға исәнчилар лашкаридан ажралиб чиқиб, олам-панақнинг мұзаффар құшини сафида бұлишни афзал деб билдилар ва хон лашкарларига құшилдилар.

Исёнчиларнинг сарчашмаси ва ғаламислик, иғво, фитнанинг манбаи бўлган Тугмабий ёбу ҳамда Фозилбий юз қоронги тушиши билан, ўзларининг ҳамма мол-мулклари ни, ҳатто оила аъзолари, хотинларини қолдириб, учеб бораётган юлдуз ёки кўзни кўр қилувчи яшин каби қуршовни ёриб чиқдилар.

РУБОИЙ

Сен айёрлик, макру гийбат йўлин этдинг ихтиёр,
Оқибатда жанг майдонин ташлаб қочдинг, нобакор.
Икки юз йил самодан ёғса ёмғир сел булиб,
Сен қўзғаган исён чангин босолмас, эй шармисор.

Хоннинг шер сингари жасур, қоплон каби қаҳрли лашкарлари исёнчиларнинг юз ва ёбу уруғларидан бўлган аскарлари қочаётган пайтларида халқнинг мол-мулкини талаб, ўғирлаб кетаётганликларини ўз кўзлари билан кўрдилар.

ҚИТЪА

Талон-торожда кўрсатдилар
Улар шундай катта "жасорат".
Ҳатто гўзаллар юзидағи
Холни ҳам шилдилар ниҳоят.

Маҳмудбий қатоғон табиатига халқ мол-мулкини талон-торож қилиб, ҳарбий ўлжа ортириш тамоман ёт, бегона бўлгани боис, шу куннинг ўзида унинг лашкарлари ва ўзи ғалаба билан тантанали равишда Бухорога қайтдилар ва олий ҳазратга учрашиш шарафига эга бўлдилар. Улар ябува масид уруғларидан бўлган асиirlарни озод этдилар, бадният Ўзтемурбий қатоғонини эса адолат ва ҳақиқатнинг қибласи бўлган хон остонасига олиб келиб, унинг бўйнига ўзининг бўш ўқдонини осиб тахт атрофидан айлантиридилар. Ўзтемурбийга ўхшаган давр исёнчилари пушаймон бўлганликларидан фуқароларининг посбони бўлган хон остонасига келиб, унинг оёғига йиқилиб тавба қилдилар. Хон эса бундай кўрнамакларни кечирмай, ер билан яксон қилди, яъни ўлимга ҳукм этди.

Шафқатсиз, ёвуз тақдир Ўратепа ва Хўжандда ҳам паст табиати, бадҳоҳлиги боис Тугмабийнинг умид қанотларини қайириб, майиб қилди. Чунки у ҳар куни Ўратепа ва Хўжанд ҳокими Раҳимбий юзга бориб, уни хонга қарши қўзғашга ҳаракат қилган бўлса ҳам, ўз мақсадига эриша олмади. Бунга қисматнинг уйғоқ, сирли тили

Раҳимбийнинг қулоғига қўйидаги мазмундаги сўзларни эслатиб тургани сабаб бўлди.

РУБОИЙ

Юз ўғирган бўлса агар кимдан тақдир,
Ўнглайман деб уни сен паст кетма тақири.
Ким баҳтини этса нобуд ўз қўли-ла,
То қиёмат унг келмагай иши, ахир.

Охири Тугмабийнинг Раҳимбийга бўлган умиди барбод бўлгач, Нодирбекдан ҳимоя истаб келиб, Ёри қалъасига киради.

Хуллас, бемаъни, беҳуда қайсарлик ёбу уруғлари одамлари учун одат тусиға кириб қолганлиги боис улар Ҳожи Чўпонота атрофига келиб жойлашиб олдилар ва оч бурилар сингари мусулмонлар қўйларига ташлана бошлидилар. Бу баҳтиқора баттол кимсаларнинг исёни алангасини кучайтириш учун Ёри қалъасига бостириб кирганликлари ҳақидаги хабар жаннатмисол Самарқанд ҳокими Аллабердибий парвоначининг қулоғига бориб етгач, у шу заҳоти журъат оёғини отининг узангисига қўйиб, тулкини қоплонга емиш қўймоқ учун қатъйлик билан йўлга тушди. Аллабердибий саросимага тушиб ўзини йўқота бошлиган душман билан Конигил ёнида тўқнашди. Жангларда юзлаб марта ўлим билан юзма-юз булиб, ажал устидан ҳам ғалаба қозонган мазкур бий ва минг қабиласининг эрлари қўлларига камон, найза ва қилич олиб ҳарб майдонига тушдилар...

РУБОИЙ

Жасоратли Тугма ёбу ўзин йўқотди чунон,
Шу боис жанг майдонидан қочди тез у беимон.
Баҳодирлар етиб олиб уни қилдилар асир,
Ва газабкор қилич ила бошин қирқдилар шу он.

Бу омонсиз жангда разил, хиёнаткор Тугма билан бирга яна жуда кўп одамлар ҳаётдан кўз юмдилар.

Турк ёшлари ичида довюраклик, қўрқмаслик борасида ҳеч кимни ўзларига тенг деб билмаган Сарҳад ва Ганжа ноилож қолганликлари боис қўлларига киshan солинишига рози бўлдилар. Бу исёнчи қоплончаларнинг дил қушлари ёввойи ҳайвонларни орзу қилган эди, бироқ ўзлари қонга ташна бўлган қипчоқликларнинг чангалига тушдилар.

Уларнинг ўлими ҳамма мусулмонларнинг хурсандчилигига уларнинг тинч, осойишта яшашига сабаб бўлди.

Худо кўрсатмасин, агар тақдир исёнчиларнинг хоҳишини амалга оширганида эди, замон гиламида тахт ҳам, шоҳ ҳам қолмас эди, фуқаро ҳам, аскар ҳам қирилиб кетарди, уларнинг ҳаммаси, пиёдаларга монанд сурилиб ерости дунёсига жўнатилган бўларди ёки фано мотига рўпарў бўлиб турган фил ёнига (шахмат ўйинига ишора — Ж.Э.) боришга жадал ҳаракат қилган бўлардилар.

МУЛОҚОТЛАР (номалар)

Ҳа, сўз чамани боғларининг булбули бўлган мен ва Мирзо Юсуфнинг яқдил, ҳамжиҳат қаламимизга сўз гулхонасини ясатиш билан ер юзи одамларига таъсир қилиш, уларнинг қалбига чўғ ташлаш одат бўлиб қолганлигини ҳамма билса керак. Бу икки фақир, теша билан тоғни қазигандек, сўз ҳақида, сўз услуби хусусида ўйлаган, бош қотирган бир касб соҳиблари эдик. Бизлар ўз имкониятларимиз даражасида сўз коптогини чавгон таёқчасининг эгри уни билан илиб олиб, сўз билан Мовароуннаҳр боғларини сугоришга эришдик. Биз иккимиз фикр хиёбонидаги сўз гулхонасида қофияли насрый асарнинг ва тажнислар сабзаси-майсасининг сув етишмаслиги сабабли қуриб, қовжираб қолмаслиги учун ҳаракат қилдик.

Жаҳон шоҳи Оллоҳнинг лутфи, марҳамати билан унинг (мирзо Юсуфнинг) қамиш қалам ила ёзган хатлари жаннатмисол Балх ва Бадаҳшондан иссиқ шамол орқали тез-тез етиб келганилиги боис, менинг қашшоқ, музлаган кўнглим муаттар ҳидлар таратувчи баҳорга айланар эди. Гарчи мен билан мирзо Юсуфнинг учрашиб туришимиз учун ҳар доим дарвоза очиқ бўлмаса ҳам, унинг тез-тез ёзид турган хатлари оқими тўхтамаслиги сабабли, янги хабарларнинг етиб келишига ҳеч ким тўсиқ бўлолмасди. Унинг худди баҳт байробига ўҳшаган, шакар гуфтор қамиш қалами оғир кунларда бу бадбахтга (асар муаллифига) мададкор бўларди.

Кўршапалак оламни ёритиб турган қуёш билан учрашиш ва суҳбатлашиш хусусиятидан маҳрум бўлгани каби, мен ҳам қуёшнинг бир парчаси (мирзо Юсуф) билан суҳбатлашишни орзу қилиш бемаънилик эканлигини англаган эдим. Бироқ шундай бўлса ҳам, мирзо Юсуфнинг меҳр-муҳаббат ила тўлиб-тошган ёқимли хатларини кўрганимда, менинг ҳасрат билан хасталанган қалбим учун

шодлик ва қувонч дарвозаси очиларди. Шу сабаб унинг қамиш қалами билан ёзилган муаттар хатларидағи тасвир, таъриф ва тавсиф, шу хилдаги (нома жанридаги) асарларнинг ноёб намунаси сифатида одамларнинг хотирасида абадий сақланишини Оллоҳнинг ўзи ҳам яхши биларди.

ҚОЗИ ЮСУФНИНГ САМАНДАР ХОЖАГА ЁЗГАН НОМАСИ

Оlam подшолиги ва ҳукмдорлиги насиб этган эгамга мадҳу санолар бўлсин. Эй худо, одамларни шубҳалантирадиган ҳижрон олови ойидаги рўза кунининг шоми ҳақида хабар қилгин. Бу тагдор сўзнинг вақт чақмоги оловида кўйган одамларгина тушунишлари мумкин. Чунки ҳижрон олови рамазон маъносини ҳам англа тади.

ҚИТЪА

Сендан узоқдаман рўзадор каби,
Лабларим қуриган, кўзларимда нам.
Боладек кутаман шом намозини,
Тоқат тоқ, ёнади ичим дам-бадам.

Рўза кунларида, рамазон оловида рўза тутгандарнинг вақти бутун вужудларини куйдиргандек бўлиб ўтади. Рўза шомига қатъий амал қилганлар рўзанинг тугаш тонги ҳайити билан, албатта, роҳатланадилар. Агар одамга Оллоҳ томонидан нотиқлик инъом этилган бўлса, у ўзининг ширин жони учун бошқа ҳеч нарсани хоҳламайди. Бинобарин, рўза кунларида худо инъом этган шу тил билан диёнатли одамлар ҳақида гапирганди, бадниятли сўзларнинг шарбатидан баҳраманд бўлса, уни тотиб кўрса, рўзаси синади ёки тили қурмаланиб, воқеалар хусусида сўзлашдан тўхтаб қолади.

БАЙТ

Бесутун дунёда умринг лаззатидин баҳра ол,
Чекма қайғу бирлан ўтган умрингта афсус, малол.

Қаламнинг тили чексиз мадҳу-саноларга лойиқ Оллоҳни таъриф-тавсиф этгандан сунг, қуруқ, бемаъни сўзларни ёзишдан тўхтади ва у ўзининг бўйини, қаддиқоматини кўтариб, нигоҳи илғаган воқеаларга ақл кўзи билан назар ташлаб, энг муҳимларини жамлаб, қора тунни бошидан тонгтacha баён эта бошлади. Чунки ширин сухан

соҳиблари, нотиқлар ёқимли хабарларни баён этиш пайтида сўз ўсимликлари шарбатини тотиб кўрмасдан, ичмасдан ёзишлари мумкин эмас. Бинобарин, сен, ёқимли сўз денигизда туғён ураётган хушвоз булбул, бир булак қандсан, сен ловуллаб ёнаётган сўз учоги оловида чақнаётган учқунларни ўз ичига қамраб олиш учун яратилган қайноқ, эҳтиросли муҳаббат тилининг алангасисан¹. Шу сабаб сенга Оллоҳнинг лутфи, марҳаматлари насиб этсин.

ХОЖА САМАНДАРНИНГ ЖАВОБНОМАСИ

Боқий умр соҳиби — Яратувчига мақтovлар ёғилсин.

ҚИТЪА

Қуръон саҳифаларини варақладим мен тамом
Ўзимга насиб этган доимий одатга кўра.

Худди мен учун белгилаб қўйилгандек батамом
Чиқиб қолди "Юсуф" номи ила бир гўзал сурा.

Сенинг хатингни ўқишим билан кўнглимда дўстлик дарахтининг меваси, шодлик ва қувончнинг янги майсалари пайдо бўлди, ижод гуллари юз кўрсатди, одамлар ҳам кела бошладилар. Бу ҳолат Саратон ойи иссиги таптида сўлиб қолган гунчанинг қайта гул очгани каби, қайғуга ботган қалбни қувонтиришга сабаб бўлди. Ҳақиқатан ҳам кимки Мусо қўлидан тараалаётган нурни кўриш, Исо нафасини ҳис этиш қобилиятига эга бўлса, шундай ҳолатга тушиб шодланади-қувонади.

БАЙТ

Кимки хатингни биринчи варагини очса, фақат
У юз баҳорни кўради, асло дард билмай албат.

Ҳа, кейин сўзнинг гулгун шароби билан одамларни сархуш этиш учун асар ёзаётганларга шу нарса аён бўлсинки, қувноқ, хуштабиат ва гўзал Юсуф йиртқич бўрининг ошқозонига тушиб ғойиб бўлганидан буён ҳеч кимнинг жону тани бундай ёқимли, латофатли сўз кийимидан баҳраманд бўлган эмас. Коинотнинг азалий боғбони олам боғини бунёд этгандан кейин, шу кунгача фикр чаманзоридаги ёқимли шабада ҳам ҳеч қачон қалбнинг қизғиши гулхонасида бундай латофат, нафислик билан эсган эмас. Гул бутасининг ғоят латиф гулбаргларига ўхшаш сўзлар, қанддан юз марта ширин бўлган жумлалар зафар

құчмоги учун бир-бири билан қойил қилиб қориширилиб, шакар қиёмиға айлантирилгани боис катта шавқ-зәвқ ва хурсандчиликка сабаб бұлды. Сүз инъомининг соҳиби (асар муаллифи) зурриёдларига хос бұлған бирдан-бир хусусиятига құрайдаги байтни үқиди:

БАЙТ

Эй соқий, келтир шароб, қайит пайти ўтмоқда, бұл оғаҳ,
Шуҳрат, шон-шараф, иззат вақти ўтмоқда, узаттын қадаҳ-

Бироқ рұза ҳайитидан далолат берувчи янги ойнинг қаламқоши ишорасидан, Тамуз ойида қуёшнинг күз қисиб туришидан бу оломоннинг оғзини очиү учун қылган аҳдининг амалға ошишига ҳали жуда күп вақт борлиги хусусидаги сир очилди. Модомики, чанқоқликнинг интизорлик азобидан умидсизланғанлар учун, сүз ўсимлиги меваси шарбатидан баҳраманд бұлишдан бошқа ҳеч қандай чора-илож йүқ экан, сиз ўзингизнинг баҳтли қаламингиз билан одамларға ҳамиша дармон бұладиган ўз мулоҳазаларингизни асосли ва пухта ёритишига эришганингиз боис, уларнинг қалбіда кучли таассурот, абадиј из қолдирдингиз. Маълумки, Шаҳрисабз ва Ҳисор савдоғарлари ширин таъмли моллар (ашёлари)ни ҳамиша Қаршидан ташиб кетадилар. Самарқанд ва Кандахор тарозидорлари ҳам мана шу шакар қамиши хазинасидан олиб келинганд лутф ва яхшилик юклари жойини бир неча марта алмаштирап әдилар. Аммо улар ширин, мазали, латиф моллар билан бошқаларни баҳраманд қылсалар ҳам, ўzlари вақт одамлари құлидаги жомда сақланаётган аччиқ таъмли нарсаларни ичардилар. Гапга уста, сұзға чечан бу тұти, яъни мен ҳам бир неча марта, нафас сингари юрак қафасининг оғзидан кириб чиққанман. Энди эса Юсуфга үхашаш ширин сұзли замон нозанинлари — гүзаллари оғзидан шакар попрасини сұраб олиш учун бошимни қафасининг оғзидан чиқариб куйлаб тұрибман:

БАЙТ

Шириң лабинг бұсасидан қалбимни асир этдинг, эй дылбар,
Мұхаббатинг оғушидан гүзал сұзлар келди, эй санубар.

ҚОЗИ ЮСУФНИНГ САМАНДАР ХОЖАГА ІЗГАН НОМАСИ

Чанг, тұзон ва тупроқ билан қопланған самандарлар жисми ва қалби бурқсиб, тутаб, алангаланиб ёниб турар

экан, замон булбулига инъом этилган бу нурли бўстон гулзори билим бофининг ҳақиқий, асосий меваси бўлган гўзал, латиф сўзлар суви-шарбати воситасида сугорилиб, уни вояга етказиш ва парвариш қилиш давом эттирила беради. Ҳа, маъюс, дилгир одамларнинг ҳаёти қувончли бўлсин, майсазорлар гулхонасида ранжиб, хафа бўлиб юрган вакт боғони энди чаманзорлар гулхонасида сархуш, курсанд бўлиб юра берсин. Бу фақир (қози Юсуф)нинг ёқут сингари ғамгин, маъюс ҳолатини хожага (асар муаллифига) йўллаган хатларининг бир неча сатрида дилгир жумлалар ила ифодаланган, сидқидил сўзларининг қалб яйловида ёқимсиз шамол (гармсел) сингари эслан пайтидагина пайқаш мумкин. Қамиш қалам наргисидан шакардек сочилаётган: "Сен кимни шарафлаб мақтаяпсан, қайси одамларнинг яхши сифатларини куйляяпсан? Улар бутун ҳаёти давомида бундай латиф сўзларни эшишиб, пинакларини ҳам бузмадилар", — деган нидо қулоғимга чалиниши билан ўз ақлу ҳушимдан бегона бўлдим, гулхонадаги ясминнинг кулиши, шудринг-шабнамнинг эрталабки айрилиш йигисидан яна ўз ҳушимга келганимдан кейин, мен Оллоҳнинг лутф, марҳаматларини эсладим, субҳидамда яна қуидаги ранг-баранг гулларга монанд сўзларнинг ёқимли, муаттар ҳидлари мени сархуш этди:

ҚИТЪА

Езган хатим гулзорнинг рашкига бўлгани-чун сабаб,
Ногоҳ тушди менинг нигоҳим ўз сиёҳдонимга,
У менга кўринди гул очаётган гунчага ўхшаб,
Хуш ҳид таратаётган гулдай, ҳар бир латиф сатридан
Сўзнинг муаттар иси учарди қалбимни сархуш айлаб.

Ҳар гал бу даврнинг доно, оқил, нафис донишманди, билимдон, сўз марваридлари нархининг аниқ баҳоловчиси, тили ўткир, ҳазил-мутойибага бой ширинсўз булбул, ҳар бир сўзни ўз ўрнида қўллаш құдратининг эгаси, сўз тарозиси палласига жойлашиб олган гапдонлик санъатининг ноёб устаси, Исо нафаси соҳибини эслаганимда, нима учун олдиндан, эртадан кечгача, кечдан тонггача, ҳатто ҳаммавақт самимият, садоқат ва ишонч билан Оллоҳ таолога илтижо қилиб, шу одамга узоқ умр сўраб, дуо қилмадим, деган фикр мени сархуш этар эди.

ҚИТЪА

Ҳа, сенга абадий умр, гўзал ҳаёт,
Бахт ва шодлик ҳамиша насиб этсин,

Мұхаммад пайғамбарнинг номи билан
Ҳамма яхшиликлар сенга бўлсин.

ХОЖА САМАНДАР РАЙСНИНГ ҚОЗИ ЮСУФГА ЁЗГАН НОМАСИ

Ҳа, бутун оламга мақтовга лойиқ бўлган Мирзо Юсуфнинг сўзларидан тараалаётган муваттар ҳидлар одамлар мияси ғунчасини сархуш этганилиги учун, сўз зулфи гажаклари латофати кишиларни ақл-ҳушидаи бегона этгани учун, Миср уммони тўлқинларидек мавж уриб турган ижоди учун, яъни Яъқуб кўзларининг нури учун сукунат тили билан қилинган тиловатларини, дуоларини Оллоҳ қабул қилсин.

Шундан сўнг, бу сўз чаманзорининг ғазалхон булбулига (яъни қози Юсуфга) шу нарса маълум бўлсинки, Каъба ёнидаги Оллоҳга ибодат қилишнинг ёлғизлик уйида садақа сўраб яшовчи Мужаввир — дарвишлар учун нақд пул ва мол-мулк уларнинг фақат олтинланиб турган сўзлари, қобилияти, лаёқати ва ўткир тафаккуридир. Сизнинг ўзингизга равшанки, бизнинг замонимиз кишилари шу қобилиятта ва қобилият самарига — мевасига ҳасад билан қарашга одатланганлар. Улар қалбнинг имтиҳон тошида бу қобилиятининг нақд дурдоналарига — олтинларига³ қарши доимий равишда душманлик, кўролмаслик, адоват, ҳасад ўрнашиб қолган. Чунки менинг сўзларимнинг ёқимли шабадаси уларнинг гийбат гулхонасидаги ёруғликни қоронги зимиstonга айлантиради, уларнинг дил ойнаси менинг ёрқин, латиф ифодаларим (сўзларим) боис янада кўпроқ занг билан қопланади. Шу сабаб, менинг нурафшон кунларим тун чойшаби тагида қолиб кетди. Мен иккинчи марта Оллоҳнинг қудрати, лутфи ва марҳамати билан Қарши кафасида раислик лавозимига тайинланмагунимча, душманлар менинг қимматим келинининг жингалак сочларини юлқилаб олишни тўхтатмадилар. Изтироб билан куйлаб, ширин-шакар оҳанг сочаётган бу фақир, яъни мен бу юртнинг хушвотуз булбулларидан, ширин такаллум тўтиларидан ҳеч қачон ҳаёт манбай бўлган биронта юмшоқ, нафис сўз эшитган эмасман. Балки вақти келиб, шон-шуҳрат дарахтининг умид, мақсад мевалари бу фақирга ҳам насиб этиши, самандар шамига лутф ва яхшилик капалагининг қанотлари яқинлашиши ҳам мумкин. Қандай баҳт!!!

БАЙТ

Бор тилим учиди огу бирла бол,
Бири дүстга, бири ганинга филҳол.

ҚОЗИ ЮСУФНИНГ САМАНДАР ХОЖАГА ЁЗГАН МАКТУБИ

Лутф марҳаматлар қиласидими, ёки интиқом, ўч оловида куйдирадими, абадий роҳат, лаззат инъом этадими ёинки ажал келтирувчи заҳар берадими, бу нозанинларнинг руҳиятига боғлиқ. Бу мактубнинг келиши ғам-ҳасрат гулхонасида дилгир, дилшикаст бўлиб юрганларнинг кайфиятини тонг ёришгандек равшанлаштириб юборади. Шу боис менда хат қўзини очиб, ундан тараалаётган муаттар ҳидни ёқимли, майин тонг насими билан тарқатиш истаги пайдо бўлди. Номада гулбарг монанд бир-бирига пайвандланган нафис, гўзал сўзларнинг мўллигини кўрган кишиларнинг этаклари гул билан тўлди, ҳижрон, айрилиқ оловидан огоҳ бўлган дўстларнинг дийдаларидан кўз ёши эмас, балки гул суви тўкила бошлади. Мушк-анбар халтаси каби, одамларнинг жон димоги мактубдан тарқалаётган муаттар ҳид билан тўлгунча, ҳидлашдан тұхтамадилар ва ниҳоят, мен ҳам сенинг мактубинг билан сархуш бўлиб, ўз дил розимни сенга хабар қиласман.

ҚИТЪА

Чун сенинг ёқимли насиминг ила таралган лутф,
Мени сеҳрлаб, гапиришга, сўзлашга қилди мажбур.
Агар сенинг нафис сўзларинг бўлмагандан ҳеч,
Бўлмасди менинг ғамгин қалбимда умид ила нур.

Шундай пайтлар ҳам бўладики, гапга чечан, хушчақчақ одамлар қишлоқда яшовчиларнинг руҳий ҳолатини, аҳволи, кайфиятини яхшироқ билиб олиш учун уларнинг ўзларидан сўз сўраб оладилар, ёки суҳбатга қизиқтириш мақсадида, уларнинг ўзларини гапга аралаштирадилар. Модомики шундай экан, меҳр билан битилган нома юзидағи ҳар бир сатр кишини маҳлиё қиласиган даражада тушунарли бўлса, агар ҳаёт чаманзоридан сайлаб олинган ҳар бир янги сўз ҳақида ёинки умуман сўз танлаш хусусида ташвишланиб, бош қотирилган бўлса, албатта, бундай мактуб кайфиятни яхшилайди, одамлар ҳолати, руҳиятини хушнуд этади. Ҳа, Хожа, сенга оғаринилар бўлсин! Оллоҳ тинч-омон, фароғатда яшашинг учун ҳар доим сендан ўзининг лутф, марҳаматларини асло аямасин!

Эй парвардиғор, мен нимаики әшитган бұлсам, сендан (Хожа Самандардан — Ж.Э.) әшитдім, мен нимаики гапираётган бұлсам, сенинг оғзинг билан гапирияпман!

САМАНДАР ХОЖА НОМАСИ

Мирзо Юсуфнинг, унинг умри узоқ бұлсин, эътиборга молик бұлган қалами билан ёзилған номасининг варақлари ичидә бириңчи сахифа гүзәл сұзларнинг манбаи, латофатли жумлаларнинг бошланиш жойи, нур таратиб турған әнг олий ифодалар, ибораларнинг сарчашмаси бұлгани боис, одамни үзиге маҳлиё қилиб туради. Ҳа, унинг мақтовга лойиқ қалами билан битилған номаси гүзәл сифатлашлар, таъриф ва тавсифлар билан тұлған. Салом-аликдан кейин шуни қайд этиш жоизки, бу ерда (Насафда) садоқат, вафо матоси, олижаноблик, олихимматлилик, виждон ва мардлик буюмлари анқо сингари ном-нишонсиз йүқөлған. Бу мамлакатда бадният, жоҳил тақдирнинг баъзан пинҳона, баъзан ошкора ўйинларидан, ҳасад, күролмаслик, иғвонинг юқори чүққига күтарилғанлыгыдан олимлар бозори тұхтаб, мурдадек қотиб қолди.

Бу Исо суҳбатдошининг (яъни асар муаллифининг — Ж.Э.) ахволи Мұхаммаднинг ҳамрохи Абу Дардийнинг ахволига үхшаб қолған әди: Абу Дардий ахволига монанд ҳаёт тарзидан қайғурған бу суҳбатдошиңгизнинг таоми, овқати — арпа нон, кийими эски жүн чопон, булар ҳам гоҳида бор, гоҳида йүқ. Бироқ унинг пок қалби ҳамиша қувонч билан тұла, ғам-ҳасратни билмайды, озига ҳам, күпига ҳам қаноат қиласади.

ҚИТЪА

Юрагимга гүзәллик нурини сочиб
Гадолик шабадаси әсмоқда аста:
Эй юрак, бу сұзларни құлмагин ошкор.
Ҳар қандай ҳолатда гар бұлсанг ҳам хаста
Фақат Оллохға шукур қыл такрор-такрор.

Ох, ҳар қандай мақтовга лойиқ Оллох, үтган йили дүстлар құйл күтариб, сенға ибодат қилиб, ёмғир юбори-шингни илтижо билан сұраган әдилар. Бу йил сен, құдратли Оллох, шу илтимосни қабул қылдинг. Юрт соқиблари сенинг лутфинг, марҳаматинг боис ёмғирнинг чексиз үқига нишон бұлдилар. Бу лутлар Кайковуси ҳеч нарсани үйламай-нетмай, сув билан тұлған қовғани қиши қудуғидан тортиб олиб, телбаларча ҳаракат қылды. Осмон-

дан тушаётган ёмғир томчилари, баҳор карнайларининг жаранги сабаб ям-яшил ўсимликлар, кўм-кўм дараҳтлар танасига янги руҳ, янги ҳаёт, янгидан жон кирди. Булоқлар қўзи сув билан тўлди. Қўз қувончлари намининг кўплигидан кўприклар устунининг оралиғи ялтирай бошлади. Сукунат ичидаги жимжит ётган тўлқин қайтадан уйқудан уйғониб, тилга кирди. Қўчалар бўйлаб сув ариқчалари оқа бошлади. Сув йўлини тўсив ҳавзаларини тулдирмоқчи бўлганларнинг ҳам бозори жонланиб, хурсанд бўлганликлари боис дедилар: "Агар Исо нафасининг соҳиби Хожа Самандарнинг суҳбатларидан, Мирзо Юсуфнинг қаламидан томчилаётган сўз дурларининг муаттар ҳидлардан худди шу ҳаёт суви каби бирон қатра насиб этса, оҳ, биз учун бу жуда катта баҳт бўларди".

КИТЪА

Бизнинг бадбаҳтлигимизга азалдан
Бахтимизнинг пастлиги бўлди сабаб.
Чун шамимиз баландда ёнгани чун
Шуъласи узоққа тушди милтиллаб.

ЛАВҲА

Бу варағларнинг муаллифи (асар муаллифи — Ж.Э.) айтадики, вужудим қайифи табиат лангари билан гудаклик дарёсидан балоғат соҳилига етган вақтдан бошлаб, ақлимнинг қўли ёзиш ва ижод этишнинг бўйнидан тушган эмас, ақлим сайёҳи эса доим одамларни таъриф-тавсиф этиш боғида сайдир қилиб юради. Шундай бир пайтда бу фақирнинг олдига ўзининг оқ, гўзал юзи, жингалак қора соchlари билан мисрлик юз Юсуфни ҳайрон қолдирадиган, пок юзини, вужудини кўриш орзусида йиглай бериб, Яъқубдек кишининг кўзини оқартириб, кўр қилган ва Зулайҳодек мингта бадсъ-ул-жамолсифатлар уни кўриш, у билан юзма-юз бўлиш ҳавасида, ўз либосларини, ёқаларини йиртиб ташлашига сабаб бўладирган бир барно кириб келди. Унинг нур таратиб, порлаб турган юзи хўблар кўзини очиб, мунаvvар қилди, қора қашлари эса мажлис аҳлига баҳт ато этди.

БАЙТ

Тун қалби тийра бўлди сочининг савдосидан,
Субҳ ҷароги хира бўлди юзининг маъвосидан,
Қомати сарвдан ортиқ, юзлари монанди гул,
Унинг қадди фидосидир қумри ҳам булбул.

Нигоҳи, чеҳрасида товланур гүё баҳор,
Юришлари бамисоли тазарви хушрафтор.

Йигитлик боғининг ёсуман² гули, тириклик баҳорининг доимий тимсоли, чамани бўлган у ширин сўзлар, рангин иборалар билан бу фақирга деди: "Эй, яхши фазилатларнинг соҳиби, донишмандлик бўстонининг очилган гули ва ибрат гулистонининг янги майсаси, эндиғина гуллаган чаманзори, ёлғизлик ва абадийлик қуввати ила назму наср мулкида сайр қилишни лозим топсанг, уддасидан чиқсанг, фусунгарлик тъбинг ва афсунгарлик идрокининг натижаси сифатида, бир китоб тасниф қилгники, гариб, бенаволар эшлиши, ўқиши билан ғурбат ғуборини ўз бошларидан артиб ташласинлар. Улар бу китобни ўқиганларидан сўнг, қувонганлари боис жаҳаннамнинг бир бўлаги бўлган ҳижрон олови саҳросини эслаб юришдан қутулиб, ўзларини Эра боғининг соҳибидек ҳис этсинлар". Мен бу фармонига, албатта, итоат қилишни вожиб ва лозим топиб, ҳеч иккilanмай, бу мадҳиялар, мақтovларни ҳамда ҳажвдан иборат бўлган бу ҳикояларни, давр воқеаларини ёзиб, замон аҳли анжуманларини ранг-баранг қандиллар ила мунаvvар қилдим ва бу ишим билан мастлар ва ҳушёрлар мажлисини пайванд қилиб дедим:

БАЙТ

Бор тилим учida оғу бирла бол,
Бири дўстга, бири ганимга филҳол.

ВОҚЕЛ

Давр воқеаларидан бири шу эдиким, Мирзо Юсуфнинг сўзлари насимидан Хўтган мушкининг хушбўй ҳиди тара-либ, қалб ва танга роҳат бағишиларди. Ҳаёл суреб, фикр отига мингандা ҳам, ўзи ҳақида эмас, балки менинг (асар муаллифи) тавсифим, таърифим хусусида қуйидаги илиқ сўзларни айтар эди:

— Гўзал сўзлар мамлакатининг сайёҳи, пурнур маъно-лар баҳорининг маллоҳи, билим ёқутининг рангли чироғи, оғариниши (яратилиш, вужудга келиш) муҳитининг (уммо-нининг) мавжи, сўз майхонасининг нашъаси, кайфи-сафо-си, ўт учқунларини гулбаргдек сочадиган оташкадалар ибодатхонасининг шуъласи — Ҳожа Самандар хаёл ёғдуси қаноти билан, жўшқин, ёндирувчи тили билан, нутқ қуши уясидан чақмоқ сингари чақнаб, оловдек парвоз этиб,

номуносиб, нобоб ўсимликларни, ўсимталарни ва ўтларни күйдириб, шам каби қалб хилватхонасида, маъно оловида ёниб, назокат нури ила товланиб, порлаб, шундай дер эди:

БАЙТ

Сўз баҳрида шам каби мен ўзимни ёқдим,
Димогимни күйдириб, пухта фикрлар топдим.

У ҳамиша қаламининг учини қалбига пайванд қилиб турарди ва бирор кишидан қандай воқеани эшитса дарҳол уни ёзиб, таҳрир қиласарди.

БАЙТ

Кам эрур бундоқ гўзал сўзлар соҳиби, жуда кам,
Таъриф этмиш жаъм қилиб лутф ила маънони ҳам.
Нур сочур сўз машъали ҳар назмининг матлаъсида¹,
Дарёдек илми аёндир ҳар шеърининг мақтаъсида².
Юз очур ҳар лавҳида³ юз қитъя маъно мисли дур.
Офтоб тожига ул эҳсон этодур тоза нур.
Битмиш ул андоқ рубойларки, пурмаъно, басе,
Осмон устунидир гўё анинг ҳар мисраси.

Ул кунким, чаманзор гулхонаси базмининг андалиби раис Абулато менинг жудолик ихтиёр этганимдан дард-аламлар чекиб, майнин товуш билан нолиш қилиб, йиғлаб деди:

БАЙТ

Аччиқ йингиларни дийдамиздан уйқу олиб кетди,
Ширин ухлар эдик биз, уни кўз ёши ювиб кетди.

У, оташпарамастлар чарофининг нури — Самандар Хожа Абулато раиснинг бундай аҳволидан воқиф бўлгач, ўз одати ва соғлом табиатига кўра, замон аҳли учун дил хазинасидан олинган гавҳарларни ипга тизиб, қуйидаги бир неча жумлани ёзишни лозим топди:

Ўтган кеча қози Юсуф оламга назар ташлаш учун кўзини очганда, қизил ёноғида тимқора холи бор бир гулюзли гўзал дилбарнинг овозини эшитиб қолди. Бу баландпарвоз лочин у товусваш соҳибжамолнинг тузоғига, шерларни овлаш қудратига эга булган бу ов қуши эса дилфириб (кўнгилни алдовчи) гузал кийикнинг тўрига тушган эди. Бу кун унинг тўти сингари аҳду вафо, садоқат

шохига ўтирган гулюзли дилбари пир этиб учиб кетди. Айбиз, бегуноҳ хитой кийигининг маъсума қўзларидан жўш уриб оққан кўз ёшларининг селида, нотиқлик богининг товуси, худди тазарвнинг кўзида чақнаб турган шуълага ўхшаб, ғойиб бўлди. Энди у ўтган кунларини тушида кўриб, аввал кечирган давру давронларини хаёлида тасаввур этиб деди:

БАЙТ

Во дариго, бир вақтлар ариқда шодлик суви бор эди,
Тарам-тарам ӯралган зулф орзуси бизга ёр эди.
Юз надоматлар бўлсин, шодлик, яхши хислат айёми.
Ҳаммаси тушдай ўтди-кетди, олам бизга тор энди.

ВОҚЕАЛ

Замон воқеаларидан бири шу эдиким, Аваз хожанинг ярамаслиги, жирканч ва пасткашлик аломатлари ички руҳиятида, калтафаҳмлик, бемаънилик белгилари эса унинг ташқи қиёфасида, афт-ангорида рўй-рост кўзга ташланиб турарди. У ўзининг Мирҳайдар сайидлари қаторига қўшса ҳам, ундаги олижаноблик, олиҳимматлилик, туғма табиатига хос бўлган қабиҳлик, разиллик билан қоришиб кетган эди. Аммо фитнага майли, ҳаваси ва иштиёқи кучлилиги билан нақ ҳайдарийларга ўхшар эди.

Бир қанча одамлар Аваз хожага қариндошликлари боис, у билан яқин, ҳамжиҳат бўлиб, бу фақирга (асар муаллифига — Ж.Э.) нисбатан душманлик муносабатларини куҷайтириб юбордилар. Буларнинг ҳар бирининг қалбида Аваз хожага нисбатан дўстлик, биродарлик даражаси чуқурроқ илдиз ота бошлади, шу сабаб улар фақирга нисбатан душманлик хусуматини ихтиёр этдилар ва Аваз хожа йўлидан бордилар, уларда Аваз хожага сажда қилиш ҳаваси тобора кучайиб, мустаҳкамланиб боргани ҳолда, уларнинг қалб меҳри пул зарб этиладиган дўстлик саройи доирасида, олимлар, билимдонларга нисбатан садоқат, ва-фо чақаси (бир тийинлик қора танга) билан ҳам безатилмади. Чунки фитна деви уларнинг бош миясига тухум қўйган эди. Шу сабаб, уларда ғалаёнга қизиқиш завқи, эҳтироси янада кучайиб, қалбларининг қора нуқтасини ёриб ташқарига чиққан эди.

Оллоҳ лаънатлаган Аваз хожанинг оёғини ялаган бу бир неча ярамас, нопок одамлар мен фақирнинг лавозимидан бушатиш ва қандай қилиб, қай йўллар билан менга зиён етказиш хусусида эртадан кечгача, кечдан тонгача ва яна

эртанги кунда ҳам хаёл қилиш билан ўз вақтларини ўтказар эдилар. Агар худо яратган бу одамларнинг дил ойнаси пок бўлганда эди, мўминлик, мусулмончилик одатларига амал қилган бўлардилар ва бу хунук ҳаракатларнинг сири чойшабнинг тагига яширин ҳолда қолиб кетмас эди, аксинча, уларнинг нобоп, жирканч руҳиятларини ўзида жо этган қора тун монанд номалари қора парда орқасида яширин, номаълум бўлиб кетмоқда эди. Чунки дил ойнасини чил-чил этувчи бундай нопок гаплар бу фақирнинг барига асло ёпишмаслигини уларнинг ўзлари ҳам билар эдилар. Улар бу фақир хусусидаги ёлғон-яшиқ туҳматларини ўз тушларининг макр ёки тахмин эканлигига ишонч ҳосил қилиб, дўстлик юзига ёпишган фитна чангини олижаноблик суви билан ювига ташлашлари мумкин эди. Бироқ улар гийбатнинг бўм-бўш саҳросининг ҳамма ерида, имкониятлари борича, сўз коптогини чавгоннинг қийшиқ таёқчаси билан илиб олиб, ярамаслик, қабиҳлик отларини шармандалик, бадномликнинг мусобақа майдонида чоптириб, бир қанча дўстларимнинг қалбida мен фақирга нисбатан шубҳа ва дилисиёҳлик чанг-тўзонини қўзғатишга муваффақ бўлдилар. Натижада айрим дўстларим ҳам: "Хожа Самандар раис бизнинг орқамиздан, бизнинг ҳақимиизда, ҳеч нарсага асосланмасдан, шикоят қилиб, ҳар хил миш-миш гапларни тарқатадиган одат чиқариби", — деб мендан юз ўгира бошладилар.

Кимки бундай дилозор сўзлар билан менинг қалбимни оғритаётган бўлса, улар ўзларининг хатти-ҳаракатлари билан кўнгил китобларини қоралашга сабаб бўлдилар. Мухолифларим менинг ҳақимда ҳеч қандай далиллар, сўзлар билан исботлаб бўлмайдиган, эшлишишга ҳам арзимайдиган, душманликка асос ва важ була олмайдиган бундай қабиҳ туҳматларни тарқатишни тұхтатмадилар.

Менинг очиқ дастурхонимда ортиб қолган таомлар билан овқатланадиган, лутфим дастурхонидаги ушоқлар билан қорнини тўйғизиб юрган, бу фақирнинг хайр-эҳсон, яхшилик, олижаноблик хирмонидан бошоқ терган дўстларим, мухлисларим энди менга содиқ бўлишдан воз кечиб, юз ўгириб, маълум бир мақсадни кўзлаб, менга нисбатан мухолифларини намойиш этиш учун, думларини ликиллатиб, душманларимга эргашдилар.

Охир-оқибатда, тақдир шундай бир ҳолатни түғдирдики, мен билан мухолифларим орасидаги яқинлашув йўли тамоман ёпилиб, бир-биримиз билан бегоналашиб кетдик, қисмат муносабатларимиз риштасини шундай

қирқиб ташладики, юз йил давомида ҳам бир-биримиз билан яқинлашиш хусусидаги фикр бошимизга келиши мүмкин эмас эди. Мен уларнинг ҳар бири дўстлигининг нақд пулини маҳак тоши билан имтиҳон қилганимда, уларнинг ҳаммаси сариқ чақага арзимайдиган, паст, ярамас одамлар эканлигини тушундим.

Шу боис мен ўз хоҳишинг қарши улар билан учрашмоқ нури, ёғдусини қоронги зимиштон билан алмаштирудим.

Юқорида эслатилган хожанинг бузуқлиги, ахлоқсизлиги боис унинг аёли сўзоқ касалига гирифтор бўлган эди. Бир куни у бу фақир (асар муаллифи — Ж.Э.)нинг олдига келиб, ўз касалини даволаш учун дори сўради. Жавоб беришдан мени уят тухтатди, шу боис мен жим туришни, гапирмасликни маъқул топдим. У ўз истагига эришмоқ мақсадида қаттиқ туриб олиб, чексиз, ҳаддан ташқари илтимослар қилиб: "Сўзоқ касали ҳақида нимаики эшитган бўлсангиз, бирон нарсани қолдирмасдан батафсил гапириш учун худо номи билан қасам ичинг", — деди. У қаттиқ туриб мени қасамга тирагандан сўнг мен: "Эркаклар учун бу дардан — касалликдан фориғ бўлишнинг воситаси эшакнинг ёғи ва янги бодранг (бодринг)дир, хотинлар учун эса эшак ёғи ва янги бодрангдан тайёрланган эркакларнинг вужудидир," — дедим. Мен бу баҳтсиз аёлни шу қадар камситганинг қарамасдан, у яна мендан: "Эшакнинг ёғини қандай тайёрлайди, бодрангдан қандай фойдаланиш мүмкин," — деб сўради. Бу фақирда иккинчи марта гапиришга мадор қолмаган эди. Шу боис бу уятсиз аёлнинг юзига қайта қарамасдан, уни ташлаб чиқиб кетдим ва ўзимга-ўзим дедим:

РУБОИЙ

Чун баҳт занжири келди, уни бироқ
Қирқиб мендан қилдилар тезда йироқ.
Баҳт манбаи сен-чун яроқсиз деб,
Мени тутдилар ундан доим узоқ.

МУҲИМ ВОҚЕАЛ

Давр воқеаларидан бири шу эдиким, Мирзохон хожа, Шайхул-ислом хожа Абдураҳмон Долонийнинг ўғиллари билан бирга, Қарши бозорининг ўнг томонидан кириб келдилар. Ҳазил-мутойиба ва қочирма гапларга уста бўлган эркаклардан бири, денгизнинг заъфарондекmallранг чағзбақасига (бақатўнига) монанд маймунсифат бу хожаларни кўриб деди:

ҚИТЪА

Улар худди маймұнлардек келдилар бозор томон,
Күм-күм күzlари, сап-сарық юzlари ила шу он.
Маймұнларни жасоратли баҳодирлар сингари
Күтариб түриқ отларға ўтқазғандилар чунон.

Бу фақир (асар муаллифи — Ж.Э.) ҳам ҳазил-мутойи-
бага уста бұлған, ушбу ўтқир сүэли одамга самимий бир
түйгү билан әргаши.

Бу гаплар содир бұлаётған пайтда, ҳаяжонға тушган
қаламнинг тили, ҳозирғи замон қариялари томонидан
айтиладиган қүйидаги байтни хушхонлик билан ифодалаш-
ни лозим топди:

РУБОЙЙ

Бу түрттала хожага ҳам шайхул-ислом
Деган унвон жорий этилғанди чунон.
Агар уларнинг түртталаси ҳам ўлса,
Улар ўрнига келар тимсоқ ва илон.

Бир неча кундан сүңг мазкур ҳожилар шайх Нарзининг
итоат қилиш барига ёпишиб, унинг ёлғизлиқ уйига
түплендилар. Фақир ҳам художүйларнинг ёлғизлиқ уйида
ҳозир бұлиб, очиққүngиллик ва самимий иштиёқ билан
қүйидаги байтни ўқидим.

БАЙТ

Ҳамма яқынлари, мухлиси ила у шайхул-ислом,
Үтиар әди гүё улуғвор дарвешлардек мудом.
Мен чунон ҳам ўхшатдым уларни ваҳший махлуктарға,
Бир неча юзбоисини худди мalla ўрусларға.

МУХИМ ВОҚЕЛ

(Қайғу құшиғи)

Давр воқеаларидан бири қүйидагилардан иборат. Са-
мандар Хожа раис гүзал, шавкатли Ҳакимбек аснинг
қайғули құшиғига түн кийгизиб, қүйидаги шеърни ёзди.

БАЙТ

Менинг ўтлы нағасимдан само тошға айланди,
Жовдирағ ерга тушиб узук күзин ватан қилди.

Бу қайғули құшиғимдан олам ғам ила түлди,
Әнди шод юракни тополмассан, күз ёшлар селоб бұлди.

Ўзининг зийраклиги, фаҳм-фаросати, заковати билан амирликнинг қувончига қувонч қўшиб келган Хуррамбий ҳожи парвоначи ҳокимлик қилган пайтида Насаф шаҳрида истиқомат қилувчиларнинг биронтасини ҳам сабабсиз, қонундан ташқари, зўрлаб жазога тортмади. Хуррамбий ҳожи оқкўнгил, самимий, хушфеъл бўлганлиги боис, у ҳокимлик қилаётган пайтларда ҳеч ким унинг юзининг гўзалларнинг гажак зулфи, келинларнинг жингалак сочи-дек буришганини кўрган эмас.

Қариган чоғларида беқарор тақдир тўсатдан унинг бошига қайғу-ҳасрат тўзонини сепди. Унинг юзидан диёнат, мўминлик, ахлоқ-одоб ёғилиб турган, манглайида баҳт нишонаси порлаб турган Ҳакимбий номли ўғли бор эди. Бу ёшгина ниҳол таърифга лойиқ сифатлари, ёқимли хулқ-атвори, гўзал сўзлари, хушфеъллиги, ҳаммага маъқул бўлган ишлари билан одамлар қалбидан жой олган эди. Йигитликнинг муаттар насими эсмасдан, унинг баҳт гуллари очилиб кулмасдан бурун Ҳакимбийнинг саодат дараҳти ўсишдан тұхтади. Кажрафтор тақдир дастидан у оғир касалликка йўлиқди. Узоқ вақт даволанса-да, тузукроқ шифо топиб, соғайиб кетмади.

Ҳокимлик лавозимида ишлаётган отаси бемор ўғлини кўришга келди. Унинг ёқимли, дилкаш юзи, қора кўзларига тикилиб, қадди-қомати сарвдек келишган, хуббичим ўғли энди сўлган бинафшадек боши ҳам бўлиб ётганига назар ташлаб, ичига ўт туташди. Илгари юзлаб лабларга табассум улашган гул ғунчасига монанд ўғли ғамга гарқ бўлиб, сўлиб ётарди. Амирликда хизмат қилаётган Хуррамбий заиф, нимжон, оташдек ёниб ётган ўғлини бутун қалб ҳарорати билан бағрига босди.

БАЙТ

Бу қадди дол, дили абгор нуроний чол
Огушга олди ўглин куйган тош мисол.

У ўз ўғлига деди: "Оҳ ўғлим, вақти келиб сенинг наслинг дараҳти шодлик ва қувонч олиб келиши мумкин эди, сарвдек тик қадди-қоматинг қариб, қийналиб қолган пайтларимда бошимга соя бўлар деб умид қилган эдим. Бироқ бунинг ўрнига сендан жудо бўлиш ҳасратидан дувдув оқаётган қайноқ кўз ёшларимнинг тафти кўзларимни кўр қилмоқда. Сенга термулиб туриш иштиёқи қийналаётган юрагимда янгидан-янги жароҳатлар очмоқда". Ўғли жавоб берди: "Оҳ отажон, ахир менинг ёш кўнглим ҳали

ұлым уйқусини ихтиёр этган әмасди-ку, қалбимга ҳали Оллоқнинг: "Рози бұлған ҳолда Парвардигорингнинг ҳузурига қайт", — деган чақириғи эшилтілган әмасди-ку! Құдратли Оллоқнинг марҳаматидан умидворман. Агар тақдир бошқа йұлни таңлаган бұлса, унда ҳаммаси аён, қисмат оти юганини құлға олиб, бошқа ёққа буриб бұлмайди. Оллоқ мирзоси томонидан пешонага олдиндан ёзиб құйилған битикни үзгартыриш мүмкін әмас".

Улар шу гаплар билан андармон бұлиб турған пайтла-рида аччиқ тақдир үз найрангини намоён этди. Ҳакимбийнинг гуллаб турған ҳаёт баҳори ажал кузи билан алмашиниб, пешонасидан нур ёғилиб, құққисдан тиниб қолди.

БАЙТ

Айни гул айёмида тарки чаман этди қарор,
Йиглабон қон қип-қизармиш бөгде гуллар зор-зор.

Унинг бу оғир жудолик ҳасратидан қариндошлари, дүстларининг юраклари чилпарин булиб, кийган либосларини гулбарғ сингари йиртиб ташлаб, бинафшаранг мотам либосларини кийдилар ва ушбу мотамсаролар унинг жисміга нарғисдек нигоҳ ташлаб дедилар:

ШЕЛЬ

Күз нуримиз, сен кетданғ, ох, күзимиздан кетди нур.
Мужгонимиз бүм-бүш қолған қүш инидек гарібдур.

Бу оғир күлфат амирликдаги барча одамларни қайғуга солиб, мотамзада қилиб құйди. Шу сабаб вилоятда ис-тиқомат қилаётган барча фқаро мусибатдан довдираб, са-росимага тушиб қолдилар. Шундай бир ҳолатда тақдир тили оғир қайғудан ларзага тушған одамлар қулогига бундоқ деди: "Боқий, абадий меъмор (Оллоқ) бу фоний дүнё омонат одамларининг жисмини сув ва балчиқ қориши-масидан бино қилиб, унга жон-руҳ кириктанида, улар учун бунёд этилған шодлик майига қайғу-ҳасратнинг қонли күз ёшларини ҳам аралаштириб құйған. Бинобарин, бу жисмда қамалиб ётған омонат руҳни — жонни оғат шамоли учирив кетади, заррачалардан иборат бұлған танини эса, албатта, ажал үз болтаси билан парчалаб, емириб ташлай-ди ҳамда у ҳижрон, ғам-ҳасрат оловида ёндириллади".

ШЕР

Ким бу қайғу оламига қўйса қуюн янглиғ қадам,
Қийналиб, ҳолдан тойиб охири йўл олгай адам.
Ким чақиндек яшнаб ўчса бўлгуси унга савоб,
Куш қафасдан учганидек Раббинг сари уч, эй одам.

Бу чаманзордан муттасил эсаётган панд-насиҳат ҳиди мотамзадалар димогини тарк этмай туриб, улар Оллоҳнинг амири билан яқдиллик чакалакзоридан Ҳакимбийнинг розиризолик мевасини узиб, умр заминида ўсган умид ниҳолларни юлиб, унинг ўзи учун олдиндан белгилаб қўйилган ёлғизлик уйининг бир бурчагига жойлаштиридилар. Мамлакатнинг барча бурчакларидан ғам билан сугорилган шеърий мактублар кела бошлади. Бу мактублар мотамзадаларнинг янги очилган жароҳати устига туз сепгандай ёки уни наштар билан тимдалаб очгандай таъсир этар эди. Агар бинафша бу булбулнинг (асар муаллифи нинг — Ж.Э.) ушбу қайғу хусусидаги таъриф-тавсифини эшитганда эди, ҳasad, рашк оловида ёниб тамом бўлар, агар лолақизғалдоқ мотамзадаларнинг ҳижрон оловида нечоғлик ёнаётганликларини кўрганда эди, ўзи ҳам чўл кўксида куйиб кулга айланарди.

Бинобарин, кимки севимли ўғлини кўришдан маҳрум бўлса ёки ўз севгилиси —маҳбубаси билан дийдор кўришиш орзуси барбод бўлиб, ҳижрон саҳросида гангисанқиб юрса, охири хижолат ботқоғига ботиб қолади. Ўзларининг севимли кишиларини, маҳбубаларини кўриш умиди, иштиёқида ҳиссиёт оловининг асирига айланган кишилар эса ғам-ҳасратдан икки қўллари билан бошларини чанглаб ўтирадилар. Мотамзадалар ўз юракларининг қизиган тандирига Ҳакимбийни кўриш иштиёқи билан йўғрилган илинж нонини ёпардилар. Бироқ ҳижрон ғами билан ёнаётган мотамзадаларга уни яна бир марта кўриш насиб этмади. Шундай қайғули бир ҳолат юз бериб турган пайтда Хуррамбийга унинг тұнгич ўғли Мұҳаммад Имон чұхрабошининг ҳам бетоблиги ҳақида хабар келди. Чексиз мусибат, ҳаддан ташқари қайғу-alamга гирифтор бўлган Хуррамбий ўғлини кўргани бориб, у билан юзма-юз бўлганда, шодлик эшиклари очилиб, у билан қулфи дили эшилиб сузлашди.

Ҳакимбийнинг вафоти тарихини қози Юсуф ҳатто Яъқубни ҳам лол этувчи муаттар, хушбўй қадимий ифодалар воситасида қўйидаги қитъада ифода этди.

КИТЪА

Шавкатли Мұхаммад Ҳакимбий мирзо ас чунон
Ёшлик саройи пойдеворин қурған замон,
Нафасин ростлаб ҳам етмай, түсатдан
Ажал шамоли эсиб, умрениң қылди хазон.
Ағсус, бу дунёда кимга сұянасан әнди,
Мақсадға әришмоқ бунда камдир, әй мәҳмон.
Ҳакимбий қазоси тарихин билмоқ әрсанг сен,
Ҳаким "Хуррам ниҳод" сұзида этилган аән.

МУҲИМ ВОҚЕАЛ

Давр воқеаларидан бири шу әдиким, үша пайтларда Насаф вилоятининг ҳокимлиги Мұхаммаджонбий юзга насиб этган эди. Қарши яқинида икки қишлоқ бўлиб, бирини Пўрон, бошқасини Обидида дер эдилар. Кунлардан бир кун мазкур амир Пўрон қишлоғи заминидаги зироатларниң ёнидан ўтиб бораётганида, кўзи қўноқ экилган пайкалга тушди. У от устида туриб: "Бизнинг отларимизни семиртириш учун ҳар куни бу қўноқдан ўриб бериб турилсин", — деб амр қилди.

Қўноқ әгасининг қашшоқлиги, камбағаллиги, оиласини боқолмай, ночор аҳволга тушиб қийналиб қолганлиги бу фақирга маълум бўлгач, мен илтимоснома сифатида мазкур амиррга қўйидаги мактубни ёздим: "Пўронлик нуроний мўйсафид деҳқон ўзи эккан қўноқни амир отларига ем булиши овозасини эшитгач, шунчалик ўқсиб-ўқсиб йиғладики, унинг кўзларидан қўноқдек тўкилган кўз ёшлиари мўйсафиднинг бисотида бирор дона қўноқ қолмаганигидан далолат беради. Унинг боши жўхоридек қийшайган, дили шикастланган, қўллари паншахадек осмонга кўтарилган, ғалвирдек ерга қаратилган кўзларидан ҳасрат ёшлари тинмай, қатор-қатор булиб тукилмоқда. Аммо унинг бундай ғариб аҳволига ҳеч ким бурилиб қарамайди, ғам-ҳасратига ҳам бирон киши шерик бўлаётган эмас. Маълумки, замона аҳли бепарволик билан пишиб этилмаган ўсимликларни ҳам ўриб отларига бермоқдалар, у ҳолда бундай ҳосилсиз хирмонни жамлашдан халқа не фойда? Баъзи одамлар хирмони ҳосилсиз бўлганлигидан нега пушаймон бўладилар. Амирнинг қарамали хулқидан шуни умид қиласизки, бу деҳқоннинг орзу қилган экини пиши-

* Хуррам ниҳод — (Хуррамтабнат сўzlари абжад ҳисоби бўйича Мұхаммад Ҳакимбий вафоти 1100 (1688 — 1689) йилга тўғри келишини кўрсатади.

ши ва муродига эришуви учун унинг арз-додини қабул қиласлар".

Афсуски, менинг амирга ёзган бу илтимосномам самара бермади. Фалак тегирмони бу деҳқоннинг вужудини унга айлантиришга жуда кам вақт қолган бўлса ҳам, маккор кампир бу унни фано элагидан ўтказишга ҳозирлик кўраётган бўлса ҳам, менинг мақсадим ўқи нишон чокига тушмади. Бундай нафис арзлар Насаф вилояти ҳокими Мұҳаммаджонбий юзнинг тошдек қалбига таъсир этмади.

У ҳокимлик қилган вақтларда нур тутунга, гул тиканга ҳамсоя бўлганидек, мен ҳам унинг энг яқин қўшниси эдим. Мен унинг давр олимларига ҳеч қачон яхшилик қилганлигини кўрган эмасман. Унинг замонида шаҳар, қишлоқ ва яйловлардаги одамлар ҳам ҳеч қачон тинчлик ва осойишталикни ҳис қилган эмаслар.

Ажабтовур ҳалқ! Улар қаерга оёқ босса, жойлашиб олса, ўша ерда тинчлик, осойишталик ва ҳузур-ҳаловат йўқолиб, қўрқинчли охирзамон кунлари бошланади. Улар қаерда пайдо бўлса, шу ерда тинчлик барҳам ейди. Оллоҳга минг марта шукурки, осмон султони (худо)нинг лутфи, розилиги туфайли Қарши ерларининг қизғиш чамзорида истиқомат қилувчи ҳалқ Мұҳаммаджонбий юз кетиб, Насаф вилояти ҳокимлиги Маъсумбий ҳожи мирохур сарой Термизийга насиб этгандан кейин (1634—1695) бу жабр-зулмдан фориф бўлди.

ВОҚЕЛ

Ҳаёт воқеаларидан бири шу эдиким, Самарқанд вилоятидаги қаҳатчилик одамларнинг тинкасини қуритди. Очлик ҳаддан ошганидан кейин, ҳалқ дийдаси қотиб, ниҳоят қийналиб қолди. Ҳалқнинг бирон-бир табақасида на нон, на ун, на буғдой, на арпа бор эди. Ваҳм қуши бирор луқма овқат топиш истагида. ҳар қанча баланд учмасин, Сунбуладан бошқа бирор дона дон кўрмади. Ҳаёл хабарчиси кийикдек саҳрони қанча айланмасин, у ерларда нозик қадлардан (хас-хашаклардан) бошқа ҳеч нарсани кўрмади, ариқ бўйларида ҳам бирор жойда сабзага кўзи тушмади. Кўп қўллар инъом олишга одатланганликлари сабабли, энди яна таом таклифига муҳтоҷ эдилар. Шакарлаб дилбарлар ҳам фақат хайр-эҳсондан сўзлар эдилар, жуда кўп вақтдан буён нонни кўрмаганлари учун унинг номини ҳам унугтандилар.

Самарқанд ширинзабонлари қанд-новотни яхши кўрадилар, энди эса, ер набототи-гиёҳларига ҳам зор

булиб қолдилар. Улар қаноат қилиб, қачон ердан гиёхлар ўсиб чиқишини кутардилар. Бодомкўзли андижонликлар ва нозикбадан кандидомликлар мева магзини писанд қилмасдилар, энди пўчоққа ҳам зор бўлдилар.

Очлик олови жигарбийрон сийналарини чўғдек ёндиргани боис баъзи жойларда бир жонзотни бир нонга алмаштиришга рози бўлардилар, аммо ҳеч ким бир жонзотни бир нонга алмаштирмас эди. Уйдаги буюмларини бир тийинга сотишга ҳам рози эдилар, бироқ ҳеч ким бу буюмларни харид қилмасди.

Шундай бир оғир пайтда ҳам қалб саҳифаларида назм ҳаваси сўнмаган эди. Шу сабаб назм сирларини энди эгаллай бошлаган самарқандлик бир шоир қўйидаги шеърни ўқиди.

БАЙТ

Ҳамма бугдой дардида кўйдию тупроқ ўлди,
Одамлар дон сингари ғамдан сийначок ўлди.
Мажнун каби туну кун қасди нон бўлди улус,
Пўстак билан ёпилган устухон бўлди улус.
Мехр-оқибат йўқолдн, ҳамма емакка муҳтож,
Фақат олу чайнашдан йўқ эди ўзга илож.
Наҳанг, наҳанг дедилар ушбу мучалнинг номи,
Тортиб кетди улусни ушбу Наҳангнинг коми.

ХІКОЯ

Замон воқеаларидан бири шу эдиким, Насаф вилоятида бир қози бор эди. У ўзининг ёмон табиати ила йўғрилган пасткашлигини амалга ошириш учун фақат жабр-зулмдан бир восита сифатида фойдаланишга одатланган эди. Қози нопоклиги, ахлоқий бузуқлиги боис бидъатга-ислом қоидаларига қарши иллатларга йўл очиб берган эди.

У адолат чеҳрасини мавҳум, сирли парда ичида пинҳон тутарди. Уни қози Бадеъ дер эдилар.

Бу қози бидъад (Муҳаммаддан кейин исломга қарши янги қоидалар) "б" ҳарфини ўз исмининг бошига қўйиб, долни () "д"ни — диёнатни бўйнидан олиб ташлаб, фақат жабр-зулм қиларди ва айн ()нинг домани, яъни этагини иллатлари бошига ташлаб қўйиб, ўз айбларини ёпарди.

Кунлардан бир кун у гулранг тўн кийиб, бошига ипак салла ўраб, бадеъ ул-жамолга ўҳшаб, ўзига зеб бериб, кўчага чиққан эди. Бир киши ундан сўради: "Эй қози,

гулранг чопон кийиш, ипак салла ўраш шариатга тұғри келадими?"

У, худди синиқ құзанинг ичидан чиққандек ёқимсиз бир овоз билан жавоб берди:

— Менинг тұнимнинг ичидә пахтаси бор ва салламни ҳам шу тарзда пахтали қилиб, (яъни пахтага үхшатиб) бошимга ўраганман. Савол берган киши ҳазил-мутойибага бой бұлғанлиги боис шундай деди:

— Эй қози, сизнинг жавобингиз кийиб юрган кийимларингиздан ҳам гулдорроқ чиқди. Зероки, Оллоҳнинг бүёқчилари азалдан то абадгача аҳмоқлик матоларини шу рангта бұяғанлар.

БАЙТ

Хирадманد чол эшитиб суҳбатингни,
Биљиб олди фаҳму фаросатингни.

Яна қози никоҳ үқиёттан пайтида "шурути арбаа"ни "штури арбаа" деб үқир эди. Шунча нотавон, нодонлигига қарамасдан, ор қымасдан фарзин (шахмат донаси) га үхшаб такаббурлик билан пиёдалар олдидан гердайиб ўтиб, қажрафторлық, ахлоқсизлик йўлига кириб олиб, рух (шахмат донаси) сингари рост йўлдан бораётганларга кам аралашиб, бу ҳаёт шахматининг мурдадили (қози) улуғ кишилар номини тилга олиб, уларни тирик филнинг (шахмат донаси) тарбиячиси деб таърифлаб, фозиллар бошида жабр-зуим отини юргизар эди.

Кунлардан бир кун қози одатига хилоф равища шоир дүстларини расман меҳмондорчиликка даъват этиб, "Сесанга" боғида ўз таъбига мувофиқ дастурхон ёзди. Даврада ҳозир бұлған кишилар ўз дилларидаги губорларни тарқатиши учун ҳар соҳадан суҳбат қилиб ўтирадилар.

Мазкур қози, еб-ичилгандан кейин, суҳбат риштасига сүз жавоҳирларини тизиб, бу бұстонда дүстлар ҳақида ибратли достонлар айтишни илтимос қылди. Мажлисдаги ҳар бир киши маҳоратини ишга солиб, инсоннинг энг яхши хислатларини, ёқимли фазилатларини васф қила бошладилар. Шу мажлисда иштирок этаётган Хожа Самандар ўзининг сұхандонлигининг саман отига миниб, фасоҳатли сұzlари билан биргә, эҳсону карам майдонига кириб келиб шундай деди: "Саховатли бұлмоқ киши учун энг буюк фазилатдир. Зероки дейдилар:

БАЙТ

Ҳам Оллоҳ, ҳам бандаси ҳимматинің қарашар,
Бұлар қадру әтиборинг ҳимматинің яраша.

Шу сүзлар боис қозини олихимматли бұлиш ҳаваси
чулғаб олди ва саховатли кишиларга тақлид қилмоқчи
бўлиб, сиёҳ ҳамда қалам келтиришни буюриб деди:

— Ҳоҳламайманки, мен ҳам ҳиммат савдоси ҳалқи
билан бирга бўлсан, мана Самандар Ҳожани аввало таом-
лар билан хурсанд қилдим, яна унга ўнта оқ терак чубини
(ёғочини) бераман деб, ўнта чўбга хат ёзиб, унга бердим.

Мажлис аҳли таажжубланиб дедилар:

БАЙТ

Оқди кафтининг тагидан бир қатра саховат суви,
Лек муҳтоҗлик хати уни ювди рўзгор варагиндан.

Қозининг бу ҳужжати Самандар Ҳожанинг қўлига
ўтгандан кейин, ўз дараҳтлари орасида дарвешларнинг
качкили сингари фонийлик мақомига юз тутган, худди
фосиқларнинг маърифатидай қақшаб қуриб қолган икки оқ
тераги кўз олдидা гавдаланди.

Шу пайтларда қозининг бир ўғли бор эди, уни Ҳожа
Ёқуб дер эдилар. У ниҳоятда диёнатли, ақлли эди. Қози
дунё равшанлигини шу ўғлининг юзида кўрар ва унга
ниҳоятда ишонарди. У Ҳожа Самандарнинг чўб қирқиши
учун келиб, ишга киришмасдан, тўхтаб турганини куриб,
унинг олдига бориб айтди: "Муфт сирка асалдан ҳам
ширин бўлади,— деган мақол бор,— нега тешага ўхшаб
бошингизни ҳам қилиб ўйлаб ўтирибсиз, дараҳтларни ке-
сиш учун болта сингари ғайрат қилинг, ёки икки тиғли
арпа билан дараҳтларни таг-тубидан қирқиши мақсадида,
унинг тишларини тамаъ этгови билан тезлаб бир ёғидан
қўпориб ташлай беринг",— деди.

Фақир Ҳожа қанчалик тажрибали бўлишига қарамас-
дан, унинг бу кунда беҳига ўхшаш сўзларига ишониб,
қозининг умид дараҳтларини кесишга киришди. Аммо Ҳо-
жа қозининг саховати улкан илон заҳридан ҳам хавфли-
роқ, унинг бирор нарса бериши ўлим пайтидаги жон узиш
аччиғидан ҳам оғирроқ эканлигини тушуниб етмаган эди.

Бу ишлар содир булаётган пайтда қози фароғат ила
бошини ёстиққа қўйиб, ҳузур қилиб ухлаб ётарди. Уйқу
лашкари унинг димоғ мулкини тамоман забт этган, эгаллаб

олганди. Шу пайт бир киши келиб унга: "Сен ўн дона чүб ҳадя қилиб катта хатоликка йўл қўйдинг", — деди.

Бу шайтоний уйқудан қўрқиб, бирдан уйғонган қози чинқириб, фарёд чекиб, худди чинор дарахтидек панжала-ри қақшаб ўрнидан турди ва лабларини ўзи эктирган оқ терак баргидек дириллатиб деди:

— Шу пайтгача ҳеч кимга ҳеч нарса бермаган эдим. Бу тушимнинг таъбири шуки, шу ўн аччиқ терак чуби сабаб бошимни дорга иладилар.

Шу сўзларни айтиб, фақир Хожа Самандар кесган ёғочларни қози ўз уйига олиб келиб ишлатди. Боши, юзи, оёқлари ёғоч шохлари зарбидан тираналган, қонаган ҳолда фақир Хожа Самандар дастмоясиз қозининг уйидан чиқиб деди:

— Дунё аҳлиниң ёлғон сўзига алданиб, қаноат ўюлидан адашдим. Мен хира кузларни қабр тупроғи тўлдиришини, амалдорлик дийдасини қаноат ёхуд ажал иғнасидан бошқа ҳеч нарса билан тикиб бўлмаслигини эсдан чиқарган эканман.

БАЙТ

Ҳавас изминда нафс майлин адо қилдим,
Тутиб ақлимга зид йўлни, хато қилдим.
Зараардин фойда фарқин англадим охир,
Бу пандни айтибон қаддим дуто қилдим.

ҲИҚОЯ

Ҳаётимдаги муҳим воқеалардан бири шу эдиким, Насаф вилоятида яшаган пайтларимда бир тоҷик менга ҳамсоғи эди. Мен ҳамсоғичилик удумларини бажо келтириш учун унга муруватлар қилиб турардим. Тоҷик ниҳоятда камбағал бўлганлигидан фақат эшаги билан юк ташиб, шундан орттирган арзимаган даромади билан ўз рӯзғорини тебратиб турарди. Кунлардан бир кун Қарши атрофида ўғирлик қилиб юрган бир безори тусатдан тоҷикни учратиб дебди:

— Бу эшак аслида меникидир, сен уни ноҳақ ўзингники қилиб юрибсан.

Тоҷик дебди:

— Сенинг даъвонг беҳуда, агар гувоҳинг бўлса, исбот қилиш учун саъй-ҳаракат қил.

Алқисса, у икки киши ўртасида эшак сабабли катта низо пайдо бўлди. Мен уларни яраштиришга ҳаракат қилдим, бироқ натижা бермади. Охир-оқибат уларнинг ҳар иккаласи эшак кимники эканлиги ҳақида инсоф-адолат

ила ҳукм чиқариш учун қозига мурожаат қилишни лозим топдилар.

Безори:

— Кечалари шамдек тикка туриб мол-дунё, ақча мұхаббати билан күйган, никоҳлардан тушган тангалар шуыласида ёниб ҳайрат ила йиғлайдиган қози Бадъе олдига борамиз,— деди.

Қози Бадъе халққа мудом жабр-зулм қылса ҳам, бироқ у ҳамиша рұза тутарди. Мазкур икки киши, қози рұза ойида адолатли ҳукм чиқарар деган умид билан, иккаласи бир-бирларининг гапларини маңқул топиб, қозихона томон йўл олдилар. Безори доно, айёр киши эди. У баҳона қилиб, йўлдан чиқиб, бошқа йўл билан қозининг олдига бориб, ўн танга пора бериб, қозининг нуроний дилини қоронфи қилди. Аммо тожик ҳам ундан қолишмас эди. У ҳам бошқа йўл билан жадал бориб, ришват тариқасида қозига ўн танга бериб, қозининг диёнат кўзини кўр қилди. Сунгра ҳар иккаласи бирга қозининг ҳузурига бордилар. Мен фақир ҳам бу ҳангомадан хабардор бўлиб, рұза тутган қози бу икки бир-бирига душман кишилар ўртасидаги ишни ҳал қилиш учун қандай ҳукм чиқаришини билиш мақсадида ва қози зиёфатига мушарраф бўлиш орзусида уларнинг орқасидан бордим.

Қозининг тамаъ, ҳирс билан йўғрилган кўзлари у икки мўминни кўрган бўлса ҳам, жойидан туриб, йиғилғанларнинг орасидан чиқиб, то котиблари жамул-жам бўлгунча, шамдек тик туриб, жуда узоқ вақт намозхонлик билан машғул бўлди. Охири қози намоз ибодатини тугатиб виқор билан жойига келиб ўтириди. Порахўрлик шамоли қозининг соқолини силкитиб, унинг ибодат хирмонини сомон толасидек учирив турарди.

Безори ила тожик фурсат топиб, қозига таъзим қилдилар ва эшак даъвоси билан боғлиқ ҳар иккалалари ўртасида содир бўлган душманликни адолат билан ҳал этишни илтимос қилдилар. Улар интизорлик билан жуда кўп ялингандаридан сўнг қози: "Бўлган воқеани бизга айтинглар-чи, нима бўлганлигини биз билайлик",— деди. Безори билан тожик каклик каби бош кўтариб, эшак даъвосини қозига бўрттириб ҳикоя қилдилар. Қози воқеа сиридан огоҳ бўлган замон юз ҳавас ила эшакни ўз молига айлантироқчи бўлиб, гап бошлади:

— Мен шариат қоидалари билан ҳукм чиқаришдан олдин сизларга биродарлик насиҳатимни қиласман. Бу панд-насиҳатларим сизларнинг бу дунёнгизда ҳам, нариги дунёнгизда ҳам керак бўлади. Агар бугун бизнинг айтган-

ларимизга қулоқ солмасаларингиз келгусида пушаймон бўласизлар, агар менинг айтганларимни дил қулоги билан эшитиб, қабул қилсаларинг, унинг самараси сизларнинг дину дунёнгизга асқотади. Агар менинг айтганларимдан бош тортсаларингиз, сизларни жабру-зулм вакиллари бўлган Сайдул-Бурҳон ва кўри Абдусаломга топшираман, у иккиси сизларга боқий дунёга бориш йўлини кўрсатиб қўяди. Ҳозир менинг сизларга берадиган маслаҳатим шуки, мазкур эшакни менинг машкобим қўлига топшириб, бунинг эвазига унга ўн танга бериб, ҳар иккалангиз эшак даъвосидан воз кечасизлар. Шундай қилсаларинг, энг хайрли иш қилган бўласизлар. Маълумдирким, дунё матоси абадий эмас, албатта вақти етиб умр қуёши фано марғибига йўл олар, шу сабаб бу дунё матоҳи, мол-дунёси билан мағрур бўлманглар. Даъвонинг фойдаси оз бўлади. Доимо арзимас даъво билан ўзларингизни у дунё савобларидан маҳрум қилманглар ва эшак гўштию ит тиши бўлманглар.

Қозининг ҳампиёлари бўлган бир қанча кишилар, жумладан, Хожа Бақоий Ҳамид, Хожа Фозил ва бошқалар ҳам қозининг кўнглига қараб, унинг айтганларини маъқулладилар ва эшакни қозига қолдириш учун далолат қилдилар.

Даъвогарлар қозининг муддаосидан, у шу машъум эшак иштиёқида эканлигини тушиниб етган бўлсалар ҳам, яна бир марта илтимос билан ялиндилар, бироқ уларнинг бу илтимослари фонда бермади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам ўнтадан гувоҳлари (ўнтадан танга) борлигини қозига айтдилар. Бу гувоҳлар қозига аён бўлса ҳам, уларга қулоқ солмади. Чунки қозининг диёнат кўзини гараз, ришват губори кўр қилган эди. Шу боис безори билан тожик тангалари хусусида гап очмадилар. Мен ҳазил-мутойиба билан айтдим:

— Ўнни ўнга кўпайтиранг, у бутун бир дарё булади, агар эшак унга тушиб ўлса, зиёни бўлмайди.

Безори турк билан тожик қийин бир аҳволга тушиб, ноҷорлик билан дедилар:

— Эй қози, сиз шуни раво кўрсангиз, худо номи билан қасамёд қилиб айтамизким, ҳокимларга даъвони ҳал қилиш учун бориш ва улардан ҳимоя кутиш дунё дафтаридан ўчирилур. Бу маломат тўқими сизнинг бўйнингизга тушиб қолур. Бу бадномлик разил номингиз саҳифасидан ювилмагай. Шу сузларни айтиб, икковлари ҳам эшакни қозига бериб чиқиб кетдилар.

РУБОИЙ

Шариат учун улуг қозилар қилдилар жон фидо,
Амри маъруф ила қабиҳликни ман этдилар аввало,
Аммо қози Бадеъ ўтганлар ишини билиб хилоф,
Қабиҳликни амри маъруф ила тарғиб қилди, эй худо.

МУҲИМ ВОҚЕЛ

Давр воқеаларидан яна бири шу эдиким, Насаф вилоятининг амир Боқий мадрасасида мулло Ибодулло деган мударрис бор эди. У киши ҳақиқатни сидқидил билан айтиш борасида тенги йўқ бир одам эди. Бир куни келиб у менга қозининг уйида бир қиз борлигини ва эрсиз ҳомиладор бўлганлигини айтди:

— Биз бу мудҳиш воқеани тафтиш этганимизда, ҳамма бу нохуш ҳодисанинг тўғри эканлигини айтдилар. Ҳа, эл оғзига элак тутиб бўлмас. Шундай бўлса-да, қози бу масалага эътиборсизлик билан қараб, ўз тили билан қўйидаги мақолни такрор-такрор айтиб юрибди:

БАЙТ

Кечак ҳомиладордир, нима туғар, кўрамиз,
Замон лаби тамшаниб нени сўрар, кўрамиз.

Бир неча вақт ўтгандан кейин у ахлоқсиз қиз ўғил туғди. Бу чақалоқнинг оҳу сингари кўзлари диллар саҳросини забт этар ва чиройли ҳусн-жамолини эса жаҳонда ҳеч ким билан тенглаштириб бўлмасди. Бу ўғилнинг туғилганлиги хусусида қозига хабар қилинганида, у курсанд бўлиб, дояга айтди:

— Тўсатдан туғилган бу болани бизга нисбат бермагайлар, балки, бизнинг набирамиз, хожа Ёқубнинг ўғли дегайлар.

Ўғли бундай қабиҳ сўзларни ўз отасидан эшитгандан кейин, кўзларини йифи тўфони қоплади, дил мулкини андуҳ лашкари асир этди, аммо сабр-бардош ила хаёл сурисиб, бу байтни такрор-такрор айтарди:

БАЙТ

Қасоид¹ кўтарган чангта эргашиб мактуб келди,
Хат билан икки қўзи очилган Яъқуб келди,
Дунёда йўқ менингдек ҳеч шармандаю сербардош,
Бу сабрни менга насиб этмоқ учун Аюб² келди.

Бу чуқур маңноли ҳикматлар айтилгандан кейин, хожа Ѓұб яна маңқулроқ жавоб қилиш учун Аюбнинг, барча яхшиликлар унга бұлсın, устида құрт қимирлаганидек, үз тилини ҳаракатта көлтириб деди:

— Мен фақирға фарзандликка нисбат берилған бу үғил бола, билингким, менинг үкам бұлади. Балки адолат сүзи замонадан юз үғиргани боис бу туҳматта розилик билди-рармиз ёхуд бундан кейин қақиқат қонунини тақдир иродаси ила кенгроқ жорий этиш мақсадида қози ҳукуматининг бу узугини (ҳукмини) отамизнинг үз бармоғига кийгизармиз.

Шу тариқа бу икки киши үртасида мунозара ўчоги қизиб кетди. Ота билан үғилнинг тұқнашуви оловдек шуыла соча бошлади. Уларнинг қар бири қиз билан үғил қайсиларига тегишли эканлиги ва кимга насиб этиши хусусида күзларидан үт сочиб, далил-исбот топишга саъ-ҳаракат қылардилар. Шу пайтда қози билан кенгашмоқ учун бир гурух одамлар қозир бұлған эдилар. Аммо улар, жанжалға аралашмай, тилларини тишлиб, сукут сақлаб, жим турадилар. Ниҳоят, улар ҳам қози сүзларининг шиддатидан ҳайратланиб дедилар:

— Эшитаяпсизларми, үғилга соқиб булиш иши узоққа чүзіляпти. Шу сабаб бундоқ хulosага келдик. Энг маңқул йүл шуки, чеҳрасидан расволиги аён булыб турған ва бадкирдорлик ҳиди унинг тун каби қоп-қора социдан тарқалаётган бу қизни хожа Ѓұбга лойиқ деб, унинг никоқига киритамиз. Шундай қилған ҳолда, бу хунук можаро ёпилиб, ота билан үғил инсоний бадномликтан нажот топадилар. Хожа Ѓұб изтироб чекиб, noctor бу талабға таслим бўлди.

Шундан кейин үғилга ном қўйиш хусусида ўйладилар. Маряммисол¹ бу қиздан таваллуд топған үғилчага Хожа Муштарак (икки кишининг иштироки билан туғилған үғил) деб ном бердилар.

Эрта билан қози қүёшдек сайд әтиб қозихонада қозир бўлганида, қоронғи кеча монанд хиёнати ҳаммага, бутун элатга ёруғ кундек маълум бўлған қози сийратининг асл нопоклиги барчага: обрўли одамларга ҳам, оддий кишиларга ҳам аён бўлған эди.

Ҳамиша ўзини Каъба ичра Оллоҳга сажда этиш, ёлғизлик уйида яшаш хаёли билан ёнган, дарвишлик ҳаёт тарзини бошидан кечирған, қозининг нопок қилиқлари ва тақдирнинг үйинидан бир неча бор дили оғриған, шу пайтларда раислик лавозими насиб этган бу Хожа Самандар: "Сен аввало гуноҳкорнинг қандай айб содир этган-



Хожа Самандар Термизийнинг Қоптүқай қишлоғи қабристонидаги мақбаси

лиги ҳақида ўйла", — деган араб мақолига амал қилиб, ўз куч-қуввати ва лавозимига таяниб, қозининг кайфу сафо улфатини кулфатга бадал қилишни (алмаштиришни) , одамларни наҳангдек ўз комига тортаётган бу золим, малъун, бадхоҳ ва хусуматкорнинг қонхур Жадла дарёсига оқишини ва ўлим талвасасида оёқ, қўлларини уриб, сувда гарқ бўлиб, тимсоҳга ем бўлишини жуда ҳам истар эди. Аммо фақир (асар муаллифи) ўзининг бу истакларидан, замон тақозоси билан, қози ҳеч қандай зарап кўрмаслигини тушунгани боис, унинг дил орзуси истаклигича қола берди. Чунки у пайт одамлари қозининг ҳимматли зиёфатларига маҳлиё бўлиб, унинг ҳар қандай ифлос ишларини ёпишга жазм қиласдилар. Улар таъмагир тўтиқушдек, қози ташлаган шакарпораларни териб еб, нафсларини қондириб, унинг ишларининг ривожи, камолоти хусусида сўзлаб, у малъунни таъриф-тавсиф этишга ҳаракат қиласдилар.

Аммо ҳаром нарсаларга ҳамиша умид кўзи билан назар ташлаган, пора олишдан ўзини тиймаган, ёмон одатлардан воз кечмаган, дил қафаси фосиқлик, бадкорлик, бадахлоқликдан пок бўлмаган кишининг қозилик минбарида ўтириши, шу ловозимда ишлаб туриши мумкин эмаслигини унинг ҳамтовоқлари ўйламас эдилар. Ҳа, бундай малъун кимса қозилик ҳукуматини бошқариб

туриши мумкинми?! Бундай савол уларнинг хаёлларига ҳам келмасди. Шу сабаб, шарофатли минбарда ўтириб, нотўғри, нопок ва паст ишларга жазм қилган мансаб соҳибларига худо лаънатлар ёғдирсан! Уларга фақат Оллоҳ лаънати насиб этсин!

БАЙТ

Қози эмас, фитначи, фосиқ, тубан эди у,
Оқиллару олимларга чунон душман эди у.
Исми Бадеъ¹, ботини² эрди разолатпеша,
На Мисру³ на дастурхонни⁴ қиласи эди андиша.

МУҲИМ ВОҚЕА

Давр воқеаларидан бири шу эдиким, кунлардан бир кун қози Бадеъ касал бўлиб қолди, ҳар қандай нохуш воқеалардан тап тортмайдиган, ҳатто зилзиладан ҳам қўрқмайдиган бу зот беморликнинг дастидан азоб чекиб, ҳолдан тойиб, оёқдан қолиб, ётиб қолди. Унинг дарди кундан-кунга хуруж қилиб, оғирлашиб борарди. Шу вақтда қозини кўриш ва ундан ҳол-аҳвол сўраш мақсадида тариқат (суфийлик) йўлининг чироги ва вилоят шабистонининг шамчироғи шайх Нарзи ҳозир бўлдилар. Шайх бемордан ҳол-аҳвол сўраш расм-русумини адо этгандан сўнг, насиҳатга ўтдилар:

— Эй замон қозиси, кўнгилга ором беринг ва қулоқларингизни очиб қўйинг, тоқат қилинг. Мен панд-насиҳат дафтаридан бир неча сўз айтиб, иш ҳақиқатини, дунё табиатини сизга маълум қиласай,— дедилар.

Қози деди:

— Сиз азизлардан шуни орзу қиласанки, бир неча саодатли сўзлар ила дилим саҳифаларини обод этинглар ва дўстликнинг насиҳат нури билан қалбимдаги гафлат занглари, маломат ифлосликларини ювиб ташланглар, менинг хотирамга доимий равишда соя солиб юрган ёмон, нобоп қилиқларимни ҳайданглар. Чунки диёнатли акобирлар, художўйлар дафтарлари саҳифаларига бундай ҳикматли сўзларни қалам билан ёзиб қўйганлар:

ҚИТЪА

Панду насиҳатингни ҳеч кимдан тутма дариг.
Тинглагувчи диққатин оз демай, кўпроқ демай.
Саховатдан ҳеч қачон булут бўлмагай фориг,
Муттасил кўз ёш тўкар том демай, тупроқ демай.

Шайх қозининг айтган сўзлари боис ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб, надоматлар чекаётганинги сездилар, унга яна насиҳат қила бошладилар:

— Кимки бирорвга зулм қилас, у роҳат юзини кўрмагай ва жафокор ҳаргиз мақсадига эришмагай ва кимки тикан экса, гул ҳузурини кўрмагай. Бундан кейин қашшоқлик, очликдан ҳовли-жойларини сотиб юборган, Оллоҳдан бошқа бошпаноҳлари бўлмаган камбағал бева-бечораларнинг дилларини жабру жафо тифи билан чок қилманг, отадан, онадан жудо бўлиш оловида бағри қон бўлган етимларнинг жароҳатига туз сепманг, жудолик ўтида куиб, дардманд бўлиб қолган, дустлик улфатлари кулфатга айланиб қолганларни талоқ хати ила бошқатдан жигар хун қилманг. Ёлғиз йигит уйланганда, никоҳ пулидан ташқари, бирданига уч хизматкор мулоғимларингизни унинг уйига юбормангким, бири келгани учун ҳақ олса, иккинчиси нафси учун ҳақ олади ва учинчиси кўргани учун ҳақ олади. Нуқсон ва камчиликлар воситаси бўлган шайтон йўлига кириб, охиратда Оллоҳ таоло риёзатини қўлдан берманг.

Қозининг феъл-автори тўғрилик, адолат йўлидан тамоман четга чиққанлиги боис уни ҳар қандай насиҳат дориси билан тузатиш имкони бўлмади. Бу золим қозининг зуваласи ҳасад, жаҳлу кудурат зулмати билан қорилгани учун бу насиҳатлар унинг қалбини ёритмади. Охири бу ношукур, кибру кудуратли, золим, малъун қози шайхдан юз ўгириб деди:

— Мен, шайх менинг ҳаром мол топганим хусусида далиллар келтиради ва ҳалқа зулм қилганим ҳақида ҳужжатлар кўрсатади, деб гумон қилиб ўтирибман, у эса бу хилдаги бир қатор афсоналари, панд-насиҳатлари билан менинг бошимни айлантирмоқда.

Насиҳатлар қозининг бақувват дилига пошшанинг арк деворига қўнган капалакчалик таъсир қилмаганинги ва ахлоқ-одоб ҳақидаги сийнаси саҳифаларига карп бошига қўнган пашша қадар асар этмаганинги шайх англадилар. Шу боис ул зот хилватга чекиниб айтдилар:

БАЙТ

Мен яхши ният ила қилган эдим сенга насиҳат,
Сен бадбахтга қачон этди таъсир амру маърифат?

Бир неча кундан кейин ажал насими қози давлатининг гулшанида эса бошлади ва унинг умр дастори очилган

гулдек бутасидан узилиб тушди. Қозининг жанозаси ўқилмасдан, ҳали унинг жасадини шаҳар дарвозасидан чиқаришга улгурмасдан, хабарчилар ваҳимага тушиб, гүё ўзлари ҳам ўлаётгандек қўрқиб, худди ўзларининг жасадларини ҳам шаҳарнинг тор йўлларидан олиб ўтаётгандай тасавур қилиб, ўликларга ва ўлаётгандарга эгалик қила-диган гўрковларга хабар қилдилар. Гўрковлар ҳам, тезроқ қозидан қутулиш учун, қабр қазишдан илгари, қўрқанларидан, ўзларининг умрлари нашидасини Азроил қўлларига топширишга рози бўлдилар.

Қарши аҳолиси бу ажиг воқеадан ҳайратланиб, ўзлари ва қариндош-уруғларининг соғ-саломат юришлари ва узоқ умр кўришлари учун ҳамда золим, бадкирдор, порахўр қозининг вафотидан курсанд бўлганликларининг нишонаси сифатида қозонларни тўлдириб, дарвишона ош қилдилар.

БАЙТ

Азизлар пандига қай кас кулиб боқур,
Надомат бармогин тишлаб қолур охир.

ЙИГИРМА ИККИНЧИ ФАСЛ. ДУНЁНИНГ БЕВАФОЛИГИ ҲАҚИДА

1-ҲИКМАТ

Азизим, бу жаҳонда гулнинг ошноси хордир, ҳамиша бир-бирига хумордир, ганж ранж билан, айш ғам билан пойдордир. Роҳат заҳмат билан ҳамхонаю муҳаббат меҳнат билан бир кошонада барқарордир. Мехр нуши қаҳр неши билан бирга қорилган, тарёкнинг асари сабаб заҳарнинг зарари биссердир.

БАЙТ

Агар билсанг, чаман тупроги қон дерлар,
Бу гулнинг ости заҳролуд¹ тикон дерлар,
Бу ибрат гўшасин сен айш-тараб дерсан,
Оқиллар они ранж бирлан фигон дерлар.

2-ҲИКМАТ

Азизим, бу дунё вақт кемаси саҳросининг бир гўшасида жойлашган работдир, худонинг азалий йўловчилари руҳий олам биёбонини саёҳат қилиб, охири ҳаё кемаси шу сўнгти бандаргоҳга келиб тўхтайдиган ва яна нариги дунё сафари

учун йўл тадоригини кўришга мўлжалланган бир карвон-саройидир.

БАЙТ

Жисминг работин тарк этсанг, сеида қолмагай ватан.
Ўзинг учун олмайсанми сен ушбу дунёдан капсан?¹

3-ҲИҚМАТ

Азизим, бу дунё ташналарга фириб берадиган бир сароб, баланду пастликлар, ўнқир-чүнқирлар билан тўлиб-тошган бир саҳрордир, шодлик айши майнини ғам-андуҳ нишонаси бўлмиш қонли кўз ёшларга айлантирадиган, инсоннинг мустаҳкам жисмини фано балчигига, бисотидаги замон шарбатини заҳарга қориштирадиган, шакаристони новвотига (ширин ҳаётига — Ж.Э.) ўлим оғусини қотадиган бир работдир. Икки эшикли бу работнинг хавф-хатарга, даҳшатга тұла хонасидан инсон руҳи чиқиб, сафарга жўнайди. Жисми эса бу дунёда қолиб, емирилиб, фоний бўлади.

БАЙТ

Дунё азалдан фонийдир, охир бўлади тамом,
Уни абадий десанг, адашасан, вассалом.
Фалак аввал тўлдиради майпарастлар паймонасин,
Навбат етар соқийга ҳам, ушлаб қолар пешонасин.

4-ҲИҚМАТ

Азизим, ҳаёт гулхонасида хушқад булиб ўсаётган сарвнинг бошини, шохларини шафқатсиз арра билан кессиб, ўлим тупроғи ила булғамайдилар ва қайси бир тоза ниҳол ҳаёт гулшанида нашъу намо топиб, қаддини ростлаётган бўлса, ажал болтаси билан унинг илдизидан чопиб ташламайдилар.

БАЙТ

Қайси сарв топса ривож ўкситмагил,
Эгибон қаддини сен дол этмагил.

Азизим, сен мўрисидан ўлим тутуни бурқсиб чиқмаётган бирон-бир томни кўрганмисан? Ажалнинг муқаррар фурсати етгач, қарсиллаб қулаг тушмаган бирорта умр дарахтини эшитганмисан? Одамлар жаъм бўлганида

Қуръондан: "Мана, Бизнинг ҳузури мизга сизларни аввал бошда қандай яратган бўлсак, шундай — ёлғиз ҳолда келдингиз", — деган ояти ўқилмаганини ҳеч эслай оласанми? "Мана шу сен билан менинг ажраши миздир", — ояти баралла ўқилмай туриб, одамларнинг бирон-бир йигилиши ўтганини биласанми? Ҳеч ким ўлим соатини ўз бўйнидан соқит қилмаслиги керак, ҳар бир киши ўлим шарбатини албатта бир бор татиб кўради.

Кимки ҳаёт ташвиши, ғами билан бўлса банд,
Фано йўлин кўрмагай, бўлмагай саодатманд.

Кимки фоний дунё дарвозасидан бу мавжуд дунёга кириб келган бўлса, у албатта ўлим деворининг раҳнаси — дарзи орқали бақо оламига қайтиб кетади. Бу дунёда инсоннинг орттирган лаш-лушлари, шунингдек, унинг энг қимматли матоҳи — жони кимга тегишли бўлса, тагин ўшанинг ўзига қайтади.

6-ҲИКМАТ

Азизим, ранжу озор, машаққат чекмай туриб бу ғамхона дунё неъматларидан, инъом этилган роҳатлардан лаззатлана олмайсан; шунингдек, замон хароботидаги хум ичида ётган офат аждаҳоси заҳрини чекмай туриб, ганжнинг латиф ва гузал юзини кўришга мұяссар бўла олмайсан.

Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Бул дўқондин бол емас ким нешдин қўрқса агар,
Хурмо термас боғдин қўрқса хордин ким магар.

7-ҲИКМАТ

Азизим, кимки бу нозик маъноли сўзни чуқур англаса, кимга бу ҳолатнинг асл моҳияти аён бўлса, у на жаҳоннинг дилозор тикани ғамидан ҳасрат кўз ёши тўқади ва на баҳор мавсумининг тоза, мусаффо, латиф гуллари жилвасидан шодланади. Чунки бунда ғам ҳам абадий қарор топмайди, шодлик ҳам мангубой пойдор бўлмайди.

БАЙТ

Неки бор дунёда — барҳам топгуси, сен чекма ғам,
Қилма ҳайрат бўлмасанг шод жаннату дўзахда ҳам.

8-ҲИКМАТ

Азизим, мол-дунёнинг кўпайишидан хурсанд бўлиш ёки унинг камайишидан қайғуриш ақлли, доно одамларга ярашмайди. Бу фоний, бебақо дунёда на унинг камайишида қарор бор, на унинг кўпайишидан мадор бор. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Кетса ҳам қўлингдан олам моли, бас,
Қайгурма, қайгуга асло арзимас.
Бўлса оламнинг моли кафтингда жам,
Бўлма шод, ул арзимас шодликка ҳам.

Кимлар бу сирдан воқиф бўлиб, унинг моҳиятини чуқур англаса, башарий, дунёвий ҳаёт воситаларидан ўзларини тиядилар ва ҳиммат отини қаноат майдонида чоптириб, ўзларининг ёлғизлик-гўшанишинлик, таркидунёчиллик ҳаётлари учун нимаики лозим бўлса, ҳаммасини жамлаб оладилар, улар ўзлари учун мавжуд шу дунёнинг шодлик эшигини зинҳор очмайдилар. Айни пайтда, улар ўзларининг фонийлиги борасида афсусланадиган, пушаймон бўладиган бирон-бир фикрни хаёлларига ҳам келтирмайдилар.

9-ҲИКМАТ

Азизим, ҳаёт гулларидан эсаётган хушбуй, муаттар ҳидиши димогига ҳаммавақт таралиб турмайди, ҳеч бир оғиз ажал соқийси қўлидан роҳат шарбати мазасини, таъмини озор чекмасдан тотолмайди. Аниқ билки, қайғу, ғам изидан шодлик, баҳт келади, кейин яна шодлик, баҳт ўрнини кулфат, дард-алам, баҳтсизлик эгаллайди.

РУБОИЙ

Бу гулшанда сурур ўрнин эгаллар ғам.
Камолот ортидан келгай ўлим, мотам.
Шодон — шод, ғамли ғамда қолмагай мангур,
Абад эрмас сурур ҳам, қайғу-ҳасрат ҳам.

Азизим, бу ожиз, нотавон мусоғир Хожа Самандар Термизий ақл олмосида суфталанган гавҳар билан, ҳикмат маҳакида синалган зар билан донишмандлик жавоҳирлари ила тўлғизилган бу тарқоқ варақларни жамлаб. "Дастур

ул-мулук" деб номланган асар яратди. Умидим шулки, ҳаёт ва давр ҳақида тоза, оппоқ қоғоз саҳифаларига қалам билан ёзилган бу қимматбаҳо гавқарга ўхшаш панд-насиҳатларимнинг қадр-қимматига етиб, иззат-ҳурмат ила шарафлаб қабул қилгайсизлар.

БЛЫТ

Бу маҳзанинг манга гар етмаса ҳамки дуюи,
Мудом бўлсин маоний аҳлининг илкинда жойи.

Яна илтимосим шуки, агар ўзининг гўзал, дилбар мазмуни билан ҳамманинг назарида жилва қила олса ва бунинг шоҳиди бўлган одам бутун жони, дили билан уни куришга ва ўқишга ҳавас қилса, унда ўқишга рағбат уйғота олса, асар муаллифини Қуръоннинг онаси — ёқимили "Фотиҳа" сурасини ўқиб ёд этинглар.

Масиҳдек жон ато айлар китобдир бу,
Беморларга шифо айлар китобдир бу.
Кўнгилларни чаман эттайки аврори,
Каломин ҳар биридир бир дил чироги.
Этиб не фикру не мавзу илова,
Оҳу терисидан қилдим муқова.

Ҳижрий 1107,
Милодий 1695

"ДАСТУР УЛ-МУЛУК" АСАРИ ВА УНИНГ ТАРЖИМАСИ

Сўнгсўз

Мумтоз адабиётда насрый асарнинг баркамол намуналаридан бири бўлгаи "Дастур ул-мулук" юксак истеъод соқиби, адаб, муаррих, ахлоқ ва тасаввуф олими, фалакиёт илмининг зукко билимдони Хожа Самандар Термизийнинг 1695—1696 йилларда ёзилган асари бўлиб, бу китоб ўзининг мундарижаси ва бадиийлиги билан XVII аср Ўрта Осиё адабиёти, тарихи, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, иқтисодий, маънавий ва маданий ҳаётини ўрганишда, айниқса, бугунги кунда ёшларни юксак маънавият, ватанпарварлик, ростўйлик, ҳақсеварлик, ахлоқ-одоб, иймон, ҳалоллик, инсоф ва адолат туйғуларини тарбиялашда жуда катта қимматга ва аҳамиятга моликдир. Аммо нима учундир бу ноёб ва нодир манбани ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш XX асрнинг 60-йилларигача тўхтаб қолган эди. 60-йилларнинг бошлирида биринчи марта академик Абдулғани Мирзаев мазкур асарга мурожаат қилиб, Тошкентда бўлган Умумжаҳон шарқшунослик конференциясида бу ҳақда маълумот берди. 70-йилларнинг бошида ленинградлик шарқшунос олима М. А. Салоҳиддинова "Дастур ул-мулук"ни рус тилига таржима қилиб, асарни китобхон ва илм аҳлларига тақдим этди. У ушбу асарнинг матнини уч қўллэзма асосида тузатиб, тўлдириб, муқаддима, изоҳлар ва факсимиile нусхаси билан чоп қилдирди.

1990 йилда Душанбенинг "Адаб" нашриётида Убайди Законийнинг "Ҳикоёти латиф" асари билан бирга, Самандар Термизийнинг "Дастур ул-мулук" асарининг (нашрга тайёрловчи, қисқача муқаддима ва изоҳли луғатлар муаллифи С. Ҳалимов) қисқартирилган матни босилди.

Аммо бу ишларда "Дастур ул-мулук" матни ва мундарижасининг моҳияти чуқур, ҳар томонлама тадқиқ этилмаган. Шу боис бу асар ҳақида илмий ишлар қилиш ҳали олдинда турибди. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, Жаббор Эсонов томонидан биринчи бўлиб ўзбек тилига қилинган таржима бугунги кунда энг кўзга кўринган ишлардан ҳисобланади. Бу таржиманинг бадиий қимматини сўз билан ифодалаш қийиндир. Чунки таржима учун сарф этилган меҳнат бизга тоғни тешиб сув чиқариш каби қийин бир иш бўлиб туюлади. Шундай бўлса ҳам, Жаббор Эсонов ҳақиқатан улкан ишни катта муваффақият билан амалга оширишга эришган.

Таржиманинг энг қийин жойи шу әдикى, асар матни равон ва фаҳмли бўлмасдан, юзлаб бадиий санъатлар, жумладан, тажнис, тавсиф, тарсев, муболага, иҳом, хусусан, сажъ, Қуръон оятлари билан безатилганлиги учун китобхон идрокидан узоқлашган. Шу сабаб "Дастур ул-мулук" матнини англаш жуда қийин ва оғирдир. Бизнингча, Муҳаммад Заҳирийнинг "Синбоднома" (XII аср) ва Варовинийнинг "Марзбоннома" (XIII аср) ҳамда Фаттоҳи Нишопурийнинг "Шабистони хаёл" (XV аср) асарларига ўхшатиб Самандархожа ҳам уз асари тилини рамзу киноя ва сажъ билан жиддий ва маҳсус равишда безатиб, бир томондан, ўзининг бадиий санъатлар соҳасидаги маҳорати ва ҳунарини кўрсатишга ҳаракат қилган бўлса, иккинчи томондан таққидий фикрларни насиҳат пардаси ортида бериб, ўша давр тузумидан ўзини ҳимоя қилган. Шу фактлар назаримизда асар матнини хийла душвор ва ӯқувчи фаҳм-фаросатидан узоқлаштирган.

Жаббор Эсонов эса мана шундай матнни форс тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, Самандархожа каби ўзининг ҳунарини кўрсатиб, биринчи марта бўлса ҳам ўқимишли ўзбекона матнни бизга ҳадя этди. Шунинг учун Жаббор Эсонов таржимаси илмда фундаментал иш бўлганлиги боис, уни тақдирлаш ва ақамиятини англаш жоиздир, деб ҳисоблаймиз.

Жаббор Эсонов шоиртабиат киши ва шеъриятни яхши билгани учун китобдаги шеърий парчаларни эркин таржимада эмас, балки ҳақиқий шеър сифатида таржима қилган. Шеърлар таржимасида поэтика талаблари, жумладан, аruz вазнини, қофияни сақлашга ҳаракат қилган. Ички қофиялар — сажъ санъати билан ёзилган матн маҳорат билан ўзбек тилига ўгирилган. Жумладан, матннаги астрономик ибораларнинг тасвирига бир назар ташлайлик. Астрономик тушунчалар билан боғлиқ бўлган санъатлар нақадар оғирки, кишини ҳайратга солади. Сажъ санъати жонлаштирилган астрономик ифода ва образлар ва шахмат, шашдар ўйини билан биргалашиб, икки-уч погонали маънолар вужудга келтиргани боис асар шаклини мавҳумлаштирган. Жаббор Эсонов муаммога монанд, бу матнни таҳлилу тадқиқ ва таржима қилиб, ёзувчининг ахлоқий-таълимий ва фалсафий қарашларини муайянлаштиришга эришган, дейиш мумкин.

"Дастур ул-мулук"нинг адабий аҳамияти бизнинг замонамиизда ҳам каттадир. Нафақат мулук ва амалдорлар, балки ҳар бир китобхон бу асардан бир қўлланма сифатида ибрат ва билим олади. Фарзандларимизни юксак маънави-

ят руҳида тарбиялашда катта манба сифатида бу асарни мактаб дарслклариға ҳам киритилса, фойдадан холи булмайди.

"Дастур ул-мулук"нинг 21-фасли XVII асрда Бухоро хонлигига юз берган тарихий воқеаларни ёритишга бағишиләнган. Бу фаслда аниқ тарихий воқеалар бир бадиий қисса, худди жангнома жанрида ёзилган мукаммал бадиий насрый асардек тасвирланган. Жаббор Эсонов бу фаслни ҳам муваффақият билан таржима қилишга эришган.

Рус китобхонларига манзур бўлган. М. А. Салоҳиддинова таржимаси бундан 26 йил муқаддам нашр этилган. Таржима жараёнида хато ва камчиликларга кўп йўл қўйган. Матнни айрим жойларини тушунмасдан таржима қилиш ва баъзи изоҳларни нотўғри бериш таржима сифатига салбий таъсир қилган. Ж. Эсонов эса М. А. Салоҳиддинова матнини ўрганиб, мазкур жойларини тузатиб, таржимани то имкони борича саҳиҳ қилиб ўзбек китобхонларига тақдим этган. Бу эса таржимоннинг хизматидир.

Жаббор Эсоновнинг ютуғи, таржима соҳасидаги муваффақияти унинг форс-тоҷик тилини яхши билганилиги билан боғлиқдир. Форс-тоҷик тилидаги сўзларнинг рамзий маъноларини ҳам яхши тушунади. Хусусан, у форсча классик матнлар билан доимий равишда шуғулланади. Унда жамланган бу иқтидор, идрок асар матнини илмий ва бадиий чиқишига, албатта, кўмаклашган ва имконият яратган.

Яна шуни қайд этиш жоизки, "Дастур ул-мулук" форсча-тоҷикча ёзилган бўлса ҳам, ҳозирги тоҷик алифбосида, тоҷик тилида унинг тўла шарҳи йўқ. Русча таржимадан ташқари, бошқа тилларга ҳам бу асар таржима қилинмаган. Шу боис ҳам Жаббор Эсоновни ўзбекча таржимаси шарафли ишdir.

Жаббор Эсонов уз таржимасини Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган қадимий "Дастур ул-мулук" қўлёзмаси матнининг фотонусхаси асосида (1437-рақамли қўлёзма) яратган. Иш пайтида шу институт кутубхонасида сақланадиган иккинчи қўлёзманинг фотонусхасидан ҳам (4468 рақамли қўлёзма) фойдаланган. М. А. Салоҳиддинова нашр этирирган "Дастур ул-мулук"нинг факсимиile матни ҳам Жаббор Эсоновнинг кўз олдida турган. Бундан ташқари, Тоҷикистонда "Адиб" нашриётида чоп қилинган (нашрга тайёрловчি С. Ҳалимов) сайланма асар матни ҳам муқояса тариқасида ишга жалб этган. Мана шулар таржиманинг манбай бўлган ва шулар асосида таржима дунёга келган.

Ж. Эсонов тақдим этган "Дастур ул-мулук" матни ихчам ва равондир. Биз айрим шубҳали жойларни муқояса қилганимизда таржиманинг тұғрилигига ишонч ҳосил қылдик.

Таржимон матнга доир катта муқаддима ёзган. Бу муқаддима илмий жиқатдан кичик бир монографиядир. Үнда Хожа Самандарнинг ҳаёт йұлы ва туғилған жой ҳақида маълумот бериш билан бирга, "Дастур ул-мулук"нинг моҳияти ёрқин муайянлаштирилған. Хусусан, асарнинг илмий, сиёсий ва ахлоқий хусусиятлари таҳлилга тортилиб, олдин ёзилған күп китоблар, жумладан, Низомулмulkнинг "Сиёсатнома"си, Заҳирий ас-Самарқандийнинг "Синбоднома"си, Юсуф Хос Ҳожибиннг "Қутадғу билиг"и, "Темур тузуклари", Саъдийнинг "Гулистон" ва "Бўстон" асарлари, Воиз Кошифийнинг "Калила ва Димна"си, "Ахлоқи Муҳсиний" каби асарлари билан муқояса қилинған. Бундан ташқари, таржима матни изоҳлар билан ҳам безатилған. Бу иш ҳам ўзининг илмий хусусиятлари билан фарқ қилиб туради. Муаллиф бу изоҳлар орқали ўқувчига номаълум ва матнда шарҳга муҳтож бўлган жойларига изоҳ бериб, луғат ва тавсиф китобларига уҳшатган катта бир маълумотнома келтирған.

Умуман олганда, Жаббор Эсонов томонидан ўғирилған "Дастур ул-мулук"нинг ўзбекча таржимаси катта илмий, тарихий ва адабий аҳамиятга моликдир. Таржима, ҳажм, сифат ва илмий жиқатдан илмий-танқидий текстологик ишлардан фарқ қилмайди ва ўзининг кенг китобхонларга қаратилған тарбиявий хусусияти билан бугунги кунларда ҳам мустақил Ўзбекистон Республикаси фуқароларига сезиларли даражада маънавий-маданий озуқа бериши шубҳасиздир.

Биз бу асарни нашрга тавсия қилиш билан бирга, унинг докторлик рисоласи қилиб ёқланишига ҳам арзидиган иш деб биламиз. Умуман, Жаббор Эсонов таржима қилған мазкур асардан Ўзбекистон Республикасининг маънавияти ва маданиятини тарғиб этишда бир дастур сифатида фойдаланиш мақсаддага мувофиқдир.

A. АБДУЛЛАЕВ

Сурхондарә қасаба уюшмаси адаб
Собир Термизий мукофоти совриндори,
филология фанлари доктори,
профессор.

ИЗОҲЛАР

59-бет

1. Бу образли ифода орқали қиёмат кунида мархумнинг қайта тирилтирилиб суроқ қилиниши назарда туғилган.
2. Тўртта дўст деганда, анъянавий равишда халифа деган шарафли номга мұяссар бўлган Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алига ишора қилинмоқда.
3. Самандар — шоирнинг ўзи. Малеҳо Самарқандий ва замондошларининг талқин этишларича, адабнинг тахаллуси бўлиб, афсона ва ривоятларга кўра, бу сўз олов ичидаги туғилиб, ўт ичидаги истиқомат қиласидиган жонивор маъносини англатади. Шу боис бутун асар давомида Хожа Самандар оловқалб адаб сифатида тасвирланади, ўзидан олов чиқарадиган "Самандар-жонивор"га ташбиҳ этилади.
4. "Қаландарлик мамлакатида эркин, мустақил истиқомат қилувчи..." тушучаси образли ифода бўлиб, Хожа Самандар Термизий ўзининг юртма-юрт сафарда юриб, дарвешона, юпун ҳаёт кечириб сўфијлик ҳаёти тарзини ихтиёр этгани ва слукат йўлига киргани ойдинлаштирилган.

60-бет

1. Тахминан 1204 йилда туғилиб, 1292 йилда вафот этган машҳур форс-тожик шоири Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг 1257 йилда ёзилган "Бўстон", 1258 йилда битилган "Гулистан" асарлари назарда тутилган.
2. Жамшид — шаҳарлар қурган, одамларга деҳқончилик ва ҳунармандчиликни ўргатган, қадимги Эроннинг пешодийлар сулоласидан бўлган афсонавий шаҳаншоҳ.
3. Субҳонқулихон — 1680 — 1702 йилларда Бухорода подшоҳлик қилган аштархонийлар /жонийлар/ сулоласидан.
4. Исрофил — Ислом таълимотида тўртта асосий фаришта бўлган. Уларнинг ҳар бирига алоҳида — Жабройил — хабарчи фаришта, Микойил — коинот тасарруфчиси, Исрофил — охират кунида сур чалиб, ўликларни қайта тирилтирувчи фаришта, яъни охират хабарчиси, Азройил — жон олувчи фаришта номи берилган. Хожа Самандар фахр билан, ўз асари "Дастурул-мулук"ни охиратгача — Исрофил сури чалингунча, инсон тирик экан, яшайди демоқчи.

61-бет

1. Бироқ асарнинг қўллэзмаси 22 фаслдан иборат бўлиб, 20-фаслда ишқ хусусида, 22-фаслда ўзининг асл Ватани Термиз эканлигини ҳикоя қилади.

62-бет

1. Хожа панд-насиҳатдан иборат бўлган бу фасллардаги кичик сарлавҳаларни доимий равишда "фикра" деб номлаган. Биз "фикра" тушунчасини "ҳикмат" деб таржима қилишни маъқул топдик.
2. Саъдий Шерозийнинг 1257 йилда ёзилган "Бўстон" номли асарига ишора қилинган.
3. Ануширвон. Асли номи "Хисрави Аввал" бўлиб, лақаби Ануширвондир. Сосонийлар сулоласининг йигирма биринчи подшоҳи. 531 — 579 йилларда ҳукмронлик қилган. Баъзи манбаларда "Нўширвон" деб ҳам юритилади. Ануширвон сўзининг маъноси: "абадий руҳ эгаси, ўлмас руҳ эгаси" демакдир. У ўзинингadolatпарварлиги билан ўз замонасида шуҳрат қозонган.

Шу боис бутун Шарқ адабиётида, жумладан, тарихий китобларда ҳам адолатли шоҳ тимсоли сифатида таъриф-тавсиф этилган.

63-бет

1. Хурмуз — 579 — 590 йилларда Эронда подшоҳлик қилган Сосонийлар ҳукмдори.
2. Хисрав — 590 — 630 йилларда Эронда подшоҳлик қилган сосонийлар сулоласига мансуб бўлган шоҳ Хисрав Парвизга ишора қилинмоқда.

74-бет

1. Кийик нофи халтачасида қонни мушк-апбарга айлантириш тушунчаси образли ифода бўлиб, X — XII асрларда яшаб ижод этган Низомий Ганжавий, Адаб Собир Термизий, Анварий, Убайди Зоконий каби шоирларнинг шеърларида бир поэтик тимсол сифатида жуда кўп қўлланган. /Қаранг "Фарҳанги забони точики"/ "Тожик тили изоҳли лугати"/, Москва, 1969, 873-бет.

76--бет

1. Жалолиддин Румий 1207 йилда Балхда туғилиб, 1273 йилда Туркия-нинг Кўниё шаҳрида вафот этган. Шарқдагина эмас, балки бутун жаҳонда машҳур бўлган мутасаввуф шоирдир. Унинг жаҳонга машҳур "Маснавий"си ўттиз бир мингдан зиёдроқ мисрани, "Девони Кабир" (Улуғ девони/ қарийиб қирқ тўрт минг мисрани ўз ичига олади. Устози Сайд Бурҳониддин Сирдон Термизийдир ва хусусан тасаввухнинг кифтий сирларини Жалолиддин шу буюк алломадан ўрганган. Табиийки, шарқда машҳур бўлган бу мутаффаккирнинг шеъри Хожа Самандар Термизийнинг ҳам диққатини ўзига жалб этган.

77-бет

1. Анварий Сухайлий — XV асрда яшаган ва А. Навоий эътиборини ўзига жалб этган атоқли тожик олими. Адаб Ҳусайн Вонз Кошифийнинг шу номдаги асари бор. Бу асар Амир Шайхим Сухайлийга багишланган машҳур "Калила ва Димна"нинг қайта ишланган вариантидир.

80-бет

1. Ўзининг таъкидлашича, Хожа Самандар Субҳонқулихон томонидан Самарқандда Хожақулибий ўторчи бошчилигида қутарилган исённи бостириш ва у билан ярашиш битимини тузиш учун икки марта элчи қилиб ўборилган.

81-бет

1. Жаррор — жуда кўп, катта тўда, урушқоқ, қўрқмас, жанговар қўшин.

83-бет

1. Рустам — қаёнийлар сулоласи подшоларидан. Кайқубоднинг машҳур, қўрқмас, паҳлавон пешдодий Гиршаспнинг сипоҳсолорларидан Золнинг ўғли. А. Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асаридаги бош тимсоллардан бири.

85-бет

1. Жиловдор — подшоҳ ёки давлатмандларнинг отининг жиловидан ушлаб, уларни отга миндириб, ўзи пиёда корадиган киши.

91-бет

1. Тоқ — Сосоний шоҳлари замонида подшоҳ Қисро томонидан қурилган гумбазнинг номи. Зери Тоқдан — гумбазнинг тагидан.

94-бет

1. Маҳак тоши — кумуш, олтинларга суртиб, унинг тоза ёки нотоза эканлигини ажратадиган тош.
2. Шайх Саъдийнинг 12258 йилда ёзилган "Гулистан" асарига ишора қилинмоқда.
3. Чун рақам қилди Саъдий, Алайҳ ад-деб дуо — улар соғ, тинч бўлсин деб Саъдий дуо қилди, ёзди маъносида.

95-бет

1. Акбар — 963 — 1014 /1556 — 1605/йилларда Ҳиндистонда подшоҳлик қилган З. М. Бобурнинг набираси, Ҳумоюннинг ўгли, Бобурйлар сулоласининг буюк шоҳи.
2. Ажмир — Ҳиндистоннинг шимоли-тарбий томонида жойлашган шаҳарнинг номи.
3. Мирзо Ёдгор — Кашмир ҳокими Юсуфшоҳнинг жияни, 1000 ҳижрий /1591 — 1592 милодий/ йилда Темурийлар сулоласидан бўлган Акбар шоҳга қарши бош кутарган. Аммо тез орада ўз тарафдорлари томонидан ўлдирилган.

96-бет

1. Ҳаж /зиёраттоҳ/ — араб ёзувида икки ҳарфдан иборат: "ҳе" ва "жим". Бу ёзув матнда образли ифода сифатида қўлланган.

97-бет

1. И момкулхон — аштархонийлар сулоласига мансуб бўлиб, 1020 — 1051 ҳижрий, 1611 — 1642 мелодий йилларда Бухорода подшоҳлик қилган.
2. Нодирмуҳаммадхон — Аштархонийлар сулоласига мансуб бўлиб, 1051 — 1055 ҳижрий, 1642 — 1645 мелодий йилларда подшоҳлик қилган.
3. Ҳасанбек Рофев XVII аср форс-тожик шоири, асли қазвиилик. У аввал жуда кўп йиллар Нодирмуҳаммадхонинг китобдори вазифасида Машҳадда яшаган. Нодирмуҳаммадхон Балх ҳокимлигини бошқарәтган пайтда унинг сарой шоири лавозимида ишлаган. Кейинги пайтларда Ҳиндистонда темурийлар сулоласига мансуб подшоҳлар саройида сарой шоири сифатида хизмат қилган ва жуда узоқ умр кўрган.
4. Давлатбий — Ҳисор қўргонининг ҳокими, шунинг билан бирга сўз ўйини сифатида, давлат "баҳт", "муваффақият" маъносини ҳам ифодалайди. Бу ўринда шоир Ҳасанбек Рофевъ Давлатбийдан баҳт кетди демоқчи.
5. Соиб Исфаҳоний — таҳминан 1010 /1601 мил./ — 1080 /1669 мил./ ёки 1088 /1677 мил./ йилларда яшаб ижод этган озарбайжонлик савдо-гарнинг ўгли, асли исфандонлик. Унинг поэтик фаолияти Исфандонда бошланган. У Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат қиласи ва Ҳиндистонга боради. Ҳиндистонда Шоҳ Жаҳон /1628 — 1658/ ҳукмронлиги даврида ўн йил сарой шоири бўлиб ишлайди ва яна Исфаҳонга қайтиб, умрининг охиригача Шоҳ Аббос /1642 — 1667/ саройида малик-уш-шуаро — шоирлар сардори лавозимида ишлайди.
6. Ҳазор Жарип — Озарбайжон шоҳлари сулоласига мансуб Аббос I /1587 — 1629/ томонидан бунёд этилган минг танобдан иборат булган боғнинг номи.

98-бет

1. Фазили Валий Абдулазизхоннинг муншиси — бош мирзаси. У Малеҳо Самарқандийнинг айтишига кўра, ўз шеърларига тартиб бериб, девон тузиб қолдирган таниқли шоир бўлган.
2. Бу жумлада образли фикр ифодаланган бўлиб, Юсуф ўзининг ёқимли сўзлари насими билан Яъқуб кўзларини равшанлаштирганидек, Мавлавий Юсуф ҳам бу қитъаси билан Фазили Валий вафоти тарихини ойдинлаштириди маъносида қўлланган.
3. Қитъанинг охирги мисрасида "Ҳайф аз Фазили Валий" жумласида Фазили Валийнинг вафот тарихи ойдинлаштирилган. Матнда деб ёзилган. Бу сўзлар сон-рақамга айлантирилса, Фазили Валийнинг 1073 /1662 — 63/ йилда вафот этганлиги тарихи муайянлашади.

101-бет

1. Ваҳдат — танҳолик, якка ягоналик, узлат — хилватни ихтиёр этувчи, дарвешлик йўлига кириб, кишилардан чекинувчи, хилватнишин маъносида.

104-бет

1. "Ахлоқ" — Ҳожи Юсуф асари бўлиб, унинг тўла номи "Илм-ул-ахлоқ"dir.
2. Ижобат — бу ўрнида худони қабул қилиш, ибодат этиш эшиги маъносида қўлланган.

106-бет

1. Султон Иброҳим ибн Адҳам Балхдан бўлиб, ривоятга айланган машҳур тарихий шахс. У тариқат йўлини ихтиёр этанидан кейин ўз хоҳиши билан подшолик лавозимини тарк этиб, дарвешлик ҳаёт тарзини ихтиёр этган. Султон Иброҳим ибн Адҳам ҳижрий 177, мелодий 875 ёки 880 йилда вафот этган. Қаранг: Алишер Навоийнинг "Лисонут-тайр" асарининг 163 — 165-бетлари.

102-бет

1. Риёзат — нафс хоҳиш қилган нарсалардан тортиниб ўзни қийпаш.

108-бет

1. Куръон. 43-сурा, 32-оят.

110--бет

1. Нуқра — кумуш, бу ўрнида насиҳат маъносида қўлланилган.

111-бет

1. Дехбод — Даҳбеда — Самарқандининг шимол томонидаги бир қишлоқ бўлиб, XVII — XVIII асрларда суфизмнинг кўзга кўринган марказига айланган. Шу боис Самарқанд атрофидаги эшонларни Дехбодий, Даҳбедий деб атаганлар. Бу ном ҳанузача машҳур бўлиб, матнда пир — эшон маъносида қўлланган ва у зотнинг асл номини Хожа Самандар матнда муайянлаштиргаган.

112-бет

1. Қуръон, 66-сура, 8-оят. Бу оят Алоуддин Мансур томонидан қўйидагича таржима қилинган: "Эй мўминлар, Оллоҳга холис тавба қилинглар, шоядки, Парвордигорингиз сизларнинг ёмонлик гуноҳларингни учирив, остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатга киритар..."

114-бет

1. Магилон — Араб регионларида ўсадиган катта тиканли дараҳт.

115-бет

1. Қуръон. 6-сура, 11-оят. Бу оят Алоуддин Мансур томонидан қўйидагича таржима қилинган: "Айтинг: Ерни айланив, сайру саёҳат қилинглар...".

117-бет

1. Қуръон. 59-сура, 2-оят. Қуръони карим, узбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Тошкент. F. Фулом нашриёти. 1992 йил, 404-бет.

118-бет

1. Мавлоно Хотифий — 927 /1520 — 21/ йилларда вафот этган машҳур форс-тожик шоири Абдуллохон Ҳабушоний Жомийдир. У Абдуллоҳ Хотифий номи билан шуҳрат қозинган.

119-бет

1. Субҳи шабоб — ёшлик, йигитлик субҳи-тонги.
2. Толиблар — талаб қилувчилар, изловчилар, хоҳловчилар, майл этувчи-лар.

120-бет

1. Қуръон. 95-сура, 4-оят. Қуръони·каримнинг узбекча изоҳли таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. 473-бет.
2. Қуръон. 2-сура, 117-оят. Бу оятни Алоуддин Мансур қўйидагича таржима қиласан: "Оллоҳ... Еру осмонни пайдо қилувчиdir. Бирор ишни ҳукм қиласа, унга фақатгина "Бўл" дейди, холос. Бас, у иш бўлади...".
3. Қуръон. 7-сура, 26, 32-оятлар.

121-бет

1. Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширинларнинг ўтли муҳаббатлари Шарқнинг жуда кўп буюк мутаффакирларининг назмий достонларида, лирик шеърларида поэтик тимсол сифатида таъриф-тавсиф этилган. Ҳожа Самандар Термизийнинг диққатини А. Навоийнинг "Хамса"сидағи Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин тимсоллари жалб этганлиги унинг Навоий ижодини ҳам мукаммал билганлигидан далолат беради.
2. Қуръон. 15-сура, 29-оят. 175-бет.
3. Суфийлик тариқатига тааллуқли ифодалар.

122-бет

1. Анқо — оти бор, ўзи йўқ афсонавий қуш. У гўё қушларнинг подшоси бўлиб, Кўхи Қоф тогида яшар эмиши.

2. Ховарон даштининг ишқи — образли ифода. Ховарон Афғанистон ҳудудидаги бир вилоят бўлиб, 357 — 440 /967 — 1047/ йилларда яшаган суфийлик тариқатининг машҳур шайхи Абу Сайд ибн Абдулхайрнинг ватанидир. Яна Ховар — Шарқ офтоби — офтоби Ховарий, Ховаркун чиқиш — қўёш маъносида ҳам қўлланади, Навоий асарлари лугати. Fafur Fулом нашриёти, 1972 йил, 657-бет.

123-бет

1. Камолиддин Беҳзод 1455 йилда Ҳиротда туғилиб, 1533 — 37 йиллар ўртасида вафот этган. У "Монийи соний" /"Иккинчи Моний"/ ва Шарқ Рафаэли номи билан машҳур бўлган, Шарқ тасвирий санъатининг улуг намояндаси.
2. Моний — қадимги машҳур рассом. Монийлик мазҳабининг асосчиси. Тахминан эрамиздан аввалга 216 — 176 йилларда яшаган.
3. Абдулазизхон — аштархонийлар /жонийлар/ сулоласига мансуб ўзбек хонларидан бўлиб, 1645 — 1680 йилларда Бухорда 35 йил хонлик қилган. Муҳаммад Аминнинг "Мұхит-ат-таворих" асарида /84-бет/ баён этилишича, Абдулазизхоннинг таҳтдан воз кечиши воқеаси 21 шаърон, 1092 йил ҳижрий, мелодий 1681 йил 9 ноябрда юз берган. Бироқ Ўзбекистон тарихи /1-том, 566-бет/да 1680 — йилда Субҳонқулихон таҳтга кўтарилди, дейилган. Абдулазизхоннинг таҳтдан воз кечиб ҳажга жўнагани ва унинг 1683 йилда Ҳиндистонга сафари пайтида Яманинг Моҳо бандаргоҳида /портида/ вафот этганлиги Жоҳа Самандарнинг "Дастурул-мулук" асарида батағсиyl қикоя қилинган. /21-фасла қаранг./
4. Кармина — Бухоронинг шимоли-шарқида жойлашаган шаҳарнинг номи булиб, ҳозир Навоий шаҳри деб юритилади.
5. Анушахон — Хоразм хони.

124-бет

1. Согарч — Самарқанднинг шимоли-шарқий томонида 35 — 40 км масофада жойлашган бир қишлоқнинг номи.
2. Девонбеги — хонлик маҳкамасида ер-сув солиги, кишим-чиқим дафтарини назорат қилиб, ёзib борадиган катта лавозим эгаси.
3. Хилофатпаноҳ — халифалик таҳтининг суюнчиғи, ҳимоячиси.
4. Жонийлар — Мовароуннаҳрга 1599 — 1753 йилларда ҳукмдорлик қилган сулола. /Қаранг. Аштархонийлар, Ўзбек совет энциклопедияси 1-жилд, 596-бет/.

125-бет

1. Оқсоҳ /Оқсоҳ/ — Бухоро билан Кармина йўлининг ўртасида жойлашган Бухоро туманига қарашли баланд қалъя.
2. Рахш — жуда югурик, олачипор, чиройли оти. Паҳлавон Рустамнинг миниб юрадиган оти.

126-бет

1. Яъжуҷ-маъжуҷлар — афсонга кўра хунукбашара, баҳайбат, йулида учраган ҳамма нарсани нобуд қиласидиган одамхўр бир оломон. Искандар халқа оғат келтирувчи бу маҳлуқларнинг йўлини тусиши учун "Садди Искандарий"ни — Искандар девори деб номланган омонлик деворини қурдиради.
2. Овлоқ — ов майдони, ов қилинадиган жамъ.

127-бет

1. Қози амир Носир — Абдулазизхон ва Субҳонқулихон даврида Бухоро шаҳрида қозилик лавозимида ишлаган шахс.
2. Фузулӣ — XVI асрда яшаган Озарбайжоннинг атоқли шоири, 963 ҳижрий /1555 — 56/ йилда вафот этган.

128-бет

1. Тахмтан — Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асаридаги бош тимсоллардан, Рустамнинг лақаби, яъни Тахмтан тушунчаси бутун мамлакатнинг паҳлавони деган маънони англатади.
2. Рӯинтанд — Эроннинг қадимги афсонавий, жасур нодшоҳи Исфандиёрнинг лақаби, бинобарин, Исфандиёр осмон гумбази тагидаги рӯинтанд /рӯйинтанд/ мис гавдали, енгилмас буюк баҳодирга монанд этилади.
3. Қуръон. 65-сурә, 3-оят.
4. Сепулон — шаҳардан икки ярим км жанубда Бухоронинг Қарши дарвозасида жойлашган қишлоқнинг номи.

129-бет

1. Намозгоҳ — Бухоро шаҳри жанубидаги дарвоза номи.

130-бет

1. Ҳожа Самандар ушбу шахсни Қуръоннинг 12-сурасида тавсиф этилган ва бадиий адабиётда гўзаллик тимсоли бўлган Юсуфга монанд этмоқда.
2. Зулайҳо адабий қаҳрамон бўлиб, аслида Миср акобирларидан Потефар хотинининг тимсолидир. /Қуръоннинг 12-сураси 21-оятида Зулайҳо Миср шаҳрининг ҳокими — Кутфийр деган кишининг хотини сифатида тасвирланган/ Насриддин Рабгузийнинг Юсуф қиссасида А. Жомий ва Дурбекнинг "Юсуф ва Зулайҳо" достонларида Миср шоҳи Райёнинг вазири Миср Азизийнинг хотини сифатида тасвирланган бўлиб, унинг Юсуфга бўлган оловли муҳаббати хотин ишқининг тимсоли, қомуси сифатида шуҳрат қозонгани боис назмий ва насрый асарнинг ишқ бобидаги асосий мавзуига айланди.

131-бет

1. Ушбу ўринда қўлланган образли ифоданинг маъносини чуқурроқ ёритиш учун Искандар ўз аскарлари билан "Оби ҳаёт" қидириб, "Зулмат ўлкасига" кириб адашганида, Хизр уни "Оби ҳаёт" сарчашмасига бошлаб борганилиги ҳақидаги жуда кўп тарқалган машҳур афсона асос қилиб олинган.

133-бет

1. Кайхусрав — каёнийлар сулоласидан бўлган Сиёвш ибн Кайковус билан Турон Маликаси Фарангиснинг фарзанди. Қадим замонларда Турон ҳокими бўлган.
2. Мирриҳ-ал-Мирриҳ — Марс планетаси — сайёрасининг арабча номи.
3. Макка — шаҳарлар онаси. Саудия Арабистонининг гарбидаги шаҳар. Ҳижознинг маъмурӣ ва савдо маркази. Мусулмонлар ҳаж қиласидаган жой.
4. Мәдина — шаҳарнинг тўлиқ арабча номи — Мадинат ул-Расулиллоҳ ёки Мадинат ул-Наби — пайғамбар шаҳри. Саудия Арабистонининг шимоли-гарбий қисмидаги шаҳар. Ҳижоз вилоятидаги Маккадан 4000 км шимолда.

5. Ҳижоз — Саудия Арабистонидаги вилоят. VII асрнинг охириларида Ҳижозда Мұхаммад ислом динини тарғиб этган ва кейинчалик араб халифалигининг негизи бўлиб қолган мусулмонлар жамоасини тузган. Макка ва Мадина сингари муқаддас шаҳарга, мусулмонларнинг ҳаж қила-диган жойига айланган.

6. Исфакон — Эроннинг марказий қисмида, гоят хушманзара жойда Зояндаруд дарёси бўйида жойлашган шаҳарнинг номи.

134-бет

1. Моҳо — Яманда бир бандаргоҳ.

135-бет

1. Арғувон — дарахтнинг номи; шоҳлари, наవалари, куртаклари очиқ-қизил рангда, меваси ҳам шу рангдадир. Матнда бу дарахт образли ифода сифатида қўлланган бўлиб, арғувоннинг қора ерга ташланган очиқ-қизил новдаси рамзий тимсол сифатида ерга тўкилган қонга монанд этилади.

2. Дарий — Доро эрамиздан аввал 336 — 330 йилларда ҳукмронлик қилинган ахмонийлар подшоси. Бу ерда Дарий III назарда тутилмоқда.

3. Зулқарнайн — Искандарнинг лақаби: ривоят бўйича икки шоҳ эгаси, икки шоҳли маъносини англатади.

4. Фотима — Мұхаммад алайҳиссаломнинг қизи, Алининг хотини, имом Ҳасан ва имом Ҳусайнларнинг онаси.

5. Ҳусайн — имом, Ҳусайн халифа Алининг (ҳукмронлик йиллари — 656 — 661) ўғли, Мұхаммад алайҳиссаломнинг набираси.

6. Карбало — Ироқонинг пойтахти Богдоднинг жануби-шарқида, таҳминан 100 км масофада жойлашган бир шаҳарчанинг номи бўлиб, шаҳарнинг яқинида муҳаррам ойининг үнинчисида ҳижрий 61 йилда /мелодий 680 йил/ 10 октябрда халифа Алининг ўғли, Мұхаммаднинг набираси. Ҳусайн ўлдирилади.

7. Қуръон. З-сурә, 185-оят.

8. Жом — улкан қўнгироқ, соат ўрнида ишлатиладиган шоҳлар саройида-ги катта қўнгироқ. Муаллиф Абулазизхонни катта салтанатнинг қўнгиригиги вафот этди демоқчи.

9. Абдулазизхоннинг вафот тарихи Матннинг *شَهَادَةُ الْعَزِيزِ عَلَيْهِ* "Шоҳ Абдулазиз фавт намуд". "Шоҳ Абдулазиз вафот этди", сўзларида Абдулазизхоннинг вафот тарихининг рақами 1093 /1682/ йилда эканлиги ойдинлаштирилган.

136-бет

1. Тўтиё — мис зангидан пайдо бўлган кристал-билтур, шаффоф модда. Илгари пайтларда шарқда кўзни равшанлаштириш учун суртиладиган дори.

2. Абдулазизхоннинг вафот тарихи матннаги *مُرْدَةُ دَارِ مَوْهُ*, "Мурда дар Моҳо" — "Моҳода ўлди" сўзларида Абдулазизхоннинг вафот тарихининг санаси 1094/ 1683 йил деб кўрсатилган.

3. Ҳўжамуборак — ҳозирги Қашқадарё вилояти Косон туманига қарашли қишлоқ. Косон тумани марказидан 43 км, Қарши шаҳридан 60 км масофада Бухоро йўлида, Муборак жамоа ҳўжалиги ҳудудида, Муборак темир йўл бекати атрофида жойлашган қишлоқ.

137-бет

1. Шиговул — хон саройига кирадиганларни бошқарувчи бошлиқ, чет злдан келган элчилар, меҳмонлар, юқори мансабдаги кишиларни расмий

равиша шоҳ саройига олиб киравчи мансабдор /Б. А. Аҳмедов, История Балха, Т. 1982, 161-бет/.

2. Бий — кўчманчи ва ярим кўчманчи туркий халқларнинг, жумладан, ўзбекларнинг улуғ оқсоқолларига берилган унвон. 17 — 19-асарларда бийлар йирик ўзбек қабилалари ва уругларига бошчилик қилиб, фақат марказий ҳукуматга итоат этган. Подшоҳлар ўз ҳудудидаги қабила ва уругларни итоатда сақлаш учун бийларга унвонлар бериб, мансабларга тайинлаганлар. Бийлик унвони авлоддан авлодга ўтган /Ўзб. Совет энциклопедияси, 2-жилд 214-бет/.

3. Собиқ СССР ФАси Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида сақланаётган Д 89 (214-бет) рақамли қулёзмада "Дастур ул-мулук"дан олинган парчада унинг номи Хўшика баҳодир деб кўрсатилган (Ходжа Самандар Термези, Дастур ал-мулук, Москва, 1971, ст. 192, 50-изоҳ.).

138-бет

1. Тўқсабо —дастлаб хонга қарашли озуқаларни тақсимлайдиган лавозим маъносида қўлланган. Кейинги пайтларда ҳарбий қисмнинг саркардаси — қўмондони лавозимида ҳам ишлатилган. Тўқсабо унвони ҳозирги армия полковнигига тўғри келади.

2. Додхоҳ — форс-тожик тилида одилликни истовчи, адолат талаб қылувчи маъносида қўлланилган. Бухоро амирлигида аризалар, шикоятларни амирга етказиб, жавобини шикоятчиларга қайтарувчи, мамлакатда жамоат тартибини назорат қылувчи амалдор /Б. А. Аҳмедов, История Балха, Т., 1981, 157-бет/.

3. Қушбеги — Ўрта Осиёда подшоҳ ва хоннинг овчи қушлари мутасаддиси; ов беги. У подшоҳ ва хон овини ташкил қилиш ва ўтказишга жавобгар бўлган. 17-асрнинг иккинчи ярми ва 19-асрда Бухоро амирлиги ва Хива, Кўқон хонлигида бош вазир. Бизнингча, кейинги пайтларда бу хонликлар саройида бош вазир лавозими ҳам, яна алоҳида қушбеги мансаби ҳам бўлган. Шу сабаб қушбеги сўзининг биринчи қисми қўшин тушунчасини қисқартирилган шакли булиб, қушбеги ибораси қўшин беги маъносида қўлланган булиши мумкин, чунки қушбеги бадиий асарларда доим қўшин бошлиги сифатида таърифланган. "Дастур ул-мулук"да қушбеги қўшин бошлиги сифатида таърифланади.

4. Оталиқ — хон эътиборини қозонган кишиларга берилган катта лавозим. Оталиқ "ота" ўрнига "ота" деган маънени англатиб, шаҳзодалар тарбиячиси тушунчасини ҳам ифодалайди. Мазкур шеърий парчада Анушахон қўшинида оталиқ лавозимида ишләётган Мурод Урганжийга ишора қилинмоқда. Оталиқ деган шарафли лавозимга сазовор бўлган кишилар Абдулазизхон ва Субҳонкулихон қўшинида ҳам жуда кўп бўлган: Рустамбек оталиқ, Маҳмудбий оталиқ, Фойиназарбий оталиқ ва бошқалар.

139-бет

1. Ҳазора — Самарқанд вилояти ҳудудидаги қишлоқда жойлашган қалъа. Бу қалъанинг вайроналари Карминанинг жанубида, Зарафшон дарёсининг чап қирғонида қозир ҳам сақланади.

140-бет

1. Кулон — қипчоқ уруғи авлодига мансуб қабила.

2. Эшикогаси — эшикогабоши /туркча/ — подшоларнинг саройини қўриқлаш юклатилган кишиларнинг сардори, дарвоза соқчиларининг бошлиги. Улар шоҳ саройидаги катта маросимларни бошқариб турганилар. Бироқ бадиий адабиётда бу лавозим ҳурмат маъносида ҳам қўлланылади.

Масалан, С. Айнийнинг "Қуллар" романыда Бухоро хони амир Ҳайдарқул савдогар Абдураҳмонбайга, бир чўри қиз ва бир қулни амирга инъом этгани учун хон, эшикогаси унвонини беради. Ваҳоланки, у қул савдогари қулларни сотиб бўлгач, ўз юртига қайтиб кетади. Эшикогабоши лавозимининг таърифи Б. А. Аҳмедовнинг "История Балха" /Т., 1981. 159-бет/ китобида тўла ёритилган.

3. Қўрчилар — /туркча/ Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида туркий қабилаларнинг эътиборли ва ишончли кишиларидан тузиленган алоҳида сарой гвардияси; ҳукмрон ёки амалдорларнинг шахсий қўриқчиси. Қўрчибоши — шахсий қўриқчиларнинг сардори. Б. А. Аҳмедовнинг юкорида номи келтирилган китобида қўрчибоши лавозими кенг тавсиф этилган /168-бет/.

4. Чуҳраогалар — /форсча-туркча/ маҳрамлар бошлиги. Маҳрамлар хонлар саройнда, таниқли амирлар хонадонида ҳам хизмат қилганлар. Б. А. Аҳмедовнинг юкоридаги китоби /170-бет/.

5. Ясовул — интизом сақловчи; катта лавозимда ишлайдиганларнинг ёнида юрувчи кичик амалдор.

6. "Ярқироқ совутга ӯралиб" тушунчаси образли тимсол бўлиб, қуёш маъносини англатади.

7. Мақотил — ўз аҳволидан бехабар савлатига, гавдасига ишонган мақтанчоқ подшоҳ. Ҳазрати Алининг ўзи савдогар либосини кийиб ўтириб, ўрли имом Ҳасанни Мақотил билан жанг қилмоқ учун саваш майдонига чиқарди. Мақотил мен шу гўдак билан жанг қиласанми, мен билан жанг қилмоқ учун Алининг ўзи чиқсан, дейди. Ҳазрати Али "шу баҳодир билан жанг қилиб кўр, агар бу ўғлон енгилса, Алини ўзини топиб келамиз", — дейди. Мақотил имомо Ҳасанни мэнсимай гердайиб жангта кириб, саваш майдонида имом Ҳасан томонидан ўлдирилади. /Ҳазрати Али ҳақидаги қиссалар, ўн биринчи қисса, Тошкент, 1992, 85-бет/. Яна ҳазрати Адҳам достонида ҳам Мақотил қазрати Алини мэнсимай, жанг майдонига киради. Ҳазрати Али зулфиқори билан унинг бошига бир уриб, унинг баҳайбат гавдасини тенг иккига бўлганда ҳам, у бу зарбани қумурсқа чаққандек ҳис қилмай гердайиб ўтиради. Шунда Ҳазрати Али унга, бир силкиниб кўрчи, дейди. Мақотил силкинганде худди тог қулаб тушгандек, иккига бўлиниб ийиқилиб ўлади. Хожа Анушаҳонни мақтаниб жанг майдонига киришини Мақотилга мананд этмоқда.

8. Мирохур — форсча отбоқарлар бошлиғи. Хонга қаршли ҳамма отларга, от анжомларига мутассадди бўлган амалдор. Бу амалга хоннинг энг яқин кишилари тайинлаган.

141-бет

1. Нард — ўйиннинг номи бўлиб, гўё подшоҳ Бузургмечр шахматга қарши бу ўйинни ихтиро қилган эмиш. Нарднинг ўттиз дона соқаси бўлиб, оқу қорага бўялган бўлади.

2. Нисор сочмоқ, ҳурматли кишилар бошига танга, марварид сочиш. Бу ўринда образли ифода бўлиб, марваридларнинг сочилиши баҳор ёмирига ўҳшатилмоқда.

142-бет

1. Гулоб — қон рамзи.

143-бет

1. Зар — бу жумлада Самарқанд вилояти туманларидан бирон қишлоқнинг номи эслатилган бўлиши мумкин.

2. Фаранги — Европа духобалари маъносида.

145-бет

1. Нақиб — Бухоро хонлигидаги қарбий юришлар пайтида қўшиннинг тузилиши, қуролланиши ва жойлашишини назорат қиласиган сайид авлодларига мансуб бўлган кишиларга берилган жуда катта лавозим.
2. Фулодий — Пўлодий — жойнинг, қишлоқнинг номи.
3. Биринчи Маҳмуд — 383 — 421 ҳижрий, мелодий 999 — 1030 йилларда подшолик қиласиган Маҳмуд Фазнавий. Иккинчи Маҳмуд — Маҳмуд парвоначи қатогон. Хожа "Дастур ул-мулук" асарида Маҳмуд қатогонни жуда кўп таърифлайди. Ҳакиқатан у Субҳонқулихон даврида /1702 йилгача/ Бухоро хонлигини мустаҳкамлаш учун жангларда катта қаҳрамонликлар кўрсатган.

147-бет

1. Нур — кейинчалик Нурота деб аталган ҳозирги Нурота тумани.
2. Жалойир — туркий мўгулларга тааллуқли қабиланинг номи бўлиб, қадимги жалойир қабилаларига мансуб бўлган кишилар. Ҳозир Фарғона, Тошкент, Сурхондарё ва бошқа ҳудудларда яшашади.

148-бет

1. Иброҳим — мусулмонларнинг гувоҳлик беришича, Каъба ибодатхонаси ни сув босиб, вайрон бўлганидан кейин Иброҳим пайгамбар келиб, уни яна тиклаган.

149-бет

1. Қонун — чертиб чалинадиган арфага ўхшаш 36 торли катта мусиқа асбоби.
2. Чўпонота — Самарқанднинг шимоли-шарқий томонида 8 км масофада жойлашган тепалик.
3. Тавоғ — бирон нарсанинг атрофидан айланиб юриб, зиёрат қилиш.

150-бет

1. Дубусия — бу қўргон Самарқанд билан Бухоро йўлида жойлашган бўлиб, Қаршининг жануби-гарбидаги 40 км масофада, қадимги вайроналари ҳозир ҳам сақланмоқда.
2. Кеш — қадимий шаҳар номи, ҳозирги номи Шаҳрисабз.

151-бет

1. Суффа одамлари — Муҳаммад пайгамбар билан бирга Маккадан Мадинага кўчган сафдошларнинг бу шаҳарда уй-жойи, маскани булмагани боис Муҳаммад қурдирган мачитнинг суффасида истиқомат қиласиганлари сабабли Суффа аҳли, Суффа одамлари деб аталганлар.

152-бет

1. Жом — Жамшид Жоми — Жамшид номли подшоҳ ясаттирган тилсимли жом. Навоийнинг таърифлашича, Жамшид ҳакимларга буюриб иккита жом ясаттирган, бирининг оти жоми ишратфизой — бу жомдаги май ичган билан тугамас, тўлиқ тураверар ва қийшайтган билан ҳам түкилмас экан. Иккинчисининг оти жоми гиттийномой — бу жомдан май ичган пайтда дунёда юз берган ҳодисалар кўриниб туради экан. Бу жомни жоми жаҳонбини, жоми жаҳоннамо — дунёдаги ҳодисаларни кўрсатувчи жом,

жоми ҳидоят — мажозий, түгри йўлга солиш жоми ҳам дер эканлар. Хожа Самандар асар матнида Жувонбий оталиқнинг адолатлилиги, ҳалоллиги, пок, мусаффо қалбини ана шу иккинчи хил жомга монанд этмоқда. /Навоий асарлари лугати, Т., 1972, 230 бет/.

153-бет

1. Девон — хон саройида дахл-харж дафтарларини, сарф-харажатларни ҳисобга олувчи мансаб, лавозим, маҳкамা.
2. Дафтардор — Бухоро ҳонлигига мамлакатнинг молиявий маблаг, дахл, харжларини, ҳисоб-китобини олиб борувчи жуда катта лавозимда ишловчи киши.
3. Сухайл — Жануб осмонидаги энг ёруғ юлдуз. Мусулмонларнинг гувоҳлик беришича, бу юлдуз Ямандан чиқар эмиш.

155-бет

1. Абужаҳл — /айна/ том маъноси-нодон, жоҳиъ, билимсизликнинг отаси/ Муҳаммад пайгамбарнинг амакиси, исломнинг шаддий душмани Абдуләқим Амир Ҳишомнинг лақаби.
2. Абдураҳмон иби Мулжам — тўртинчи халифа Али қотилининг номи.
3. Шимр — Даشت Карбалода аскарларни бошлаб, жангта кириб, Ҳижрий 61 йилнинг мухаррам ойида (мелодий 680 йил 10 октябрда) тўртинчи халифа Али /656 — 661/нинг ўғли, Муҳаммад пайгамбарнинг набираси Ҳусайнни ўлдирган умавийларнинг иккинчи халифаси Язид /60 — 64/ /680 — 683/нинг лашкарбошиси.
4. Дажжол — мусулмонларнинг ривоят қилишларича, охиразамонда эшак миниб, ҳаммага қарши чиқадиган сохта пайғамбар. Энг ярамас, энг ваҳший, зиёни махлук, инсоният душмани маъносида.
5. Касбий — қадимига қишлоқлардан бўлиб, Насаф — Қаршидан 32 км узоқликда, Бухоро йўлида жойлашган.

156-бет

1. Чуқрабоши — чуҳраогаси қандай маънога эга бўлса, бу тушунча ҳам шу маънога эга /юқорига қаранг/.

157-бет

1. Аргун — 1. Бўш қовоқнинг устидан чарм қоплаб, ичак торлар билан тортиб болланган мусиқа асбобининг номи. 2. Афлотунга берилган лақаб. Али Сайиб чексиз куч-қуватга эга бўлгани боис шу лақаб билан аталган, яъни Афлотунга монанд этилган.

158-бет

1. Миёнкал вилояти — Зарафшон шохобчалари бўлган Қорадарё ва Оқдарё оралиғига жойлашган ҳудуд.
2. Аҳрор — бунда Ўрта Осиёда машҳур Нақшбандия тариқатининг намояндаси, ийрик ер эгаси Хожа Аҳрор /1403 — 1490/нинг авлоди назарда тутилган.

161-бет

1. Ўратепа — қадимий шаҳар, ҳозир Тожикистон республикасининг Хўжанд вилоятига қарашли туман маркази.

2. Сўзангарон — Самарқанд вилояти ҳудудидаги бир қишлоқ. Самарқанд шаҳри ичидаги ҳам Сўзангарон маҳалласи бўлган.

162-бет

1. Қуръон, 7-сурә, 179-оят.

164-бет

1. Ҳинжон — Кобулнинг Шимолий томонида қатогонлар яшовчи Даشت Қипчоқ вилояти ҳудудидаги қишлоқнинг номи бўлиши мумкин.

166-бет

1. Қавс буржи — Қавснинг шакли белидан пастки қисми от қиёфасидаги ўқ отаётган одамдир. Юсуф Ҳос Ҳожиб бу буржни "Ей" ёки Қавс деб атайди. Бу бурж қўёш йили ҳисобида 21 ноябрь — 21 декабрга тўғри келади.

167-бет

1. Қутвол — қинд тилида "қўт" қўргон, "вали" — араб тилида ҳоким, бошлиқ. "Бинобарин, қўргон ҳокими, бошқарувчиси, бошлиғи маъноносини англатади... /Б. А. Аҳмедов, "История Балха", Т., 1981, 173 — 174 бетлар/. Қутвол — тунги қоровулларнинг бошлиғи маъносига ҳам қўлланган /Энциклопедия персидско-таджикской прозы, Душанбе, 1990, ст. 504/. "Темур тузуклари"да мамлакатдаги тартибни назорт қилиб борувчи киши сифатида тасвирланган.

2. Гупсар — қўй ёки қора молни ёрмасдан саноч қилиб шилиб, жунуни тозалаб, ичини ҳаво билан тўлдириб, устига миниб, сувдан, дарёдан кечиб ўтадиган мешга ўхшаган асбоб. Агар дарёдан жуда кўп киши ёки отлар, кўплаб чорва молларни ўтказиш лозим бўлса, қўй ёки қора молнинг бир нечтасини саноч шаклида терлаб олинган терисини ҳаво билан тўлдириб, бир-бирига боғлаб, устига қамиш ташлаб дарёдан, катта сувдан кечиб ўтишган.

168-бет

1. Мулла Сайд Мир Обид Насафий Сайдо Ўрта Осиёнинг машҳур шоири бўлиб, XVIII асрнинг бошларида вафот этган.

169-бет

1. Сиддиқ Муҳаммадхоннинг отаси Субҳонқулихон томонидан ўлдирилиши воқеаси Б. А. Аҳмедовнинг "История Балха" китобида /1981, 116 — 117-бетларда/ аниқ кўрсатилган.

171-бет

1. Ҳулкар — Савр туркумида жойлашган юлдузлар тўдаси. Бу юлдузлар 540 тадан иборат, бироқ оддий кўз билан фақат еттитасини кўриш мумкин. Шунинг учун уни тожик тилида ҳафт додарон — етти оғайни дейдилар. Ҳулкар гуруҳига кирган энг ёруғ юлдуз Қайноқ юлдуз деб номланади. Хожа Шоҳ билан ўғлиниң ҳамжиҳат бўлганиларини образли ифодасида Ҳулкар юлдузлар туркумига ўхшатади, шоҳни эса шуларнинг ўртасидаги Қайноқ юлдузга монанд этади.

2. Юсуф ҳақидаги ривоятларда, достонларда унинг ўгай акалари Юсуфни отамиз биздан кўра купроқ яхши кўради, деб ўйлаб, Яъқуб пайғамбарни алдаб, биз укамизни баҳор пайти чаманзорларни томоша қилдириб келамиз, деган баҳоналар билан олиб кетадилар ва чоҳга ташлаб, оталарига келиб, Юсуфни бўри еди дейдилар. Яъқуб қайгуриб, ўйлайвериб икки кўзи кўр бўлади. Хожа ана шу воқеадан бир образли тимсол сифатида кўрсатган чексиз лутфи, марҳаматларидан ҳатто Яъқуб ҳам Юсуф ҳақида уйлашни тұхтатди, деб тавсиф моҳиятини чуқурлаштиради.

172-бет

1. Филбанд — шахмат ўйинидаги ҳолат. Руҳ ва икки пиёда бир-бирларини қўллаб-қувватлаб мадад берса, филбанд ҳолати юзага келади.

173-бет

1. Даљв — қудуқдан тортиб сув олинадиган чарм идиш-қовға. Қадимги астрономияда Даљв буржининг сурати идишдан сув қўйиб турган бола шаклида тасвиранган. Бу бурж қуёш йили ҳисобида 22 январь — 21 февральга тўғри келади.

2. Ҳут — форсча моҳий, ўзбекча балиқ буржи, ўн икки буржнинг охиргиси. Қуёш йили ҳисобида 21 февраль — 21 марта тўғри келади.

175-бет

1. Бешкент — қадимги шаҳар, бу ўринда ҳозирги Тошкент вилоятининг Пискент тумани.

176-бет

1. Малики Динор — ҳадисларни бошқаларга айтиб берадиган басралик кишининг номи. Шу боис мусулмонлар уни муқаддас, табаррук одам деб ҳисоблар эдилар. 131 /748 — 749/ ёки 137/754 — 55/ йилларда вофот этган.

2. Шоҳрухия — Сирдарёning номи. Оҳангарон билан Чирчик дарёсининг Сирдарё қуйыладиган жойида Эски Тошкент (Бишкент, Банокент деб ҳам айтилади) шаҳри бор эди. Уни Чингизхон 1219 йили вайрон қилиб ташлаган. XIV асрнинг 80-йилларида Амир Темур ушбу шаҳарни қайта тиклади ва кенжә ўглиниң шарафига Шоҳрухия деб ном қўйди. Ҳозирги Оққўргоннинг Султон Сегизбоев номли давлат хўжалиги худудидаги улкан тепалик остида бу шаҳар мангу уйқуда ётибди. Сирдарёning номи ҳам шу шаҳар номи билан "Шоҳрухия" деб аталган. (Қаранг: Бўрибой Аҳмедов. "Амир Темурни ёд этиб" китоби, 1996, 157-бет.)

181-бет

1. Сол — ёғоч, қамишлардан ясалган, сув юзида юк, одамларни ташийдиган қайиқ, кема.

2. Анҷӯд — Афғонистоннинг шимолидаги қадимий шаҳар, ҳозирги номи Адҳой, Балҳдан 215 км гарбда катта карвон йўлида жойлашган. /Б. А. Аҳмедов, "История Балха" китоб. Т., 1981, 32-бет/

3. Боломургоб — Хурсоннинг қадимий хушманзара шаҳри.

182-бет

1. Сунбула — ўн иккита юлдуз тўпи буржининг олтинчиси бўлиб, қуёш йили ҳисобида 21 август 21 сентябрга тўғри келади. "Қадимги астрономи-

яда ҳар бир буржни номлашда унинг шакли, кўкда турган ўрни ва ҳаракат хусусиятларининг акс этиришга эътибор берилган". /Ҳамидулла Дадабоев, "Боболаримизнинг юлдуз илми", "Ёш куч" журнали, 2-сон, 1991 йил/ Сунбуланинг сурати қўлида бошоқ ушлаб турган қиз шаклида бўлгани боис шу ойда одамлар бугдойни йигиб, гамлаб, заҳира қилганликларига дикқат жалб этилмоқда.

2. Жавзо — арабча атама бўлиб, лугавий маъноси бели оқ-кора қўй деганидир. Қадимги астрономияда тасвирланишича шакли эгизакдир. Шу боис форс-тожик тилида "Дупайкар", Маҳмуд Қошгарий "Эрантуз", Юсуф Хос Ҳожиб "Эрандиз", Насриддин Рағузий "Эранданд" ва "Жавзо", Алишер Навоий "Икки пайкар" ва "Жавзо" деб атаганлар. /Куёш йили ҳисобида 21 май — 21 июня тўғри келади/. Ҳожа шу ойнинг ўзига хос хусусияти, арпа ўримининг бошланиши ва унинг номидан келиб чиққан ҳолда одамларнинг арпани гамлаб қўйганликларига ишора қилмоқда.

3. Сомон йўли — Шимолий Қутбдан Жанубий Қутбгача энг катта айланма ҳосил қилган иккита алоқида тармоқ ҳолида чўзилган ҳисобсиз хира юлдузлар нуридан ташкил топган ва коинотни белбог каби ўраб олган ёруг йўл — Сомон йўли юлдузлар системасидир. Ҳожа ерда, йўлда, далада сочилиб ётган сомон толаларини шу юлдузнинг ҳолатига монанд этиб, ундан бир образли тимсол сифатида фойдаланган.

4. Куёш ҳўқиз шаклида бўлган Савр /куёш йили ҳисобида 22 апрель — 21 майга тўғри келади/ юлдузлар туркуми буржи устига келганда, семириб етилган ҳўқизни;

5. Куёш Қўзи /қўй/ шаклидаги ҳамал (22 март — 21 апрелга тўғри келади.) юлдузлар туркуми бури устига келганда қўзини эслатади.

6. Куёш белидан қуйи қисми балиқ қуйругидан ташкил топган улоқ /эчки/ тасвири туширилган жадди /22 декабрь — 21 январга тўғри келади/ юлдузлар туркуми буржи устига келганда улоқни бирга қўшиб сўйиб, жавзо /22 май — 21 июнь/ юлдузлар туркуми буржи устидан ўтказиб;

7. Куёш Саратон /22 июнь, 21 июль/ юлдузлар туркуми буржи устига етиб келганда, саратоннинг иссиқ тафтида қовуриб, қовурдоғ қилинган гўштни дастурхонга қўядилар,— деган жумлаларни қўллаш билан Ҳожа Самандар Боломургоб ҳалқининг яшаш учун зарур бўлган бугдой, арпа, сомон ва гўштни олдиндан гамлаб қўйишларини чуқурроқ муайянлаштириш мақсадида мазкур юлдузлар туркуми буржларидан бир рамз сифатида фойдаланиши воситасида одамлар дикқатини ёз ойларида қиши гамини еб қўйишга жалб этмоқда /Қаранг: Ҳамидулла Дадабоев, "Боболаримизнинг юлдузлар илми" номли мақоласи, "Ёш куч" журнали 1991, 2-сон, 22 — 23-бетлар/

8. Удайчи — келган элчиларни ёки хон ҳузурига кириши лозим бўлган маҳсус шахсларни, хондан рухсат сўраб, подшоҳ турадиган охирги хонага кузатиб қўядиган сарой хизматкори.

183-бет

1. Руҳ — ислом дини ақидаларига кўра одам ўлгандан кейин, унинг руҳи шу одамнинг жисмини тарқ этиб, учиб кетади. Ҳожа Самандар Термизий ҳам шу ақидага асосланиб, жангда ҳалок бўлганларнинг руҳи, лочин қуши каби, осмонга уча бошлайди, дейди.

2. Шаҳбоз — лочин қуши.

184-бет

1. Бу сўз диний, маънавий устоз-мураббий маъносида қўлланган бўлиб, машҳур шайх Баҳовуддин Нақшбандийнинг фахрий шарафли номидир.

2. Шашдар — тушунчасида "бемалол кириб келиш ва чиқиб кетиш учун йўл очиб бериш" маъноси ифодаланган. Шашдар нард ўйинидаги ҳолат

бўлиб, бир мухолиф ўз соққалари билан ўйин таҳтасидаги олтида катагини ҳам банд этиб рақиби соқаларининг ҳамма йўлларини бекитиб жилдирмай кўёди. Бу ифоданинг кўчма маъноси "ҳеч иложсиз қолиш" демакдир.

187-бет

1. Чачекта — Мургобдан 60 км Шарқда, Балх билан Ҳиротни боғлаб турган катта карвон йўлида жойлашган шаҳарнинг номи. /Қаранг: Б. А. Аҳмедов, "История Балха", Тошкент, 1982, ст. 42-43/.
2. Маймана — Афғонистон ҳудудидаги Балхнинг гарбида жойлашган вилоятнинг номи.

191-бет

1. Бу образли ифодада муаллиф оламни ёритувчи иккинчи соҳибқирон Субҳонқулихонни таърифлаш орқали оламга донг таратган биринчи соҳибқирон Амир Темур эканлигини муайянлаштирум оқда.
2. Жумодул-аввал ойи — бу ўрнида қуёш иили ҳисобида 22 декабрь — 21 январга тўғри келади.
3. Ҳомий — Бухоронинг жануби-шимолий томонида 10 км масофада жойлашган аҳоли яшайдиган қишлоқнинг номи.

192-бет

1. "Давр гўзалларининг юзи" жумласи образли ифода бўлиб, араб тилида қуёш аёллар жинсига мансуб бўлгани учун, муаллиф қуёшни гўзал маҳбубага қуёш юзидаги холга ўҳшатмоқда.
2. Қуръон, 12-сурә (Юсуф сураси), 84-оят.
3. Қоровул работи — Бухородан 40 — 45 км масофада Қарши йўлида жойлашган қишлоқнинг номи, ҳозирги Қоровулбозор темир йўл бекати.

193-бет

1. Бўзачи — Қоровул работининг рўпарасида жойлашган Бухоро билан Қарши йўлидаги қишлоқ.
2. Сафо ва Марва — Макка ёнидағы муқаддас тепаликлар номи.

194-бет

1. Қақир сардобаси — Бухоро ва Қарши йўлида Бўзачи қишлоғидан 15 — 16 км масофада жойлашган. Сардоба — қудук ёки сув ҳавзаси, усти гишт билан гумбаз шаклида ёпилгани боис шамол эсиб турганлигидан унинг суви доим муздай бўлиб туради. Йуловчилар сарdobанинг зинапояларидан тушиб муздек бўлиб турган сувдан ичишган.
2. Бу тасвирда образли ифода қўлланган бўлиб, қумри /қуш/нинг бўйнидаги ипга монанд айланма қора ранги подшоҳ оти бошидаги юганга монанд этилмоқда. Муаллиф Хуррам Ҳожининг хонга бўлган чин садоқати ва итоаткорлигининг маъносини кучайтириш учун подшоҳ отининг юганини қумрининг бўйинбоги сингари ўз бўйнига солди, яъни итоат, садоқат юганини ўз бўйнига солди демоқчи.

195-бет

1. Журғоти — бизнингча, қадимий Қарши шаҳри атрофидаги ёхуд бозорга яқин жойнинг номи бўлса керак.
2. Гужарот — Ҳиндистондаги Қатҳёвор ярим оролидаги ҳудуднинг номи. Бизнингча, муаллиф Хуррам ҳожининг хонга бўлган садоқатини бургириб кўрсатиш мақсадида тасвирнинг муболага усулидан фойдаланиб, мазкур ҳожини Қаршидаги Журғати деган жойдан узоқ Ҳиндистоннинг Гужарот

деб номланган жудудыгача ҳар хил матоҳлар билан тўлдириди демоқчи бўлса керак. /Муҳаммад Авфий Бухорий /1172 — 1177/ ўз юртидан Ҳиндиистонга кетиб қолгач, бироз вақтдан сўнг, катта обрў-эътиборга молик бўлиб, шу ўлкада — Гужартода қозилик лавозимида ишлаган/.

3. Харвар /ботмон/ — оғирлилк ўлчови, айнан маъноси "эшак юки" демакдир. Бир харвар — ботмон 10 пуд, 160 кг, бир эшак кўтарадиган юк. Бироқ М. Н. Осмонов "Синбаднома"нинг рус тилида қилган таржимасида берган изоҳида харвар Эронда оғирлик ўлчови бўлиб, тахминан 300 кг юкдир /Энциклопедия персидско-таджикской прозы, Душанбе, 1990, ст. 501/.

196-бет

1. Ҳақиқат — руҳий камолотга — худога эришув мақомининг биринчи босқичи ҳақидаги суғизм таълимоти.
2. Тариқат — руҳий камолотга — худога эришувнинг иккинчи босқичи ҳақидаги суғизм таълимоти.

197-бет

1. Бесутун — Эрондаги тоғнинг номи. Ахмонийлар сулоласидан бўлган Доро I /521 — 486/нинг машҳур ёзуви шу тоққа ўйиб ёзилган. Шу боис у бадний адабиётда Ширин топшириғига биноан Фарҳод Бесутун тоғидан сут аригини қазиб ўтказиши, тоғнинг баланд қиррасида сут ариги расмини нақш этиш ривотларининг яратилишига асос бўлган.

2. Флатон — Платон (Афлотун) ҳадимги юонон файласуфи.

201-бет

1. Фатҳобод — Бухоронинг Қарши дарвозасининг Шарқий томонида бир км масофада жойлашган қишлоқ номи.
2. Қорун — Қуръоннинг 28-сураси, 76-оятида тасвирланишича, Шарқда бениҳоят бойликка эга бўлган машҳур одамнинг исми. У шу қадар катта, бедисоб бойликка эга бўлганки, ҳатто дафинасининг калитларини кўтариб юриш учун бир жамоа кишиларни тайинлаган. Охири Мусо пайғамбарга ишонмагани, унга душманлик қилгани учун уни ер ютган.

204-бет

1. Тараб — Бухородан 20 — 30 км.Хуросон йўлидаги қадимий қишлоқ.

205-бет

1. Ҳожи Маъсум мироҳур муаллифга юртдош бўлиб, унинг тўла номи ҳожи Маъсум Мироҳур сарой Термизийдир. У 1694 — 1695 йилларда Насаф /Қарши/ вилоятига ҳоким этиб тайинланади. Самандар Термизий ўз асари "Дастурул-мулук"ни шу йилларда тартиб берган.

207-бет

1. Нахшаб ойи — ривоятларга кўра сохта пайғамбар ибн Муқанна Нахшабнинг қудугидан ойни чиқарип олгани сабаб у "Нахшаб ойи" номи билан машҳур бўлган ва бу ном форс-тожик шоирларининг шеърларида қўллайдиган энг яхши метафораси булиб қолган. Форс-тожик адабиётини мукаммал билган Хожа Самандар Термизий ҳам бу анъанани давом эттириб, ўз юртдоши Маъсум Термизийга Нахшаб ойини кўриш насиб этди, демоқчи.

210-бет

1. Ёри — Зарафшон дарёсининг ўнг қиргогида жойлашган қишлоқ ҳудудидаги қадимий қалъанинг номи.

211-бет

1. Тажнис — сўз ўйини, адабий санъат.

212-бет

1. Муҳаммад Фиёсiddин "Fiёs-ул-луғат" асарида бу тушунчани қуйидагича шарҳлаган: "Рамазон арабча рамаз сўзидан олинган бўлиб, куймоқ маъносини англатади, чунки рӯза гуноҳларни кўйдирадиган ой бўлгани боис шундай ном билан аташ маъқул деб топилган" /Бу фикр юлдузлар илми рисоласида батафсил, тўла, ишончли қилиб ёритилган./ /Биринчи китоб, Душанбе, 1987 йил, 377-бет/.

213-бет

1. Мирза Юсуф ўз хатида Хож Самандарни оловқалб адаб эканлигини, сўз санъати бобидаги юксак маҳоратини таъриф-тавсиф этмоқда.
2. Мусо — мусулмонларнинг нақл қилишларича, ўз кафтидан /қулидан/ турли-туман мўъжизалар яратган эмиш.
3. Исо ўз нафаси билан ўликларни тирилтириш қобилиятига эга бўлганингига ишора қилинмоқда.
4. Бу ўринда Юсуф ҳақидаги афсона ва ривоятларга ишора қилинмоқда. Юсуфнинг ўғай акалари оталари Яъқуб пайгамбарни алдаб, уни олиб чиқиб кетиб, қудуққа ташлаб, оталарига келиб, Юсуфни бури еди,— дейдилар ва бу фикрларининг исботи учун қонга беланганд унинг кўйлагини оталарига кўрсатадилар.

214-бет

1. Тамуз — Сурия ҳисоби бўйича ўнинчи ойнинг номи, июль ойига тўғри келади.

216-бет

1. Бу жумлада лафзий санъатининг сўз ўйинидан фойдаланилган бўлиб, муаллиф бир тушупча орқали икки маънони англатмоқда. Биринчиси, Юсуф ҳақидаги ривоятлар, достонлардаги адабий тимсол Юсуф ўз отасини Яъқуб кўзининг нури эканлигига, иккинчисида образли ифода сифатида сўз чаманининг кўз нури деб таърифланадиган Мирзо Юсуфга эътибор жалб этилмоқда.
2. Мужавир — мозорни ўзига маскан қилиб олиб, садақа ҳисобида яшовчи художўй дарвеш.
3. Сўз — дурдонага, олтинга монанд этилмоқда.

218-бет

1. Абу Дардий — Муҳаммаднинг сафдошларидан бири бўлиб, пайгамбарнинг ҳамма юришларида иштирок этган. Унинг ҳаёти ҳақида аниқ маълумот йўқ, VII асрнинг 50-йилларида вафот этган.
2. Булутлар Кайковуси — Эрон мифологиясига таалуқли бўлиб, қаёнийлар суоласининг иккинчи подшоҳи. Адабий анъаналарга кўра у булутлар подшоси тимсоли сифатида тасвирланади.

219-бет

1. Ривоятларда ва достонларда тасвирланишича, Яъқуб севимли ўғли Юсуфдан ажралғаңдан сұнг, уннинг ҳасратида йиглай бериб, икки күзи күр бўлади, Зулайҳо Юсуфнинг ёқасини йиртиб унга тухмат қиласди, уннинг оловли ишқида куйганлигидан ўзининг ёқаларини ҳам чок этади. Самандар мазкур тасвирда боқقا кириб келган йигит билан Юсуфни қиёслайди, аммо гўзалликнинг тимсоли бўлган юзта Юсуфни ҳайратда қолдирган бу барно йигитнинг кимлигини айтмайди. Балки боғда юз кўрсатган гўзл, пок юзли йигит оллоҳнинг рамзий тимсолидир, балки ўз ҳамфикри Мирза Юсуфдир, ёхуд хаёлий, рамзий тимсолдир. Қуида шу йигит халқни ғам-ҳасратдан холос этадиган бир китоб ёзиши Хожага эслатади.

220-бет

1. Тазарв — тустовуқ, қирғовул.
2. Ёсуман — хуш ҳидли оқ ва сарық тусли гул /жасмин гули/.
3. Ҳұтан — Шарқий Туркистон, Ҳұтан мушки бутун Шарқда шуҳрат қозонган.
4. Маллоҳ — денгиз кемасининг боқарувчиси.

221-бет

1. Матлаъ — 1. Қуёшнинг чиқадиган жойи; 2. Шеърий сатрнинг аввалги икки мисраси.
2. Мақтаъ — шеърий сатрнинг охирги икки мисраси.
3. Лавҳи-боби-лавҳасида нур таратиб турган юз қитъаси бор. Мирза Юсуфнинг бу маълумоти инобатта олинса, Малеҳо Саманқандийнинг "Музаккир-ул-асҳоб" тазкирасининг ҳошиясида: "Хожа Самандар 1734 йилда Анисул-Фуқаро /Фуқаролар дўсти/ номли асарни ўз қўли билан ёзган" деган хабар рост эканлигига ишонч ҳосил мумкин.

222-бет

1. Ҳайдарийлар — бу ҳақда аниқ бир фикр айтиш қийин. Суннийлар нуқтаи назари бўйича шияларнинг суннийларга қарши исёни ҳақида бўлиши мумкин. Ҳайдар — тўртгинчи халифа Алининг лақаби.
2. Ривоятлар ва қадимги афсоналарга кўра, одам қалбининг марказида бир қора нуқта (сувайдо) бор эмиш.

229-бет

1. Қўноқ — тариққа ўхшаган дон. Ундан ҳам зогора иони қилинади. Бироқ тариқнинг бошоги сочилиб туради, қўноқнинг бошоги худди кийим почасига, этакка ёпишиб, одамларни безор қиладиган ёлғон қўноқнинг бошогига ўхшаш узунчиқ бўлади. Аммо дон сифатида экиладиган қўноқнинг ўзунчиқ бошоги тўқ зич, сарғиш-оқ бўлади. Ҳозир бу дон экилмайди.

230-бет

1. Сунбула — юлдузлар буржи туркуминнинг олтинчиси бўлиб, уни араб тилида сунбула, форс тилида хуша, ўзбек тилида бугдой боши деб ҳам атайдилар. Бу қуёш ийли ҳисобида 22 августдан 21 сентябрь кунларини ўз ичига олади. Аммо матндан сунбула сўзи образли ифода бўлиб сўз ўйини сифатида /Қаранг, А. Фитратнинг адабиёт қоидалари, Т., 1995, 76-бет/ икки маънида қўлланган. Биринчиси, бошоқ, яъни ёмғирнинг ёғмаганлиги, куннинг жазирама иссигидан сомонга айланиб қолган бугдой

ва арпа бошоқлари ва иккинчиси, "Қари қиз" юлдузи туркуми назарда тутилмоқда. Чунки қурғочилик туфайли август ва сентябрь ойларида бүгдой ва арпа пояларида самонга айланиб қолган бошоқдан бошқа бирор дон қолмаганлығы, осмонга учған вахм қуши — "Қари қиз" /Сунбула сурати құлида бүгдой бошогини ушлаб турған қиз шаклида тасвирланғанлығы сабаб уни "Қари қиз" юлдузи ҳам дейдилар/ юлдуз ерда сомонга айланиб қолган бошоқдан бошқа бирор дон күрмади маъносидаги ифодаланмоқда.

237-бет

1. Қосид — хабарчи, элчи.
2. Айюб алайхиссалом — ҳазрати Иброҳим авлоди, азоб-уқубатга бардош берган солиқ одам /Инжил, Стогольм 1992, 359-бет, шу асар, Библия лугати 1-бет/. Мусулмонлар ривоятига кўра Айюб пайғамбар жуда оғир касалликка йўлиқиб, қуртларга ем бўлиб турганида ҳам, бу оғир жазо Оллоҳдан эканлигини англаб, зорланмай, товуш чиқармай, сабр-тоқат қилиб бош эгиб ўтиради. /Қаранг: Куръон, 38-сурә, 41 — 44-оятлар, 21-сурә, 84-оят/ Хожа Самандар бу жазо ҳам худо Ёқубга насиб этган жазоси эканлигини ва унинг Айюб алайхиссаломдек сабр қилишини ойдинлаштирумокда.

240-бет

1. Бадель — гўзал, нағис маъносидаги.
2. Ботини — ичи, кўнгли, зоҳирнинг зидди маъносидаги.
3. Миср — Миср Азизий, "Юсуф ва Зулайҳо" достонидаги тимсол. Зулайҳонинг эри Миср шоҳи Райёнинг вазири шеърда образли ифода сифатида азизликни /қозилик мансабини/ андиша қилмади, маъносидаги ўлланган.
4. Асар матнида "хонидан" деб ёзилган сўз "дастурхонидан" маъносидаги ўлланмоқда. Дастурхон олиҳимматлиликтининг тимсоли бўлганлығиги боис асар муаллифи: "Қози Баъдеда олиҳимматлиликтан нишона йўқ эди", — демоқчи.

241-бет

1. Карк — говмиш ёки филмонанд ҳайвон, Ҳиндистонда Генда деб номланади.

242-бет

1. Олуд — қорилган, суртилган, аралашган маъносидаги.

243-бет

1. Капсан /кесан/ — хирмон кўтарилилган пайтда сотиладиган галладан олинадиган ҳақ.

244-бет

1. Куръон, 6-сурә, 94-оят /Аллоуддин Мансур таржимаси, Т., 1992 йил/.
2. Куръон, 18-сурә, 78-оят.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши. Жаббор Эсонов	3
Дастур ул-мулук	59
Биринчи фасл. Адолат ҳақида	62
Иккинчи фасл. Жасорат ҳақида	67
Учинчи фасл. Мулозимларга муносабат ҳақида	71
Тўртинчи фасл. Мулозим сақлаш ҳақида	73
Бешинчи фасл. Юмшоқ табиатлилик ва сабр-қаноат ҳақида	76
Олтинчи фасл. Элчининг сифати ҳақида	80
Еттинчи фасл. Душман сўзига ишонмаслик ҳақида	81
Саккизинчи фасл. Маслаҳатнинг фойдаси ҳақида	83
Тўққизинчи фасл. Подшоҳ марҳаматидан магрур бўлмаслик ҳақида	87
Ўнинчи фасл. Вазир ҳақида	91
Ўн биринчи фасл. Ўйлаб гапириш ҳақида	94
Ўн иккинчи фасл. Ёмон одамлардан сақланиш ҳақида	98
Ўн учинчи фасл. Ҳасаднинг зарари ҳақида	103
Ўн тўртинчи фасл. Сабр-тоқатнинг натижаси ҳақида	104
Ўн бешинчи фасл. Худога ишониш, умид қилиш ҳақида	105
Ўн олтинчи фасл. Қариларнинг ёшларга насиҳати ҳақида	109
Ўн еттинчи фасл. Сафарнинг натижаси ҳақида	113
Ўн саккизинчи фасл. Сафарнинг маън этилиши ҳақида	115
Ўн тўққизинчи фасл. Қариллик ҳақида	117
Йигирманчи фасл. Ишқ ҳақида	119
Йигирма биринчи фасл. Давр тонги ёришиб, салтанатнинг жаҳонбиилик насими тоза ва хушбўй ҳидларини таратиш билан хилофат тахтида кўринган офтоб (Субҳонқулихон) ўзининг қудратли нурини соча бошлаганидан кейин юз берган воқеалар тўгрисида	123
Мулоқотлар	211
Йигирма иккинчи фасл. Дунёнинг бевафолиги ҳақида	242
"Дастур ул-мулук" асари ва унинг таржимаси. Аҳмад Абдуллаев	247
Изоҳлар	251

Адабий-бадиий нашр

Хожа Самандар Термизий

ДАСТУР УЛ-МУЛУК

(Подшохларга құлланма)

Мұҳаррир Усмон Құчқор

Рассом Т. Герасимова

Расмлар мұҳаррiri А. Ківа

Техн. мұҳаррир Т. Смирнова

Мусаххиқ Ш. Собирова

ИБ 5589

Босмахонаага 02.04.97да берилди. Босишига 15.05.97да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32. 2-нав босмахона қозози. Тип Таймс гарнитура. офсет босма. 14,28 шартли босма тобоқ. 16,0 нашр босма тобоги. Жами 10000 нұсқа. 1545 рақамли буюртма. Бағоси шартнома асосида. 7-97 рақамли шартнома.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қумитасининг Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент. Навоий күчаси, 30.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. 700083, Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" күчаси, 41 уй.

180p

خواجہ سمندر ترمذی

دستور
الملوک

